

Dunyo
adabiyoti
kutubxonasi



ХОЛИД ҲУСАЙНИЙ



Тоғлар ҳам
садо берди



ХОЛИД ҲУСАЙНИЙ



Тоғлар ҳам
садо берди

Тошкент 2016



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

УЎК: 821.512.133-3

КБК:84(7)

Ҳ – 94

Ҳусайний, Холид

Тоғлар ҳам садо берди: роман. Холид Ҳусайний / Инглиз тилидан Мунира Норова таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 240 б.

ISBN 978-9943-27-759-5

Америкалик афғон адиби Холид Ҳусайний навбатда эътиборингизга ҳавола этилаётган асари орқали яна ўша мавзуга – уруш ҳаётини барбод қилиб юборган инсонлар тақдирига муурожаат қилади. Бу гал асарда яхлит бир қаҳрамон йўқ. Пари, Абдулла, Парвона, Наби, Маркос, Адел, Идрис, Ваҳдатилар – уларнинг ҳар бири ўз тақдири мисолида яшаётган жамияти, ўзини ўраб турган ижтимоий муҳит ҳақида ўқувчида маълум тасаввур уйғотади.

Онаси дан ёлғиз ёдгори – сингисини ўз бағрида улғайтирган, аммо кейинчалик болалик хотиралари бутунлай унут бўлган ҳолда, бошқа она бағрида улғайган қиз тақдири; ўз виждони олдида покланишни истаган, биргина мактуб орқали қалбидаги ҳақиқатларни ошкор қилган Наби ҳаёти; юзларини ит таниб бўлмас даражага солган қизининг келажак ҳаётини бутунлай дугонаси измига ташлаб, «ошиғи» ортидан кетган аёл қисмати – уларнинг ҳаммаси ҳақида ушбу китобда ўқийсиз.

Инглиз тилидан
МУНИРА НОРОВА
таржимаси

ISBN 978-9943-27-759-5

© Холид Ҳусайний, «Тоғлар ҳам садо берди». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

I

1952 йил. куз.

Демак, эртақ эшитгингиз келяпти. Сизга бир эртак айтиб бераман. Фақат бир донагина. Иккалангиз ҳам бошқа сўрамайсиз. Кеч бўлди, сен билан узоқ сафар олдида турибмиз, Пари. Бу тун яхши ухлаб олишинг керак. Сен ҳам, Абдулла. Синглинг билан мен сенинг ёрдамингга ишониб қоламиз, болам. Онанг ҳам сенга суянади. Энди эса эртакни бошлайман. Гапимни бўлмай, яхшилаб тинланг.

Қадим ўтган замонда ер юзида девлар-у жинлар, баҳайбат мавжудотлар кезиб юрган даврларда Аюб Бобо исмли деҳқон яшаган экан. У оиласи билан Майдан Сабз деб номланган миттигина қишлоқда умргузаронлик қилар экан. Катта оиласини боқаман деб Аюб Бобонинг кунлари оғир меҳнат остида ўтиб борар, ҳар куни саҳардан то шомга қадар ер ҳайдаб ер ағдарар, нимжон писта дарахтларини парвариш қилиб тер тўкар экан.

Қишлоқ аҳолисининг барчаси оғир ҳаёт кечирар эдилар. «Кўм-кўк дала» маъносини англаган Майдан Сабз тариқча ҳам ўз номига ўхшамаган хароба бир жой эди. Серқоя тоғлар занжири билан қуршалган қақраган бир текисликда жойлашган эди. Қайноқ гармсел қум зарраларини юзга уфурар, қишлоқдан ярим кунлик нарида жойлашган ягона дарё ҳам йиллар ўтган сайин қуриб борарди. Шундай бўлса-да, Аюб Бобо Майдан Сабзда се-

вимли рафиқаси ва бир-биридан ақлли, одобли уч ўғил-у икки қизалоғи билан бахтли ҳаёт кечирар эди. Фарзандлардан энг севимлиси – кенжатоғ Қайс эди. Уч яшар Қайс кўзлари тиниқ тўқ зангори жимитдек бола бўлиб, ширин кулгиси билан учраган одамни мафтун қиларди. Оёғи чиқиб, илк қадамларини ташлай бошлагач, юришдан завқ олган Қайс уззукун тинмай юрарди. Сўнгроқ эса тунлари ҳам ухлаб туриб, юриб кетадиган одат чиқарди. Лой кулбасидан киши билмас чиқиб қоронғилик қўнига сингиб кетарди. Оиласи бундан ташвишга туша бошлади. Йиқилиб-қоқилишидан, тунда йўқолиб қолишидан юрагини ҳовучлаб яшай бошлаган эр-хотин турли-туман дори-дармонни қўллаб қўрдилар. Ҳеч бири даво бермади. Шунда Аюб Бобо бир содда усулни ўйлаб топди. Эчкисининг бўйнидаги жажжи қўнғироқни олиб, Қайсининг бўйнига тақиб қўйди. Шундай қилиб, Қайс ярим тунда ўрнидан туриб кетса, қўнғироқча овози уйдагиларни уйғотар эди. Шу-шу гўдак қўнғироқдан бир он бўлса-да ажралмай ўсди, уйқусида юриб кетишлар ҳам барҳам топди.

Афсуски, Абдулла, Пари, тоғ ортидан қадамлари ерни титратиб, гулдурос овози Майдан Сабз аҳлини ваҳмга солиб бир кўзли дев тушди-ю Аюб Бобонинг бахтли кунлари ўз поёнига етди. Қўрқувга тушган одамлар уйларига қамалиб олдилар. Улар дев нима сабабдан келганини яхши билишарди. Дев қай бир уйнинг томини қоқса, ўша оила бир фарзандини девга топширишга мажбур эди. У болани олиб, келган жойига қайтиб кетарди. Фариб ота-она эса фарзандини қайтиб қўрмас эди. Агар оила фарзандларидан бирини беришдан бўйин товласа бу баҳайбат мавжудот оиланинг бор фарзандидан жудо қиларди. Дев болаларни қаерга олиб кетарди, дейсизми? Баланд тоғ чўққисидаги

қалъасига. Қалъа Майдан Сабздан анча олисда, бепоен далалар, чексиз саҳролар, осмонўпар тоғ тизмалари ортида жойлашган эди. Кимса унинг худудига қадам қўйишга журъат қилолмас эди.

Менимча, дев қайси уйнинг томини қоққанини фаҳмладингиз. Аюб Бобо ва унинг хотини қайғудан толдек титради. Болалар уввос тортиб йиғлай бошлади. Дев саҳаргача вақт берган эди. Мушфиқ эр-хотин болаларнинг ҳеч биридан кўзи қиймай, танлашда қийналишарди. Охир-оқибат оила бошлиғи ҳовлидан бир хил ўлчамда беш дона тош тегиб келиб, уларнинг ҳар бирига фарзандларининг исмини алоҳида ёза бошлади. Сўнг тошларни бир қопчага солиб, аралаштирди-да, хотинига узатди.

«Ундай қилолмайман, – зор қақшади она. – Мен бунга чидай олмайман» «Мен ҳам», – деди ота. Аммо шарқ томондан тепаликлар ортидан қуёш бош кўтарай деб турган, вақт етиб келган эди.

Иложсиз қолган Аюб Бобо кўзларини чирт юмди-да, қопдаги тошлардан бирини олди. Тошга ёзилган исмга кўзи тушди-ю, ўкириб юборди. Бу оиланинг севимлиси кенжатой Қайс эди. Юраклари пора ота кенжасини кўтарганида, ҳеч нарсадан хабари йўқ Қайс отасининг бўйнидан шодон қучиб олди. Унинг бахтиёрлиги отаси уни ташқарига чиқариб қўйиб, эшикни ёпиб олганида нима бўлганини англаб етгунига қадар давом этди, холос. Гўдак жон ҳолатда жажжи мушти билан эшикни уриб, ичкарига киришни ўтиниб сўрар экан, Аюб Бобо кўзларидан шашқатор ёшлар оқизиб, «Кечир мени, кечир», дея тинимсиз шивирлар эди. Бирдан ерлар девнинг оёқ зарбидан титраб, улкан қадам товушига гўдак чинқириғи қоришиб кетди. Лаҳза ўтмай бутун борлиқ сукунат остида қолди. Аюб Бобо эса ҳануз Қайсдан афв сўраб юм-юм йиғларди.

Абдулла, синглинг ухлаб қолди. Оёқларини кўрпага ўраб қўй. Шундай. Яхши. Эртакни шу ерда тўхтатсам ҳам бўларди. Йўқми? Давомини эшитгинг келаяптими? Майли.

Қаерга келиб қолган эдим? Ҳа, ёдимга тушди. Қирқ кун болага аза тутилди. Қўшнилари ҳар куни чуқур ғуссада қолган бу оиладан хабар олар, ҳар ким қурби етгунича нимадир кўтариб келар эди. Аюб Бобо бу азобга ҳеч кўна олмас, бир бурчакда туз тотмай сассиз ўтирар эди. Орадан йиллар кечди. Аюб Бобонинг қайғуси ортса ортдики, ҳеч камаймади. Ҳануз Қайсни унута олмай, телбасифат бир кўлкага айланди. Кунлардан бир кун Аюб Бобо тонг саҳардан оёққа қалқиб, қопини нон бурдалари билан тўлдириб, уйдагиларига билдирмай сафарга отланди. У узоқ йўл босди, пойабзали титилиб кетгач, уларни чилвир билан маҳкамлаб олди. У ҳам дош бермагач, яланг оёқ йўлида давом этди. Ва ниҳоят дев қалъаси қад ростлаган ўша тоғ чўққисига етиб келди. Аюб Бобо қалъанинг баҳайбат дарвозасига тош улоқтирган эди, девнинг гумбурлаган товуши келди: «Ким бунга журъат этди?»

Аюб Бобо ўзини таништирди. «Нега келдинг? Ўлгинг келдимми?» – ғазабланди дев. «Ўлдиргани келдим», – деди Аюб Бобо тап тортмай.

Дарвозанинг нариги томонида бир зум сукунат чўқди. Сўнг дарвоза ғийқиллаб очилиб, махлуқнинг даҳшатли ҳайбати Аюб бобонинг боши узра пайдо бўлди. «Шундайми?» – чақмоқдек гумбурлади махлуқ. «Ҳа! Бугун иккимиздан биримизнинг ҳаётимизга нуқта қўйилади», – деди Аюб Бобо. Дев бу майда махлуқотни бир ямлаб ютиши учун бир лаҳза кифоя эди. Аммо негадир у иккиланиб қолди. Балки бунга сабаб Аюб Бобонинг телбаларча жасорати сабаб бўлгандир. Улар узоқ суҳбатлашишди. Ниҳоят дев отага ўғлини кўрсатишга рози

бўлди. Махлуқ уни маҳобатли бир хонага бошлаб кирди. Хонанинг тўрида парда тортилган эди. Дев пардани тортиб очди. Аюб Бобонинг кўз ўнгида анвойи гулларга тўла, ҳар қадамда зилол булоқлари бор, мрамар кўшкли кўм-кўк улкан боғ намоён бўлди. Дарахтлар тагида қувнаб чопқиллаб юрган болалар орасида ўғли Қайсга кўзи тушди. Болалар ораста кийинтирилган эди. Аюб Бобо ўғлини уйга олиб кетишни истади. Дев унга бир қумсоат берди. «Майли, олиб кетишингга рухсат бераман,» – деди дев. – Аммо соатдаги қумлар тўкилгунича обдан ўйла. Агар олиб кетишни танласанг, у бу ерга сира қайтиб келмайди. Агар қолдиришни танласанг, сен бу ерга сира қайтиб келмайсан». Бошда ўғлини сўзсиз олиб кетишга тайёр турган ота, бир оз ўтиб ўйга толди. Ортда ўғлини қанчалар оғир ҳаёт, ўзи ва бошқа деҳқонлардаги каби қашшоқлик кутаётганини эслаб, сиқилди. Бу ердаги тўқис ҳаёт ўғли учун минг чандон афзаллигини билгач, ота юрак-бағри эзилиб ўғлини қолдиришга қарор қилди. Кетар чоғ дев қўлига бир шишада суюқлик бериб, сафари давомида ичиб боришни тайинлади. Узоқ вақт йўқ бўлиб кетган отани оиласи интиқиб кутиб олди. Ҳамқишлоқларининг «Қаерга кетган эдинг?», «Сенга нима бўлди?», «Нималарни кўрдинг?» деган саволларининг ҳеч бирига жавоб бера олмади. Чунки у барини унутиб қўйган эди. Сафарни ҳам, дев қалъасини ҳам, ўғлини кўрганини ҳам эслай олмас эди.

Кўрдингми, Абдулла, дев унга қанчалар шафқат кўрсатди. Дамлама унинг хотирасидан барча азобларни ўчириб ташлаган эди. Баҳор келганида узоқ йиллар оғир ҳаёт кечирган Майдан Сабзнинг осмонида бахт юлдузи чарақлади. Мавсум серёмғир келиб, бутун борлиқ яшилликка бурканди. Умрлари давомида илк бор болалар кўм-кўк майса усти-

да чопқиллаб ўйнадилар. Ҳосил йиллар ўтган сайин мўл бўлиб, одамлар бахтли яшай бошладилар. Аюб Бобога нима бўлди, дейсанми? У кексайиб, барча фарзандларининг тўйларини кўриб, невараларини ўйнатиб шодон ҳаёт кечирарди. Аммо баъзи-баъзида негадир уйқуси қочиб кетар, шундай пайтларда уйдагиларга билдирмай чиқиб кетиб, даласининг тўридаги тошга ўтириб хаёлга чўмар, тунги табиатнинг ажиб сасларига қулоқ тутарди. Шу чоғ алақандай яна бир овоз – қўнғироқчанинг маъюс жиринглаши қулоғига чалинар эди. Аюб Бобо бу қандай овоз эканлигини, қаердан келаётганини била олмай хуноб бўларди.

Мана, болажоним, эртақ ҳам ниҳоясига етди. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Синглинг билан азондан туришимиз керак. Шамни ўчириб, кўзларингни юм. Яхши дам олгин. Эртага тонгда сен билан хайрлашамиз.

II

1952 йил. КУЗ.

Абдуллага отаси илгари ҳеч қўл кўтармаган эди. Бугун эса чаккасига зарб билан урганида боланинг кўзларидан ҳайрат ёшлари отилиб чиқди. У шу заҳоти ёшларини тийишга уринди.

– Уйга қайт! – тишларини ғижирлатди ота.

Тепадан Парининг йиғлаб юборгани эшитилди. Бу гал ота боланинг чап юзига янаям қаттиқроқ урди. Абдулланинг чап қулоғи шанғиллаб кетди, юзлари оловдек ёниб, кўз ёшлари шашқатор оқа бошлади. Ота эгилиб яқин келди, боланинг кўз ўнгиди отанинг қорайган юзи, чўл ва тоғлар, осмон – бари чаплашиб кетди.

– Сенга уйга қайт, дедим, бола, – буюрди ота кўзлари аламга тўлиб.

Абдулла қилт этмади. Оғир ютинди-да, куннинг бетидан пана қилиб турган чехрага кўзларини қисиб қаради. Олдда турган қизил аравадан Пари қўрқувдан қалтираб «Аболла» деб бор овозда чақирарди.

Ота Абдуллага ўткир нигоҳи билан бир зум қараб турди-да, сўнг оғир қадамлар ташлаб, арава томон кетди. Пари ётган жойидан қўлини чўзиб, Абдуллага интилди. Бола араванинг юришига қўйиб берди. Сўнг қўлларининг орти билан кўзларини артди-да, араванинг ортидан эргашди.

Бир муддат ўтиб, ота ўғлига Шодбоғлик болалар Парининг ити – Шужага қандай тош отган бўлсалар худди шундай тош ота бошлади. Тош Абдуладан сал берига келиб тушди. Бола отаси билан Парининг силжишини кутиб туриб, яна уларга эргашди. Ниҳоят қуёш фарб томон оғай деганда ота яна бир бор тўхтади. Абдулла томон бурилиб, уни имлади.

– Айтганингдан қолмайсан-а, – деди ота.

Пари дарров Абдулланинг қўлидан ушлаб олди. Қизалоқ ёшга тўла кўзлари билан акасига боқар, Абдулла ёнида бўлса, унга ҳеч нарса хавф солмайдигандек нуқул жилмаяр эди. Абдулла ҳар тун сингиси билан каравотда ётгани каби бармоқларини унинг бармоқларига ўтказиб олди.

– Сен уйда, онанг билан Иқбол ёнида қолишинг керак эди, – деди Ота.

«У сизнинг хотинингиз. Менинг онамни эса аллақачон кўмганмиз», хаёлида сўзлади бола. У бу сўзларни овоз чиқариб айта олмаслигини биларди.

– Яхши, юра қол, – рози бўлди Ота. – Аммо йиғлаш йўқ, айтиб қўяй. Тушундинг-а?

– Ҳа.

– Мен сени огоҳдангирдим.

Сўнг у Парининг қўлидан тутганча чўлнинг ўнқир-чўнқир сатҳи бўйлаб имиллаб силжиётган арава ёнида юриб кетди. Ака-сингил қувониб зимдан бир-бирига қараб-қараб қўярдилар. Аммо отасининг вазоҳатидан чўчиб, бахтли онлардан айрилиб қолмаслик учун сўз қотмай келишар эди. Чор-атрофни ҳадсиз дашт кенгликлари ўраб олган. Узоқларга чўзилган бу маконда учаласидан бошқа зоғ кўринай демайди. Қилт этган шабада йўқ. Абдулланинг қулоғига отаси тортиб кетаётган араванинг бир маромда ғичирлаши-ю ўзининг нафас олиши эшитиларди холос.

Бир муддатдан сўнг катта бир тошнинг соясида дам олиш учун тўхтадилар. Ота чуқур уф тортиб араванинг бандини туширди.

– Кобулга ҳали қанча бор? – сўради Абдулла.

Отаси болаларига боқди. Унинг исми – Сабур. Қорамағиздан келган, яноқлари туртиб чиққан, қирғийбурун, кўзлари ботиқ эди. Чўпдай озғин бўлса-да, тинимсиз меҳнатдан мушаклари бўртиб чиққан бақувват одам эди.

– Агар шу кетишда кетсак, – деди у ҳўкиз терисидан тикилган мешни оғзига олиб бораркан. – Эртага туш пайти етиб борамиз.

– Нега Наби тоға бизни олиб кетмади? – сўради Абдулла. – Ҳайтовур машинаси бор эди.

Ота кўзлари олайиб унга қаради.

– Шунча йўлни яёв босиб ўтмаган бўлармидик...

Ота индамади. Бошидан яғири чиққан дўпписини олиб, кўйлагининг енги билан терлаган манглайини артди. Пари аравадан туриб ҳаяжон билан бармоғини нуқиб кўрсатди:

– Қара, Аболла! Яна битта!

Абдулла у кўрсатган тарафга қаради. Тошнинг соясида ёниб бўлган пистакўмирдек кулранг тусда узун бир пат ётарди. Абдулла бориб патнинг учи-

дан оҳиста тутди-да, чангини пуфлаб учирди. «Лочинники», – ўйлади у патни айлантириб кўрар экан. – Балки кабутарники, ё чўл тўрғайникими-кан?» У шу кунгача жуда кўп патларни учратган эди. «Йўқ, лочиннинг пати». У патни яна бир пуфлаб, синглисига узатди. Пари димоғи чоғ бўлиб, патни қаттиқ тутиб олди.

Пари Шодбоғдаги уйида ёстиғи остида Абдулла унга совға қилган темир чойқутичани сақларди. Қутининг занглаган зулфинчаси бор эди, қопқоғида иккала қўлида буғи чиқиб турган чойни тутиб, қизил камзул кийган, саллали, соқол қўйган бир ҳинднинг сурати солинганди. Қутининг ичи эса Пари тўплаган турфа патлар билан тўла эди. Энг чиройлилари сақланарди у ерда. Хўрознинг тўқ яшил ва қуюқ қизил пати, оппоқ кабутар пати, манави қора доғлари бор кулранг пат чумчуқники, ва ниҳоят Парининг энг севимлиси, ғурури – учидачиройли катта кўзи бор, камалакдек товланадиган яшил товус пати.

Сўнгги патни бундан икки ойгина олдин Абдулла совға қилган эди. Абдулла қўшни қишлоқларнинг бирида оиласи товус сақлайдиган бир бола ҳақида эшитиб қолганди. Бир куни отаси Шодбоғнинг жанубидаги шаҳарга ариқ қазишга кетганида, Абдулла ўша қишлоққа бориб болани излаб топади, ундан бир дона товус пати сўрайди. Музокара узоқ давом этади, ниҳоят, Абдулла патга пойабзалини алмаштиришга рози бўлади. Товус патини шимининг орқа томонига қистириб олиб қайтар экан, ялангоёқлари тиканлар санчилавериш қонаб борарди.

Уйига етиб келганида кулба олдида ўтай онаси – Парвонанинг тандир атрофида эгилиб кундалик нонни ёпаётганига кўзи тушди. Ўша заҳоти уйлари яқинидаги улкан эман ортига беркиниб, онасининг ишини тугатишини пойлади. Дарахт шохла-

ри орасидан мўралаб елкалари кенг, қўллари узун бу аёлни кузатиб туриб қолди. Парвонанинг дағал қўллари, калта-калта бармоқлари, дум-думалоқ семиз юзлари ҳеч исмига мос келмас, капалакнинг нозиклиги зарра бўлса-да акс этмасди унда.

Абдулла уни ҳам ўз онасидек севишни истарди. Бундан уч ярим йилча аввал Абдулла етти ёшга тўлганида Парини дунёга келтираётиб кўз юмган онасидек. Абдулла бора-бора юзини унутаётган онасидек. Ҳар кеча кафтлари орасига бошини тўтиб, ёноқларини силаб алла айтадиган онасидек.

*Тут дарахти соясида бир
Кўрдим маъюс жажжи парини.
Қай бир оқшом шамол учириб
Олиб келган маъюс парини.*

У янги онасини ҳам худди шундай севишни истар эди. Худди шунингдек, Парвона ҳам унга меҳр беришни ич-ичидан истаса керак, деб ўйларди Абдулла. Ҳар йўталганда, ҳар акса урганида ташвишланадиган, юзларидан тинмай ўпадиган бир яшар Иқболни севгандек каби. Ёки биринчи фарзанди Умарни севгандек каби. Аёл Умарни жуда севарди. Аммо у икки ҳафталигидаёқ ўтган қишнинг совуғи болани олиб кетди. Парвона билан отаси аранг гўдакка исм қўйишга улгургандилар. Абдулла аёлнинг ўша пайтларидаги қайғусини чуқур ҳис қилар эди.

Бисотида бир донагина бўлган пойабзалини ҳам бир товус патига алмашганини билиб қолса, ўгай онаси қанчалар ғазабланишини ўйлаб Абдуллани қўрқув босарди. Отаси бу бир жуфт пойабзал учун қанча тер тўкиб ишлаганди. «Урсаям керак», ўйлади Абдулла. Парвона один ҳам бир неча марта урганди уни. Унинг қаттиқ, кучли қўллари (ногирон опаси-

ни йиллар давомида кўтариб юриб қўллари шундай бўлиб қолган бўлса керак, деб ўйларди Абдулла) суртургини қандай ушлашни ҳам, ё бўлмаса яхшигина шапалоқ туширишни ҳам қойилмақом уддалар эди.

Аммо кўринишидан Парвона болани уриб роҳат оладиганга ўхшамас эди. Ўғай болаларига меҳр ҳам бера олмайди деб бўлмасди. Вақтида Парига отаси Кобулдан олиб келган яшил-кумушранг матодан кўйлак ҳам тикиб берган. Абдуллага қандай қилиб тухумни сарифини бўлиб юбормасдан чақишни сабр билан ўргатган. Лекин буларнинг бари Иқбол туғилгунига қадар эди, ўйлади Абдулла. Бало келиб, мабодо уйдан ёнғин чиқса, Парвона қайси фарзандини кўтариб олиб, ташқарига отилишини Абдулла яхши биларди. Аёл кўп ўйлаб ўтирмас эди. Ниҳоясидан эса оддий ҳақиқат келиб чиқади: Абдулла билан Пари унга бегона. Бошқа бир аёлнинг ташландиқлари.

Абдулла Парвонанинг нонларни узиб ичкарига олиб кетишини кутиб ўтирди. Бир зум ўтмай Парвона бир қўлида Иқбол, бошқа қўлида кир уюлган тоғорани кўтарганча қайта пайдо бўлди. У аёлнинг шошилмай ариқ бўйи томон йўл олишини кузатиб турди, кўздан йўқолгач, ўзини уйга урди. Ерни ҳар босганида товонлари оғриқдан титраб кетарди. Ичкарига кириб резина шиппагини кийиб олди. Сўнг негадир қилган иши ўзига эриш туюлиб, шунча азобига арзимагандек бўлиб кўриниб кетди. Аммо ухлаб ётган Парининг ёнига тиззалаб, уни секин уйғотиб, худди сеҳргарлар каби тантана билан патни ортидан кўрсатган эди... Ҳамма-ҳаммасига арзирди булар: сингисининг аввал ажабланиб, сўнг завққа тўлгани, юзларини ўпичга кўмгани, патнинг учи билан иягидан қитиқлаганида қиқирлаб кулгани – барига арзир эди. Оёқлари ҳам негадир оғриқни сезмай қолганди ўшанда.

Отаси енги билан яна юзини артди.

– Сен чарчадинг, ўғлим.

– Йўқ, чарчамадим, – деди Абдулла ўлгудек ҳо-риб, оёқлари оғриқдан қийнаётган бўлса-да. Шун-дай катта даштни шиппақда босиб ўтиш осон эмас эди.

– Аравага чиқ.

Кун қорайиб кулранг тус ола бошлади.

– Аболла, – деди Пари.

– Ҳа?

– Нима деб ўйлайсан, Шужа хафа бўлиб қолди-микан?

– Менимча, у зўр юрибди.

– Унга ҳеч ким азоб бермасмикан?

– У катта ит, Пари. Ўзини ҳимоя қила олади.

Шужа жуда баҳайбат ит эди. Дадасининг айти-шича, у уруштириладиган итлардан, чунки кимдир унинг қулоқларидан, думидан кесган эди. Бу қанча-лик рост ё ёлгон, ҳарқалай ит ўзини ҳимоя қила олар эди. У илк бор Шодбоғга санғиб келиб қолганида, бо-лалар унга тош отар, дарахт новдалари ёки бўлма-сам занглаган велосипед кегайлари билан уришар-ди. Ит ҳеч жавоб қайтармас эди. Вақт ўтиб болалар унга азоб беришдан зерикишиб, уни ўз ҳолига қў-йишди. Ит кўрган одамидан қочарди, аммо негадир Паридан ҳайиқмас эди. Бу жажжи қизалоққа ит-нинг меҳри бошқача эди. Пари уйдан тетапоя қилиб чиққанини кўрган Шужа қувончдан сакрар, тинмай қизалоқнинг атрофида айланар эди. Кун бўйи Пари-нинг ортидан қолмай, кеч тушиб қизча уйига кириб кетгач, остонада тонгни кутиб ётарди.

– Аболла?

– Ҳа?

– Катта бўлганимда ҳам сен билан яшайманми?

Абдулла уфққа секин бош қўяётган оловранг қуёшни кузатиб турарди.

– Хоҳласанг, яшайсан. Аммо унда сен хоҳламай қоласан-да.

– Хоҳдайман!

– Ўз уйинг бўлишини хоҳлайсан ўшанда.

– Лекин қўшни бўлиб яшашимиз ҳам мумкин-ку.

– Балки.

– Сен узоқда яшамаслигинг керак.

– Мендан безор бўлиб қолсанг-чи?

Пари тирсаги билан уни туртди:

– Бўлмайман!

Абдулла ўзига-ўзи жилмайиб қўйди:

– Унда яхши.

– Сен ёнимда бўласан.

– Шундай.

– Кексайиб қолгунимизча.

– Қариб қолганимизда ҳам.

– Бир умрга.

– Ҳа, бир умрга.

– У акасига бурилиб қаради:

– Сўз берасан-а, Аболла?

– Бир умрга. Умрбод.

Кейинроқ отаси Парини орқасига кўтариб олди. Абдулла эса бўш аравани тортиб кетди.

Отасига бу янги ишни топиб берган одам – Наби тоғаси эди. Наби тоға Парвонанинг акаси бўлиб, Абдуллага ўгай тоға ҳисобланарди. Кобулда ҳам ошпаз, ҳам ҳайдовчи бўлиб ишларди. Ойда бир Кобулдан Шодбоғга келиб, уларни кўриб кетарди. Келганини узуқ-узуқ сигнал овози-ю бир тўда қишлоқ боласининг усти жигарранг, филдираклари ярқиллаган кўк тусдаги кенг машина ортидан қий-чув чопиб югуриб боришидан билиб олардингиз. Болалар то Наби тоға моторни ўчириб тушгунга қадар машина қанотларини, ойналарини тапиллатиб уриб боришар эди. Мана, тўлқинсимон

сочлари ортга таралган, чакка соқоли узун, эгнига ўзига анча кенг кўринган сарғиш малла костюм-шим, оппоқ кўйлак, жигарранг туфли кийган хушсурат Наби тоға жилмайганча машинадан тушиб келди. Уни кўриш учун ҳамма кўчага чиқиб олар эди, чунки у машина ҳайдар (гарчи машина унинг соҳибига тегишли бўлса-да), катта шаҳар – Кобулда ишлаб, костюм-шим кийиб юрар эди-да.

Наби тоға отасига бу иш ҳақида охирги марта келиб кетганида айтган эди. У хизмат қилаётган бадавлат оила уйларида қўшимча бино – орқа ҳовлида ювиниш хонаси бор меҳмонхона қуришмоқчи эканлар. Наби тоға шу каби қурилиш ишлари билан шуғулланиб юрган Абдулланинг отасини ёллашни таклиф этибди. У қурилиш тахминан бир ойча вақт олишини, хизмат ҳақи ҳам мўмайгина бўлишини айтди.

Абдулла эсини танибдики, отаси ўзгалар эшигини тақиллатиб кунлик иш излаб юради. Бир гал отасининг қишлоқ оқсоқоли Мулла Шаҳибга «Мулла соҳиб, агар ҳайвон бўлиб туғилганимда, ўлай агар хачир бўлиб туғилган бўлаймидим», деганини эшитиб қолган эди. Баъзан Абдуллани ҳам ўзи билан олиб кетарди. Ота-ўғил турли қишлоқ, шаҳарларда ишлаб келишар эди. Отасининг қилмаган иши йўқ эди, олма теришдан тортиб, йўл ётқизиш, сувоқ қилиш, фишт териш, барини бажарар, ўғлига ҳам иш ўргатиб борарди.

Умарнинг ўлимида отаси ўзини айблашини Абдулла яхши биларди. Агар у кўпроқ ишлаб, яхшироқ пул топганида, гўдак учун иссиқроқ кийим сотиб олган бўлармиди, жилла қурса уйни иситишга етадиган кўмир олган бўларди. Бу отасининг хаёлидан кечган ўйлар эди. Умарнинг ўлимидан бери бу ҳақида Абдуллага бир сўз демаган бўлса-да, Абдулла бунни билар эди.

Бир гал Умарнинг ўлиmidан бир неча кун ўтиб отасини улкан эман остида турганини кўрган эди. Дарахт Шодбоғдаги энг кекса *тирик жон* эди. Отаси ҳар гал «Агар бу дарахт бир пайтлар Бобурнинг Кобулни олиш учун қўшин тортиб келганига гувоҳ бўлган, дейишса, ҳеч ҳайратланмаган бўлардим», дерди. Болалигининг ярми шу улкан дарахт остида ўтганини, отаси дарахт шохларига узун арқон боғлаб, унга арғимчоқ ясаб берганини Абдуллага мароқ билан сўзлаб берарди.

Аммо Абдулла отасининг арғимчоқ учганини ҳеч кўз олдига келтира олмайди. Отасининг бир пайтлар ўзи каби бола бўлганини ҳеч тасаввур қила олмайди. Бола. Ташвишсиз, беғам, учиб-қўниб юрган бола. Далалар бўйлаб ўртоқлари билан югуриб юрган бола. Кўз ўнгида эса қўллари ўйилиб кетган, юзларини ажин босган Ота. Қўлларида белкурак, тирноқлари ости лой билан туғилган Ота.

Тунни чўлда ўтказишга тўғри келди. Улар нон ва Парвона қайнатиб берган охирги картошка билан тамадди қилиб олишди. Отаси гулхан ёқиб, чой қайнатди. Абдулла гулхан яқинида Парининг ортида жун ёпинғичга ўралиб ётарди. Парининг совуқдан қотган жажжи оёқлари унга тиралган. Отаси ҳам гулхан олдида эгилиб сигарет тутатди.

Абдулланинг ёдига ўтган қиш кунлари тушди. Эшиқдан шамол ғувиллаб эсар, гоҳ пасайиб, гоҳ зўраяр, томларни гичирлатарди. Бутун Шодбоғ қорга бурканган. Тунлар узун, юлдузсиз, кунлар калта, офтоб бир кўринади-ю сўнг зумда ғойиб бўлади. У яна Умарнинг биғиллаб йиғлаганини, зум ўтмай жим бўлиб қолганини, сўнг янги ой остида отасининг жон-жаҳди билан ёғоч тахтасини кесиб, қаттиқ ер бағрига қоққанини, сўнг кичкинагина қабр устида узоқ туриб қолганини эслади.

Мана, яна куз охирлаб қолди. Аллақачон ҳар бир бурчакда қишнинг нафаси таҳдид солиб юрибди. Отаси ҳам, Парвона ҳам бу ҳақда сўзлашмас эди, гўё ҳар оғиздан чиққан жумла қишнинг келишини яқинлаштирадигандек.

– Ота? – хитоб қилди у.

Ота гулханнинг нариги томонидан туриб гўнғирлаб қўйди.

– Сизга ёрдам берсам майлими? Меҳмонхонани қуришда, демоқчиман.

Отанинг сигаретидан тутун ўрлаб чиқарди. Унинг нигоҳлари қоронғилик қўйнига қадалган эди.

– Ота?

Отаси тошга бориб ўтирди:

– Қоришмани тайёрлашда ёрдамлашсанг бўлади.

– Қандай тайёрлашни билмайман-ку.

– Қўрсатаман. Ўрганиб оласан.

– Мен-чи? – сўради Пари.

– Сенми? – деди ота оҳиста. Сўнг сигаретидан чуқур тортиб, таёқча билан оловни кавлади. Сочилган майда учқунлар қоронғилик қўйнида рақс тушарди гўё. – Сен сувга масъул бўласан. Чанқаб қолишимизга йўл қўймайсан. Одам чанқаса ҳеч ҳам ишлай олмайди.

Пари жим қолди.

– Отам тўғри айтяпти, – деди Абдулла. Синглисининг унга берилган вазифадан кўнгли тўлмаганини сизди. Пари қўлларини чангга булгаб, лой устида умбалоқ ошгиси келаётганини биларди у. – Сен сув етказиб турмасанг, биз ҳеч қачон меҳмонхонани қуриб битказа олмаймиз.

– Биласанми, нима? – деди отаси. – Сен бу ишни яхшилаб удалаганингни кўрсатсанг, сенга яна бошқа ишни ҳам топшираман.

Пари бошини кўтариб Абдуллага боқди, бу гал унинг юзларида табассум жилва қиларди. Абдул-

ла унинг чақалоқлик пайтида кўкси устида ётган чоғларини эслади. Ногоҳ ярим тунда уйғониб кетиб кўзини очганида Пари кўкси устида жимгина ҳозиргидек ширин жилмайиб турган бўларди.

Уни ўзи катта қилди. Ҳолбуки, ўшанда ўзи ҳам бир гўдак эди. Пари рингшиб уйғонганида туриб иргатар, йўрагини тозасига алмаштирарди. Уни ювинтирадиган ҳам ўзи эди. Эркак киши бўлгани учун отаси бу ишларни қилмас эди. Бунинг устига ҳар куни ишдан ўлгудек ҳориб келарди. Парвона эса аллақачон Умарга ҳомиладор бўлган, Парига қарайдиган аҳволда эмас эди. Шундай қилиб, бу масъулият Абдулланинг бўйнига тушди. Аммо у бундан жуда миннатдор эди. Парининг илк қадамини қўйишга кўмаклашган, унинг илк сўзларини эшитган одам сифатида ғурур туярди.

– Дада, эртак айтиб беринг, – илтимос қилди Пари.

– Кеч бўлди, қизим.

– Илтимос.

Отаси табиатан одамови эди. Икки оғиздан ортиқ гап айтмас эди одатда. Аммо баъзан, билмайди нега, отасининг кўнглида нималардир қулф ечиб, турли эртаклар қўйилиб келаверарди. Баъзи пайтлар Абдулла билан Парини ёнига ўтқизиб, болалигида бувисидан эшитган эртакларни сўзлаб бериб, болаларни султон-у жинлар, ёвуз девлар-у донишманд дарвешлар макон тутган манзилларга учириб кетарди. Баъзан эса ўзи эртак тўқир эди. У тўқиган эртаклар Абдуллани ҳайратга солар, улар сирли ва мавҳум дунёга элтувчи туйнук эдилар гўё.

Аммо бугун отасининг юзига қараб бу кеча эртак айтилмаслигини тушунди.

– Кеч бўлди, – деди у такрор. Елкасидаги шолрўмолнинг учи билан човгумни кўтариб ўзига бир

пиёла чой қўйиб ичди. – Ухлаш вақти бўлди. Эртага олис йўл кутиб турибди.

Абдулла ёпинғични бошлари узра тортди. Кўрпа остида Парининг елкаси оша секин хиргойи қилди:

*Тут дарахти соясида бир
Кўрдим маъюс жажжи парини.*

Аллақачон уйқу оғушига сингиб кетаётган Пари мудраб қўшиқни давом эттирди:

*Қай бир оқшом шамол учириб
Олиб келган маъюс парини.*

Шу заҳотиёқ пишиллаб ухлаб қолди.

Абдулла алламаҳалда уйғониб кетиб, ёнида отасини кўрмади. Ваҳимага тушганча ўрнидан туриб ўтириб олди. Гулхан ўчиб қолган, аммо буткул сўниб улгурмаган, чўғнинг тўқ қизил доғлари кўринарди холос. Абдулла аввал чап томонни, сўнг ўнг томонни диққат билан кузатди. Аммо кўзлари бу ҳадсиз, зим-зимистонда ҳеч нарсани илғай олмади. У ранги оқариб кетаётганини сизди. Юраги отилиб чиқай дерди, нафасини ичига ютиб, қулоқларини динг қилди.

– Ота? – шивирлаб чақирди у.

Сукунат.

Даҳшат бостириб келиб, кўнглини қамраб олди. Қимир этмай ўтириб, атрофга узоқ вақт қулоқ солиб турди. Ҳеч бир сас эшитилмасди. Ёлғиз қолишган эди, у ва Пари. Қоронғилик уларни ўраб олганди. Ташлаб кетишди. Отаси уларни ташлаб кетибди. Абдулла илк бор чўлнинг, дунёнинг ҳайбатини ҳис қилди. Одам бу ерларда осонгина йўлини йўқотиб қўйиши мумкин. Ҳеч ким ёрдам бермайди, ҳеч ким йўлни кўрсатмайди. Сўнг тўсатдан

хаёлига баттароқ ўй келди. Отасини ўлдириб кетишган бўлса-я. Бўйнидан сўйиб кетишган. Қароқчилар! Отасини ўлдириб, энди Пари билан уни ўлдиришни кўзлашяпти.

– Ота? – чақирди у овози қалтираб.

Жавоб йўқ.

– Ота?

У қайта-қайта отасини чақираверди. Аммо жавоб келай демасди. У қўрқувдан қалтирай бошлади.

Бирдан оёқ товушлари эшитилди. Қоронғилик қаъридан бир кўлка узилиб чиқди.

– Кетиб қолгансиз деб ўйладим, – деди у титраб.

Отаси ўчиб қолган гулхан олдига чўкди.

– Қаерга кетиб қолдингиз?

– Ухла, ўғлим.

– Бизни ёлғиз қолдирмаслигингиз керак эди.

Бундай қилмаслигингиз керак эди, ота.

Отаси унга қаради. Абдулла зимистонда унинг юз ифодасини илғаб ололмади.

– Синглингни уйғотиб юборасан.

– Ташлаб кетманг бизни.

– Етар энди.

Абдулла ўрнига қайта ётди, синглиси унинг қўларидан маҳкам тутиб олганди. Абдулланинг эса юраги дук-дук урарди.

Абдулла илгари ҳеч Кобулда бўлмаган эди. Кобул ҳақида билганлари бу – Наби тоға сўзлаб берган ҳикоялар эди холос. У отаси билан иш баҳона бир нечта кичик-кичик шаҳарларда бўлганди, аммо бу каби ур-тиқилинч, катта, ўта тирбанд ҳақиқий шаҳарда бўлмаган эди. Чор-атрофда светофорлар, чойхоналар, ресторан-у ранг-баранг белгилари бор олди ойнаванд дўконлар. Машиналар шовқин солганча тиқилинч кўчаларда гулдираб юриб борар, автобуслар, вилосипедлар, пиёда йўловчилар ора-

сидан тинимсиз сигнал бериб, урилай-урилай деб ўтиб борарди. Ота-бола учови юрган йўлак сигарет, сақич сотувчилари, газета-журналлар киоскалари, тақаларни уриб ётган темирчилар билан тўла эди.

Абдулла қассобхона ёнидаги йўлак харисида Парини тиззасига ўтирғизиб олиб, отаси олиб берган бир тарелка кашничли чатни¹ билан пиширилган ловияни бўлишиб ер эди.

– Аболла, қара! – Пари кўчанинг нариги бетидаги дўконни кўрсатди.

Ичкарида ойна олдида майда мунчоқлар билан безаб тикилган чиройли яшил кўйлак кийган ёш аёл турарди. У ўтган-қайтганларга бефарқ боққанча қимир этмай турар эди. Абдулла билан Пари ловияларини еб бўлишди ҳамки у аёл ҳатто бармоғини қимирлатиб қўймади. Абдулланинг кўзи баланд иморатнинг пешига осилган улкан афишага тушди. Афишада лозазорда ўтирган ёш ҳинд аёли тасвирланганди. Наби тоға айтган ўша кинотеатр дегани шумикан, деб ўйлади Абдулла. Келаси ой тоғаси Пари иккаласини кинога олиб тушишидан умид қилиб қўйди ўзича.

Кошинлари кўк мачитдан азонга чорлашди ҳамки Абдулла йўлакнинг бетида Наби тоға келиб тўхтаганини кўрди. Наби тоға машинани шошилиб айланиб ўтиб, отасига қучоқ очди. Абдулла билан Парини кўриб юзига табассум ёйилди.

– Кобул қандай экан, болалар? – у болалар томон энгашиб олди.

– Жуда шовқин экан, – деди Пари. Наби тоға кулиб юборди.

– Ҳа, шундай. Қани, чиқинглар. Машинада ўтириб кўп нарсаларни кўрасизлар. Чиқишдан олдин оёқларингизни қоқинг. Сабур, сен олдинга ўтир.

¹ Чатни – ҳиндча шўр қайла

Улар машинадан туриб шаҳарнинг тиқилинч оқимини кузатиб боришди. Болалар бир оз Кобул-ни кўришлари учун энг узоқ йўлни танлашини айтди Наби тоға. У Тапа маранжан номли тоғ тизмасини, унинг устида жойлашган шаҳар узра қад кериб турган гумбазли мақбарасини кўрсатди. Қирол – Зоҳир Шоҳнинг отаси Нодир Шоҳ шу ерда дафн этилган, деди. Кўҳи Шердаваза тоғи учида барпо этилган Бала Ҳисор қалъасини кўрсатди. Бу қалъадан бир пайтлар британияликлар афғонларга қарши иккинчи урушида фойдаланган экан.

Наби тоға машинани тартиб билан текисланган буталар терилган тор йўлакда тўхтатди. Йўлак ортида деворлари оппоқ икки қаватли уй маҳобат солиб турарди.

– Уйингиз жуда катта экан, – секингина деди Пари, кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб.

– Наби тоға кулди:

– Бу соҳибимнинг уйи. Ҳозир у билан кўришасизлар. Ўзингизни яхши тутинг.

Наби тоға уларни ичкарига олиб киргач уй яна бир бор ўзининг ҳайбатини намоён қилди. Шодбоғнинг ярми жойлашса бўладиган даражада катта экан, хаёлидан ўтказди Абдулла. У ўзини девнинг саройига кириб келгандек ҳис қилди. Ҳовлининг тўрида сўлим бир боғ кўриниб турарди; турфа рангдаги гуллар, чиройли қилиб текисланган тизза бўйи буталар, анвойи меваларга тўла боғ. Абдулла уларнинг ичидан гилос, олма, ўрик ва анорни таниди.

Мана, улар гажимлари тилларанг катта диванда ўтиришибди: Абдулла, Пари ва отаси. Абдулла умрида ҳеч қачон ўзини бунчалар исқирт сезмаган эди. Наби тоғанинг хўжайини – жаноб Ваҳдати қўллари-ни кўксида чалиштирганча чарм ўриндиқда ўтирар эди. Унинг ота-болаларга қарашини жуда ҳам дўсто-

на эмас деб бўлмайди-ю, қандайдир совуқ эди. Отасидан новчароқ экан (ҳали туриб саломлашганида Абдулланинг кўзи тушганди). Елкалари тор, ингичка лаб, пешонаси дўнг бир киши экан. Шунча пайт ўтириб ортиқча бир оғиз сўз қотмади.

Парининг нигоҳи ойнаванд стол устидаги турфа хил ширинликларда эди. Ширинликларнинг тури шунчалар кўп бўлишини ҳеч тасаввур қилмаганди Абдулла. Қаймоқ сурилган бармоқ шаклидаги шоколадлар, япроқсимон яшил ширинлик, ўртасига апельсин тўлдирилган айлана шаклдагиси...

– Биронтасини ейишни хоҳлайсанми? – таклиф қилди Ваҳдати хоним. У булар билан гаплашаётган ягона одам эди. – Олаверинг. Иккалангиз ҳам. Ахир сизлар учун дастурхонга тортилган.

Абдулла изн сўрагандек отасига боқди, Пари ҳам акасига эргашди. Буни кўриб Ваҳдати хоним қошларини ёйиб, бошини хиёл экканча жилмайиб қўйди, болаларнинг ўзларини бундай тутиши уни қойил қолдирганди.

Отаси оҳиста бош ирғади.

– Ҳар бирингиз биттадан, – деди секингина.

– Оҳ, бунақаси кетмайди, – деди Ваҳдати хоним. – Мен Набини Кобулнинг нариги чаккасида жойлашган дўкондан шу болалар учун келтиришни буюрганман.

Отаси қизаринқираб, нигоҳини олиб қочди. У диваннинг четгинасида тўзиган дўпписини икки қўли билан тутганча омонат ўтирарди. Абдулла ширинликдан икки донасини олиб, бирини Парига тутди.

– Олсангиз-чи яна. Набини беҳудага ташвишга қўйган бўлиб қолмайлик, – енгилгина гина қилди хоним кўзлари қувончдан порлаб. Кейин Набига секингина жилмайиб қўйди.

– Ташвиши йўқ, хоним, – Наби қизариб кетди.

Абдулла токчада эр-хотин Ваҳдатиларнинг кумуш гардишли суратига кўзи тушди. Иккаласи ҳам қалин пальто кийиб, шарф ўраб олган, ортларида эса дарё кўпириб оқар эди. Яна бир суратда Ваҳдати хоним қўлида қадаҳ, жилмайганча бир эркакни (шубҳасиз, бу жаноб Ваҳдати эмас эди) кучиб турарди.

Абдулла хонимга ўгринча назар ташлади. Хонимнинг хипча белига, жажжи оғзи, оёқ тирноқларига қўйган пушти бўёғу ўшанга мос лаб бўёқларига назар солди. Бирдан бу хоним унинг ёдига тушди. Бундан бир-икки йил олдин, Пари икки яшарлигида Наби тоғаси уни Шодбоғга олиб келганди. Наби тоғанинг оиласини кўришни истаган эмиш. Ўшанда у енгсиз шафтоли ранг кўйлак кийиб олган (Абдулла отасининг ажабланиб қараганини эслади), кўзида қалин оқ гардишли қора кўзойнак бор эди. Хоним ҳадеб жилмаяр, қишлоқ ҳақида, ҳаётлари ҳақида, болаларнинг ёши, исмини сўраб саволлар ёғдирарди. У худди мана шу шифти паст лойсувоқ уйга тегишли одамдек тутарди ўзини. Ечманг дейишларига қарамай баланд пошнали туфлисини ечиб отаси кўрсатган стулга эмас, тўғри ерга ўтирди. Худди улардан бири каби. Абдулла ўшанда саккиз ёшда эди, лекин барини фаҳмлаб ўтирарди.

Абдулланинг бу ташриф ҳақида энг эслаб қолгани ўша пайтлар Иқболга ҳомиладор бўлиб юрган Парвонанинг бир бурчакда қимир этмай, мисоли бир дўшпидек қунишиб ўтиргани эди. Елкаларини қисиб олиб, деворлар орасида йўқ бўлиб кетмоқчидай ўтирганди ўшанда. Ўшанда Абдулла негадир ўтай онасига ачиниб кетганди.

– Бу ерга келгунча Кобулнинг баъзи жойларини кўрсатиб сайр қилдирдим уларни, – деди Наби тоға.

– Яхши, яхши, – деди Ваҳдати хоним. – Сабур, Кобулда илгари ҳам бўлганмисиз?

– Бир ё икки марта, биби соҳиб, – деди отаси.

– Таассуротларингиз қандай деб сўрасам майлими?

Отаси елка қисди.

– Ниҳоятда тирбанд.

– Ҳа, – Ваҳдати хоним нигоҳини ерга қаратди. – Тирбанд, ҳа... баъзан чарчатиб ҳам қўяди.

Отаси худди тушунгандек бош ирғаб қўйди.

– Кобул бир орол каби, – давом этди хоним. – Баъзилар уни шиддат билан ривожланияпти деса-да, балки шундайдир ҳам, лекин Кобул мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан бутунлай узилиб қолган. Менга келсак, шаҳардан кўра қишлоқларни, кенгликларни афзал кўраман. Олис вилоятларни, ҳақиқий Афғонистонни яъни.

Хоним қишлоқ одамларини мақтаб узундан-узоқ сўзлаб кетди. Отаси раҳмат айтар, ўзини ноқулай ҳис қила бошлаган эди.

– Бўлди қилсанг-чи, Нила, – деди эри босиқлик билан.

Хоним нигоҳини Парига қаратди:

– Сен жуда ширин қизалоқ экансан.

Пари Абдуллага яқин сурилди.

Ваҳдати хоним оҳиста шеър ўқий бошлади:

*Неча фурсатки излардим
мен ул ҳусну латофатни,
Биҳамдиллоҳки алҳол топдим
ул матлуб нафосатни.¹*

У жилмайиб қўйди.

– Румий. Эшитганмисан уни? Худди сенга атаб битилгандек, азизам.

¹ Рустам Жабборов таржимаси

– Ваҳдати хоним маҳоратли шоира, – деди Наби тоға.

– Болаларни бирон ерга олиб борсаммикан? – деди хоним.

Жаноб Ваҳдати асабийлашгандек чуқур тин олди, худди ҳозир туриб кетадигандек икки кафтини ўриндиқ суянғичига урди, аммо туриб кетмади.

– Агар рози бўлсанг, Сабур, – отасига қаради Ваҳдати хоним, – уларни бозорга олиб борардим. Бизни Наби олиб боради. Сулаймон эса сенга ҳовли ортидаги иш жойини кўрсатади.

Отаси бош ирғади. Жаноб Ваҳдати беихтиёр кўзини юмди. Сўнг ҳамма ўрнидан турди.

Тўсатдан Абдулла отаси бу бадавлат оилага ширинлик ва чой учун ташаккур айтса-да, у билан Парининг қўлидан тутганича бу уйни, суратлари-ю, ҳаддан ортиқ ҳашаматни тарк этиб чиқиб кетишини истади. Улар мешларини яна сув билан тўлдириб, нон билан қайнатилган тухум сотиб олардилар-да, келган йўлларига қайтиб кетардилар. Даштлар, тепаликлар оша оталаридан эртақ тинглашиб ортга қайтардилар. Икки кун ўтиб, балки уч кун ўтиб, ўпкалари чанга тўлиб, оёқ-қўллари ҳориб бўлса-да, яна Шодбоғда пайдо бўлишар эди. Шужа уларнинг келаётганини кўриб, Пари томон ошиқар, ва ниҳоят улар ўз уйларида бўлишар эди.

– Бора қолинг, болалар, – деди отаси.

Абдулла нимадир демоқчи бўлиб олдга интилди, аммо Наби тоғаси қўлини елкасига қўйиб болани ўзига қаратди:

– Иккалангиз ҳам бундай бозорни кўрмагансиз.

Ваҳдати хоним улар билан орқа ўриндиқда ўтирар, машина атирнинг бўғиқ ҳиди ва яна Абдулла ҳеч фарқига бормаган қандайдир ширин, аммо бир оз ўткирроқ ҳид билан тўлган эди. Наби тоға

машинани ҳайдаб бораркан, хоним тинмай болаларни саволга кўмиб ташлади. Дўстлари ким? Мактабга борадиларми? Уйларида нима билан машғул бўладилар, қўшнилари ким, қандай ўйин ўйнайдилар...

– Менинг кучутим бор, – деди Пари.

– Шундайми?

– Жуда ажойиб бир ит, – деди Наби тоға олд ўриндиқдан.

– Оти Шужа. Хафа бўлганимни бирдан билиб олади.

– Итлар ўзи шундай бўлади, – деди Ваҳдати хоним, – мен учратган одамларнинг баъзилари шу итчалик ҳам бўла олишмайди... Кобул у қадар ҳам ёмон эмас, – Ваҳдати хоним паришон ҳолда маржонини ўйнади. Унинг нигоҳлари ойна ортига чўмган, бутун жуссасини ҳорфинлик чулғаб олганди. – Бу ерларни айниқса баҳор оёқлаб, ёмғирлар тина бошлагач, ўзгача хуш кўраман. Мусаффо ҳаво, ёзнинг илк нишонлари, тоғлар ортидан нур таратган офтоб... – У базўр жилмайди. – Уйда, атрофингда бола бўлгани яхши. Озгина шовқин, ҳаётингга бир оз ранг кириши учун.

Абдулла Ваҳдати хонимга қаради ва юрагини аллақандай ваҳм қамради, бу пардоз-андозу, бу атир ортида нимадир чилпарчин бўлиб сочилиб кетди. Кўз олдига аралаш-қуралаш бўлиб ётган тарелка-ю кўзалар билан тўлиб-тошган токча, қуйиб кетган қозон келиб, Парвонанинг пишир-куйдирларининг исини туйди. Яғири чиқиб кетган бўлса ҳам, қийшайган пружиналари баданингни тешай-тешай деб нуқул ваҳмга солиб турса ҳам, ўша Пари билан бўлишиб ухлайдиган матрасини соғинди. Барини соғинди. Илгари ҳеч бунчалар уйини кўмсамаган эди.

Наби тоға йўлка четида машинани тўхтатди. Кўчанинг нариги бетида, миноралари осмон билан

бўйлашиб турган масжид ёнида бири гумбазли, бири усти очиқ расталари одамлар билан лиқ тўлган бозор кўзга ташланди. Наби тоға орқада, булар учови олдинда чарм пўстинлар, рангдор тош ва жавоҳирлар билан безалган узуклар, турли хилдаги зираворлар расталаридан ўтиб боришди. Ваҳдати хоним ташқарига чиққанларида тим қора кўз-ойнак тақиб олган, юзи ғалати бир мушуксимон кўриниш олганди.

Улар пойабзал дўконида тўхташди. Ваҳдати хоним қутилар устида кўрғазмага чиқариб қўйилган пойабзалларга диққат билан қараб чиқди.

– Мана булар қандай? – хоним Паридан сўради. Аёл қўлларида тагчарми резинали яп-янги сариқ туфлини тутиб турарди.

– Жудаям чиройли, – деди Пари бир жуфт туфлига ишонқирамай қараб турар экан.

– Кел, уларни кийиб кўрамиз.

Ваҳдати хоним Парига туфлини кийишда кўмаклашиб, боғичларини ўтказиб қўйди. Сўнг кўзойнаклари оша Абдуллага қаради: «Сен ҳам ўзингга бир жуфтини танласанг бўларди. Қишлоғингдан шунча йўлни шу шиппақда босиб келганингга ишонгим келмайди».

Абдулла бошини чайқаб, юзини четга бурди. Тор кўча этагида соқоллари паҳмоқ бир қария маймоқланиб ўтган-кетганлардан тиланиб юрганди.

– Аболла, қарагин! – Пари оёқларини бирма-бир кўтариб кўрсатди. Қизалоқ оёқлари билан тап-тап этиб, қувончдан сакрарди. Ваҳдати хоним Наби тоғани чақириб, туфли қандай турганини билиш учун Парини кўчадан юрғизишни буюрди. Наби тоға Парининг қўлидан тутиб, йўлакдан бошлаб кетди. Ваҳдати хоним Абдуллага қаради.

– Мени ёмон одам деб ўйлаяпсан, – деди у. – Боя айтган одамларимдек.

Абдулла Пари билан Наби тоғанинг маймоқ тиланчининг ёнидан ўтиб боришини кузатди. Қария Парига нимадир деди, Пари Наби тоғага юзланиб нималардир деб сўзланди, Наби тоға тиланчига танга ирғитди. Абдулла унсиз йиғлай бошлади.

– Оҳ, ширин бола, – Ваҳдати хоним чўчиб кетди. – Бечорагинам... – Аёл ҳамёнидан рўмолча олиб, болага узатди.

Абдулла рўмолчани кескин нари итарди.

– Илтимос, ундай қилманг... – деди бола овози аламдан кесилиб.

Хоним Абдулланинг ёнида чўккалади. Кўзойнаги сочига қистирилганди. Унинг ҳам кўзлари нам кўринар, рўмолчаси билан артган эди, кўзларига бўёқ чапланди.

Мени нафратлансанг ҳам сени айбламайман. Бунга ҳақинг бор. Аммо, буни ҳозир тушунасан деб ўйламайман, аммо буларнинг бари яхшиликка. Гапим рост. Бари яхшиликка. Бир кун буни тушуниб етасан.

Пари юзлари қувончдан гул-гул ёниб, кўзларидан миннатдорчилик ёғилиб, ирғишлаб акасининг ёнига қайтиб келганида, Абдулла осмонга юзланиб хўнграб юборди.

Ўша қиш кунларининг бирида отаси қўлига болтасини олиб улкан эманни йиқитди. Мулла Шоҳибнинг ўғли Байтуллоҳ, яна бир нечта қишлоқдошлари унга кўмаклашди. Ҳеч ким унинг ишига аралашмади. Абдулла бошқа болалар қатори бир чеккада уларни кузатиб турди. Отасининг биринчи қилган иши арғимчоқни олиб ташлаш бўлди. Дарахтга тирмашиб чиқиб пичоқ билан арқонни кесиб ташлади. Сўнг қолганлар билан кесишга тушди. Кекса эман ниҳоят гумбурлаб офир қулаганида шом тушай деб қолган эди. Отаси Абдуллага

қишда ўтинга эҳтиёжлари борлигини айтди. Аммо эманни арралар экан, бунга ортиқ қараб тура олмаётгандек, ўзини зўрлаб, жағларини қаттиқ қимтиб тунд қиёфада эди.

Мана, кулранг осмон остида эркаклар бурни-юзи совуқдан қизариб қулаган дарахтни чопа бош-лашди. Икки кунча аввал қишнинг илк қори туш-ганди. Ҳадемай Шодбоғга ҳақиқий қиш ёпирилиб келади. Абдулла катта-кичик шох-шаббаларни бир қучоқ қилиб йиғиб, яқинроқдаги саржинга қўшди. Эғнида янги пальто, этик ва қўлқоп. У копошони-ни тушириб, оғзидан чуқур дуд чиқарди.

Қуёш тобора уфққа ботиб борарди. Шундай бўл-са-да Абдулланинг кўзлари олисда қишлоқнинг лой деворлар узра қорайиб ҳаракатсиз қотган эски шамол тегирмонини илғай олди. Ёзда кўк қарқаралар тегирмонни ин қилишарди. Аммо қиш келиб қарқаралар жўнаб кетгач, қарғалар макон тутиш-ди. Абдулла ҳар тонг уларнинг қаттиқ қағиллаши-дан уйғониб кетарди.

Ўнг томонда сал нарида бир нимага кўзи тушди. Абдулла яқинлашиб чўккалади.

Пат экан. Миттигина. Сариқ рангда.

У қўлқопини ечиб, патни олди. Қўлларида ай-лантириб кўрди.

«Йиғлаганингни кўрмай», деган эди отаси, «Йиғлаш йўқ. Кўрмай буни».

Йиғламади ҳам. Қишлоқдан бирор кимса Пари-ни сўрамади. Ҳеч ким номини ҳам тилга олмади. Сингласи ҳаётларидан бу қадар буткул йўқолиб кетгани Абдуллани ҳайратга соларди.

Ёлғиз Шужадагина Абдулла ўз қайғусининг ак-сини кўра оларди. Бечора ит ҳар тонг бўсағада пайдо бўларди. Парвона тош отиб, отаси қўлига таёқ олиб қувиб юборар, аммо ит такрор-такрор қайтиб келаверарди. Ҳар кеч унинг алам билан ан-

гилаб чиққани қулоққа чалинар, саҳар эса тум-шуғини олд панжаларига тираб, беайб нигоҳини рақибларига мунгли тикканича эшик олдида ётган бўларди. Бу ҳол ҳафталар ўтиб Абдулла унинг бошини қўйи солиб тепалик томон судралиб кетаётганини кўрган тонгга қадар давом этди. Шундан сўнг ҳеч ким уни Шодбоғда қайтиб кўрмади.

Абдулла патни чўнтагига солиб тегирмон томон юриб кетди.

Баъзан бир сония отасининг юзи тундлашиб, туйғуларнинг мавҳум бир пардаси тортилгандек кўрарди Абдулла. Отаси кўзига қандайдир кичрайиб қолгандек кўринар эди. У баъзан сусткаш ҳолда уй ичида одимлаб юрар, баъзан Иқболни тиззасида ўтирғизиб янги катта печканинг иссиғида оловга маъносиз тикилиб ўтирар эди. Овозлари ҳам аллақандай ўзгарган, оғзидан сўзлари аранг осилиб тушар эди. Узоқ-узоқ сукутга толарди. Энди эртак ҳам айтмай қўйган, тўғрироғи, улар Кобулдан қайтганларидан бери бир марта ҳам эртак айтмаган эди. *«Балки илҳомини ҳам Ваҳдатиларга сотиб келганмикан»*, деб ўйларди Абдулла.

Кетди.

Фойиб бўлди.

Ҳеч нарса қолмади.

Ҳеч бир сўз айтилмади.

Фақатгина Парвонанинг сўзларини айтмаганда: *«Ўша Пари бўлиши керак экан. Мени кечир, Абдулла. Танланиши керак бўлган Пари бўлди»*.

Қўлни асраб қолиш учун, бир бармоқни кесиб ташлашди.

III

1949 ЙИЛ. БАҲОР.

Парвона ҳали кўрпани тортиб кўрмай туриб, ҳиди анқий бошлаганди. Ҳамма нарса булғанган эди: чойшабу кўрпа-тўшак. Маъсума унга уят ва хижолат аралаш ёлвора боқди. Орадан қанча сувлар оқиб кетди-ю, у ҳануз уятда эди.

– Кечир... – шивирлади Маъсума.

Увлаб юборай деб турган Парвона базўр кулимсиди. Бундай пайтларда бир муҳаққақ ҳақиқатни эслаш ва унутиш учун ниҳоятда катта куч талаб қилинар эди: **Бу айнан унинг иши эди, ўзи пиширган ош.** Пешанасига битилган қисмат ноҳақ ҳам эмас, ҳаддидан ҳам ошгани йўқ. У шунга лойиқ эди. Парвона булғанган чойшабга кўзи тушар экан, олдинда уни кутиб турган юмушдан юраги орқасига тортиб, чуқур хўрсинди.

– Ҳозир сени тозалаб оламан, – деди у.

Маъсума чеҳраси шамдек қотиб, унсиз йиғлай бошлади. Кўзлари ёшга тўлиб, шашқатор оқарди. Парвона ташқарига тонг салқини қўйнига чиқиб ўчоққа ўт ёқди. Сўнг қишлоқ қудуғидан челақка сув келтириб иситишга қўйди. У оловга кафтини тутди. Бу ердан шамол тегирмони ва болалик чоғлари Мулла Шаҳиб у билан Маъсуманинг саводини чиқарган қишлоқ мачити кўриниб турарди. Яна ҳув осуда қиялик ён бағрида Мулла Шаҳибнинг уйи ҳам кўзга ташланар эди. Салдан сўнг қуёш кўтарилгач уйнинг томи ниҳоятда гўзал бир алвон майдонга айланарди. Мулланинг хотини қуритиш учун помидорлар ёйиб ташлаган эди. Парвона саҳар осмонида оқаришиб, хира тортиб, бепарволарча қизга боқиб турган юлдузларга кўзини тикди...

– Сувни илитишнинг нима кераги бор? – Маъсума юзини болишга босди. – Нега керак шунча ташвиш? Ундай қилишингнинг кераги йўқ. Мен бари бир фарқини сезмайман ахир.

– Балки. Лекин мен иситавераман. Энди эса жим бўлиб, ишимга халал берма.

Мана, ота-онасининг қазо қилганига тўрт йил бўлибдики, Парвонанинг ҳар бир куни мана шу юмушдан бошланади. Товуқларга дон берди. Қудуқдан сув ташиди. Хамир қориб, тандирда нон ёпди. Уйни супуриб-сидирди. Туш пайти қишлоқ хотин-халажлари ёнида дарё ёқасида тошга уриб кир чайди. Сўнг эса кун жумалиги сабаб, ота-онасининг қабрини зиёрат қилиб, ҳар бири учун қисқа тиловат қилди. Кун давомида шунча юмуш орасида Маъсуманинг ёнига келиб-кетиб, у ёнбошидан бу ёнбошига ўгириб қўяр эди.

Ўша куни Сабурга икки бор кўзи тушди. Сабур пастак лойшувоқ уйи олдида кўзлари дуддан қисилганча ўчоқдаги оловни елпирди, ёнида ўғли – Абдулла. Бирпас ўтгач эса унинг қишлоқ эркакларини билан суҳбатлашиб ўтирганини кўрди, улар ўша бир пайтлар бола бўлиб, Сабур билан гоҳи варрак учириб, гоҳи муштлашиб, ит қувиб, бекинмачоқ ўйнаб катта бўлган, ҳозир эса ҳар бирининг оиласи бор қишлоқдошлари эди. Бу кунлар Сабурнинг бошига мусибат тушиб эзилиб юрган кунлари эди. Хотини вафот этиб, икки фарзанди онасиз қолган, бири ҳатто йўргакда қолган гўдак эди.

Парвона уни узоқдан туриб кузатар экан, дилидаги кучли иштиёқ унга азоб берарди. Унинг ёнидан ўтаётганида кўзларини йигитдан олишга уринар, нимадир бўлиб нигоҳлари тўқнашиб қолганларида, Сабур қизга бош силкиб қўя қолар, Парвонанинг юзлари эса қизариб кетарди.

Уйқуга ётишдан аввал Парвона қўлларини зўрға қимирлата оларди. Ҳолдан тойиб, бош айланар

эди. Каравотида уйқусини кутиб ётарди. Шу пайт қоронғилик қаъридан овоз келди:

– Парвона?

– Ҳа?

– Бирга велосипед ҳайдаган пайтларимиз ёдингдами?

– Ҳмм.

– Учириб ҳайдаган эдик-а! Тепаликдан паства қараб учардик. Итлар ҳам бизни қувиб кетганди.

– Эсимда.

– Иккаламиз ҳам қичқирар эдик. Тошга бориб урилганимизда эса... – Парвона Маъсуманинг кулиб қўйганини эшитди. – Онамни биздан роса жаҳли чиққан эди-а. Набининг ҳам. Биз унинг велосипедини дабдала қилган эдик.

– Парвона кўзларини юмди.

– Парвона?

– Ҳа?

– Бу кеча ёнимда ёта оласанми?

Парвона Маъсуманинг ёнига ўтиб ётди. Маъсума бошини Парвонанинг елкасига тираб, охишта шивирлади:

– Сен мендан кўра яхшироқ нарсаларга лойиқсан.

– Бошлама яна, – шивирлади Парвона унинг сочларини ўйнаб туриб. Бундай дамлар ширин хотираларни ёдга солиб юборар эди. Улар болалик чоғларида худди бугунгидек бир кўрпа остида бурни бурнига теккудай бўлиб, сирлашишар, бижир-бижир қилиб, қиқирлашардилар.

Кўп ўтмай Маъсума ухлаб қолди. Парвона ойна ортига тим қора осмонга тикилганча ётарди. У яна Сабур ҳақида ўйлай бошлади, қишлоқда тарқанган «Сабур уйланишга хотин излаётганмиш» деган миш-миш хаёлини олиб қочди.

Парвона кутилмаган бир тасодиф эди.

Онаси яна қичқира бошлаб, яна бир митти бошча кўринганида Маъсума аллақачон дунёга келган, доя хотиннинг қўлида ювошгина бўлиб ўралиб ётарди. Унинг туғилиши осонгина кечди. «Унинг ўзи дунёга келди, митти фаришта», деб айтиб юрарди доя хотин. Парвонанинг туғилиши эса узоқ чўзилди, онани жон талвасасига туширди, гўдакнинг туғилиши амри маҳол эди. Киндик ичакчаси гўдакнинг бўйнига ўралиб қолган, узилса ўлим юз берадигандек эди. Энг мушкул дамларда, ўзидан қаттиқ нафратланиб кетган пайтларда Парвона балки киндиги нима яхши бўлишини билгандир, деб ўйлаб қоларди. Эҳтимол гўдакларнинг қай бири афзал эканлигини билгандир.

Маъсума вақтида овқатланар, вақтида ухларди. Очиқса ёки таги булгансагина йиғларди. Уйғонганида ўйинқароқ, мулойим, осонгина завқланар, қиқирлаб кулиб, қувнаб чийиллаб қўярди.

«Бунча ақли бўлмаса бу гўдак», дейишарди одамлар.

Парвона эса нақ золимнинг ўзи эди. Онасига бутун ҳукмини ўтказиб оларди. Гўдакларнинг шовқинидан боши гангиган ота ўғли Набини олиб, акасиникига ухлагани қочиб кетарди. Тунлар она учун азобдан бошқа нарса эмас эди. Бир лаҳза дам ола олмасди. Ҳар тун Парвонани қўлида ирғитиб юриб чиқар, тинимсиз тебратиб, алла айтарди. Парвона унинг кўксига ёпишиб олиб, нақ суягига қадар сўриб олар, эмиб ҳам кўнгли жойига тушмас эди. Қорни қаппайиб турса ҳам ўзини уриб, чинқиришдан тўхтамасди.

«Наби ҳеч бундай эмас эди, – деди бир куни онаси отасига. – Ҳар бир гўдак бир ўзгача. Манавиниси мени ўлдирай дейди».

«Ўтиб кетади ҳали», деди отаси, – худди ёмғирли кунлар ўтиб кетгани каби».

Ўтиб ҳам кетди.

Ёз охирлаб қолган кунларнинг бирида, эгизак қизлар ўн ойлик бўлганида шодбоғликлар бир тўйдан сўнг йиғилишдилар. Хотин-халаж зўр шавқ билан заъфарон уруғи сепилган момикдай оппоқ гуручни лаганларга уюм-уюм қилишар, нонларни тўғрашиб, устига қатиқ билан қуритилган райҳон сепилган қовурилган бақлажонлар терилган идишларни узатишарди. Наби болалар билан ўйнаб юрарди. Эгизакларнинг онаси қишлоқнинг улкан эмани остига тўшалган гилам устида қўшни аёллар билан ўтирар, дарахт соясида пишиллаб ёнма-ён ухлаб ётган гўдакларига қараб-қараб қўярди.

Овқатдан сўнг чой маҳали гўдаклар уйқудан уйғониб эдилар ҳамки, кимдир Маъсумани илиб кетди. Гўдак шодон холаваччасидан, аммасига, аммасидан амакисига ўтиб юрарди. Ҳали унинг тиззасида ирғишлар, ҳали бунинг қўйнида тебранар эди. Мулла Шаҳибнинг соқолига ўйнаб ёпишганида одамлар қаҳ-қаҳ отиб кулишар эди. Атрофдагиларни ҳайратга солган пушти ёноқлари, ёқут каби кўм-кўк кўзлари, нафис қайрилган қошлари келгусида янада гўзал тортишидан нишона эди.

Парвона эса онасининг тиззасида қолиб кетарди. Онаси дам-бадам унга қараб қўяр, узр сўрагандек митти оёқчаларини оҳиста сиқиб қўярди. Кимдир Маъсуманинг бир жуфт янги тиши кўри-наётганини айтса, онаси секингина Парвонанинг учта тиши борлигини айтарди. Аммо кимса бунга эътибор қаратмасди.

Қизлар тўққиз ёшга тўлганларида рамазон ойида бутун оила Сабурларникида оғиз очиш учун ифторликка йиғилдилар. Катталар хонани айлан-тириб қўйиб чиқилган болишларга суяниб ўтирар, гурунг авжида эди. Кексалар тасбеҳ ўтириб ўтиришарди. Парвона Сабур билан бир ҳаводан на-

фас олаётганидан, унинг тим қора кўзларига яқин эканлигидан ўзини бахтли сезиб, сассиз ўтирарди. Таом тортилгач Парвона унга қараб-қараб кўя бошлади. У қараганда Сабур ё қандини тишлаётган бўлар, ёки пешонасини артаётган, ёки бўлмаса тоғасининг айтганларидан завқланиб кулаётган бўларди. Унинг ҳам нигоҳи қизга тушган чоғ Парвона дарҳол кўзини олиб қочар, уятдан қимир этолмай қоларди. Тиззалари қалтирай бошлаб, оғзи қуриб кетарди.

Шу чоғ Парвона уйда ашёлари тагига бекитилган ён дафтарчани эслади. Сабур доим жинлар-у парилар, шайтон ва девларга тўла эртақ, ҳикоялар тўқиб юрарди. Қишлоқ болалари тез-тез унинг атрофида йиғилишиб олар, Сабур эртақ сўйлаётганида қулоқ қоқмай тинглашар эди. Олти ойча илгари Парвона Сабурнинг акаси Набига бир кун келиб эртақларини дафтарга тушириб қўйишни исташини айтаётганини эшитиб қолди. Шу гапдан кўп ўтмай Парвона онаси билан бошқа бир шаҳардаги бозорга боришди. Эски китоблар сотилаётган бир дўконда саҳифалари чизиқли, қалин тўқ жигарранг чарм муқовали чиройли бир ён дафтарчага кўзи тушди. Қўлида дафтарни тутиб турар экан, онаси бари бир буни сотиб олишга қурби етмаслигини ўйлади. Шунда Парвона сотувчи нигоҳини узган пайтни пойлаб туриб, тезда дафтарчани олиб, свитери остига яширди.

Аммо олти ой ўтиб кетди ҳамки, Парвона Сабурга ён дафтарчани беришга ўзида журъат топмади. Устимдан кулса-чи, ёки нима экан деб кўриб, кейин қайтиб берса-чи, деб қўрқар эди. Ҳар тун каваротида ётар экан, қўллари кўрпа остида дафтарчани пинҳон тутган, бармоқлари чарм муқованинг нақшларини силар эди. *«Эртага, – деб сўз берарди ҳар тун ўзига. – Эртагаёқ унга олиб бораман».*

Ўша оқшом ифторликдан сўнг болаларнинг бари кўчага отилди. Сабур, Парвона ва Маъсума Сабурнинг отаси улкан эманнинг бақувват шоҳига илиб берган арғимчоқ томон бурилишди. Парвонанинг гали келди, аммо Сабур уни учиритишни унутиб қўяр, эртақ сўйлаш билан овора эди. Бу галги эртақ сеҳрли кучга эга мана шу эман дарахти ҳақида борар эди. *«Агар бирор бир тилагинг бўлса, – деди у, дарахт қаршисида тиз чўкиб тилагингни айтасан. Агар дарахт тилагингни бажо келтирмоқчи бўлса, бошинг устидан роппа-роса ўнта япроқ сочади».*

Арғимчоқ секинлашиб тўхтайдиганида, учир демоқчи бўлиб Сабурга бурилди, аммо гапи бўғзида қотди. Сабур билан Маъсума бир-бирига жилмайиб турар, Сабурнинг қўлида эса ён дафтарча бор эди. Парвонанинг ён дафтарчаси эди у.

«Уйдан топиб олдим», деган эди Маъсума кейинроқ. «Сеникимиди? Қандай қилиб бўлса ҳам пулини тўлайман, сўз бераман. Сен ҳам қарши эмассан-ку, тўғрими? Мен шунчаки унга жуда асқатади деб ўйладим. Эртақлари учун. Унинг юзини кўрдингми? Кўрдингми, Парвона?»

Парвона қарши эмаслигини айтса-да, ичидан чўкиб қолганди. Опаси билан Сабурнинг бир-бирига жилмайиб тургани қайта-қайта кўз олдига келарди. Ўша тун Парвона каравотида ётганча, сассиз йиғлаб чиқди.

Қизлар ўн бирга тўлганида Парвона ўғил болалар ўзлари ёқтирган қизлар олдида ўзларини ғалати тутишлари ҳақида илк тушунчаларни кашф этди. Бунга айниқса Маъсума билан мактабдан қайтаётганларида гувоҳ бўларди. Мактаб Мулла Шаҳиб қишлоқнинг ҳар бир боласига Қуръонни ёд олиш билан бирга, ўқиш ва ёзишни, шеърлар ёд олишни ўргатадиган мачитнинг орқа хонасида

эди. Дарсдан чиқиб уйга қайтар чоғлари эгизак қизалоқлар қўпинча девор миниб олган бир тўда болага дуч келардилар. Қизлар ўтиб кетишаётганида болалар баъзан масхара қилишар, баъзан кесак отишар эди. Парвона бунга жавобан уларга бақирар, кесакларга тош отиб жавоб берарди. Маъсума эса паст овозда унга тезроқ юр деб, болалар жаҳлингни чиқаришига йўл қўйма деб, тирсагидан тортар эди. Аммо Маъсума уни нотўғри тушунганди. Парвона болалар тош отганига эмас, балки улар фақат Маъсумага отгани учун ҳам аччиқланарди.

Бир куни болалардан бири кесакнинг ўрнига тош улоқтирди. Тош юмалаб Маъсуманинг оёғи остига келиб тўхтади. Маъсума тошни қўлига олганида болалар тирсаклари билан бир-бирларини туртишиб ҳиринглашди. Тошга бир парча қоғоз боғланган эди. Улар болалардан анча узоқлашишгач, Маъсума қоғоз ўрамини очди. Иккаласи мактубни ўқий бошлашди.

*Бир қатра юзинг сувидан ул оби ҳаёт,
Бир зарра нурингдан этдинг ойни бунёд.
Моҳтобни тилаб эдим узун кечалар мен,
Тун зулфинг-у, ой юзинг экан-ку, ҳайҳот!*

Мулла Шаҳиб дарсларида ўтилган Румийнинг бир байти эди бу сатрлар.

«Борган сари маҳоратлари ошиб бораяпти»,
деди Маъсума қиқирлаб кулиб.

Рубойининг тагида бола *«Менга турмушга чиқинингни истайман»*, деб ёзиб қўйганди. Ундан пастда эса илова қўшиб қўйибди: *«Синглинг учун жуда мос келадиган тоғаваччам бор. Иккаласи биргаликда тоғамнинг даласида мол боқиб юради».*

Маъсума қоғозни йиртиб ташлади. *«Уларга эътибор берма, Парвона. Аҳмоқ болалар-да.»*

«Галварслар», гапига қўшилди Парвона.

Қайғуни табассум-ла бекитмоқ учун қанчалар куч керак. Мактуб ҳақиқатан ҳам ёмон эди, аммо унинг юрагига найза санчган – Маъсуманинг жавоби эди. Бола мактубда иккаласидан айнан бирининг номини атаб ёзмаган эди, бироқ Маъсума ўйлаб ҳам ўтирмай рубоий ўзига, тоғавачча эса Парвонага аталган деб ҳисоблади. Илк бор Парвона опасининг кўзлари билан ўзини кўрди. Опаси унга қай тарзда қарашини кўрди. Бошқалар ҳам худди шундай кўргани каби. Маъсуманинг сўзлари уни қаттиқ ранжитган эди.

«Бундан ташқари, – жилмайиб қўшиб қўйди Маъсума, – мен аллақачон бирини ёқтириб қолганман».

Ойда бир келиб-кетадиган Наби уйга келганди. У оиланинг омад қўшиғи эди, балки-да бутун қишлоқнинг омад қўшиғи эди у. Чунки Наби Кобулда ишлар, Шодбоғга хўжайиннинг милтиллаган бургут боши билан безатилган катта ҳаворанг ярқирок машинасида келарди. Унинг келишини ҳамма йиғилиб кузатар, қишлоқ бола-бақралари қичқирганча машина атрофида югуришарди.

– Ишлар қандай? – сўради у.

Учаласи кулбачада бодом билан чой ичиб ўтиришарди. Наби жуда келишган йигит, деб ўйларди Парвона, ёноқлари нафис, кўзлари жигарранг, тим қора тўлқинсимон сочлари орқага таралган хушрўй бир йигит эди. Эғнида ўзига анча кенг турадиган ўша сарғиш-малла костюм-шим. Наби бу либос билан жуда фахрланишини Парвона билар эди.

Кобулдан иш топмасдан аввал у Парвонага Маъсумага қарашда ёрдам берарди. Уззукун бўлмаса-да, қараб турарди. Аммо чидай олмади. Кобул унинг учун бир нажот бўлди.

Маъсума Наби келишига ҳар доимгидек тайёрланиб, сочларини тараб, кўзларига сурма тортди.

Унинг хаёлида Наби қизни Кобул билан боғлаб турарди. Масофа қанчалар олис бўлмасин гўё акаси уни ҳашамат-у дабдаба билан, машиналар-у равшан чироқлар, фусункор ресторан-у қимматбаҳо масканлар билан боғлаб турарди. Бундан анча йиллар илгари Маъсума синглисига ўзини қишлоқда асирга тушган шаҳарлик қиз эканлигини айтиб юришлари Парвонанинг ёдига тушиб кетди.

– Ўзингиз нима қилиб юрибсиз? Ҳали ҳам хотин топмадингизми ўзингизга? – Сўради Маъсума ҳазиллашиб.

Наби қўлини силтаб, синглисига кулиб қўйди, бир пайтлар ота-онаси худди шу саволни берганида ҳам доим шундай қиларди.

– Хўш, мени қачон яна Кобулга айлантиришга олиб борасиз, ака? – сўради Маъсума.

Бир йил олдин Наби уни Кобулга олиб борган эди. Шодбоғдан машинада олиб кетиб роса шаҳарни айлантирганди. Барча масжидларни, савдо расталарини, кинотеатрлар, ресторанларни кўрсатган эди. Бобур боғида синглисини машинадан олиб, қўлларида кўтариб императорнинг қабри олдига олиб борганди. Сўнг кошинлари кўм-кўк бир ҳовуз ёнида овқатланишганди. Бу кун Маъсуманинг ҳалоқатдан кейинги энг бахтли куни бўлгандир балки, шунинг учун ҳам Парвона акасидан бениҳоя миннатдор эди.

– Худо хоҳласа, тез кунларда, – деди Наби пиёланди бармоқлари билан чертиб.

Наби ташқарига чиқиб Парвонага пул тутқазди. Деворга бир елкасини тираб, сигарет тутатди. Маъсума ичкарида ухлаб ётарди.

– Сал олдин Сабурни кўрган эдим, – деди у. – Ёмон бўлибди. Чақалоқнинг отини айтган эди. Унутибман.

– Пари, – деди Парвона.

Наби бош ирғади.

– Сўрамасам-да, ўзи айтди, уйланиш учун хотин излаётганмиш.

Парвона ўзини бепарводек тутмоқчи бўлиб, юзини четга бурди. Аммо юраги қафасини ёргудек бўлиб дукилларди. Вужудидан тер чиқиб кетди.

– Боя айтганимдек, мен сўраганим йўқ. Ўзи гап очди. Мени четга тортиб сўзлади.

Парвона шунча йиллар Сабурни дилида сақлаб юрганини Наби билармикан, деб шубҳаланиб қолди. Маъсума унинг эгизи бўлса-да, уни тушунган одам доим Наби бўларди. Лекин Парвона акаси нега бу янгиликни унга айтаётганига тушуна олмас эди. Бунинг нимаси яхши? Сабурга бир хотин керак экан, ҳеч нарсага боғланиб қолмаган, унга, боласига, янги туғилган чақалоғига ўзини бахш этадиган бир хотин. Парвонанинг эса вақти ўтиб бўлди. Елкасида масъулияти бор. Бутун умри энди шундай ўтади.

– Биронтаси топилиб қолар, – деди Парвона.

Наби бош ирғади.

– Келаси ой яна келаман, – деди у. Сўнг сигаретини оёғи билан эзди-да, жўнаб кетди.

Парвона ичкарига кириб, Маъсуманинг уйғоқ эканлигини кўриб ажабланди.

– Ухлаяпсан деб ўйлагандим.

Маъсума ҳорғин нигоҳини дарчага олди.

Қизлар ўн уч ёшга тўлганларида баъзан оналари учун яқин шаҳарчадаги гавжум бозорга тушишарди. Тош ётқизилмаган кўчалардан ҳозиргина сепилган сувнинг ёқимли иси таралар эди. Иккала қиз тор кўчалар бўйлаб бориб, чилим, ипак рўмоллар, мис қозонлар, эски соатлар сотиладиган расталардан ўтиб боришди. Парвона ҳар бир қадамда эркаклар Маъсумага ялт этиб қарашларини

кўрарди. Ўзларини рисоладагидек тутишга ҳарчанд уринсалар-да, кўзлар уларга бўйсунмас эди. Маъсума улар томонга боқиб қолгудек бўлса, ўзларини аҳмоқона тутиб қолишарди. Суҳбатлар узилиб қолар, чилим тортаётганлар ўша жойида қолар, тиззалар қалтираб, чойлар тўкилиб кетарди.

Парвона эса опасининг ёнида кўримсиз кўринар эди. Сочлари паҳмоқ, юзлари ҳорғин ва сўниқ, бели йўғон, елкалари кенг эди. Бутун умр кўзгу қаршисида опаси билан ёнма-ён туришдан қочиб келганди. Маъсуманинг чеҳраси олдида ўзиникини кўриш, инкор қила олмайдиган даражада кўримсиз эканлигига гувоҳ бўлиш унинг бор умидларини ҳам чиппака чиқарар эди. Аммо одамлар орасида, ҳар бир бегона нигоҳ бир кўзгу мисоли эди. Бундан асло қочиб бўлмасди.

У Маъсумани ташқарига олиб чиқди. Иккаласи Парвона ясаган чорпояда ўтиришарди. Парвона опасининг орқасига болишларни қулай қилиб жойлаштирди. Тун ниҳоятда сокин. Сукунат эса ниҳоятда гўзал эди. На Маъсума, на Парвона беҳуда сўзлар билан бу осудаликни бузишни истамас эди.

– Мен учун бир иш қила оласанми? – сўради Маъсума.

Парвона унга қаради.

– Мени Кобулга олиб боришингни истайман.

– Жиддий айтяпсанми буни?

– Дориломон саройини кўришни истайман. Ўтган гал бора олмаган эдик. Балки яна бир бор Бобур қабрини зиёрат қиларман.

Парвона Маъсуманинг юзини аниқроқ кўриш учун эгилди. Опасининг чеҳрасидан ҳазил аломатларини излаган Парвона ой ёғдусида Маъсуманинг бўшлиққа хотиржам боқиб турган кўзларини кўра олди холос.

– Яёв борганда бу камида икки кунни олади-ку. Балки уч кун ҳам олар.

– Эшиги олдида бизни кўриб ҳайратланган Набини бир тасаввур қилгин.

– У қаерда яшашини ҳам билмаймиз ҳатто.

– Бирор эшикни қоқиб сўрармиз. Бунинг қийин жойи йўқ.

– Бу аҳволингда у ерга қандай қилиб етиб борамиз, Маъсума?

Бугун иш билан кетганингда, уйга мулла Шаҳиб келган эди. Узоқ суҳбатлашдик. Бир неча кунга Кобулга кетаётганимизни айтдим. Фақат иккимиз холос. Охири у бизга оқ фотиҳа берди. Шунингдек, хачирини ҳам. Кўриб турганингдек, иш пишган.

– Сенинг эсинг жойида эмас, – деди Парвона.

– Мана, нимани хоҳаяпман. Шу менинг истагим.

Кунлардан бир куни эрта тонгда ўн еттига қадам қўйган эгизак қизлар эманнинг баланд шохларидан бирида оёқларини осилтирганча ўтирган эдилар.

«*Сабур мени сўрамоқчи*», деди Маъсума баланд шивирлаб.

«*Сени сўрамоқчи?*» Парвона бошда буни дарҳол тушуниб етмади.

«*Албатта, ўзи эмас*, – кулиб юборди Маъсума кафти билан оғзини бекитиб. – *Отаси келади совчиликка*».

Парвона энди фаҳмлади. Юраги орқага тортиб кетди. «*Қаердан биласан?*» сўради у тонг қотган лабларини зўрға очиб.

Маъсума сўзлаб бера бошлади, сўзлар лабларидан тўхтовсиз қуйила кетди, аммо улар Парвонанинг қулоғига аранг етиб борарди. Қизнинг кўз олдига Маъсума билан Сабурнинг никоҳ тўйлари келди. Ясаниб олган болалар қўлларида гуллар би-

лан тўлиб-тошган хина идишини кўтариб борар, уларнинг ортидан раққослар кўринарди. Сабур Маъсуманинг муштини очиб, кафтига хина суртди, сўнг оппоқ тасма билан боғлаб қўйди. Дуолар... Оқ фотиҳалар... Совғалар... Икки ёш тилла ипак ҳарир ортида бир-бирига термулиб боқишар, қошиқда шарбат тутишар эди.

Парвона ҳам ўша ерда. Юраклари сирқираб, парча-парча бўлса-да, кулиб туриб чапак чалишга, ўзини бахтиёр тутишга маҳкум.

Шамол қаттиқ эсиб, шох-шаббалар тебраниб, япроқлар тўкилди. Парвона ўрнига маҳкамроқ ўрнашиб олди.

Маъсума сўзлашдан тўхтади. У пастки лабини тишлаб, жилмайиб турар эди. «Қўлимни сўрамоқчи эканлигини қаердан биласан, дедингми? Ҳозир айтаман. Йўқ, яхшиси кўрсатаман». У бурилиб чўнтагини кавлай бошлади.

Кейин нима бўлганидан Маъсуманинг хабари йўқ. Опаси четга бурилиб, чўнтагини кавлаётган чоғ Парвона кафти билан дарахт шохини қаттиқ тутиб, учидан тутди-да қўйиб юборди. Дарахт шохи силкиниб кетди. Маъсума чинқириб юбориб мувозанатини йўқотди. Қўллари назоратни йўқотиб, қиз олдинга энгашиб қолди. Парвона тек қотганча ўз қўллариининг ҳаракатини кузатарди. Қўллари Маъсумани итариб юборди деб бўлмасди, аммо бармоқлари опасининг орқасига тегиб турар, хиёл оний туртки бергандек эди гўё. Аммо бу бир лаҳзагина давом этди. Парвона опасига интилди. Қизлар ваҳима ичидан бир-бирини чақиришди. Парвона Маъсуманинг қўйлагидан тутиб қолди. Бир дақиқагина Маъсума қутқарилгандек туюлди. Бироқ қўйлак йиртилиб кетиб, Парвонанинг қўлидан чиқиб кетди.

Маъсума пастга қулади. Шох-шаббаларни тебратиб, қушлару япроқларни тўзғитиб пастга учиб

кетди. Танаси ҳали у шохга, ҳали бунисига урилиб-урилиб, ниҳоят, арғимчоқ боғланган йўғон шохга орқаси билан икки букилиб илашиб қолди.

Лаҳза ўтмай қизни ўраб олишди. Наби билан отаси Маъсуманинг бошида йиғлар, қизни ҳушига келтиришга уринардилар. Ҳамма Маъсуманинг юзига термулган, кимдир қизнинг қўлини тутди. Маъсуманинг қўли ҳануз мушт қилиб қисилганди. Бармоқларини ёзган эдилар, унинг кафтида роп-па-роса ўн дона ғижимланган япроқ топишди.

– Буни ҳозир қилишинг керак. Эртагача кутсанг, бунга жазм қилолмайсан, – деди Маъсума овози хиёл қалтираб.

Парвона шох-шаббаларни йиғиб ёққан оловнинг хира ёруғини айтмаса, атроф жимжит, кимсасиз эди. Бепоен қумликлар. Қоронғилик тоғларни ҳам ютиб юборган гўё. Маъсума эгарда, Парвона хачир ёнида яёв Кобул томон йўл олганларига қарийб икки кун бўлди.

Парвона гулхан ёнида ўтириб, аланганинг у томонида адёлга ўраниб узала ётган Маъсумага қаради.

– Кобул нима бўлади? – сўради у опасидан.

– Сени фаросатли деб ўйлаган эдим.

– Мендан бундай қилишни сўрама, – деди Парвона.

– Мен чарчадим, Парвона. Менинг ҳаётим ҳаётми ўзи? Бу дунёда борлигим иккимиз учун ҳам оғир жазо.

– Кел, ортга қайта қолайлик, – Парвонанинг томоғи хиппа бўғилди. – Мен бундай қила олмайман. Сени қўйиб юборолмайман.

– Сен эмас, – Маъсума йиғлаб юборди, – мен сени қўйиб юбораман. Озод қиламан сени.

Парвона опасини арғимчоқда учираётган дамларини ёдга олди. Маъсума икки оёғини кўтариб,

бошини орқага олиб энгаштириб олган, сочлари шамолда ҳилпирар эди. Биргаликда маккажўхори сўтасидан ясаб, мато қийқимларини ўраб безантирган эски қўғирчоқларини эслади.

– Бирор нима десанг-чи, синглим.

Парвона кафти билан кўз ёшларини артди.

– Ўғли Абдуллани, чақалоғи Парини ўз боланг-дек сева оласанми?

– Маъсума...

– Сева оласанми?

– Ҳаракат қиламан, – деди Парвона.

– Яхши. Унда Сабурга турмушга чиқ. Болаларига ғамхўрлик қил. Ўзинг ҳам фарзандли бўл.

– У сени севар эди. Менга кўнгилик қўймайди.

– Вақт ўтиши билан кўнгилик қўяди.

– Ҳаммаси менинг ишим, – деди Парвона. – Менинг айбим. Ҳаммаси.

– Нималар деяётганингни билмайман, билишни ҳам истамайман. Буни ўзим хоҳлаяпман. Одамлар тушунишади, Парвона. Мулла Шаҳиб уларга тушунтиради. Бу учун менга оқ фотиҳа берганини айтади уларга.

Парвона зим-зиё осмонга юзланди.

– Бахтли бўлишинг керак, Парвона. Мен учун шундай қил.

Парвона Маъсумага барчасини айтиб беришга чоғланди. Барчасини – Маъсуманинг қанчалар нотўғри ўйлаётганини, синглиси аслида қандай эканлигини, уни қанчалар билмаслиги, Парвона бутун умри давомида опасидан сассиз афв сўраб яшаб келаётганини, бари-барини айтиб беришга чоғланди. Аммо бундан не наф? Ўзининг кўнглини бўшатиб олиб, Маъсумани яна азобга қўйишми? Парвона сўзларини ичига ютди.

– Чекким келяпти, – деди Маъсума.

Парвона эгарга илинган хуржундан чилимни олди. Титроқ қўллари билан чилимнинг идишчасида одатдагидек аралашмани тайёрлашга киришди.

– Кўпроқ, – деди Маъсума. – Яна кўпроқ сол.

Кўз ёшлари юзини ювиб, Парвона яна солаверди, солаверди. Сўнг кўмирни ёқиб, чилимни Маъсуманинг ёнига қўйди.

– Энди эса, – деди Маъсума, оловнинг тилларанг ёлқини ёноқларида, кўзларида живирларди. – Ҳеч мени севган бўлсанг, чин синглим бўлсанг, кет! Ҳеч қандай хайрларсиз. Ялинишга мажбур қилма мени.

Парвона нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эди, Маъсума азоб билан хўрсиниб, юзини четга бурди. Парвона аста оёққа қалқди. Хачирга яқинлашиб, эгарни маҳкамлади. Тўсатдан хаёлига бундан кейин Маъсумасиз қандай яшаши мумкинлиги яшиндек урди. Яшай олармикан?

«*Журъатингни жамла*», Маъсуманинг сўзлари қулоғида жарангларди.

Парвона тизгинни тортиб, хачирни бурди-да, юриб кетди. Совуқ тун шамоли юзларини силаганча, қоронғилик бағрини ёриб кета бошлади. Боши қуйи солинган Парвона кўзи ёшга тўлиб, оловдан олислаб кетди. Кўз олдига опасининг гулхан ёнида қоронғилик қўйнида ёлғиз қолгани келди. Ҳадемай олов ҳам сўнади. Маъсума совуққотиб қолади. Кўнгли ортига қайтиб, опасининг устини адёл билан ёпиб қўйишни, ўзи ҳам унинг ёнига узалишни сўрарди. Аммо йўлида давом этди.

Шу асно қулоғига қандайдир овоз эшитилди. Узоқлардан йиғлаганга ўхшаш овоз келарди. Парвона жойида тўхтади. Бошини буриб, қайта қулоқ осди. Қўрқинч ичида ўзига ўзи савол берди: Маъсума чақиряптмикан, ёки шунчаки шоқол ё тулки уладимикан? Шамол бўлса керак, ўйлади у.

«*Мени ташлаб кетма! Қайт, синглим!*»

Овозни аниқлашнинг бирдан-бир йўли ортига қайтиш, Парвона шундай ҳам қилди. Ортига бурилиб, Маъсума томон қадам босди. Сўнг тўхтади. Маъсума ҳақ. Агар ҳозир қайтиб борса, бошқа ҳеч қачон бунга журъат этмайди. Бу унинг ягона имконияти.

Парвона кўзларини юмди. Ҳеч ким билиши шарт эмас. Ҳеч ким билмайди. Бу унинг сири бўлиб қолади. Зотан бир умр сирлар ичида яшади.

Олислардан яна йиғи овози келди.

– Ҳамма сени яхши кўрарди, Маъсума. Ҳеч ким мени севмас эди. Аммо нега, опа? Мен нима қилган эдим?

Парвона қоронғилик қўйнида узоқ тек қотди. Ниҳоят, бир қарорга келди. Ва янги ҳаёти томон одимлаб кетди.

IV

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Биламан, жаноб Маркос, сиз бу мактубни ўқиётганингизда, мен бу дунёда бўлмайман. Ҳозир эса шу етти йил ичида мен билан дўст бўлиб келганингиздан нақадар мамнун эканлигимни айтсам. Мактубимни битар эканман, ҳар йили боғда помидор экишларимиз, тонг саҳардан чой ичиб, чақчақлашиш учун меникига келишингиз, ўзимизча форс ва инглиз тили билан машғул бўлганларимизни хаёлимдан ўтказяпман. Дўстлигингиз ва гамхўрлигингиз учун, мана шу мамлакатда амалга оширган барча ишларингиз учун сизга катта раҳмат. Ишонаманки, миннатдорчилигимни меҳри дарё ҳамкасбларингизга, хусусан, қалби шафқатга тўла Амра Адемовик хонимга ҳамда унинг севимли жасур қизи Рушига етказиб қўясиз.

Ушбу мактубни нафақат сизга битдим, балки сиз етказишингиз мумкин бўлган яна бир инсон

учун ҳам битдимки, буни ҳалироқ тушунтириб бераман. Мактубда сиз алақачон хабари бор воқеаларни такрорлаган бўлсам, узр сўрайман. Бу ҳам ўша инсоннинг фойдаси учундир.

Ҳикоямни қаердан бошласам экан дея узоқ ўйландим. Саксондан ошган бир қария учун бу осон иш эмас. Мен тенги аффонлар каби, мен ҳам аниқ ёшим нечада эканлигини билмайман. Аммо дўстим (кейинроқ куёвим) Сабур билан жиққа мушт бўлган кунимиз Нодиршоҳ отиб ўлдирилган, тахтга унинг ёш ўғли Зоҳиршоҳ ўтирганини жуда аниқ эслайман. 1933 йил эди ўшанда. Шу ердан бошласам керак. Ёки ҳикоямнинг ниҳояси қайси воқеа билан боғлиқ бўлса, ўшандан бошлаганим дурустмикан. Ҳа, Нила Ваҳдатидан бошлайман.

Мен уни 1949 йил – жаноб Ваҳдатига турмушга чиққан йили учратган эдим. Ўшанда мен Сулаймон Ваҳдати учун ишлаётганимга икки йил бўлганди. Туғилиб ўсган қишлоғим – Шодбоғдан Кобулга аслида 1946 йил кўчган бўлсам-да, бир йил бошқа хонадонда ишлаган эдим. Қишлоқдан чиқиб кетишимнинг сабабини айтишдан жуда хижолатдаман. Бири мажруҳ бўлган иккала синглим билан кечираётган ҳаётимдан жуда тўйган эдим. Ёш эдим, дунё кўргим келарди, камтарона бўлса-да орзуларим лиммо-лим эди. Истиқболим сўна бошлагандек кўринди. Шундай қилиб, қишлоқдан кетдим. Сингилларимнинг эҳтиёжини қондириш учун эканлиги рост, аммо бу сўзсиз қочиб кетиш ҳам эди.

Жаноб Ваҳдатиникида тўлиқ иш кунини ҳисобида ишлай бошлагач, бутунлай Ваҳдати жанобнинг уйида яшашимга тўғри келди. У пайтлар бу истеҳком сиз 2002 йил Кобулга келганингизда кўрганингиз каби афтодаҳол эмас эди. Жуда кўркам, муҳташам бир уй эди. Гўё олмога буркангандек

оппоқ бўлиб ярқирарди. Мармар поллар устига турк гиламлари тўшалган турарди.

Илк марта ошхонасига кирганимда оғзим ланг очилган эди. У ер бутун Шодбоғни боқиш учун ҳам катталик қилар эди. Юқори қаватдаги ювиниш хонангизни эслайсизми, жаноб Маркос? Ўша пайтлар бу хоналар ложувард билан қопланган эди.

Менга ажратилган кичкинагина уй орқада, ҳовлининг тўрида эди. Тоза ва озода, бир бўйдоқ учун ҳамма шароитлар бор эди.

Мен жаноб Ваҳдати учун таом тайёрлар эдим. Буни аввал марҳум онамни кузатиб ўрганган бўлсам, кейинчалик Кобулда бир хонадонда ўзбек ошпазига ёрдамчи бўлиб ишлаб юрган кезларим ўзлаштиргандим. Бундан ташқари жаноб Ваҳдатига ҳайдовчилик ҳам қилар эдим. Унда Шевроленинг 1940 йиллардаги модели бор эди. Менинг моҳир ҳайдовчи эканлигимни кўргач, ўзи машина ҳайдашга унча ҳуши бўлмагани учун ҳам, машинани менга топширган эди.

Эътибор билан кузатишим натижасида жаноб Ваҳдати нимани хуш кўради, нимани хуш кўрмайди, қачон сўз ўйини қилиб, қачон ранжишини, барча одатларини ўрганиб олдим. Мисол учун, ҳар куни нонуштадан сўнг айланиб келиш одати бор эди. Ёлғиз кезгиси келмаганидан, мени ҳам ўзига ҳамроҳ қиларди. Куннинг қолган қисмини юқори қаватдаги кабинетида китоб ўқиб, ўзи билан ўзи шахмат ўйнаб ўтказар эди. Сурат солишни севар эди. Бу борада маҳорати қандайлигини билмасдим-у (чизганларини ҳеч менга кўрсатмаган эди), аммо уни доим ё дераза олдида ё айвонда қошларини чимириб, ўйга толганча қаламини юргизиб, нималардир чизаётганини кўрар эдим.

Баъзан машинада шаҳар бўйлаб чиқиб келардик. Ҳафтада бир марта онасининг уйига бориб

келарди. Бутун оила жамулжам бўларди у ерда. Жаноб Ваҳдати бу каби йиғинлардан ўзини кўп олиб қочса-да, туғилган кун, тўй ёки дафн маросими кабиларда доим иштирок этарди. Баъзан орқа ўриндикда ўтириб, шунчаки шаҳар кезишни истарди. «Қаерга, соҳиб?» деб сўрардим мен. У елка қисиб қўярди. «Яхши, соҳиб», дер эдим мен ва соатлаб шаҳар бўйлаб кезиб юрардик.

Ойда бир машинани бутунлай менинг ихтиёримга топшириб қўярди. Ўшанда Шодбоғга бориб келардим. Қишлоқ болалари қий-чув қилиб мени кутиб олишар эди.

«Қара, Наби, қанчалар машҳурсан», дер эди Сабур.

Унинг болалари – Абдулла ва Парига доим эътиборли бўлишга ҳаракат қилар эдим, чунки гўдаклар ўз оналаридан ажралган эдилар (Парвона уларга ўгай она эди). Айниқса, бунга кўпроқ муҳтож бўлган Абдуллага жуда эътиборли эдим. Машинада қишлоқни айланиб келишга таклиф қилар эдим. У эса сингисини ҳам ўзим билан оламан, деб туриб оларди. Парини тиззасига олиб, маҳкам тутиб, мен билан Шодбоғни айланар эди.

Сўнг оқшом Парвонаникида ўтириб, чой устида Кобулдаги ҳаётим ҳақида сўзлаб берардим. Бу гурунгларда соҳибим ҳақида кўп ҳам тўхталмас эдим. Ҳақиқатдан ҳам соҳибимга меҳрим бошқача эди. Менга ниҳоятда яхши муносабатда эди. Аммо ўзи жудаям сирли одам бўлиб, умрининг қолган кунларини мерос бўлиб ўтган бойлиги ҳисобига ўтказар, на касби бор, на бирор нарсага иштиёқи бор эди. Бу ёруғ дунёда ортидан бирор из қолдириб кетишга ҳафсаласи йўқ одамдек туюлар эди. Машинанинг орқа ўриндиғида ўтириб, бемақсад кезгани каби маъносиз ўтарди умри.

Оиламдагиларга мана шулар ҳақида сўзлаб берсам бўларди, аммо сўзламас эдим. Яхши ҳам айт-

маганим, чунки бу борада қанчалар адашганлигимни сўнгроқ билиб қолдим...

Бир куни жаноб Ваҳдати эгнига мен биринчи бор кўриб турган чиройли йўл-йўл ингичка чизиқли костюм-шимда ҳовлига чиқиб, шаҳарнинг бадавлат даҳасига олиб боришимни сўради. Даҳага етиб боргач, деворлари баланд, чиройли бир уй ёнида машинани тўхтатишимни буюрди. Сўнг ўзи дарвозага ўрнатилган қўнғироқни чалди-ю, хизматкор билан уй ичига кириб кетди. Бу уй жаноб Ваҳдатиникидан ҳам анчайин ҳайбатли, ҳам анчайин кўркем эди. Бирор бир магнатнинг уйдир-да, деб ўйладим мен.

Ёзнинг илк кунларидан бири эди, кўкда қуёш заррин нурларини таратарди. Жаноб Ваҳдати чиққунича бир озгина мизғиб олсаммикан деб ўйлаб тургандим, шу пайт дарвоза очилиб, сочлари тим қора ёш жувон кўринди. Жувон қора кўзойнак тақиб олган, тўқ сариқ енги калта қўйлаги тиззасидан бўлиб, оёқлари очилиб ётарди. Менинг машинада ўтирганимни пайқадими, йўқми, билмайман. У бир пошнасини деворга суяган эди, қўйлаги хиёл ҳилпираб, сонлари кўриниб кетди. Юзимдан олов чиқиб кетгандек бўлди.

Жувон деворга суяниб олиб, сигарет ёқди, сўнг икки бармоғининг учида тутиб, шошмасдан тутата бошлади. Мен ҳайрат билан уни қузатар эдим. Қўлларини нозик белига тираб олгани қай бир шеър китобча муқовасидаги киприклари узун гўзал аёлни эслатиб юборди. Кўчанинг нариги бетида нимадир жувоннинг диққатини тортган қисқа фурсатда, мен апил-тапил қўлларим билан сочимни тараб олдим. Яна аввалги ҳолига қайтганида, мен жойимда музлаганча қотдим.

У сигаретдан яна бир тортди-да, сўнг уни улоқтириб, оҳиста қадамлар билан ичкарига йўл олди. Ниҳоят, эркин нафас ола бошладим.

Ўша оқшом жаноб Ваҳдати мени меҳмонхонага чақириб:

– Янгилигим бор, Наби. Мен уйланыпман, – деди.

Унаштирув ҳақидаги янгилик яшин тезлигида тарқалди. Шу билан бирга миш-мишлар ҳам. Булардан баъзиларини жаноб Ваҳдатиникига келиб-кетиб юргувчи хизматкорлардан эшитиб қолардим. Айниқса, ҳафтасига уч бора келиб, боғлардаги дарахт ва буталарни текислаб кетадиган турқи совуқ Зоҳид исмли боғбон йигит бундай гийбатларга устаси фаранг эди.

Бир куни оқшом Зоҳид чой устида бир хизматкорга жаноб Ваҳдатининг оиласи бундай ахлоқи бузуқ аёлга уйланишини маъқуллашмаётганини сўзлади. Унинг айтишича, жувонда на номус, на ор бор эмиш, эндигина йигирма ёшга кирган бўлса-да, жаноб Ваҳдатининг машинаси каби бутун шаҳар бўйлаб айлантирилган эмиш. Энг ёмони у буни рад қилмас, бу ҳақда узун-узун шеърлар ҳам битар экан.

Тоқатим тоқ бўлиб, ўрнимдан туриб кетдим. Худди кекса хотинлар каби гийбат қилаётганларини айтиб, койидим. Жаноб Ваҳдати кабилар бўлмаганда эди, ҳозир ҳаммамиз қишлоғимизда тезак териб юрардик, дедим. Қайда қолди ҳурмат, субут деган тушунчалар, дедим.

Унаштирув ҳеч қандай дабдабасиз, раққосу машшоқларсиз, бир мулла ва бир гувоҳ, бир парча қоғозга қўйилган бир жуфт имзо билан ниҳояланди. Икки ҳафта ўтиб эса Ваҳдати хоним бу ерга кўчиб ўтди.

Мен унга Биби соҳиб деб мурожаат қилардим. Аммо мактубимнинг мақсадидан келиб чиқиб, у ҳақида доим қандай ўйлаган бўлсам, борича ёзаман.

Ушбу никоҳ бахтли бир ҳодиса бўлмаслигини бошиданоқ билар эдим. Бир-бирларига аталган ширин сўзлару майин нигоҳларни аҳён-аҳёнда демаса, деярли учратмас эдим. Улар йўллари унча-бунчага кесишавермайдиган бир том остида яшаётган икки жон эди.

Эрталаблари жаноб Ваҳдатига одатдаги нуштасини келтирар эдим. Иккаламиз ҳар кунги сайрга чиқиб кетганимизда, Нила ҳали ухлаб ётар, уйқудан уйғонган чоғлари мен аллақачон жаноб Ваҳдатининг тушлигини тортаётган бўлардим.

Ҳар куни кундалик юмушларимни бажарар эканман, Ниланинг айвонга қараган эшикни очишини интиқлик билан кутар эдим. Бу гал қандай кўринишда бўлар экан, деб хаёлимда ўйинлар ўйнар эдим. Сочларини кўтариб олганми? Ёки боғич билан ортига боғлаганми? Балки гўзал елкалари узра ёйиб олгандир, дея ўзимга саволлар берардим.

У кириб келганида эса ўзимни банд қилиб кўрсатар, ё машинани артаётган, ё наъматакларга сув қуяётган бўлар эдим. Аммо доимо уни кузатиб турардим. Қора кўзойнагини олиб, кўзларини артганини, сочидаги боғичини ечганида тимқора зулфлари елкаси узра ўйнаганини, иягини тиззаларига тираб олиб, боғ томон узоқ термулиб туришини, барини кузатар эдим.

Жаноб Ваҳдати деярли унинг ёнида бўлмас эди. Никоҳ унинг одатий ҳаётини заррача бўлса-да, ўзгартирмади. Ўша-ўша кабинетига кириб олиб, китоб ўқир, ёки бўлмаса, сурат солиш билан андармон бўлар эди. Нила эса бир қўлига қалам билан қоғоз, бошқа қўлида сигарет тутиб, ҳали айвонда, ҳали меҳмонхонада нималардир ёзиб юрарди. Оқшом таомни тортганимда ҳар иккаласи ҳам нигоҳини ликобчаларига тикканича жимгина овқатланар, сукунатни «Раҳмат» деган сас ва қошиқларнинг жаранги бузарди, холос.

Ҳафтада бир-икки марта Нилага у-бу нима керак бўлиб қолганида, уни шаҳарга олиб тушардим. Уни олиб чиқишимни олдиндан билган кезларим, сочларимни яхшилаб тарар, тишларимни тозалаб, юзимни ювар, бармоқларимдаги пиёз исини йўқотиш учун лимон суртардим. Ва албатта эгнимда жаноб Ваҳдати совға қилган ўша сарғиш-малла костюм-шимим бўларди.

Ўзи мурожаат қилмаса агар, кўзгудан унга қарамасликка ҳаракат қилар эдим. Мен учун унинг орқа ўриндиқда ўтиргани ҳам катта бахт эди. Бундай кунлари руҳим қанот боғлаб, самога учар эди.

Бизнинг илк суҳбатимиз ҳам машинада кечган эди.

– Қишлоғинг қанақа, Наби? Номи нима?

– Шодбоғ, биби соҳиб.

– Шодбоғ. Қанақа қишлоқ у? Сўзлаб бер.

– Айтишга арзимаиди, биби соҳиб, ҳамма қишлоқлар каби бир қишлоқда.

Нимаси биландир ажралиб туриши аниқ.

Мен жим қолдим. Унда қизиқиш уйғота оладиган ақллироқ бир фикр кела қолмасди миямга. Мендек бир кичкина одам, бир қишлоқи Ниладай аёлнинг эътиборини тортиш учун нимаям дея олиши мумкин?

– Узумлари жуда ажойиб, – дедим. Айтишга айтдим-у юзимга шапалоқ тортиб юборгим келди. Келиб-келиб, узум ҳақидаям гапирадими одам?

– Шундайми, – деди у бефарқ.

– Асалдек тотли.

– Ҳа-а.

Ичимда минг бор ўлиб-тирилдим.

– Бир тури бор, – давом этдим оғзим қуриб, – фақат Шодбоғдагина ўсади, дейишади. Ниҳоятда, нозик ва ниҳоятда мўрт экан. Бошқа жойда, ҳаттоки, қўшни қишлоқда ўстирмоқчи бўлсангиз ҳам қуриб қолади. Шодбоғликлар уни бахтсизликдан

қуриб қолади, дейишади. Албатта, бундан эмас. Ҳамма гап сув ва тупроқда. Шундай бўлса-да шод-боғлиқлар бунга бахтсизлик сабаб деб ўйлашади.

– Ажойиб ҳикоя, Наби.

Кўзгудан унинг ёноқларига табассум югурганини кўриб елкадан тоғ ағдарилгандек бўлди. Бир оз дадил тортгач, ундан сўрадим:

– Яна бир ҳикоя сўзлаб берайми, биби соҳиб?

– Албатта.

– Қишлоғимизда бир мулла бор. Исми мулла Шоҳиб. Ниҳоятда кўп ҳикоялар билади. Қанча билишини аниқ билмайману, аммо доим айтиб юрадиган бир ҳикояси ёдимда. Ер юзининг қай бир нуқтасида яшамасин, ҳар бир мусулмоннинг кафтида ғоятда ғаройиб нарсага кўзингиз тушиши мумкин. Барчасининг кафт чизиқлари бир хил. Бу нимани англатади дейсизми? Мусулмон кишининг чап кафтидаги чизиқлардан араб ёзувидаги саксон бир рақами, ўнг кафтидагидан эса ўн саккиз рақами келиб чиқаркан. Энди саксон бирдан ўн саккизни айирсак, нима чиқади? Олтмиш уч. Пайғамбиримизнинг вафот этгандаги ёши. – Орқа ўриндиқдан кулги саси келди. – Бир куни қишлоғимиздан ўтиб бораётган бир сайёҳ одатимизга кўра мулланикида кечки овқатга қолди. У ҳам мулланинг шу ҳикоясини эшитгач, шундай дебди: «Аммо, мулла соҳиб, мен бир пайтлар бир яҳудийни учратган эдим. Онт ичиб айтаманки, унинг кафтида ҳам айнан ўшандай чизиқлар бор эди. Буни қандай изоҳлайсиз?» Шунда мулла: «Демак, ўша яҳудий руҳан мусулмон бўлган».

Ниланинг қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборгани кун давомида мени сеҳрлаб юрди. Бу кулги гўё самодан – жаннатдан тушгандек эди. Мени лолу ҳайрон қолдирган ёлғиз ҳусни латофати эмас эди, жаноб Маркос. Умрим бўйи унингдек аёлни кўрма-

ган эди. Унинг ҳар бир ҳаракати – сўзлаши, қадам ташлаши, кийиниши, жилмайиши – бари мен учун янгилик эди.

Шу кундан бошлаб биз ҳар куни суҳбатлашадиган бўлдик. Мен қай бир юмуш билан банд, у эса айвонда чой ҳўплаб туриб мароқ билан суҳбатлашардик. Нила айнан мен билан яқин бўлиб қолганидан ўзимда йўқ хурсанд эдим. Чунки мендан бошқа хизматкорлар ҳам бор эди-да. Масалан, анави худбин Зоҳид ёки кирларни ювиш учун ҳафтада икки бор келиб-кетадиган Ҳазора. Аммо Нила мени танлаган эди. У менга ҳаётдан қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаб берарди. Бир пайтлар отаси билан Жалолободга овга боргани-ю, бир неча ҳафта тушида ўлган кийикнинг кўзларини кўриб ваҳимага тушганини, болалигида, иккинчи жаҳон урушидан олдин онаси билан Францияга борганини айтиб берарди. Францияда ҳам поездга, ҳам кемага чиқишган экан. Яна у менга бир йилча аввал хасталикка чалиниб отаси билан олти ҳафтани Ҳиндистонда ўтказганлигини ҳам айтиб берганди.

Яқин бўла бошлагач, у менга жаноб Ваҳдатидан нолий бошлади. Бир куни у жанобни ўта вазмин ва ниҳоятда такаббур деди.

– У мен учун энг саховатли инсон, – дедим мен.

Нила рад қилгандек қўлини силтади.

– Қўйсанг-чи, Наби. Ундай дема.

Мен итоаткорона нигоҳимни ерга олдим. Нила у қадар ҳам ҳақ эмас эди. Мисол учун, жаноб менга сўзлаш одобини ўргатди. Тўғри, баъзан хонасига ширинлик келтириб, чойини янгилаб, столдан нон урвоғларини сидириб олганимда менга бир пашшачалик эътибор қаратмайди. Аммо хизматкорларини ўласи қилиб дўппослайдиган соҳиблар йўқ дейсизми.

– На бир ўйин-кулгуни билади, на бир завқни, – деди Нила қаҳвасини қафсаласизлик билан қўзғар экан. – Сулаймон худди ёш танага ўралиб олган қарияга ўхшайди.

Мен хонимнинг бундай очиқ сўзлашидан лол қолдим.

– Балки у онаси билан яшаши маъқулдир. Сен нима деб ўйлайсан, Наби? Жуда бир-бири бопда улар, мен сенга айтсам.

Жаноб Ваҳдатининг онаси тўладан келган такаббур бир аёл бўлиб, бир тўда доимий хизматкорлари ва жуда ардоқлайдиган бир жуфт ити билан шаҳарнинг бошқа бир қисмида истиқомат қиларди. Нила ҳар гал қайнонасиникига борар экан, бундай сафарга эрининг қаттиқ қистови ва албатта муқаррар жанжалдан сўнг муяссар бўлинарди.

Ҳар гал Нила билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолсак, бошимда бир савол ғужғон ўйнарди. Нима сабабдан у жаноб Ваҳдатига турмушга чиқди экан? Буни Ниланинг ўзидан сўрашга менда жасорат етишмасди. Бундан фақат бир хулосага келиш мумкин: баъзи инсонлар учун, айниқса, аёллар учун никоҳ бу (гарчи қанчалар омадсиз никоҳ бўлмасин) – янада даҳшатли бахтсизликдан халос бўлиш йўли саналади. Аммо Ниланинг бу бахтсизлиги нимада экан?

1950 йилнинг куз кунларидан бирида мени Нила ҳузурига чақирди.

– Мени Шодбоғга олиб боришингни истайман, – деди у. Оилам билан танишишни, қайлардан келганимни қўришни исташини айтди. Бир зодагон хонимнинг бир бечора хизматкорининг оиласи билан танишиш учун шунча йўл босиши ниҳоятда гайриоддий ҳол эди.

Булутли бир тонгда йўлга отландик. У баланд пошналар пойабзал ва шафтолиранг енгсиз қўйлақда

эди. Йўл бўйи қишлоғим, одамлар, синглим, Сабур ва унинг болалари ҳақида савол ёғдириб келди.

– Уларнинг исмлари нима?

– Хўш, – дедим мен, – тўққиз яшарининг исми Абдулла. Онаси ўтган йили қазо қилган. Парвонага ўғай ўғил. Синглиси Пари икки ёшга тўлай деб қолди. Парвона ўтган қиш бир ўғил кўрганди, исми Умар эди. Аммо икки ҳафталик бўлганида завола кетди.

– Нима бўлган эди?

– Қишлоғимизда ҳар йили бир ё икки гўдак қишдан омон чиқа олмайди. Ягона чоранг – бу фалокат сенинг уйингни четлаб ўтишидан умид қилиш, биби соҳиб.

– О, худойим, – шивирлади Нила.

– Яхши хабарлардан бири эса, у яна фарзанд кутяпти.

Қишлоққа кирганимизда одатдагидек бир гала ялангоёқ болалар машина томон отилди. Ногоҳ орқа ўриндиқдаги нотаниш хонимга кўзлари тушгач, дарҳол кўлларини тортиб олишиб, хонимнинг уришиб беришидан ҳайиққанча тек қолдилар. Аммо Нила уларнинг жилмайганча ҳар бирини сўзга тутар, ювилмаган ёноқларини силаб, кир сочларини тўзғитарди. Хонимни томоша қилиш учун атрофда одамлар йиғилиб қолиб, уятдан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Болалиқдаги дўстим – Байтуллоҳ оға-инилари билан том бурчида чўккалаганча бизни кузатар, ҳув анави девор соясида тасбеҳ ўгириб ўтирган соқоллари оппоқ уч қария ёнида мулла Шоҳибнинг ўзи ҳам кўринди. Уларнинг норози нигоҳлари Ниланинг очиқ кўлларига қадалганди.

Мен Нилани Сабур билан таништирдим ва биз халойиқнинг ўткир нигоҳи остида Парвонанинг пастаккина лойсувоқ уйи томон йўл олдик. Остонада Сабурнинг ечманг дейишига қарамай Нила

пойабзалини ечиб кирди. Ичкарига киргач бир бурчакда қунишиб олиб сассиз ўтирган Парвонага кўзим тушди. У эшитилар-эшитилмас овозда Нила билан саломлашди. Сабур Абдуллага қош қоқди:

– Чой олиб кел, ўғлим.

– Ҳожати йўқ, – деди Нила ердан – Парвонанинг ёнидан жой олар экан.

Аммо Абдулла ўша заҳоти ғойиб бўлган эди.

– Ажойиб гилам экан, – деди Нила бармоқларини гиламни сийпалар экан. Бу – Сабур ва Парвонанинг сотса бўладиган ягона қимматбаҳо буюми эди.

– Отамдан қолган, – деди Сабур.

– Турк гиламими?

– Ҳа.

– Улар ишлатадиган қўй жуни менга жуда ёқади, – деди Нила. – Ҳунармандчилик жуда ғаройиб.

Сабур бош ирғиб қўйди. У шунча Нила билан гаплашса-да, бир бор хоним томонга кўз ташламади.

Абдулла қўлида патнис билан қайтиб чиқди. Нилага чой қуйиб узатгач, чордана қуриб хонимнинг рўпарасида чўкди. Нила бир неча содда саволлар бериб, Абдуллани суҳбатга тортишга уринди. Аммо бола бир-икки оғиз калима-ю бош ирғашдан нарига ўтмади. Аксинча, хонимга эҳтиёткорона тикилиб ўтирарди. У табиатан вазмин ва зеҳли бола эди.

– Қанча бор ҳали? – сўради Нила Парвонадан қорнига имо қилиб.

Парвона бошини эгиб, шу қиш туғилишини кутаётганини айтди.

– Бахтли экансиз, – деди Нила. – Фарзанд кутяпсиз. Шундай ажойиб ўғлингиз бор. – У Абдуллага қараб жилмайиб қўйди.

Парвона раҳматга ўхшаш бир нималар деб ғўлдираб қўйди.

– Адашмасам, бир қизчангиз ҳам бор эди-а? – деди Нила. – Паримиди?

– У ухляпти, – деди Абдулла шартта.

– Шундайми. Дилбар қиз деб эшитганман уни.

– Синглингни олиб кел, – деди Сабур.

Абдулла бир отасига, бир Нилага қараб бир оз тарадудланди, сўнг ошкора норозилик билан ўр-нидан қалқиб, синглисини олиб келгани кетди. Абдулла билан синглиси ўртасидаги ришта бир қарашда одатий ҳол эди. Аммо бундай эмасди. Икки инсон боласининг бир-бирига шу қадар талпини-шини ҳеч кўрмаган эдим. Бу бир синоатдек туюларди менга. Абдулла Парига отасидан ҳам яқин эди. Пари чақалоқлигида ярим тунда чинқириб уйфонганида, жойидан сакраб туриб гўдак бошига келадиган ҳам Абдулла эди. Тагликларини тозасига алмаштириб, йўргаклайдиган, ирғишлаб ухлатадиган ҳам шу бола эди. Унинг сабр-қаноати чексиз эди гўё.

Абдулла ҳали буткул уйғониб улгурмаган Парини олиб келганида, Нила уни қўлига олишни истади. Абдулла дилида ғайришуурий ваҳима сезгандек, шубҳага тўла нигоҳини аёлдан узмай, Парини унга узатди.

– Оҳ, бунчалар ширин, – хитоб қилди Нила. Унинг қовушмайгина гўдакни тутиб туриши болалар борасида тажрибасиз эканлиги айтиб турарди.

Пари Нилага саросималаниб қараб турди, сўнг Абдуллага қараб йиғлаб юборди. Абдулла дарҳол синглисини Ниланинг қўлидан қайтиб олди.

– Кўзларига боқинг буни! – деди Нила. – Ёноқлари-чи! Жуда ширин-а, Наби?

– Ҳа, биби соҳиб, – дедим мен.

– Исми ҳам ажойиб танланган. Пари. У ҳақиқатдан ҳам фаришта каби дилбар.

Абдулла қўлида Парини силкитганча Нилани кузатарди. Негадир тобора тундлашиб олган эди.

Кобулга қайтишда Нила бошини ойнага тираганча орқа ўриндиқда ҳорғин ўтирарди. Узоқ вақт лом-мим демади. Ниҳоят, рўмолчаси билан юз-кўзини артиб:

– Раҳмат, Наби, – деди.

– Нима учун, биби соҳиб?

– Қишлоғингга олиб борганинг учун. Оиланг билан танишиш мен учун бир шараф бўлди.

– Аксинча, биби соҳиб, сиз билан танишиш улар учун шараф бўлди. Мен учун ҳам. Биз бундан ғурур туйдик.

– Синглингнинг болалари жуда ажойиб экан, – у кўзойнагини олиб, кўзларини артди.

Мен нима қилишни билмай бир зум ўйга толдим. Аввалига сукут сақлаш лозим деб ўйладим. Аммо у кўз ўнгимда йиғлаётганди, бир оғиз юпанчга муҳтож эди у.

– Ҳадемай, ўз болаларингиз бўлади, биби соҳиб, – дедим мен юмшоқлик билан. – Иншооллоҳ, яратган эгам бир кун сизни ярақайди. Сабр қилинг.

– Бундай бўлади, деб ўйламайман. Ҳатто яратган ҳам менга ёрдам бера олмайди.

– Албатта ёрдам беради, биби соҳиб. Ҳали ниҳоятда ёшсиз. Агар Оллоҳ истаса, албатта ижобат бўлади.

– Сен буни тушунмайсан, – деди Нила ҳорғин. Уни ҳеч қачон бу қадар ҳорғин ва умидсиз кўрмаган эдим.

– Ҳаммаси тугаган, – деди у. – Ҳиндистонда ичимдан барини сидириб олишди. Ичим бўм-бўш.

Мен лом-мим дея олмай қолдим. Шарт орқа ўриндиққа ўтиб, қўлларидан тутганча, ўпичлар билан уни юпатишни истар эдим. Орт томонга чўзилиб қўлларини қўлларим орасига олдим. Қўлларини тортиб олади деб ўйлагандим, аммо Нила аксинча, миннатдорлик билан қўлларимни маҳкам

қисди. Ва биз шу тахлит бир-биримизга боқмаган куйи узоқ ўтирдик.

– Мени уйга олиб бор, – деди у ниҳоят қўлимни қўйиб юбориб. – Эртароқ етиб боришни истаيمان.

– Хўп бўлади, биби соҳиб.

Нила ётоқхонага қамалиб олиб, кунларча хонасидан чиқмади. Бу ҳол биринчи бор рўй бераётгани йўқ эди. Гоҳи-гоҳида у ётоқхонаси деразаси ёнига ўриндиқни тортиб олиб, сигарет тутатганча ташқарига маъносиз тикилиб ўтирарди. Бундай кунлари у чурқ этиб офиз очмас, либосларини ҳам алмаштирмас, на ювиниб-таранар эди. Бу гал туз тотмай ҳам қўйди. Бу ўзгариш жаноб Ваҳдатини қаттиқ хавотирга солиб қўйди.

Тўртинчи кун дарвоза тақилаб, остонада баланд бўйли нотаниш бир кекса кўринди. Турқу тароватига қараганда олинасаб кишилардан эди.

– Тушунишимча, қизимнинг аҳволи яхши эмас, – деди у.

Демак, бу киши Ниланинг отаси. Уни авваллари ҳеч кўрмаган эдим.

– Ҳа, соҳиб. Афсуски, шундай, – дедим мен.

Ўша куни оқшом Нила овқатдан тотинди. Бир неча кун ўтиб Нила мени хонасига чақириб, зиёфат беришни истаётганини айтди. Ҳамма кўрсатмаларни бергач, керакли маҳсулотларни харид қилиш учун мени жўнатди. Жаноб Ваҳдати ёлғиз яшаган пайтларида онда-сонда берадиган зиёфатлар, Нила кўчиб келгач, ойда уч-тўрт бор ўтказиладиган бўлган эди. Зиёфатда турли жойлардан олинасаб жаноблар ҳамда Нилага ўхшаб кийинадиган гўзал хонимлар иштирок этардилар. Меҳмонлар менга нотаниш бўлган, Нила «жаз» деб атаган мусиқа оҳанглари остида хушчақчақлик қилишар, Нила ўзи битган шеърий сатрларини ўқиб берар-

ди. Биз – афгонлар шеъриятни севувчи халқмиз. Энг оми афгон ҳам Саъдий, Ҳофиз Шерозий ёки Хайём рубоийларидан атиги битта бўлса-да ёддан биларди. Аммо Ниланинг ёзганлари анъанавий назмдан буткул фарқ қилар, Румий ёки Шерозий ижодидаги каби илоҳий ишқ эмас, балки жисмоний ишққа аталган бўларди.

Бу фикр қачон, қандай туғилганини билмайман. Бу балки кузнинг изғиринли тонгида Нилага чой қуяётиб, радиотўлқинларида таралаётган бу йилги – 1952 йил қиши одатдагидан кўра қаттиқроқ келиши кутилаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб туғилгандир. Балки ундан ҳам олдинроқ машинада эзилиб йиғлаётганида кўлларида тутганимда туғилгандир. Қачон пайдо бўлганидан қатъи назар, мен бу фикр-ни миямдан чиқариб ташлай олмаётгандим.

Жаноб Маркос, мен бу ишга фақатгина яхши ниятда ва эзгу мақсад билан киришган эдим. Тўғри, бу азоб бўлса-да, вақт ўтиб яра ўрни битар, аммо бу ҳамма учун яхши бўлиши муқаррар эди. Энг асосийси эса – мен Нилага на эри, на бошқа одам бахш эта олмайдиган туҳфани бераётган эдим.

Дастлаб Сабурга оғиз очдим. Унинг иш тополмай пулга зориқиб юрганидан хабарим бор эди. Агар Сабур қабул қилганида эди, мен бу қалтис таклифнинг ўрнига унга пулимни берардим. Ёки жаноб Ваҳдатидан маошларимни олдинроқ олиб, қишни ўтказиб олишлари учун Сабурга берган бўлардим. Аммо у қолган қишлоқликлар каби ориятли одам эди. Сабур зинҳор мендан пул олмасди. У ҳатто ҳар ой Парвонага пул беришимни ҳам тақиқлаб қўйганди. У чин маънода асл эркак эди, оиласини ҳам ўзи боқишини истарди.

Менинг ўзим ота бўлмаган эдим, шунинг учун Сабурнинг ўзи қарор қабул қилишига қўйиб бер-

дим. Эр-хотин Ваҳдатилар муҳокамасига ҳам аралашмадим. Нилага бу фикрни айтганимда жаноб Ваҳдатига бу фикр мендан эмас, ўзидан чиққанлигини айтишни илтимос қилдим. Чунки жаноб Ваҳдати бунга қаршилиқ қилишини билар эдим. Чунки соҳибимда оталарга хос бўлган туйғудан бир учқун ҳам кўрмаган эдим. Нила бола кўра олмаслигини билгани учун ҳам унга уйланмаганмикан деб ўйлаб қолардим баъзан. Жаноб Ваҳдати ниҳоят бош эггач, мен Сабурга хабар қилиб, у билан Парини Кобулга олиб келишимни айтдим. Аммо у таклифимни рад қилиб, Шодбоғдан Кобулга яёв йўлга чиқди. Неғалигини ҳеч тушуна олмайман. Нега Абдуллани ҳам эргаштириб олгани менга қоронғи. Балки қизи билан бир муддатга бўлса-да, кўпроқ бўлгиси келганидандир. Ёки қизалоғини сотиб олаётган одамнинг машинасига ўтиришни ўзига ор деб билганидандир.

Ўшандаги бир сахна сира кўз олдимдан кетмайди. Бутун умр шу кўриниш хотирамда жонланганида юрагимда оғриқ туради. Негаям оғримасин? Мен юзу кўзидан меҳр ва муҳаббат, маъсумлик ёғилиб турган бу икки мурғак гўдакни олиб келиб, бир-бирларидан айирдим. Қалбларни изтиробга солувчи бу исёни ҳалигача унута олмайман: Пари елкаларим оша осилиб, даҳшат ичида оёқларини тепкилаганча, «Аболла! Аболла!» деб чинқирар, Абдулла эса сингисини чақирганча отасининг қўлидан чиқиб кетишга уринар эди. Нила кўзларини катта-катта очиб, оғзини қўллари билан бекитиб олганди. Бу мени эзиб келади, жаноб Маркос. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, ҳалигача эзиб келади.

Пари ўшанда тўрт ёшга қараб кетарди. Унга энди мени «Наби тоға» деб эмас, оддийгина «Наби» деб чақириви кераклиги уқтирилди. Пари муро-

жаат қилишда янглишиб кетганида мулойимлик билан тўғрилаб қўйишар, бу ҳол у то бизнинг ўртамизда ҳеч қандай қариндошчилик ришталари йўқлигига ишонгунига қадар давом этди. Унинг учун мен энди ошпаз Наби ва ҳайдовчи Набига айланган эдим. Нила «ойи»га, жаноб Ваҳдати эса «дада»га айланди. Нила унга ўз она тили – француз тилини ўргата кетди. Жаноб Ваҳдатининг Парига бўлган совуқ муносабати кўп ҳам узоққа чўзилмади. Орадан кўп ўтмай Пари бизнинг тонгги сайрларимизга қўшилиб борадиган бўлди. Жаноб Ваҳдати дурадгор чақириб, Пари учун ётоқ, митти кийим жавони ва ўйинчоқлари учун зарангдан сандиқча ясаттирди. Бир куни унинг Парини ёнига олиб, жавонига жирафа ва маймуннинг тасвирини солётганини кўрдим. Соҳибимнинг сурат солишидан хабарим бор бўлса-да, илк бор унинг ижодини кўриб тургандим.

Пари келиб оила росмана оилага ўхшаб қолди. Энди улар биргаликда овқатланишар, боққа сайрга чиқишар, ҳали унисининг, ҳали бунисининг қўлида бола тарбиясига оид китоб бўларди. Пари бора-бора Шодбоғни унута бошлаганди.

Мен Нилага бу яхшиликни қилибману, бир нарсани олдиндан кўра билмабман. Пари келгач, мен Ниланинг ҳаётидан буткул ўчган эдим. У бутун кунини Парига сарфлар, мен у-бу юмуш билан уларга яқинлашганимда Нила мени аранг пайқар эди. Шунда жиянимга нисбатан кўнглимни дилгирлик сийпаб ўтарди. Чунки Ниланинг она бўлишида асосий сабабчи бўлганим ҳолда, Нила билан ўртамизда ўзгаришлар бўлиши, яқинлик пайдо бўлишини кутган эдим ва бунга ўзимни тўла ҳақли деб билар эдим.

Келишувга кўра, Парининг оиласи бу ерга ташриф буюрмасликлари, Пари билан ҳеч қандай алоқа қилмаслиги лозим эди. Бир куни Парини

Ваҳдатилар қиз қилиб олгандан бери биринчи бор, Абдулла ва Иқболга совға кўтариб, Шодбоғга кириб бордим.

– Совғаларингни бериб бўлган бўлсанг, энди кет, – деди Сабур.

Бу совуқ муносабатнинг сабабини тушунмаганимни айтдим унга.

– Ўзинг тушунасан, бу ерга бошқа келма.

Сабур ҳақ, мен буни тушунгандим. Орага совуқчилик тушганди. Энди биз у билан аввалгидек чой ичиб, бу йилги об-ҳавонинг келиши-ю кутилаётган ҳосилдан суҳбатлаша омаймиз. У энди мени ортиқ кўришни истамайди. Мен ҳар ойлик ташрифимга барҳам бердим. Шундан кейин уларни асло кўрмадим.

Бу хонадонда яшаётган ҳар биримизнинг ҳаётимизни бир умрга буткул ўзгартириб юборган ўша машғум воқеа 1955 йилнинг эрта баҳор кунларидан бирида содир бўлган эди. Ёдимда, ёмғир ёғаётганди. Ҳамон ёдимдалигига сабаб ўшанда боғбон Зоҳид эринчоқлик билан хаскашга суянганча ҳавонинг бузуқлигидан тинимсиз нолирди. Унинг бемаъни сафсаталаридан қочиб, ҳужрам сари йўл олганим чоғ Ниланинг фарёд солиб мени чақиргани эшитилди.

Жон ҳолатда уйга отилдим. Ниланинг овози юқоридан – ётоқхонадан келарди.

Нила қўллари билан оғзини ёпиб, деворга суянганча қотиб турарди.

– Унга нимадир бўлди, – деди у.

Жаноб Ваҳдати каравотда ўтириб, ғалати овозлар чиқарарди. Ранги докадек оқариб кетган, ўнг қўли билан тинимсиз нимадир қилмоқчи бўлар, аммо уддасидан чиқолмасди. Оғзининг бир бурчидан тупук оққанини пайқадим.

– Наби, нимадир қил!

Ўша пайтлар олти ёшда бўлган Пари хонага кирди-ю каравот томон отилди.

– Дада! Дада! – дея Пари жаноб Ваҳдатининг кўйлагидан торта бошлади.

Жаноб қизалоққа қаради. Кўзлари олайиб кетган, оғзини бир очиб бир ёпарди. Пари чинқириб юборди. Нилага қизалоқни олиб чиқишини айтиб, Зоҳидни чақирдим. Шу аҳмоқнинг ҳам бир бор бўлса-да, фойдаси тегди. Соҳибни кийинтириб, машинага чиқардик. Нила мен билан кетди.

Роса икки ҳафта ўтиб, жаноб Ваҳдатини уйга олиб келдик. Уй карвонсаройга айланди. Бутун уруғ-аймоқ бостириб келди. Ҳали у тоғасига, ҳали бу аммаси-ю жиянига чой дамлаб, овқат пиширишдан қўлим бўшамай қолди. Дарвоза тинимсиз очилиб-ёпилар, мен умримда кўрмаган кишилар ташриф буюришарди. Менимча, улар ўзлари унча яхши танимаган беморни кўриш учун эмас, жаноб Ваҳдатининг онасига ҳурмат кўрсатиш учун ҳам кўриниш бериб кетишар эди. Албатта, бу ҳукмдор она ҳам ҳамма қатори шу ерда. У беморнинг бошида танда қўйиб, бутун уйни бошига кўтариб йиғларди. Бунинг устига мени ҳайратга солиб, худди ўғли алақачон қазо қилгандек бошдан-оёқ қорага бурканиб келганди.

Жаноб Ваҳдатининг юзининг ярми қотиб қолган, оёқлари деярли ҳаракатланмасди. Чап қўли ишлаётгандию, аммо ўнг қўли шалвираган гўшт ва суякдан бошқа нарса эмасди. Киши англамас даражада зўрға ғўлдираб гапирарди.

Ташрифчиларнинг хонадонга ёпирилиб келишидан Нила бир оз енгил тортди. У кўп вақтини Парининг ётоқхонасида ўтказар эди. Одамларнинг нима дейишига эса заррача эътибор қаратмасди. Қайнонасининг дам-бадам «Қандай хотин ўзи бу, а?»

деган сўзлари қулоғимга чалинарди. У келинининг бағритошлигидан шикоят қилиб, бундай пайтда рафиқа соҳибининг ёнида ўтириши кераклигини айтиб ёзғирарди. Бир томондан бу кекса аёл ҳақ эди. Жаноб Ваҳдатининг ёнида ўтирган ҳам, дориларини ичирган ҳам, хонага кирганларни қарши олувчи ҳам мен эдим. Шифокор билан ҳам деярли мен гаплашар эдим, шу сабабли ҳам ҳол сўраб келувчилар Нилага эмас, менга мурожаат қилишарди.

Ташрифлар сони камайиб, қадамлар узила бошлагач, уй бўшаб, Нила хотинлик вазифасини бажариш деган муаммога юзма-юз келди.

У буни бажара олмасди.

Бажаролмади ҳам.

Бу билан Нила қаҳри қаттиқ, бағритош аёл эди демоқчи эмасман. Нила кўнгли юмшоқ, ювош бир жувон эди. Бажаролмади деганимга сабаб, жаноб Маркос, бир куни соҳибимнинг хонасига кирганимда, Нила кўлида қошиқни тутганча жаноб Ваҳдатини овқатлантира олмай йиғлаб ётганди.

– Менга беринг, биби соҳиб, – дедим мен ва унинг кўлидан қошиқни олиб, соҳибимга овқат тутдим. Аммо жаноб Ваҳдати кўзларини юмиб, ингради ва юзини четга бурди.

Шу воқеадан кўп ўтмай, мен бир жуфт жомадонни пастга тушириб, ҳайдовчининг кўлига тутқаздим-да, Парига орқа ўриндиққа чиқишига кўмаклашдим.

– Наби, ростдан ҳам ойим айтганидек, дадамни олиб Парижга борасанми? – сўради Пари.

Мен унга соҳиб ўзини яхши ҳис қилган заҳоти олиб боришимни айтиб, жажжи қўлчаларидан ўпиб қўйдим.

– Омад ва бахт ёр бўлсин, биби Пари, – дедим мен.

Мен Нилага қовоқлари шишиб, сурмаси бўялиб пастга тушиб келаётганида рўбару келдим. У жа-

ноб Ваҳдати билан хайрлашиб чиқаётган эди. Ниладан соҳибимнинг аҳволини сўрадим.

– Енгил тортди, чамамда, – деди у. – Гарчи бу истак мендан чиққан бўлса-да. – Нила сумкачасининг оғзини ёпиб, елкасига осди. – Қаерга кетаётганимни кимса билмасин. Шуниси яхши.

Мен ҳеч кимга айтмайман деб сўз бердим. У тез орада менга хат ёзишини айтди. Сўнг менга узоқ қараб қолди. Нила бир кафтини юзимга қўйди-да:

– Унинг ёнида эканлигингдан хурсандман, – деди.

Сўнг у мени ўзига тортиб, қучди. Ёноқлари юзимга тегиб турар, димоғимга сочларининг, атирининг ифори урилди.

– У сен эдинг, Наби, – шивирлади у қулоғимга. – Ҳамиша сен эдинг. Билмасмидинг?

Мен ҳеч нарсага тушунмадим. Сўрайман дегунимча, Нила мендан ўзини тортди, пошналарини тақиллатиб урганича, йўлакка отилди. Парининг ёнидан – орқа ўриндиқдан жой олиб, сўнгги бор менга қаради ва кафтини машина ойнасига босди. Унинг ойнада оқариб турган кафти Ниладан энг сўнгги хотира бўлиб қолди.

Дарвозаларини ёпишдан аввал машинанинг кўчадан бурилиб кетишини кузатиб ўтирдим. Сўнг дарвозага суяниб, худди ёш боладек йиғлаб юбордим.

Жаноб Ваҳдати истамаса-да, келувчиларнинг қадами узилмади. Бора-бора соҳибни кўргани келадиганлардан фақат онаси қолди. У ҳам ҳафтада бир ёки икки бор келиб-кетарди. Келганида ҳам ўғлининг бошига ўтириб олиб, тинмай хотинини ёмонлар, ҳали енгилтакка, ҳали пиёнистага чиқарарди. Жаноб Ваҳдати деразага тикилганча жимгина чидаб ўтирарди. Баъзан бир нималар деб гулдирганида онаси мен томон бурилди:

– Ҳой! Нима деди ўғлим?

У доим менга шундай мурожаат қилар эди.
– Дам олмоқчи эканлар, – «таржима» қилдим мен.

* * *

Энди уйдаги юмушларим анча камайган эди. Икки кишигагина емак тайёрлаб, ҳафтада бир-икки мартагина харидга чиқиб келардим, холос. Ўзим ҳам бажара оладиган ишлар учун хизматкор ёллаб, пул сарфлашдан фойда йўқ, деб ҳисоблаб, Зоҳид ва ҳазоралик аёлга жавоб бериб юбордим. Энди кир-чирни ҳам ўзим ювиб, боғларга ўзим қарай бошладим.

- Наби, – чақирди жаноб Ваҳдати.
- Лаббай, соҳиб?
- Ўзингга истаганингча маош тайинла.

Мен унга бу борада гаплашишимиз шарт эмаслигини айтдим.

- Пулларни қаерга сақлашимни биласан.
- Дам олишингиз керак, соҳиб.
- Қанча олсанг ҳам фарқи йўқ менга.

* * *

Бир куни жаноб Ваҳдати ухлаб ётган пайтида унинг хонасини тозалаш учун кирдим. Хонада ниҳоятда катта бир жавон бор эди. Анчадан бери уни тозалашни ўйлаб юргандим. Ниҳоят ўша куни бунга қўл урмоқчи бўлдим. Ишни барча костюм-шимларни бирма-бир олиб, чангини қоқишдан бошладим. Сўнг пойабзалларни яхшилаб тозалаб, қайта териб қўйдим. Чанг босган тахлам-тахлам китобларни артиб, тартиб билан жойлаштирдим. Бир пайт узун-узун қишлоқ пальтоллар остида бекиниб турган катта қоғоз қутига кўзим тушди. Уни ташқарига тортиб, оғзини очдим. Қутининг ичи жаноб Ваҳдатининг эски расм альбомларига тўла эди.

Устида турганини олиб, таваккал бир саҳифа-сини очдим. Очдим-у тиззаларим букилиб кетди. Альбомнинг ҳамма саҳифаларига кўз югуртириб чиқдим. Қўлимдагисини қўйиб, бошқа альбомни олдим, сўнг бошқасини, сўнг бошқасини... Саҳифалар кўз ўнгимда ҳилпирарди. Баридида бир хил мавзу. Мана бунисида машинанинг ойнасини артаётганим, бунисида айвон ёнида белкурурак тутиб ишлаётганим, яна бирида ўтин ёраётганим, суғораётганим, чой қуяётганим...

У сен эдинг, Наби.

Ҳамиша сен эдинг.

Билмасмидинг?

Мен жаноб Ваҳдатига қарадим. У ҳали ҳам ухлаб ётарди. Қутини ёпиб, аввалгидек жойига қўйдим-да, хонани тарк этдим. Шу қўйи ўзимни шаҳарнинг қай бир кўчасида кўрдим. Мен тўхтовсиз юриб борардим. Кўрган нарсамдан ҳали ҳам бошим карахт эди. «Мен энди бу ерда қандай қоламан? Кетсам, қандай қилиб жаноб Ваҳдатини бундай мушкул вазиятда ташлаб кетаман?» ичимда аёвсиз жанг кетарди.

Уйга қайтиб, ошхонага кирдим. Шиша стол ёнида кўзларимни юмиб узоқ ўтирдим. Шу қўйи қанча ўтирганимни билмайман, жаноб Маркос, юқориги қаватдан ҳаракат товуши келганидагина кўзларимни очдим. Кун аллақачон қорайган эди. Оҳиста ўрнимдан туриб чойга сув қўйдим.

Мен жаноб Ваҳдатини ташлаб кета олмадим. Виждоним бунга йўл қўймади. Аввалгидек уни парваришлаб, уй юмушларига кўмилиб кетдим. Нила менга сўз берган бўлса-да, бир бора ҳам хат ёзмади. 1968 йил, соҳибнинг онаси вафот этганидан бир йил ўтиб, жаноб Ваҳдати менга жавоб беришини айтиб, уйлан деб қўймади. Мен бундай қила олмадим. Кетсам, соҳибимнинг аҳволи оғирлашини ўйлаб унамадим.

Кейинги кечган йилларимиз ҳақида нималарни айтиб берай, жаноб Маркос? Тинкаси қуриган бу мамлакатнинг сўнги кунларидан яхши хабарингиз бор. Бу қора кунларни қайта ёзиш ниятим йўқ. Ҳолбуки, мамлакатнинг ҳадсиз азобларни бошидан ўтказаетганини мендан-да ўқимишли, мендан-да сўзамоллар аллақачон қаламга олишган.

Мен буни биргина сўз билан ифодалай оламан, холос: уруш. Тўғрироғи, урушлар. Бир эмас, икки эмас, саноксиз урушлар. Бири катта, бири кичик, бири ҳақ, бири ноҳақ урушлар. Сохта қаҳрамонлар, бадкирдорлар ясаган уруш. Ҳар янги пайдо бўлган қаҳрамоннинг қотилга хусумати. Номлар ўзгарди, худди чехралар ўзгаргани каби. Менга эса бари бирдек эди, ҳаммасининг даврида ҳам снайперлар, миналар, бомбалар ҳужуми, талончилик, зўравонлик, қотилликлар давом этарди. Биргина юпанчим ҳозир аллақачон бўй етиб қолган Париинг бу қотилликлардан йироқда эканлиги эди.

1980 йиллари бутун мамлакатни қамраб олган уруш даҳшати Кобул ҳудудига у қадар кириб келмаган эди. Аҳоли оммавий равишда шаҳарни тарк этаётганди. Кўчамиздаги кўплаб оилалар тугунларини тугиб, Фарбнинг бирон бир ерида ўрнашиш мақсадида Покистон ё Эрон томон йўл олган эди. Ташқи ишлар вазирлигида ишлаган қўшнимиз жаноб Баширийнинг ўғли Идрис билан келиб хайрлашиб кетган кунни жуда яхши эслайман.

1990 йилларда уруш ниҳоят шаҳар чегараларидан ошиб ҳам кирди. Кобул худди онасининг қорнидан Калашников автоматларини ушлаб тушган ваҳшийлару қурол тутган талончилар қурбонига айланди. Реактив снарядлар уча бошлагач, жаноб Ваҳдати уй ичида қолиб, ҳовлига чиқишга изн бермасди. Бир пайтлар осуда ва саришта кўчамиз уруш майдонига айланганди. Ҳар бир уй ўқдан

вайрон бўлган, снарядлар бошимиз устидан физиллаб учарди. Баъзи кунлар бирпас тин олар эдик, атрофда бир неча соат осудалик ҳукм сурарди. Сўнг яна ўша даҳшат бошланар, кўчалар одамларнинг оҳ-зорига тўлиб тошарди.

Айнан мана шу йиллар бизнинг уйимиз катта талафот кўрди. Дарахтлар, гуллар қуриб, ҳовли сарғайиб қолди. Бир пайтлар жаннатдек бўлган ҳовлидан асар ҳам қолмаган эди. Талончилик қилишди. Ҳарбийлар келиб, қўлларига нима илашса олиб кетишди: жиҳозлар, суратлар, турк гиламлари, ҳайкалчалару кумуш шамдонлар, биллур вазаларни – барини йиғиштириб олиб кетишарди. Мен тик турганча уларни кузатардим. Нима ҳам қила олардим? Энсасига милтиқ тиралган кекса бир одамнинг қўлидан нима ҳам келарди?

Уйга қўшилиб, жаноб Ваҳдати билан мен ҳам ишдан чиққан эдик. Кўзларимиз хира тортиб, тиззаларимиз оғриқдан азоб чекарди. Баъзан Ниланинг қўлида шампан виносини тутиб жилмайиб тургани кўзим олдига келарди. Шунда худди Нила умуман бўлмагандек туюлиб кетарди. Нафақат у, мен ҳам, Пари ҳам, ёш ва соғлом жаноб Ваҳдати ҳам бўлмагандек, гўё бир замонлар мана шу уйда барчамиз бирга яшамагандек туюларди менга.

2000 йилнинг ёз кунларининг бири эди. Эрта-лаб тандирдан янги узилган нон билан чой тутиб жаноб Ваҳдатининг хонасига кирдим. Дарҳол нимадир рўй берганини сездим. Жаноб Ваҳдати нотекис нафас оларди.

– Ҳозироқ доктор олиб келаман, соҳиб, – дедим мен. – Фақат сабр қилинг. Ҳаммаси яхши бўлади.

У бошини тебратди ва мени имлади. Энгашиб қулоғимни тутдим. Жаноб Ваҳдати нималардир дейишга уринди, аммо мен ҳеч нарсага тушунмадим.

– Мени кечиринг, соҳиб. Бориб доктор олиб келишимга изн беринг. Бирпасда қайтиб келаман.

Жаноб Ваҳдати яна бошини чайқади. Кўзларидан ёш оқди. Боши билан тумбочка томон ишора қилди. Мен у ердаги бирор нима керакми деб сўрадим. У бош ирғади. Мен юқориги ғаладонини очдим. У ерда дорилар, кўзойнак, блокнот ва қаламлардан бошқа нарса йўқ эди. Яхшилаб қараб, блокнотнинг остидан юзига жаноб Ваҳдатининг дастхати билан менинг исмим ёзилган бир хатжилд топдим. Ичида бир сатргина ёзув қайд этилган бир варақ қоғоз бор эди. Очиб ўқидим. Бу васиятнома эди. Жаноб Ваҳдати менга ҳамма бойлигини мерос қилиб қолдирган эди: уй, пуллари, машина. Лекин буларнинг менга аҳамияти йўқ эди. Мен мақсадсиз, бефарқ бир одамга айланган эдим.

Мен энди бу уйда ухлай олмаслигимни пайқадим. Жаноб Ваҳдати вафот этгач, уй ҳар доимгидан ҳам кенг кўриниб кетганди. Ҳовлининг тўридаги ўша эски ҳужрамга кўчиб ўтдим.

2002 йил бир куни дарвоза қўнғироғи жиринглади. Бу кунлар толибонлар чекиниб америкаликлар кириб келган кунлар эди. Ер юзининг жамики нуқтасидан минглаб кўмакчи ишчилар шифохона ва мактаблар қуриш учун, йўллар ва сув каналларини таъмирлаш, озиқ-овқат келтириш учун Кобулга оқиб келарди.

Сизга ҳамроҳлик қилиб келган таржимон сиёҳранг костюм кийган, қора кўзойнак тақиб олган ёш бир афғон йигити эди. У мендан уйнинг соҳибини сўради. Йигитга уй соҳиби мен эканлигимни айтганимда, бир-бирингизга қараб қўйдингиз. Таржимон йигит беписанд кулиб қўйди-да:

– Йўқ, амаки, уй соҳибини сўраяпмиз, – деди.

Мен сизларни чойга таклиф қилдим.

Таржимон йигит сизнинг Грециядаги Тиносдан келган жарроҳ эканлигингизни ва урушда жа-

роҳат олган болаларнинг юзини операция қилиш учун Кобулга келган шифокорлар гуруҳи аъзоси эканлигини айтди. Сиз эса ҳамкасбларингиз ва ўзингизга ўша пайтлар «гестхаус» деб айтиш урфга кирган турар жой кераклигини айтиб, ижара ҳақи қанча бўлишини сўрадингиз.

– Ҳеч қанча, – дедим мен.

Йигитча сўзларимни таржима қилганида қандай қараганингиз ҳамон ёдимда. Мени нотўғри тушунди деб санаб, саволингизни қайтардингиз. Таржимон йигит ўриндиқ четига суяниб, мен томон энгашди. У мени мияси айниганга чиқариб, гуруҳингиз қанча пул тўлаши-ю, ҳозир Кобулда ижара ҳақи миқдори қанча эканлигимни наҳотки билмаслигимни сўради. Унинг айтишича, мен олтинга бурканар эмишман.

Мен унга катталар билан гаплашганда кўзойнагини олиб қўйиши кераклигини, ундан кейин менга маслаҳат бермай, ўз иши – таржимонлигини қилиши лозимлигини айтдим ва сиз томон буриладим.

– Сиз уйингизни, дўсту биродарларингизни, оилангизни ташлаб, – дедим мен, – юртим ва юртдошларимга ёрдам қўлини чўзиш учун мана шу худо қарғаган шаҳарга келиб ўтирибсиз. Мен қандай қилиб сиздан фойда кўришни кўзлашим мумкин?

Мен ўшандан кейин ҳеч дуч келмаган бу таржимон йигит қўлини кўтариб, довдираб ҳиринглади. Бу мамлакат ўзгарибди, жаноб Маркос. Аввалги ҳолига ҳеч ўхшамас эди.

Баъзан тунлари ўзимга қарашли ҳудудда ётиб, асосий уйда чироқ ёниб турганини кўрардим. Сиз ва дўстларингизнинг айвонда ёки ҳовлида емак еяётганларингизни, сигарет чекиб, вино ичаётганларингизни кузатар эдим. Жаз мусиқаси Нилани ёдимга солиб юборарди.

Бу пайти Нила аллақачон вафот этганди. Буни дўстингиз – Амра хонимдан билган эдим. Унга Ваҳдатилар ҳақида сўзлаб бераётиб, Ниланинг шоира эканлигини қистириб ўтган эдим. Амра хоним компьютерда француз нашрига кўзи тушибди. Улар сўнгги қирқ йил ичида яратилган энг яхши француз ижод намуналарининг онлайн тўпламини нашр этишибди. Унда Нила ҳам бор экан. У ерда ёзилишича, Нила 1974 йил вафот этган экан. Мен аллақачон вафот этган инсондан мактуб кутиб юрган ўша беҳуда йилларимни эсга олдим.

Хатни мана шу ерда тугатишимга изн беринг, жаноб Маркос.

Менинг куним ниҳоясига етяпти. Борган сари кучсизланыпман. Кўпга бормасам керак.

Сиздан икки нарса илтимос қилишга жазм қилдим. Бири ўзим учун, бири бошқа бир инсон учун. Биринчиси – вафот этганимдан сўнг мени Ашуқан-Арефан қабристонига кўмишингизни сўрайман. Иккинчи илтимосим – жияним Парини излаб топсангиз. Агар у ҳали ҳам яшаётган бўлса, буни аниқлаш қийин эмас. Бу Интернет деганлари ниҳоятда ҳайратомуз нарса экан. Кўриб турганингиздек, мактубим ёнига барчасини – уйни, пулларни Парига қолдирганим ҳақида васиятнома ҳам бор. Хат билан васиятномани Парига етказсангиз. Ва сиздан илтимосим – жияним қайда бўлмасин, бахт-саодат, тинчлик қуршовида яшаётганлигидан умид қилганим мени доимо тинчлантириб келганини унга айтсангиз.

Ташаккур, жаноб Маркос. Тангри ўз паноҳида асрасин сизни.

Абадий дўстингиз, Наби.

2003 ЙИЛ. БАҲОР.

Амра Адемовик номли ҳамшира Идрис билан Темурни огоҳлантирди:

– Зиғирча бўлса-да, унга таъсир ўтказсангу, қизчанинг кўнгли оғриси, иккалангизни ҳам бу ердан қувиб соламан.

Улар Вазир Акбархон номли шифохонасидаги эркаклар бўлимининг хира ёритилган узун йўлагида турардилар.

Амранинг айтишича, қизчанинг битта-ю битта қолган қариндоши (балки уни кўргани келадиган ягона қариндошидир) унинг амакиси экан. Агар қизчани аёллар бўлимига ётқизсалар, амакиси у ерга кира олмас экан. Шуни ҳисобга олиб, шифокорлар қизчани эркаклар бўлимига жойлаштирибдилар. Ўшанда ҳам хонада эмас (қариндоши бўлмаган эркак билан бир хонада ётқизилиши одоб қоидаларига тўғри келмасди), йўлакнинг тўрига жойлаштиригандилар. Шундай қилиб, қизча на эркаклар, на аёлларга тегишли бўлмаган «ҳудуд»да эди.

– Лекин мана сен эркаклар бўлимида кириб-чиқиб юрибсан, – деди Темур.

Амра қошини чимирди.

– Мен афғон эмасман. Демак, ҳақиқий аёл ҳам эмасман. Нима буни тушунмайсанми?

Темурга гап кор қилмади. Жилмайиб сўради:

– Амра. Бу полякча исмми?

– Боснияча. Шовқин солманг. Бу ер сизга зоопарк эмас, шифохона.

Идрис Темурнинг қизнинг жиғига теккани Амрани ранжитиб қўймадимикан дея ҳамширага қаради, лекин унақага ўхшамади. Идрис амакиваччасининг бу одатига доим ҳавас ва ҳасад билан қарарди.

У Темурни кўрс, назокатни умуман тушунмайди деб ҳисобларди. Аммо Қўшма Штатларда кўчмас мулк гарови билан шуғулланадиган ўз компаниясига эга Темур ниҳоятда киришимли бўлиб, айбларини ҳазил-ҳузул билан ёпиб юборарди. У рафиқасини ҳам алдашдан тоймас, кўчмас мулк ишларида ҳам фирибгарлик қилишига Идрис ҳеч шубҳа қилмасди. Ўзини ғоятда самимий ва маъсум қилиб кўрсатиши учратган одамига таъсир қилмай қолмасди. Ташқи кўриниши – келишган бўй-басти, ям-яшил кўзлару чиройли кулгичлар ҳам бунга кўмаклашарди гўё. Темур – катта бўлиб ҳам гўдак эркаликларини унутмаган, деб ҳисобларди Идрис.

Амра шифтга қоқилган чойшабнинг бир ёнини кўтариб, уларни ичкарига олди. Амра Руши деб атайдиган, Рушана исмли бу тўққиз-ўн ёшлардаги қизчани кўриб амакиваччалар қотиб қолишди.

Идрис дарҳол нигоҳини ерга олди. Бу ҳолат Темурга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. У тинмай шивирлаб, оҳ-воҳлар эди. Идрис амакиваччасининг кўзларидан титраб юмалаётган сохта кўз ёшларни кўриб, ҳеч ҳайратга тушмади.

– Бўлди, энди чиқамиз, – деди Амра кескин овозда.

Ташқарида қиз нигоҳини Идрисга қаратди:

– Дўстинг қулоқсиз экан. Сен эса босиқ, кўнгилчан экансан.

– Шифокор у, – деди Темур.

– Шундайми? Унда бу шифохонани кўргач тонг қолгандирсан.

– Унга нима бўлган? – сўради Идрис. – Рушига. Ким қилди буни?

Амранинг юзи тундлашди.

– Мен у учун курашаман, – деди у, оҳангида оналарга хос қатъийлик уфуриб турарди. – Ҳукумат билан, шифохона «тўра»лари билан, ўша разил нейрохирург билан – барчаси билан курашаман. Асло тўхтамайман. Унинг ҳеч кими йўқ.

– Амакиси бор эмас эдими? – сўради Идрис.

– Тоғаси. У ҳам бир разил одам, – деди Амра. – Хўш, йигитлар, сизлар нима сабабдан бу ерга келдингиз?

Темур ҳамшира қизга улар амакиваччалар эканликлари, оилалари Советлар кириб келганидан сўнг бу ерни тарк этгани-ю, Калифорнияга бориб жойлашишларидан аввал бир йил Покистонда яшаганларини, Кобулга йигирма йил ўтиб, илк бор қадам босганлари, юз бераётган ҳодисаларни ўз кўзлари билан кўриш мақсади уларни бу ерга етаклаганини сўзлаб берди. Темур бу ерга келишларининг асл сабабини албатта баҳам кўрмади. У билан Идрис умрининг ўн тўрт йилини ўтказган, оталарга қарашли бўлган мулк – уйни қайта ўзлаштириш учун келгандилар, аслида.

Шифохонадан чиқаётиб йигитлар кўчанинг у томонида, уч уй нарида яшайдиган Маркос Варварис исми ўрта ёшлардаги грек пластик жарроҳига дуч келдилар. Жарроҳ уларни уйида бўладиган кечки базмга таклиф қилди.

– Оғайни, мен бу ерни эслайман, – деди Темур уйга қараб тураркан, – уй эгасининг исми нима эди-а?

– Ваҳдатимиди-ей, шундайроқ эди, – деди Идрис. – Исмини эслай олмадим.

Идрис болалик чоғларида шу кўчада, мана шу дарвозалар ёнида ўйнаб юришларини ёдга олди. Мана, йиллар ўтиб, ана шу ерда турибдилар.

Улар Маркосни фойеда учратишди. У эгнига кулранг тусдаги афғон либосини илиб, оқ-қора шахматсимон гулли ёпинғични ҳафсала билан бўйни узра ўраб олганди. Маркос йигитларни тунга тўлган шовқин-суронли хонага бошлаб кирди. Хонада йигирма чоғли меҳмон ўтирар, ерга тўқ қизил тусдаги афғон гилами тўшалганди.

Йигитлар қўлларида муз солинган ичимликни тутиб, Маркос ва Жаҳон озиқ-овқат лойиҳасида ишлайдиган, қарашлари жиддий икки немис йигити даврасига қўшилдилар.

– Ажойиб уй экан, – деди Идрис Маркосга.

– Бунни уй соҳибининг ўзига айтинг, – деди Маркос, сўнг чиқиб кетиб, хонага ориқ бир қария билан кириб келди. Қариянинг кумушдек сочлари пешонасидан орқага таралган, ёноқлари ботиб кетган, эгнига 1940 йиллар урф бўлган сарғиш малла тусдаги кенг костюм-шим кийиб олган эди.

– Набижон? – хитоб қилди Темур. Идрис ҳам тўсатдан эслади бу одамни.

– Узр, биз олдин кўришганмизми? – сўради қария хижолат ичида жилмаяр экан.

– Мен – Темур Баширийман, – деди Темур форс тилида. – Оиламиз қуйи кўчада яшар эди!

– Оҳ, қодир Оллоҳ! – шивирлади қария. – Темуржон! Сиз эса Идрисжон бўлсангиз керак?

Идрис жилмайганча бош ирғади. Наби иккала йигитни қучиб олди. У қўзларига ишонмас, ҳануз кулимсираганча уларни ўпарди. Идрис Набининг аравачада соҳиби – жаноб Ваҳдатини кўча бўйлаб суриб юрганларини хотирлади.

– Набижон бу уйда 1947 йилдан бери яшайди, – деди Маркос Набининг елкасидан қучиб туриб.

– Демак бу уйнинг соҳиби энди сиз экан-да! – деди Темур.

Наби Темурнинг ҳайратда қолган чеҳрасига боқиб кулди:

– Мен жаноб Ваҳдатига 1947 йилдан то 2000 йил, вафотига қадар хизмат қилдим. У эса менга уйни васият қилиб, улкан марҳамат кўрсатди.

Маркос қўлида вино солинган қадаҳни айлантириб туриб Идрисга деди:

– Бу уйнинг собиқ соҳибининг рафиқаси – Нила Ваҳдати шоир бўлган экан. Хийла машҳур бўлган ҳам экан. Сиз у ҳақида эшитганмисиз?

Идрис бош чайқади.

– Бор билганим – бу аёл мен туғилишимдан олдиноқ бу мамлакатни тарк этган экан.

– У Парижда қизи билан яшаган, – деди немис йигитлардан бири Томас. – 1974 йилда вафот этган. Менимча, ўз жонига қасд қилган. Алькогол билан муаммоси бўлган экан, ҳарқалай, мен шундай ўқиган эдим. Бир-икки йил аввал биттаси менга илк китобларидан бирининг немисча таржимасини берган эди. Ниҳоятда ажойиб эди.

Идрис ўзини бир оз ноқулай ҳис этаркан, бош ирғаб турди. Бир хорижлик одам унга афғон шоирасидан таълим бериб турса-я. Бир-икки одим нарида Темурнинг Наби билан ижара нархлари устида қизғин суҳбатлашаётгани Идриснинг қулоғига чалинди.

– Набижон, мана шундай жойлар учун қанча тўлашларидан хабарингиз борми? – сўрарди Темур қариядан.

– Ҳа, – деди Наби жилмайиб туриб. – Шаҳарда ижара нархи қанча эканлигини биламан.

– Бу оғайниларни шилиб олардингиз.

– Қўйсангиз-чи...

– Сиз бўлсангиз текинга яшатиб ўтирибсиз-а!

– Улар мамлакатимизга кўмак бериш учун келганлар, Темуржон. Сиз айтгандек, «уларни шилиб олсам», ноҳақлик қилган бўламан.

Темур қадаҳини охиригача кўтариб, сўнг минғирлади:

– Яхши, кекса дўстим, сиз ё пулни ёмон кўрасиз, ёки мендан анча яхши одамсиз.

Хонага жинси шим устидан тўқ кўк афғонча туника кийиб олган Амра кириб келди-да, ўтир-

ганлар билан саломлашди. Суҳбат емакдан сўнг ҳам авжидан тушмади. Идрис виносини олиб айвонга чиқди. Бир оз ўтиб Амра чиқиб, унинг ёнига чўкди.

– Анави қулоқсиз амакиваччанг базму жамшид учун яралган экан.

– Бундан ажабланмайман.

– Жуда хушбичим экан. У уйланганми?

– Уч фарзанднинг отаси.

– Афсус. Унда умид қилмайман.

– Буни эшитиб ранжишига шубҳа қилмайман.

– Менинг ўз қоидаларим бор. Уни ёқтирмайсан, шекилли?

Идрис қизга Темур ҳаётидаги энг яқин инсон эканлигини айтди.

– У сенга тўғриси айтмади, – деди Идрис. – Биз бу ерга оталаримизга қарашли бўлган мулкни қайта олиш учун келгандик. Фақат шунинг учун. Бошқа сабаб йўқ.

Амра қиқирлаб кулиб юборди.

– Биламан, албатта, – деди қиз, – сенингча, у мени аҳмоқ қилдими? Мен бу мамлакатда уруш ҳукмдорлари ва толибонлар қуршовида ишлаяпман. Ҳамма нарсани кўрдим. Ҳеч нарса мени ҳайратга сололмайди. Ҳеч нарса ва ҳеч ким мени аҳмоқ қила олмайди.

Сўнг у йигитдан сўради:

– Рушига нима бўлганини билишни истайсанми?

– Айтишга мажбур эмассан.

– Мени маст деб ўйлаяпсанми? – деди қиз.

– Ундай эмасми?

– Озгина, – деди қиз. – Лекин сен софдил йигитсан. – У Идриснинг елкасига оҳиста уриб қўйди.

Руши Кобул билан Баграм ўртасидаги бир қишлоқда ота-онаси, икки опаси ва жажжи укаси билан яшар эди. Ўтган ойнинг бир жумасида амакиси – отасининг акаси меҳмон бўлиб келибди. Мана,

бир йилдирки, отаси билан амакисининг ўртасида Рушининг оиласи яшаб турган уй устидан хусумат давом этиб келарди. Амакиси тўнғич фарзанд сифатида уй ўзига тегишли бўлиши керак деб ҳисоблар, лекин отаси уни кенжа ўғлига мерос қилиб қолдирганди. Амакиси уйга меҳмон бўлиб келган кун ҳаммаси жойида эди. Адоватларига нуқта қўйишни истаётганини айтибди у.

Меҳмоннинг келишига Рушининг онаси икки товукни сўйиб, ош дамлабди, бозордан янги чиққан помидордан олиб келибди. Амакиси келганида отаси иккови қучоқлашиб кўришишибди. Онасининг кўнгли юмшаб, кўз ёш тўкибди. Бутун оила жам бўлиб, емакка ўтиришибди. Емакдан сўнг кўк чой ичиб суҳбатлашибдилар. Сўнг амакиси узр сўраб ташқарига чиқиб кетибди.

Қайтиб келганида эса қўлида болта бор экан. Биринчи бўлиб Рушининг отаси томон йўналибди. Рушининг айтишича, отаси нима бўлганини ҳатто билиб ҳам улгурмабди. Амакиси отасининг ортидан келиб, бўйнига болта билан солибди. Кейинги гал онасига келибди. Руши онасининг қаршилиқ қилганини кўрибди, бироқ юзи ва кўкси аралаш урилган зарбадан сўнг у ҳам тинчиб қолибди. Унгача болалар қичқирганларича атрофга югура бошлаган эдилар. Бир опаси даҳлиз томон югурибди, лекин амакиси унинг сочидан тутиб қолиб, ерга урибди. Иккинчи опаси аллақачон даҳлизга чиқиб улгурган эди. Амакиси уни қувиб бориб, ётоқхона эшигига тепиб юборибди. Бир-икки бақирикдан сўнг у ерда ҳам жимлик чўқди. Руши укаси билан уйдан югуриб чиқиб, кўча эшикка борсалар, эшик қулфланган экан. Шубҳасиз, амакиси қулфлаб қўйган.

Улар ваҳима ичида ҳовли тўрига отилганлар. Ҳовлида орқа эшик йўқлиги хаёлларига ҳам келмаган чоғи. Баланд девордан эса ошиб ўтиб бўл-

масди. Амакиси отилиб уйдан чиқиб, улар томон бурилганида, беш яшар укаси бир соатгина аввал онаси нон пишириб олган тандирга ўзини урибди. Руши сирпаниб йиқилган чоғ, укасининг аланга ичида чинқирганини эшитибди. У ортига бурилган чоғ кўм-кўк осмон ва визиллаган болтани кўрибди. Сўнг қолган ҳеч нарсани эслай олмайди.

Амра сўзлашдан тўхтади. Ичкаридан Леонард Коэннинг «Гулхан ёнидаги одам»и тараларди.

Идрис тили айланмасди. Сўзлай олган тақдирда ҳам, керакли сўзни топа олмасди. Агар бу иш Толибонлар ёки Ал-қоиданинг, ёки бўлмаса, ўзини улуф деб санаган восвос Мужаҳиддин қўмондоннинг иши бўлганида ҳам бирор нима деган бўларди. Аммо бунда на Бин Ладинни, на Ҳикматёрни ва на Мулла Умарни айблаб бўларди. Бу хунрезлик ортидаги сабаб минг чандон даҳшатли эди. Идриснинг хаёлидан «шафқатсиз» деган сўз сирпаниб ўтди. Одатда одамлар шундай дейишади: *шафқатсиз қотил*. Худди шафқатли қотил бўладигандек.

Идрис шифохонада деворга қунишибгина суяниб ўтирган Рушининг маъсум чеҳрасини ўйлади. Қиртишлаб олинган бошидаги ёриқ, ундан кўришиб турган муштдек миянинг тўқималари кўз олдидан лип этиб ўтди.

– Буларнинг барини ўзи айтиб бердимиз? – ниҳоят тилга кирди Идрис.

Амра оғир бош силкиди.

– У буларни жуда яхши эслайди. Ҳар бир тафсилотигача. Мен унинг унутишини истайман.

– Укасига нима бўлди?

– Куйиб кетган.

Амра елка қисди.

– Ишхонамдагилар менга ниҳоятда эҳтиёт бўл дейишади. Бу ишга ўралашиб қолиш хавфли де-

йишади. Лекин мен билан Руши... Мен у учун курашаман! Асло чекинмайман, – деди у.

Эртаси куни Темур икки немис йигити билан кулолчилиги билан донғи чиққан Исталиф шаҳрига отланди.

– Сен ҳам борсанг яхши бўларди, – деди Темур Идрисга.

– Қолиб китоб ўқимоқчиман, – деди Идрис.

– Сан-Хоседа ҳам ўқийверардинг.

– Дам олмасам бўлмайди. Ўтган кеча кўп ичиб юборибман, шекилли.

Тушликдан сўнг Идрис такси тутиб, шифохонага йўл олди.

– Аммо олдин бозорга тўхтаб ўт, – деди Идрис ҳайдовчига.

Идрис қўлида қутича тутганча, беморлар ётган чироқсиз, дим хоналардан ўтиб, йўлак бўйлаб юриб кетди. Йўлакнинг тўрига етгач, пардани кўтаришдан олдин бир муддат тин олди. Каравотнинг бир бурчида ўтирган қизалоққа кўзи тушгач, юраги аллақандай бўлиб кетди. Амра Рушининг қаршисида чўккалаб олиб, қизалоқнинг тишларини юварди.

Каравотнинг у томонида қора сочлари пахмоқ, офтобда қорайган озғин бир киши ўтирарди. Идрис кирганида сапчиб ўрнидан туриб, қўллари кўксига қўйиб эгилди-да, ўзини Рушининг тоғаси деб таништирди.

– Келибсан-да, – деди Амра чўткачани сув тўла идишга солар экан.

– Умид қиламанки, нотўғри иш қилмадим.

– Йўқ, албатта, – деди Амра.

Идрис томоғини қирди:

– Салом, Руши.

Қизалоқ изн сўраб Амрага қаради.

– Салом, – шивирлади қизча журъатсизгина.

– Мен сенга совға олиб келдим, – деди Идрис қутини очиб. У жажжигина телевизорни чиқарганида, Рушининг нигоҳи чақнаб кетди. Идрис унга сотиб олган тўрт кинофильмни кўрсатди. Бозордаги кассеталарнинг қўпчилиги ҳинд кинофильмлари ёки Жан Клод Ван Дам, Жит Ли, Стивен Сигал кабилар қатнашган жангари фильмлар эди. Лекин Идрис «Улкан темир одам», «Гўдак», «Ўйинчоқлар эртаги» фильмларини излаб топа олди. У бу кассеталарни уйда болалари билан қўп бора кўрган эди.

Амра Рушидан қайси бирини кўришни хоҳлаётганини сўради. Қизча «Улкан темир одам»ни танлади.

– Сенга ёқади бу кино, – деди Идрис. У қизчага тик қарай олмаётган эди. Унинг бошидаги ёриқдан нигоҳини олиб қочарди. Экран жонланганида қизчанинг юзига табассум ёйилди. Идрис бу табассумда ҳаётнинг бор шафқатсизлигини, зулмин ва қаҳрини кўриб, ўттиз беш ёшда бўлиб, ҳаётни қанчалар яхши билмаслигини тушунди.

Амра узр сўраб, бошқа беморларни кўриш учун чиққанида, Идрис каравот ёнига ўтириб, у билан бирга фильмни томоша қилди. Рушининг тоғасининг хонада борлиги ҳам билинмасди. Фильм ярмига борганида электр ўчиб қолди. Руши йиғлай бошлади. Тоғаси у томон эгилиб, кўрслик билан қизчанинг кўлидан тутди. У жиянига Идрис тушунмайдиган пашто тилида бир нималар деб қисқа-қисқа гапирди. Руши унинг кўлидан чиқишга уринарди.

Идрис пальтосини кийди.

– Мен эртага яна келаман, Руши, – деди у. – Истасанг бошқа кассеталарни ҳам кўрамиз. Истайсанми?

Руши кўрпа остида гужанак бўлиб олди. Идрис қизчанинг тоғасига қаради ва унга бир туки ҳам

ўхшамайдиган Темур бу онда нима қилишини хаёлидан ўтказди. «Мени қизча билан ўн дақиқа ёлғиз қолдириш», деган бўларди Темур.

Қизчанинг тоғаси унга эргашиб ташқарига чиқди.

– Бу ерда мен ҳақиқий жабрдийдаман, соҳиб, – деганида Идрис ҳайрон қолди. Идриснинг юзидаги ифодани кўрди шекилли, сўзини тўғрилади. – Шубҳасиз, жабрдийда бу – менинг жияним, албатта. Мен ҳам жабрдийдаман, демоқчи эдим. Сиз буни тушунасиз, чунки афғонсиз. Бу хорижликлар эса асло тушунмайдилар.

– Боришим керак, – деди Идрис.

– Мен оддий бир қора ишчиман. Кунига бир доллар, жуда омадим келса, икки доллар ишлайман, соҳиб. Бунинг устига, ўзимнинг ҳам бешта болам бор. Бирининг кўзи кўрмайди. Энди эса бу, – у хўрсинди. – Баъзан ўзимча ўйлайман, худо кечирсин-у, ўзимча Оллоҳ Рушини ўз раҳматига олса деб... ҳалиги... ўзингиз тушунасиз-ку. Шуниси яхшироқ бўлармиди. Унга бу ҳолида ким ҳам ўйларди? У энди турмушга чиқа олмаса. У ҳолда ким унга ғамхўрлик қилади? Менинг қарашимга тўғри келади. Бир умр.

Идрис у нимага шама қилаётганини тушунди ва ҳамёнига қўл чўзди.

– Ортиқча пулингиз бўлса, соҳиб. Ўзим учун эмас, Руши учун.

Идрис унга икки юз доллар узатди.

– Унга тузукроқ пойабзал олиб беринг, – деди Идрис ва ундан узоқлашди.

– Оллоҳ ёрлақасин сизни, соҳиб, – қизчанинг тоғаси унинг ортидан сўзлаб қолди. – Яхши инсон экансиз.

Идрис эртаси куни ҳам шифохонага келди, индинига ҳам. Кўп ўтмай бу одатга айланди. У бу ерга

келиб-кетишини иложи борича сир тутарди. Уйига қўнғироқ қилганларида ҳам рафиқаси – Наҳилга Руши ҳақида оғиз очмади. У Темурга ҳам қаерга бораётганини айтмади, нега у билан Пагманга ёки Ички ишлар вазирлигидаги амалдор билан бўладиган учрашувга бормаётганини сабабини айтмади. Аммо Темур бари бир билиб олибди.

– Савоб иш қилаяпсан, – деди у Идрисга. Сўнг қўшиб қўйди: – Аммо эҳтиёт бўл.

– Ортиқ борма демоқчимисан?

– Қариндош, бир ҳафтадан сўнг қайтиб кетамиз. Унинг сенга қаттиқ боғланиб қолишини истамасанг керак?

Идрис бош силкиди-ю, Темур у билан Рушининг муносабатига ҳасад қилмаяптимикиан, дея ажабланди. Балки Идрис Темурнинг «қаҳрамон» ролини ўйнашдан маҳрум қилгандир. Ҳар ҳолда, у ҳақ. Руши қай бир куни Идриснинг шифохонага келишини интиқиб кутишини айтган эди. Идрис аҳён-аҳёнда қизчани ўзи билан Штатларга олиб кетсам нима бўларкан, ўфилари – Заби ва Лемар билан қандай чиқишиб кетаркан, деб хаёл сурарди. Ўтган йили рафиқаси билан яна бир фарзандли бўлиш ҳақида суҳбатлашгандилар ўзи.

– Ҳўш, энди нима? – деди Амра у кетишидан бир кун олдин.

Бир оз аввал Руши унга бир варақ қоғозга қаламда чизилган сурат тутқазган эди. Унда телевизор томоша қилаётган икки киши тасвирланганди. Идрис улардан сочлари узунини кўрсатди:

– Бу – сенмисан?

– Буниси эса – сиз, кака Идрис.

– Сенинг сочларинг аввал узунмиди?

– Опам сочларимни тараб қўярди. У оғритмай тарашни биларди.

– Яхши опа бўлган экан-да. Сочларинг яна ўсиб чиқса, уларни ўзинг тарай оласан.

– *Кетманг, кака Идрис. Кетманг!*

– У жуда ширин қиз, – деди у Амрага.

Ҳа, у ростдан ҳам ширин қиз эди. Тарбияли, ҳам тортинчоқ. Идрис ўзларининг афғонча исмларидан ижирғанадиган Сан-Хоседаги икки ўғлини, ўйлаб хижолат тортди. Амра деворга суянди.

– Америкалик, европалик афғонлар, – деди Амра, – келишади-да, унинг суратини олиб кетадилар. Видеога олишади. Ваъдалар беришади. Сўнг уйларига қайтадилар-да, оиласига кўрсатадилар. Худди Руши зоопаркдаги бир ҳайвондек. Мен эса балки улар ростдан ҳам ёрдам берар, деган ниятда бунга қўйиб бераман. Аммо улар унутадилар. Қайта улардан хабар ҳам ололмайман. Шунинг учун ҳам сўрадим, энди нима бўлади, деб?

– Операцияни назарда тутяпсанми? – деди Идрис. – Буни мен ҳам истайман.

Амра унга иккилашиб қаради.

– Бизда нейрохирургия клиникаси бор. Бошлигим билан гаплашаман. Рушини Калифорнияга олиб бориб, операция қилиш учун керакли тадбирларни кўрамиз, – деди Идрис.

– Аммо, пул нима бўлади?

– Бирор жойдан топармиз. Ҳеч тополмаганда, мен ўзим тўлайман.

– Тоғасидан рухсат олишимиз керак бўлади, – деди Амра.

– Агар қайта бўй кўрсатса, – деди Идрис. Рушининг тоғаси Идрис унга икки юз доллар берган кундан бери қорасини кўрсатмаганди.

Амра унга қараб кулди. Идрис аввал ҳеч бундай иш қилмаган эди. Бунда одамни сархуш қиладиган, руҳини кўтарадиган нимадир бор эди. Идрис шу тобда вужудида кучли шижоат туйди. Уни лол қолдириб кўзларидан ёш томчиларди.

Идрис юзини дераза томон бурди. Тубанда қолган Ҳиндиқуш тоғининг жигарранг чўққиларига ҳайрат билан боқди.

– Идрис? – деди Темур сокин овозда.

– Ҳа!

– Кўрганларимиз даҳшатнинг ўзи эди-а?

– Ҳа, – деди Идрис.

Кўп ўтмай Идриснинг боши ғувиллаб, кўз олди қоронғилашди. Уйқуга элитар экан, Руши билан хайрлашганини, бармоқларидан тутиб, қайта кўришишга ваъдалашганларини, қизалоқнинг сас чиқармай кўз ёш тўкканларини бир-бир ўйлади.

Уй томон йўл олган Идрис Кобулнинг тартибсиз, аралаш-қуралаш кўчаларини ўзгача ҳис билан хотирлади. Энди эса тартибли, сип-силлиқ кўчалар бўйлаб Лексусда кетиш унга бир оз ғалати туюлаётган эди. Кобулда Темур иккаласи ҳаётини ишониб топширган кўрқув нима билмайдиган ўспирин ҳайдовчиларни эслаб, Идрис беихтиёр жилмайиб қўйди.

Ёнида ўтирган Наҳил уни саволга кўмиб ташлади: «Кобул хатарлимикан? Нима еб-нима ичди? Хасталанмадимми? Кўрган нарсаларини суратга олдимми?..»

Идрис қўлидан келганича жавоб берарди. Рафиқасига у ердаги снарядлар тешиб ташлаган мактаблар, усти очик уйларда жон сақлаётган келгиндилар, тиланчилар, чироқларнинг ҳадеб ўчавериши ҳақида сўзлаб берди.

Орқа ўриндиқда ўтирган болалар уни бир муддат тинглагандек бўлишди. Идрис уларнинг бу суҳбатдан зерикиб қолганларини фаҳмлади. Саккиз яшар ўғли Заби онасидан фильм қўйишини истади. Ундан икки ёш катта Лемар эса яна бир оз мусиқа тинглай дерди.

– Болалар сизларга нима жин урди ўзи? – Наҳил уларни тергади. – Отангиз Кобулдан қайтди. Бу сизларга қизиқ эмасми? Наҳотки унга саволларингиз бўлмаса?

– Ҳечқиси йўқ, – деди Идрис. – Қўявер. – У болаларининг бу қадар беғамлигидан, лотереядан чиққан ютуқ каби бу тўқис ҳаётларига нисбатан беҳурмат эканлигидан норози бўлди. Идрис нуқул у ердаги ресторанлару ичкарида ювиниш хонаси бўлмаган турар жойлар ҳақида сўраётган Наҳил ва бу бепарво болалари билан ўзи ўртасида ногоҳ бир жарлик пайдо бўлгандек ҳис қилди. Кобулга илк қадам қўйганида маҳаллий кишилар унга қандай қараган бўлса, энди у ҳам оиласига шундай таъна билан боқаетганди.

– Ўлгудек оч қолдим, – деди у.

– Нима ейишни хоҳлайсан? – сўради Наҳил. – Италиянча суши истайсанми? Окридждан нарида янги емакхона очилибди.

– Афғонча таом ея қолайлик, – деди Идрис.

Улар Сан-Хосенинг шарқий томонидаги эски Берйесса-Фли-Маркет яқинидаги «Абе кабобхонаси»га йўл олдилар. Кабобхона соҳиби – Абдулла сочлари оқарган, узун мўйлови юқорига қайрилган, олтмишлардан ошган бақувват киши эди. Рафиқаси иккаласи Идриснинг мижозларидан эди. Идрис оиласи билан ресторанга кириб борганида Абдулла уларга қўл силкиди. «Абе кабобхонаси» кичик бир оилавий бизнес эди. Саккизтагина столдан иборат ресторанинг деворларига Афғонистон суратлари илиб ташланганди. Абдулла мижозларни кутиб олиш, буюртма олиш, тозалаш каби юмушларга масъул, рафиқаси – Султана эса ичкарида – ўчоқ бошида эди. Абдулла ва Султана коммунистлар мамлакатни тарк этгандан сўнг, 70-йиллар охирида Покистонда турмуш қурган эканлар. 1982 йил,

қизлари – Пари туғилган йил улар Қўшма Штатлардан паноҳ топишган.

Пари самимий ва ниҳоятда назокатли қиз бўлиб, онаси каби оппоқ, кўзлари чақноқ эди. Бугун улардан буюртмани ўзи олаётганди.

Тамадди орасида Абдулла қўллари пешбандига арта-арта, улар билан саломлашиш учун яқинлашди. Таом ёққан-ёқмаганлигини, яна бирор нимага эҳтиёжлари бор-йўқлигини сўради. Идрис унга ҳозиргина Темур иккаласи Кобулда бўлиб қайтганларини айтди.

– Темуржон нетиб бора қолди у ерга? – сўради Абдулла.

– Ҳар доимгидек, эзгу иш учун эмас, – деди Идрис.

Абдулла жилмайди. У Темурни қанчалар хуш кўришини Идрис биларди.

– Кабобхонада ишлар қалай кетяпти? – сўради ундан Идрис.

Абдулла уҳлади.

– Доктор Баширий, агар кимнидир лаънатлашни истаб қолсам, ҳеч шубҳасиз, «Сенга ҳам бир ресторан ато қилсин», деб қарғаган бўлармидим.

Улар кулиб юбордилар.

Тамадди поёнига етиб, оила машинага минар чоғ Лемар сўради:

– Дада, Абдулла амаки ҳаммага текин таом тарқатадими?

– Албатта, йўқ, – деди Идрис.

– Унда нега сиздан пул олмайди?

– Чунки биз – аффонлармиз, бунинг устига мен унинг шифокориман, – деди Идрис. У ҳақиқатнинг бир қисминигина айтганди, холос. Энг катта сабаб бу – унинг амакиваччаси Темурлиги эҳтимолдан холи эмас, деб тахмин қиларди Идрис. Анча йиллар илгари Темур ресторани очиш учун Абдуллага қарз берган эди.

Уйга кирган Идрис умумий хона билан фойенинг пол қопламалари қўпорилган, зиналарнинг миҳ ва ёғочлари чиқиб ётганини кўриб аввал бошда ажабланди. Кейин уйларини қайта қураётганлари ёдига тушди. Қопламаларни «мис қозон» деб аталадиган олчаранг қаттиқ ёғоч тахталар билан алмаштираётган эдилар. Ошхонадаги жавонлар аллақачон сайқалланганди. Наҳил усталар ва Жейсонни кўра олиши учун душанба куни ишга ярим кун бориб келмоқчи эканлигини айтди.

– Жейсон? – сўради Идрис. Кейин эслади, Жейсон Спир – уй кинотеатрини ўрнатадиган йигит эди.

– Ўлчов олгани келаяпти, – деди Наҳил. – Аллақачон чегирма нархда карнай билан проекторни келтириб қўйди. Ишни бошлаш учун йигитларни чоршанба куни жўнатар экан.

Идрис бош ирғади. Уй кинотеатрини ўрнатиш гоёси унинг ўзидан чиққан эди, у доим буни орзу қилиб келарди. Энди эса бундан хижолат торта бошлади. Идрис буларнинг баридан – Жейсон Спир, янги жавонлар, олчаранг пол қопламалару, шоҳи чойшаблар, шунча нарсани сотиб олишга сарф қилган Наҳил иккаласининг куч-қувватидан ўзини қандайдир узоқдашганини сизди. Хоҳиш-истаклари энди ўзига бемулоҳазалик бўлиб кўринди. Буларнинг бари Кобулдаги ҳаёт билан бу ердагисининг орасидаги шафқатсиз фарқни эсла-тиб турарди.

– Нима бўлди, азизим? – сўради Наҳил.

– Парвоз чарчоғи, – деди Идрис. – Мизғиб олишим керак.

Ўша оқшом ётоқда рафиқасидан сўради:

– Нима деб ўйлайсан, буларнинг бари бизга керакмикан?

– Буларнинг бари деганинг нимаси? – англамади Наҳил.

Идрис тишини юваётган Наҳилга кўзгудан боқди.

– Мана бу ташвишлар-да. Ҳаддан зиёд кўп нарса истаётгандек кўринмаяпмизми?

– Идрис, биз қаттиқ меҳнат қилдик. Коллежларда, тиббиёт ўқув юрти, ҳуқуқшунослик институтларида ўтказган йилларимизни эсла. Ҳеч ким бизга ҳеч нарса бергани йўқ. Биз ачинадиган иш қилаётганимиз йўқ, ахир.

– Уй кинотеатрига кетадиган пулга Афғонистонда бир мактаб қура олардик, – деди Идрис.

– Унда иккаласини ҳам қил, – деди Наҳил унга бурилиб. – Нега буни қила олмас экансан.

Ўша тун Идриснинг уйқуси қочди. Бир оз китоб мутолаа қилгач, компьютерни ёқди. Амрадан хат келган экан. Ҳамшира қиз унинг соғ-омон уйга етиб олдими, оиласининг аҳволини сўраб, Кобулда «зарда билан» ёмғир ёғиб ётганини, кўчалар тўпиққача лойга айланганини ёзибди. Ёмғир тошқинга сабаб бўлиб, икки юзга яқин хонадон Кобулнинг шимолидаги Шомалига эвакуация қилинибди. Хат «Бошлигинг билан ҳали гаплаша олмадингми?» деган сатр билан тамомланганди.

Хат тагида Амра ёрдамида ёзилган Рушининг мактуби бор эди:

«Салом, кака Идрис!

Иншооллоҳ, соғ-омон Америкага етиб олгандирсиз. Оилангиз сизни кўриб қувонганига ишончим комил. Мен ҳар куни сиз ҳақингизда ўйлайман. Сиз олиб берган киноларни ҳар куни кўраман. Менга уларнинг ҳаммаси ёқди. Афсуски, сиз бу ерда эмассиз, мен билан кино томоша қила олмайсиз. Мен яхшиман, Амражон менга жуда яхши қараяпти. Оилангизга мендан салом айтинг. Иншооллоҳ, тез орада Калифорнияда кўришамиз.

Ҳурмат билан, Рушана.»

Идрис Амрага жавоб хатида раҳмат айтиб, тошқинни эшитиб, ачинганини, Руши масаласини эса шу ҳафта бошлиғи билан муҳокама қилишини ёзди. Сўнг Рушига ҳам алоҳида хат битди.

«Салом, Рушижон!

Хат ёзганинг учун раҳмат. Бу мени ниҳоятда бахтиёр этди. Мен ҳам сен ҳақингда кўп ўйлайман. Оиламга сен ҳақингда сўзлаб бердим, улар ҳам сен билан кўришишга муштоқлар. Айниқса, ўғилларим – Забижон билан Лемаржон нуқул сен ҳақингда сўрайверадилар. Барчамиз келишингни кутиб қоламиз.

Сени яхши кўрувчи, кака Идрис.»

Идрис хатни жўнатди-да, ухлашга ётди.

Душанба куни ишхонасига борган Идрисни бир тўп телефон хабарлари кутиб олди. Дори рецептлари сўровномалари унинг келишини кутиб саватдан тошган, электрон почтасига бир юз олтмишдан ортиқ мактуб йиғилган, овозли хабарлар тўлиб қолганди. Овозли хабарлардан бири бошлиғи – Жоан Шаффердан келган бўлиб, Жоан Идрис зотилжам деб ташхис қўйиб кетган бемори у Кобулга сафарга отланишидан бир оз аввал қон тўпланган юрак фалажлиги бўлиб чиққани айтганди.

Идрис ўша кунги ишлардан бутунлай силласи қуриди. Астма билан огриган бемор ҳеч қандай учрашув белгиламай туриб келишга мажбур бўлган, унга нафас олишга ёрдам берадиган муолажалар қилинди. Идрис уч йил олдин кўрган ўрта ёшли командир ёрдамчиси миокард инфаркти хавфи билан пайдо бўлди. Идрис чошгоҳга қадар тушлик қила олмади. Шифокорлар емакхонасида қўлларида қайдномаларини тутганича курка гўшти сенд-

вичини тишлай-тишлай, ҳамкасбларининг «Кобул хавфсизмикан?», «Афгонлар Қўшма Штатларнинг кириб борганига қандай қараяпти?» каби саволларига қисқа-қисқа жавоб берарди. Югур-югур билан Идрис бошлиғи билан Руши ҳақида гаплаша олмади.

Бу ҳорғин кунлар бир ҳафта давом этди. Идрис уйда болаларига ўшқирар, усталарнинг кириб-чиқиши-ю, уларнинг шовқинидан асабийлашарди. Уйқуси ҳалигача меъёрга тушмаганди. Бу орада интернетда Амранинг Кобулдаги сўнгги воқеалар ҳақидаги икки мактубини олди.

Амра иккинчи мактубида илова тарзида Руши у кетган кундан бери одамови бўлиб қолгани, бошлиғи билан ҳали гаплашмадимикан, деб сўраётганини ёзганди. Идрис клавиатурадан узоқлашди. Сал ўтиб Амранинг мактуби қанчалар ғашига текканидан, унга катта ҳарфлар билан «Айтаман. Мавриди келсин», деб ёзган жавобидан хижолат тортиб қайтиб келди.

– Умид қиламанки, бу сени ранжитмади, – деди стол ортида ўтирган Жоан Шаффер. Жоан кулчаюз, сочлари оппоқ, ғайратли ва қувноқ аёл эди. Бурни устига қўндирилган ингичка кўзойнаги оша Идрисга боқаркан:

– Мақсадим – сенинг ноҳақ эканлигингни исботлаш эмас, буни тушунгандирсан? – деди.

– Ҳа, албатта, – деди Идрис. – Тушунаман.

– Рухингни туширма. Бундай ҳодиса ҳаммамиз билан ҳам рўй беради. Рентгендан бу зотилжамми ёки юрак фалажи, буни аниқлаш осон эмас.

– Раҳмат, Жоан, – деди Идрис ва ўрнидан туриб кетишга чоғланди. Сўнг эшик олдида бир оз тараддудланди. – Айтганча, сиз билан бир нарса ҳақида маслаҳатлашмоқчи эдим.

– Албатта, бемалол. Ўтирақол.

Идрис Рушининг даҳшатли жароҳати ҳақида, Вазир Акбархон шифохонасида имконият етишмаслиги ҳақида сўзлаб берди. Бошлиғига ишониб, Амра билан Рушига сўз берганини айтди. Идрис сўзлар экан, бу ваъдасидан Кобулда деворга суянганча Амрага айтгани каби руҳланмади, аксинча руҳи тушиб кетгандек бўлди.

– Эй, худойим, – деди Жоан бошини сараклатиб. – Қанчалар даҳшатли. Бечора гўдак. Тасаввур қила олмайман.

– Ҳа, – деди Идрис. Сўнг бошлиғидан гуруҳ унинг муолажасини қоплай олармикан, деб сўради. – Тўғрироғи, муолажаларини. Менимча, қизчани бир неча марта даволашга тўғри келади.

Жоан хўрсинди.

– Қани эди. Лекин, очиги, директорлар кенгаши бунга маъқуллайди, деб ўйламайман, Идрис. Ишонмайман. Биласан, сўнгги беш йилдан буён бўйнимизда қарздорлик бор.

Жоан жим қолди, Идриснинг эътироз билдиришини кутди. Аммо Идрис ундай қилмади.

– Тушунаман, – деди Идрис.

Сен бирор бир мурувватли гуруҳни топсанг яхши бўларди, шундай эмасми? Бунинг бир оз иши кўп, аммо...

– Қараб кўраман. Раҳмат, Жоан, – деди Идрис ва ўрnidан турди. У Жоаннинг жавобидан негадир енгил тортиб, кўнгли тинчиганидан ажабланди.

Уй кинотеатрининг қурилиши яна бир ой ошиқ вақтни олди, аммо ниҳоятда ажойиб чиқди. Шифтга ўрнатилган проектордан ёғилган тасвир жуда аниқ кўринар, 2.60 метрли экрандаги ҳаракатлар ҳайратомуз тарзда жонли эди. Улар бу технологиядан завқланган ҳолда, ёнма-ён ўтирганча, попкорн еб, «Кариб денгизи қароқчилари»ни томо-

ша қилдилар. Болалар кино охирига етмай ухлаб қолдилар.

– Уларни ётқизиб келаман, – деди Идрис Наҳилга.

Идрис болаларининг кичик ва ёрдамга муҳтож, отасига қанчалар суянган пайтларини қўмсади. Заби кичиклигида йўлда учраган туйнуксиз чуқурчалардан қанчалар қўрқувга тушганларини эслади. Бир марта Лемар эски фильмлардан бирини кўргач, Идрисдан дунё шундай оқ-қора бўлган пайтлар ҳам отаси яшаганми-йўқми, деб сўраганди. Буни эслаб, Идрис жилмайиб қўйди.

У Лемарнинг ухлашини кузатиб ўтирди. Болалари ҳақида шошилиб хулосага келди, энди ўйлаб қараса, уларга нисбатан адолатсиз бўлибди. Ўзига нисбатан ҳам. У ахир жинойтчи бўлмаса. Барини ўзи меҳнат қилиб топди. Ўн тўққиз ёшида у билган бошқа ўспирин болалар клубма-клуб дайдиб, қизлар ортидан юришганида, Идрис билим олишга шўнғиди. Уйқудан, роҳатдан кечиб, саҳар соат иккиданоқ шифохона йўлакларида кўрди ўзини. Йигирма ёшида ўзини бутунлай дориларга бағишлади. Шундай экан, нега дили хуфтон бўлиши керак? Бу – унинг оиласи, ҳаёти.

Сўнгги ойларда Руши худди бирон бир пьесадаги образ каби йўқ одамга айланди. Қизча билан Идрис ўртасидаги масофа энди олислашгандек эди. Бу масофа энди ҳадсиз ва ўтиб бўлмас туюлар, қизалоққа берган ваъдаси эса ўйламай қилинган, кучи, имконияти, истакларини тўғри баҳолай олмай туриб берилган янглиш бир хатодек кўринарди. Энг асосий нарса унутилди. У бунга қодир эмас. Шу.

Сўнгги икки ҳафта ичида у Амрадан учта электрон мактуб олди. Биринчисини ўқиди-ю жавоб ёзмади. Қолган иккитасини эса ўқимай туриб, ўчириб ташлади.

Китоб дўконида тизилиб турганлар салкам ўн икки-ўн уч кишига етган, навбат вақтинча ўрнатилган саҳначадан то китоб пештахтасига қадар узайган эди. Тўла юзли, новча бир аёл сариқ қоғозча тарқатарди. Бу қоғоз сафда турганлар исми-шарифи ва дастхатга илова қилишини истаган шахсий мактубчасини ёзиш учун мўлжалланганди. Навбатнинг бошида турган сотувчи аёл одамларга китобнинг бош саҳифасини очишга ёрдам берарди.

Идрис қўлида китобнинг бир донасини тутганча, навбатнинг бошроғида турар эди. Олдида турган сариқ сочи калта қилиб кесилган элик ёшлардаги аёл Идрис томон бурилиб, ундан:

– Ўқиб чиқдингизми? – деб сўради.

– Йўқ, – деди Идрис.

– Мутолаа клубимизда келаси ой шу китобни ўқимоқчимиз. Бу гал менинг навбатим.

– Шундайми, – деди Идрис.

Аёл қоғоғини солиб, кафтини кўксига босди-да:

– Буни ҳамма ўқишини истайман. Ниҳоятда таъсирли асар. Кишини руҳантираркан. Ишончим комил, буни кино қилиб чиқаришади.

Идрис аёлга тўғри сўзлаганди. Китобни ўқиб чиқмаган эди, ҳеч ўқимаса ҳам керак. Бу китобни варақлаб, мозийга қайтишга юраги дош бермаса керак. Аммо бошқалар ўқийди. Ана ўшанда Идрис фош бўлади. Барча хабар топади: Наҳил, ўғиллари, ҳамкасблари. Идриснинг бу ўйлардан дармони қочди.

Сўнг китобни яна бир бор очди. Ташаккурнома, ҳаммуаллиф биографияси битилган саҳифасини ташлаб, бошқа саҳифаларини варақлади. Сўнг муқовадаги суратга боқди. Ҳеч қандай жароҳат изи кўринмасди. Мабодо бирон бир чандиқ қолган бўлганида ҳам, қоп-қора узун тўлқин сочлар уни беркитиб турарди. Руши эгнига тилларанг мунчоқ-

ли блузка кийиб, «Оллоҳ» сўзи битилган маржон ва ложувард зирак тақиб олганди. Дарахтга суяниб, камерага қараб жилмайиб турарди. Идрис Руши бир пайтлар унинг учун чизган расмини хотирлади. «*Кетманг, кака Идрис! Кетманг!*» Ҳозир кўз ўнгида турган қизда эса у бундан олти йил аввал парда ортида учратган титроқ жажжи жуссадан асар ҳам кўрмади.

Идрис китобнинг илк саҳифасига нигоҳ ташлади:

«Ҳаётимдаги икки фаришта – Амра онам ва кака Темурга бағишлайман. Сизлар менинг халоскоримсиз. Сиздан умрбод қарздорман.»

Навбат олдга силжиди. Калта сариқ сочли аёл китобига дастхат қўйдириб бўлиб, четга чиқди. Идрис юраги бежо уриб, олдинга қадам ташлади. Руши бошини кўтариб унга қаради. У тўқ сариқ, енги узун блузкаси устидан афғонча шолрўмол ташлаб, қулоқларига кумуш зирак тақиб олганди. Қорачиқлари янада қорайган, балогат ёши қадди-қоматига нафосат бағишлаганди.

Руши Идрисга хотиржам боқди. Гарчи у Идрисни таниганига зиғирча ҳам ишора бермаган бўлса-да, хушмуомалалик билан жилмайиб турган бўлса-да, унинг кўзларида қандайдир ҳайрат ва совуқ ифода бор эди. Яна аллақандай шўх, ўйноқи ифода. Идрис тўсатдан ўзини йўқотиб қўйди. Ҳатто қоғозга тушириб, бу ерга кела-келгунича минг бора хаёлида қайтарган сўзлари ҳам учиб кетди. Бирор сўз айтишга тили айланмасди. Аҳмоқона боқиб туришдан ўзгасига ярамади.

Сотувчи аёл томоқ қирди.

– Жаноб, қўлингиздаги китобни берсангиз, керакли саҳифани очиб бераман. Руши сизга дастхат қўйиб беради.

Ҳа-я, китоб. Идрис бошини эгиб, қўлларида китобни маҳкам чангаллаб олганини кўрди. У бу ерга

дастхат олиш учун келмаган эди, аслида. Бўлиб ўтган шунча воқеадан сўнг дастхат олишга келиши бориб турган ҳақорат бўларди. Идрис ғайришуурий ҳолда китобни узатди. Сотувчи аёл чаққонлик билан керакли саҳифани очди. Сўнг Рушининг бармоқлари саҳифа узра нималарнидир қайд этди. Идрис бирор нима деб сўзлаши учун сониялар бор эди, холос. Йўқ-йўқ, у асло ўзини оқлаш учун сўзламоқчи эмас эди, шунчаки айтишим шарт деб ҳисоблаганди. Аммо сотувчи аёл китобини қайта узатганида, Идрис керакли жумлаларни топиб улгурмаганди. «Қани эди шу он Темурнинг журъатидан зиғирча-да бўлса», ўйлади Идрис. У яна Рушига боқди. Аммо Руши аллақачон навбатдаги кишига эътиборини қаратганди.

– Мен... – тутилди Идрис.

– Навбатдагилар кутиб қолди, жаноб, – деди сотувчи аёл.

Идрис бошини қуйи солиб, сафдан узоқлашди. Машинасини дўкон ортидаги машиналар тўхташ жойида қолдирган эди. У ерга етиб олиши учун бутун бир умрини сарфлагандек туюлди унга. Эшикни очди-ю, минишдан олдин бир муддат туриб қолди. Ҳануз титраётган қўллари билан китобни қайта очди. У ердаги ёзув дастхат эмас эди. Руши инглиз тилида икки оғиз гап ёзганди.

Идрис китобни ёпиб, кўзларини юмди. Енгил тортаман деб ўйлаган эди. Бироқ кўнглининг бир парчаси бошқа нарсани истарди. Эҳтимол кўнгли Руши унга юзини бужмайтириб, болаларча нафратга тўла жумлаларни сочишини истагандир. Ичидаги аламини тўкишини истагандир. Шундай қилганда яхши бўлармиди балки. Аммо Руши ундай қилмади. Одоб билан такаллуф кўрсатди. Дастхат ўрнига ҳам шундай деб қайд қилибди: *«Ташвишланманг. Бу ерда сиз йўқсиз.»* Бунда му-

рувват бор эди. Илтифот бор эди. Идрис енгил тор-таман деб ўйлаганди. Аммо бу азоб берганди, нақ юрагига пичоқ санчган эди.

Нарироқда – қайрағоч тагида ўриндиқ бор эди. Идрис китобни у ерга қолдириб, ортига – машина-сига қайтди.

VI

1974 ЙИЛ. ФЕВРАЛЬ.

**Муҳаррир минбари
Параллакс 84
(1974 йил, қиш сони)**

Азиз муштарийлар!

Энди кўзга кўриниб келаётган шоирлар билан суҳбат уюштирувчи, ҳар уч ойда бир бор чоп этиладиган мазкур журналимиз илк бор бундан беш йил илгари чиқа бошлаганда, кун келиб шу қадар оммалашиб кетишини кутмаган эдик. Сиздан оқиб келаётган завққа тўла мактублар анъанага айланди. Журналимиздаги мақолалар бир қанча иқтидор соҳибларини ҳамда уларнинг кеч эътиборга тушган сермахсул ижодларини кашф этиб келмоқда.

Афсуски, мазкур сонимиз гамга бурканди. Бу галги мақоламиз қаҳрамони – ўтган қиш Париж яқинидаги Курбевуа шаҳрида Этен Бустулерга интервью берган афгон шоираси – Нила Ваҳдати-дир. Мадам Ваҳдати билан кечган суҳбат журналимиз ҳаёти давомидаги энг самимий ва гоятда ҳайратомуз суҳбат бўлди. Суҳбат бўлиб ўтган кундан кўп ўтмай унинг бевақт ўлиmidан хабар топиб, чуқур қайғуга тушдик. Биз уни қўмсаб қоламиз. Ортидан унинг ёлғиз қизи қолди, холос.

Лифт эшиги очилган эди ҳамки, телефон қўнғироғи эшитилди. Қўнғироқ овози Жулиеннинг кватирасидан келар эди. Пари ички овозидан ким қўнғироқ қилаётганини сизди. Жулиеннинг юз ифодаси у ҳам сезганини айтиб турарди. Аллақачон лифтга чиқиб улгурган Жулиен Парига:

– Жиринглайверсин, – деди.

Сўнг Парининг иккаланганини кўргач, қизни шоширди:

– Юрақол, Пари. Шусиз ҳам кечикдик ўзи.

Жулиен соат еттига 16-даҳадаги янги ресторанда стол буюртма қилган эди. Улар Жулиеннинг талабалик давридаги эски дўстлари – Кристиан ва Аурелия билан кўришишга келишиб қўйгандилар. Соат аллақачон олтидан ўн беш дақиқа ўтган, учрашув эса соат олти яримга белгиланган эди. Телефон эса ҳануз жирингларди.

– Пари? – деди Жулиен бу гал қатъий оҳангда.

– Ойим бўлиши мумкин, – деди Пари.

– Ҳа, бундан хабарим бор.

Пари онасининг қўнғироқ қилишга топган вақтини ўйлаб, бир оз кайфи бузилди. Энди ё қўнғироққа жавоб бериши керак ёки Жулиен билан лифтга чиқиши керак.

– Муҳим бўлса керак, – деди Пари.

Жулиен «уфф» тортди. Лифт эшиги унинг ортидан ёпилгач, Жулиен қўлларини чўнтагига солганича деворга суянди.

– Бир зумда қайтаман, – деди Пари.

Жулиен қизга шубҳа тўла назар ташлади.

Пари ҳаял ўтмай телефонга етиб келди.

– *Oui, allo?*¹ – деди Пари гўшакни кўтариб.

Гўшакнинг нариги томонидан эркакнинг овози эшитилди:

¹ Алло, эшитаман? (*фр.*)

– *Bonsoir*¹. Бу – мадемуазель Пари Ваҳдатими?

– Сиз ким бўласиз?

– Сиз мадам Нила Ваҳдатининг қизимисиз?

– Ҳа.

– Мен – доктор Делуни бўламан. Онангиз масаласи бўйича қўнғироқ қиляпман.

Пари кўзларини юмди. Кўнглининг бир четидан йилг этган айбдорлик ҳисси дам ўтмай қўрқувга айланди. Бундай қўнғироқлар кўп бўлди. Санаб саноғига етиб бўлмасди. Бу даҳшатли қўнғироқлар Пари ўсмирлик чоғиданми, йўқ, у бешинчи синфда ўқиб юрганида бошланганди. Ўшанда география фанидан имтиҳон бўлаётган, ўқитувчиси имтиҳоннинг ярмидан бўлиб, Парини йўлакка олиб чиқиб, рўй берган воқеани тушунтирганди. Бу қўнғироқлар йиллар давомида қанча такрорланмасин, Пари ҳеч бирига бепарво бўла олмади. Ҳар гал гўшакни қўяр-қўймай онаси томон отилар эди. Жулиен Парига агар у онасига эътибор қилишни тўхтатса, онасининг ҳам талаблари якун топади, дер эди.

– Онангиз бахтсиз ҳодисага учради, – деди доктор Делуни.

Пари гўшак симини бармоғига ўраб, докторнинг тайинловларига қулоқ тутаркан, хаёли болалик даврига учди. Ўшанда ўн ёшда эди. Бир кун мактабдан қайтгач, ошхонадаги стол устида йигирма беш франк пул билан бир парча қоғозга кўзи тушди. Унда шу сўзлар ёзилган эди:

«Мен Марк билан Эльзасга кетдим. Маркни эсласанг керак. Бир-икки кунда қайтаман. Яхши қиз бўлиб ўтир. *Je t'aime*². Онанг.» Парининг кўзлари ёшга тўлди, «икки кун унчалик кўп кун эмас, узоқ эмас», дея ўзини тинчлантириб, ошхона ўрта-сида титраб-қақшаб туриб қолди.

¹ Салом (*фр.*)

² Сени яхши кўраман. (*фр.*)

Доктор ундан ниманидир сўради.

– Кечирасиз? – деди Пари.

– Онангизни уйига олиб борасизми, демоқчи эдим. Жароҳати у қадар оғир эмасу, ўзингиз тушунасиз, ҳар ҳолда, ёлғиз қайтмаса яхши бўлар эди. Бўлмаса, биз такси чақирсак ҳам бўлади.

– Йўқ, йўқ, шарт эмас. Мен ярим соатда етиб бораман.

Пари каравотга ўтириб қолди. Жулиен ранжийдиган бўлди. Кристиан ва Аурелиянинг олдида уятга қолади энди. Дўстларининг фикри у учун жуда муҳим эди. Пари Жулиен билан юзлашишни истамаётганди. Онасининг ёнига ҳам боришни истамасди. Бирдан-бир хоҳиши – ёмғирнинг дераза ойнасини тарақлатиб чертишига қулоқ осганча уйқуга кетиш. Жулиен унинг ортидан ётоқхонага кирди.

– Бормоқчимассан, шундайми? – сўради Жулиен. Пари жавоб бермади.

**«Афгон булбули»дан парча
(Нила Ваҳдатининг Этен
Бустулерга берган суҳбати)
Параллакс 84
(1974 йил, қиш сони)**

Э.Б: Тушунишимча, сиз ярим афгон, ярим французсиз?

Н.В: Ҳа, онам француз эди. Парижлик эди.

Э.Б: Отангиз билан Кобулда танишганлар. Сўнж сиз тугилгансиз.

Н.В: Ҳа. Улар 1927 йилда подшо саройида расмий бир тушликда танишиб қолганлар. Ўшанда онам мамлакатдаги ислоҳотларда Амануллоҳ подшога ҳуқуқий маслаҳатчи сифатида Кобулга юборилган бобомга ҳамроҳ бўлиб борган экан.

Биз Нила Ваҳдати хонадонидамиз. Мадам қирқ тўрт ёшда бўлса-да, ёшлик тароватини йўқотмаган, ниҳоятда жозибали аёл экан.

Н.В: Амануллоҳ подшо улар кўрган энг яхши подшо эди.

Э.Б: «Улар»? Сиз ўзингизни афгон ҳисобламайсизми?

Н.В: Баъзи муаммолари бўлган турмуш ўртоғим билан ажралганимдан сўнг.

Э.Б: 1955 йилда Францияга кўчиб келишингизга нима сабабчи бўлган?

Н.В: Афғонистонда аёлларга бўлган муносабатни кўра билиб туриб, қизимга бундайин ҳаётни раво кўрмадим.

Э.Б: Қандай ҳаёт, яъни?

Н.В: Қизимнинг бирор сўз айтишдан, бирор хато ҳаракат қилишдан чўчиб, бир умр бошини эгиб, озодликдан маҳрум тилсиз қулдек, маъюс бир ожизага айланишини истамас эдим. Фарбда эса, ўзимизнинг Францияда ҳам бундайин оғир ҳаётни бошидан кечирадиган аёллар қаҳрамон ҳисобланади.

Э.Б: Қизингиз бу учун сиздан миннатдор бўлса керак?

Мадам иккинчи сигаретини ёқди.

Н.В: Месье Бустулер, фарзандлар ҳеч қачон биз устагандек бўлиб етишмайдилар.

Шошилинич ёрдам кўрсатиладиган бўлимдаги мижғов бир ҳамшира Парига рўйхатга олиш столи ёнида кутиб ўтиришни буюрди. Доктор Делуни у кутгандан кўра ёшроқ бўлиб чиқди.

– Онангиз бу ерга келганида, ниҳоятда маст эди,
– деди доктор. – Сиз ҳайратланмадингиз, шекилли.
– Йўқ.

– Бу ердагилар ҳам ажабланмадилар. Уларнинг айтишича, бу ер уйидек бўлиб қолган экан. Янги бўлганим учунми, бундан мамнун бўла олмадим.

– Аҳволи қанчалар ёмон эди?

– Ниҳоятда дарғазаб эди, – деди доктор. – Менимча, бу ғазаби сохта эди.

Улар бир-бирларига қараб жилмайиб қўйишди.

– Соғайиб кетадими?

– Қисқа муддатда. Аммо ичкиликни камайтиришни тавсия қилар эдим. Бу гал омади келди, ким билади кейинги гал нима бўлади...

Пари бош ирғади.

– Қаерда ҳозир?

Доктор шошилинич ёрдам кўрсатиладиган хонанинг бурчагига имо қилди.

– Учинчи каравот. Мен ҳам бир оз ўтиб ортингиздан бораман.

Пари унга миннатдорчилик билдириб, онаси ётган каравот томон йўналди.

– Салом, ойи.

Онаси ҳорғин жилмайди. Унинг сочлари ҳурпайиб кетган эди.

– Оқшомингни барбод қилдим, – шивирлади онаси.

– Бўлиб туради бундай ҳолатлар. Мен сизни уйга олиб кетгани келдим.

– Энди бир ҳафта ухласам керак, – ланж овозда сўзлар экан, кўзлари юмилиб кетганди. – Телевизор томоша қилиб ўтиргандим. Очиққанганимни сезиб, ошхонага кирганимда сирпаниб кетдим. Бошимда турма, ўтирсанг-чи, Пари.

– Доктор сизни маст эди, деди.

– Чарчаганман, Пари. Бошқа гал койирсан мени, – деди онаси ва кўп ўтмай уйқуга кетди.

Пари каравот ёнидаги курсига ўтириб, доктор Делунини кутар экан, ним ёритилган стол ёнида

қўлида менюни тутганча Кристиан ва Аурелия билан қадаҳ уриштириб ўтирган Жулиенни кўз олди-га келтирди. У Парига шифохонага ҳамроҳ бўлиб бораёми деди, лекин бу таклиф шунчаки юзаки эканлиги сезилди. Ҳар ҳолда унинг бу ерга келиши маъқул эмас эди. Ресторанга Парисиз ҳам кетишини истамас эди қиз. Жулиеннинг усиз ҳам кетавергани Парини бир оз ажаблантирди ҳам. Кристиан билан Аурелияга вазиятни тушунтириб, учрашувни бошқа кунга қолдирса ҳам бўлар эди-ку. Аммо Жулиен кетди. Бу унинг ўйловсизлигидан эмас. Йўқ. Бунда қандайдир қаҳри қаттиқлик, қўрслик бор эди. Жўртгага қилингандек эди. Пари баъзан Жулиенда бунга мойиллик кўрарди. Аввал ҳам шундай бўлганмикан, дея ажабланди Пари.

Онаси Жулиенни илк бор кўринишидан ҳозиргисига ҳеч ҳам ўхшамаган мана шундай шошилинч ёрдам хонасида учратган эди. Бу воқеа ўн йил илгари, 1963 йил, Пари ўн тўрт яшарлигида рўй берганди. Жулиен бу ерга мигреньга учраган ҳамкасбини олиб келган, онаси эса мактабда жисмония тарбия дарсида тўпиғи шикастланган Парини келтирган эди. Онаси билан Жулиеннинг нималар ҳақида суҳбатлашганларини хотирлай олмайди. Бирдан-бир ёдида қолгани – Жулиеннинг *«Париж шахрига ўхшаган Парижми?»* деб сўрагани, сўнг онасининг *«Йўқ, Пари. «Ж» ҳарфисиз. Форсчада бу «фаришта» деган маънони англатади»*, деб жавоб бергани эди.

Ўша кундан кўп ўтмай улар ёмғирли бир оқшомда Сен-Жермен бульваригадаги бир кичик ресторанда кечки овқатни бирга тановул қилдилар. Бу ерга келишдан аввал онаси нима кийсам экан деб роса бош қотирди, ниҳоят латиф мовий тусдаги кўйлак, базм қўлқопи ва ингичка пошналар тўфлида тўхтади.

Емакдан олдин чекишиб, муздек пиво ичишди. Кружкада пиво қолмагач, Жулиен иккинчисини буюрди. Сўнг учинчисига уланди. Оппоқ кўйлак ва бўйинбоғда бўлган Жулиен тарбияли инсонга хос назокатни унутмасди. У хиёл жилмайиб қўяр, чаккасига оқ оралагани Парининг онаси билан дярли тенгдошлигидан дарак бериб турарди. У ҳозирги кунда рўй бераётган воқеаларга ниҳоятда қизиқар экан. Айниқса, де Голльнинг Англиянинг Умумбозорга киришини ман қилиб қўйгани ҳақида узоқ гапирди. Буларни шу қадар қизиқарли қилиб сўзлагани Парини ҳайратга солганди. Онасининг саволидан сўнг Жулиеннинг Сорбоннада иқтисод фанларидан дарс бериши маълум бўлди.

Бутун оқшом давомида Пари Жулиенга қарамасликка уринарди. Қошлари устига тушиб турган сочлари эркакни ниҳоятда хушрўй қилиб кўрсатарди. Жулиен онасидан у эгалик қиладиган кичкина китоб дўкони ҳақида сўради. Дўкон Сенанинг нариги томонида, Арколь кўпригининг у томонида эди.

– Жазз ҳақида ҳам китобларингиз борми? – сўради Жулиен.

– *Вah oui!*, – деди онаси.

Пари онаси жаззни шунчалар ёқтиришини, бир талай мусиқачилар ижоди билан таниш эканлигини билиб, жуда ҳайратланди. Бундай ҳайратга тушиши илк дафъа бўлмаса-да, ўз онасини шу қадар яхши билмаслигидан ғалати бўлиб кетди. Қизни ҳайратга солмаган бир нарса бу – онаси Жулиенни осонгина мафтун қилгани эди. Онаси эркакларнинг эътиборини тезда қозонар эди. Ўзидан йигирма ёш катта бўлган онаси Жулиеннинг ҳазилларига шўхчан қиқирлар экан, ҳар қачонгидан ҳам ёш ва гўзал кўринар эди. Пари онасининг ҳуснига боқиб туриб, қанчалар унга ўхшамаслигини ўйларди. Оч

¹ Албатта. (*фр.*)

тусдаги кўзлари, узун бурни билан узун сочлари тим қора, кўзлари чақноқ онасининг олдида хийла кўримсиз эди. Парининг ишончи комил, у отасига ҳам унчалик ўхшамас эди. Отаси лаблари ингичка, пешонаси дўнг, тор иякли баланд бўйли киши эди. Парида болалигида Кобулдаги уйида олинган отасининг бир нечта сурати бор эди. У 1955 йил, онаси билан Парижга кўчган йили хасталикка чалиниб, кўп ўтмай вафот этганди.

Отасининг суратларига боқиб тураркан, эски туйғулар бош кўтариб кўнглини ўртарди. У эслай олмайдиган ҳислар уйғонар эди. Гўё ҳаётида нимадир ёки кимдир йўқдек, етишмаётгандек туюларди. Баъзан бу ғира-шира сезилар, худди радиосимлари узра тарқалган заиф сас каби олис-олисдан чуғурларди. Баъзан эса бу етишмаслик шунчалар аниқ сезилиб, юраги ҳаприқиб тушарди.

Мисол учун, бундан икки йилча илгари Провансда бир ферма ҳовлисида азим эман дарахтини кўрганида шундай орзиққан эди. Яна бир гал Тюильри боғида бир ёш жувоннинг қизил аравадада ўғлини суриб юрганида ҳам шундай бўлган эди. Пари ҳеч тушунмас эди. Бир куни онасига буларни айтиб берди.

– Хўш, азизам, – деди онаси, – бунинг ҳеч қандай ғайриоддий жиҳати йўқ. Шунчаки отангни соғингансан. У ҳаётингдан кетди. Бундай туйғуларни ҳис қилишинг табиий ҳол. Шу, холос. Кел, энди, ойингни ўпиб қўй-чи.

Онасининг жавоби мутлақо жўяли эди, аммо қониқарсиз ҳам эди-да. Тўғри, отаси ҳозир ҳам ҳаёт бўлиб, унинг ёнида бўлганида Парининг ярим кўнгли бутун бўларди. Аммо у ҳатто болалик чоғида ҳам, Кобулдаги кенг уйида ота-онаси бағрида яшаганида ҳам шу туйғуни ҳис қилар эди. Нимадир ёки кимдир доим етишмас эди.

Емакни тановул қилиб бўлишгач, онаси узр сўраб, рестораннынг ювиниш хонаси томон йўналди. Пари бир неча дақиқага Жулиен билан ёлғиз қолди. Улар Пари бир ҳафта илгари кўрган фильми ҳақида, қизнинг мактаби ва мусиқа ҳақида суҳбатлашиб ўтирдилар. Пари сўзлар экан, Жулиен тирсақларини столга қўйиб, хиёл қиз томон эгилганча, гоҳ жилмайиб, гоҳ қош чимириб, қиздан бир дам нигоҳини узмай, қизиқиш билан уни тингларди. «Бу шунчаки томоша, – деб ўйлади Пари, – ўзини қизиққандек қилиб кўрсатяпти». Аммо қизнинг кўнглида нималардир уйғонган эди.

Онаси сочлари қайта таралган, лабларига янгитдан бўёқ тортилган ҳолда қайтиб келгач, сирли дақиқалар поёнига етди. Онасининг келиб қолганидан бир оз кўнгли ранжиган Пари дарҳол хаёлини йиғиштириб олиб, ўзини гуноҳкор сизди.

Бир-икки ҳафта ўтиб Пари Жулиенни яна учратди. Эрталаб эди. Пари кўлида қаҳва тутиб, онасининг хонасига йўналди. Йўлакдан туриб ярим очик эшик ортида Жулиеннинг каравотда қўлсоатини бураб ўтирганига кўзи тушди. Жулиен тунни уларнинг уйида ўтказганлигидан хабари йўқ эди. Пари михланганча жойида туриб қолди. Тумбадаги сигаретига қўл чўзган Жулиен қизни кўргач, мийиғида кулиб қўйди. Ювиниш хонасидан онасининг овози эшитилгач, Пари жон ҳолатда югуриб ортига қайтди.

Жулиен билан онаси олти ойча севишиб юрдилар. Улар тез-тез киноларга, музейларга боришар, чет эллик рассомлар ижодини намойиш этадиган кичик-кичик санъат галереяларини кезишар эди. Бир дам олиш кунида Бордо яқинидаги Аркашон пляжига кетишиб, юзлари офтобдан тобланганча, бир яшик қизил вино билан қайтиб келишди. Жулиен Парининг онасини университетда бўладиган

кечаларга олиб борар, онаси ҳам уни китоб дўко-нида ўтказилиб турадиган мутолаа кечаларига таклиф қиларди.

Пари бошда Жулиеннинг илтимоси билан уларга ҳамроҳлик қилар эди. Сўнг бора-бора у рад қилиб, уйда қола бошлади. У бора олмасди. Бу ҳолга чидаб бўлмасди. Пари бир гал толиқдим, деб, бошқа гал ўзимни ёмон ҳис қиляпман, ёки бугун дугонам Колетникида дарс қилишимиз керак деган баҳоналар билан узр сўрарди. Иккинчи синфдаликларидан буён ёнида бўлган дугонаси Колет сочлари узун, тажанг ва қўрс бир қиз эди.

– Онт ичаман, улар билан бормаганидан Жулиен роса ранжиган, – деди Колет.

– Ранжиган тақдирда ҳам, буни билдиргани йўқ.

– Билдирмайдими? Онанг нима деб ўйлаган бўларди?

– Нима ҳақида? – сўради Пари, аммо нима эканлигини ўзи билиб турарди.

– Нима ҳақида? – хитоб қилди Колет. – Жулиен сенга етишиш учун онанг билан бирга-ку. У истаётган инсон бу – сенсан.

– Бемаънилиқ, – деди Пари титраб.

Шубҳасиз, бунинг ниҳояси бор эди. Жулиен билан онасининг ҳикояси поёнига етди. Пари ажабланмади, аммо енгил тортгандек бўлди. Эркаклар сўнгида доим онасини ташлаб кетардилар. Кучли ҳис-туйғу ва эҳтирос билан бошланган муносабат нафратга тўла жумлалару айбловлар, кўз ёшлари идиш-товоқларни ҳар ёнга отиб, синдириш билан ниҳояланар эди.

Сўнг онаси тўсатдан ёлғизликни хоҳлаб қолар, яна ётоқхонасидан чиқмай қўярди. Парининг уни юпатишга, дардига шерик бўлишга уринган ҳаракатлари самарасиз кетар, охир онасини ёлғиз қолдириш кераклигини тушунар эди. Бу кайфият

ҳафталарга чўзиларди. Жулиен билан эса ҳар қачонгидан ҳам кўпроққа чўзилди.

Онаси каравотда ўтирар, ҳали ҳам шифохона кийимида эди. Доктор Делуни Парига онасининг шифохонадан чиққани ҳақидаги ҳужжатларни берди. Ҳамшира онасининг венасига қўйилган асбобларни суғурди.

– Нима бўлди? – сўради Пари.

– Ҳозир ёдимга тушди. Бир-икки кун аввал мен интервью берган эдим.

– Интервью?

– Ҳа, бир назмий журналга.

– Бу ажойиб-ку, ойи!

Онаси хўрсиниб, юзини четга бурди.

**«Афғон булбули»дан парча
(Нила Ваҳдатининг
Этен Бустулерга берган суҳбати)
Параллакс 84
(1974 йил, қиш сони)**

Хонани кўздан кечирар эканман, китоб тоқчаларнинг биридаги суратга назарим тушди. Суратда сариқ пальточа кийиб олган жажжи қизалоқ қандайдир резавор мева терарди.

Н.В: Қизим – Пари. Бу суратни Нормандияга қилган саёҳатимизда олдирган эдик. 1957 йил эди, адашмасам. Ўшанда саккиз ёшда эди.

Э.Б: Қизингиз Парижда яшайдими?

Н.В: Ҳа. Сорбоннада математика ихтисослиги бўйича таълим олади.

Э.Б.: Қизингиздан гурурлансангиз керак?

Мадам жилмайиб қўйди.

Э.Б.: Сиз ўзингизни адабиётга бахи этдингиз. Қизингиз танлаган соҳани эшитиб, очиги, лол қолдим.

Н.В.: Билмайман, бу қобилиятни қаердан олган у. Турли тушунарсиз формулалару назариялар. Мен бўлсам аранг кўпайтиришни эплайман, холос.

Э.Б.: Қизингизни Афғонистонга боглаб турган ҳеч қандай ришта йўқми?

Н.В.: У олти яшарлигида мамлакатни тарк этдик. Қизим у ерларни яхши эслай олмайди.

Мен мадам Ваҳдатидан ёшлик даврлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадим. У узр сўраб, хонадан чиқди-да, ҳаял ўтмай қайтиб қўлимга эски, оқ-қора рангли сурат тутқазди. Суратда кўринишидан талабчан, кўзойнакли, ярқиллаган сочлари ҳафсала билан таралган норғил бир эркак оқ кўйлак ва бўйинбоғ тақиб, стол ёнида китоб мутолаа қилиб турарди.

Н.В.: Менинг отам. 1929 йил – мен туғилган йилда олинган.

Э.Б.: Назокатли инсон бўлган кўринади.

Н.В.: Отам Кобўлнинг асилзода оилалардан бирининг вакили эди. Ниҳоятда ўқимишли, бенуқсон хулқ-атвор соҳиби, дилкаш инсон эди.

Онасининг уйига қадар бир нечта квартал бор бўлиб, улар яёв етиб олсалар ҳам бўларди. Аммо ёмғир етарлича кучайганлиги учун улар такси тутдилар. Онаси орқа ўриндиқда лом-мим демай ойнадан ташқарига боқиб, қунишиб ўтирарди. Шу он кўзига онаси анча кексайгандек кўриниб кетди. Эндигина қирқ тўртга кирганга ҳеч ўхшамас эди. Заиф ва озғин.

Пари анчадан бери онасининг уйига келмаган эди. Калитни бураб, ичкарига кирганида, ошхона столи устида ювиқсиз қадаҳлар, очилиб ётган чипс халтачалари, пиширилмаган макаронлар, аллақандай таом қолдиқлари қотиб қолган ликоп-

чалар қалашиб ётарди. Онасининг яшайдиган макони шу ҳолга келганини кўриб, Пари қўрқиб кетди. Яхшигина айбдор ҳис қилди ўзини. Сўнги пайтларда ўйлаб юрган фикридан ўзини ёмон кўриб кетди. Аслида Жулиен шундай фикрда эди. «У сенинг ачинишингни истайди», ўтган бутун йил давомида Жулиен нуқул шу жумлани такрорлаб келди. У илк бор шу сўзларни айтганида, Пари енгил тортгандек, тушунгандек бўлган эди. У бундан кейин нима қила олиш, нима қила олмаслигини кўрсатиб бераётган Жулиендан жуда миннатдор эди. Ўзига бир ҳамроз топганди гўё. Аммо бу кунлар фикри ўзгарди. Жулиеннинг сўзларида пасткашлик, бағритошлик учқунларини пайқаган эди.

Ётоқхонада ерда кийим-кечаклар, китобу газеталар сочилиб ётарди. Пари тўшакни китоб ва журналлардан озод қилгач, онасини секин ётқизди.

– Яхши бўляпсиз-а, ойи?

– Ундайга ўхшамайди, – деди онаси. Жавоб эътиборни тортиш учун айтилганга ҳеч ўхшамас эди. Онаси ҳорфин овозда сўзлади буни. Овози ростдан ҳам қалбдан айтилганга ва сўнгсўзга ўхшаб туюлди.

– Ойи, сиз мени қўрқитяпсиз.

– Энди кетасанми?

– Қолишимни истайсизми?

– Ҳа.

– Унда қоламан.

– Чироқни ўчир.

– Ойи? – деди Пари.

– Ҳа?

– Дориларингизни ичиб турибсизми? Ёки ичмай қўйдингизми? Ичмай қўйдингиз, шундайми?

– Бошлама яна. Чироқни ўчир.

Пари чироқни ўчирди-да, каравотнинг бир бурчида ўтириб, онасининг уклашини кутди. Сўнг унутилган вазифасини бажариш учун ошхонага йўл олди.

Орадан йиллар ўтиб, Пари Жулиенни ўтган йили – 1973 йил қайта учратди. Ўшанда Пари Канада элчихонаси қошида талабаларнинг Тюлень ови-га қарши норозилик намойиши бўлаётган кўчада Жулиенга тўқнашиб қолди. Пари намойишда қатнашишни истамаган эди, бунинг устига мероморфик функциялардан ёзма ишини тугатиши керак. Аммо Колет борасан деб туриб олди. Ўша кунлар улар битта уйда ижарада туришар эди.

Колет аллақачон намойишга қўшилиб кетган, жониворларга нисбатан қилинаётган шафқатсизликдан тортиб, мажбурий меҳнату ирқчилик, Франциянинг Тинч океанида ядровий қуролни си-наб кўрганида айблаганча бақириб-чақирарди.

– Ёлгон сўзлаяпти, – деди Колет жазавага тушиб.

Шу пайт кўча муйилишида турган кимдир Парининг елкасига қоқиб қўйди.

– Сени бу ердан халос қилишларини интиқ ку-тиб турган одамга ўхшаб кўриняпсан.

Парининг рўпарасида твид костюм билан жин-си шим кийиб, жун шарф ўраган Жулиен турарди. Йиллар унга бир оз таъсирини ўтказган бўлса-да, Жулиен ҳануз ўшандай келишган ва хушбичимли-гича қолган эди.

– Рост, – деди Пари.

– Улар ўпишиб кўришишди, сўнг Жулиен қизни қаҳва ичишга таклиф қилди.

– Дугонангни роса жаҳли чиққан кўринади. Нақ ўлдириб қўяди-я ҳозир.

Пари ортига қайрилиб, Эрикнинг ёнида туриб олиб, қўлини мушт қилганча ҳануз бақириб ётган Колетга қаради. Пари кулгисини ичига ютди.

Улар кичик бир қаҳвахонага кириб, дераза ёни-даги бир столдан жой олдилар. Жулиен қаҳва би-лан кремли «Наполеон» тортидан буюрди. Пари

Жулиеннинг официантга аввалгидек ўзига ишонган оҳангда, хушмуомалалик билан буюртма берар экан, Пари ўша ўсмирлик пайтидагидек аллақандай ҳисларни туйди. Тўсатдан кўчага пардозсиз чиққанлиги ёдига тушиб, хижолат тортиб кетди.

– Норозилик намоёишларига қатнашадиган қизсан деб ҳеч ўйламагандим сени, – деди Жулиен.

– Ундай қиз эмасман. Колет мажбурлади.

– Бу қиздан бир оз чўчидим, – деди Жулиен.

– Ҳаммамиз ундан чўчиб турамиз.

Улар кулиб юборишди. Жулиен қўлини узатиб қизнинг шарфини тўғирлаб қўйгандек бўлди.

– Дилбар қиз бўлибсан, Пари, – деди сўнг.

Пари хижолат тортиб, ёқасини бармоқлари билан гижимлади.

Емак устида Жулиен ишидан сўзлаб берди. Ўқи-тувчиликни ташлаб, бир неча йил Халқаро валюта жамғармасида ишлабди. Энг яхши томони, бу иш орқали саёҳатга чиқибди.

– Қаерларга бордингиз? – сўради Пари.

– Иорданияга, Ироққа. Сўнг икки-уч йилимни оддий иқтисодиёт мавзусида бир китоб ёзишга сарфладим.

– Нашр қилишдими?

– Қилдик, дейишди, – деди Жулиен жилмайиб.

– Ҳозир эса Парижда хусусий консалтинг фирмасида ишляяпман.

– Мен ҳам саёҳатга чиқишни истайман, – деди Пари. – Колет нуқул Афғонистонга боришимиз керак деб таъкидлайверади.

– Колет нега у ерга боришни истаётганлигини тахмин қияпман, – деди Жулиен.

– Мен ҳам у ерга бориш ҳақида анчадан бери ўйлаб юрибман. Киндик қоним тўкилган ерни кўришни истайман. Балки оиламиз билан яшаган ўша кўҳна уйимизни излаб топарман.

– Бунга мажбур эмассан.

– Қизиқяпман. У ерларни яхши эслай олмайман.

– Бир пайтлар оилангиз ошпази ҳақида нима-лардир дегандай эдинг, – деди Жулиен.

Шунча йил ўтиб, қизнинг айтганлари ҳали ҳам Жулиеннинг ёдида турганидан Парининг юраги ҳаприқиб кетди. Ўтган вақт мобайнида Жулиен уни ўйлаб юрган экан-да. Пари унинг хаёлида бўлган экан-да.

– Ҳа, – деди Пари. – Исми Наби эди. У бизнинг ҳайдовчимиз ҳам эди. Отамнинг катта бир америка машинаси бўларди, юқори қисми жигарранг кўк машина эди. Ўшани ҳайдаб юрарди. Ёдимда, машинамизнинг олд капотида бургут боши бор эди.

Сўнг суҳбат Парининг ўқиши ҳақида кетди. Онаси ҳеч ҳам Жулиендек тингламаган эди. У қизи танлаган соҳадан бир зерикса, қизининг бу фанга шунчалар ҳавас қўйганидан бир ҳайратга тушарди.

«Воҳ, бошим-е, – дер эди онаси кулимсираб, – бошим айланиб кетди. Мен яхшиси бир чой қўяй, балки ўшанда курраи заминга қайтарсан». Пари онасининг ҳазилларига ҳазил билан жавоб берса-да, унинг билимсизлигига танқид кўзи билан қарарди. Онаси, унинг наздида, бир умр вақтини беҳуда ишларга сарфлагандек эди. Бир умрга. Шоирда, деб ўйларди, Пари, аммо буни онасига ҳеч ҳам овоз чиқариб айтмаган эди.

Улар қаҳва ортидан пиво ичишди, пиво эса винога айланиб кетди. Сўнг эса Жулиен бир оз олдинга энгашиб, хушмуомалалик билан ортиқ кутиб бўлмайдиган саволни берди:

– Энди айт-чи, Ниланинг аҳволи қандай?

Пари оғир хўрсинди. Жулиен барини англагандек бош иради.

– Китоб магазинини қўлдан чиқариши мумкин.

– Буни эшитганимдан афсусдаман, – деди Жулиен.

– Йилдан-йилга иш орқага кетяпти. Дўконни ёпишга тўғри келади, чамамда. Онамнинг ўзи тан олмаса-да, бу унга кучли зарба бўлиши тайин.

– Ҳали ҳам ёзаяптими?

– Ёзмай қўйган.

Жулиен кўп чўзмай, суҳбатни бошқа томонга бурди. Пари енгил тортди. У онасининг ичкиликка муккасидан кетганию, ўзининг онасига дори ичираман деб тинимсиз курашишлари ҳақида айтиш-ни истамади.

Бир неча ҳафта ўтиб, Жулиен Паридан ўзининг уйига кўчиб ўтишини сўради. У 7-даҳадаги Лефт Бенкда, кичик бир квартирада яшар эди. Пари унинг таклифига рози бўлди. Ҳар ҳар замон Жулиеннинг кўксига бош қўйиб туриб:

– Онамга айтишимиз керак, – дер эди.

Жулиен гавдасини таранг тортди. Қўлидаги қоғозни буклаб, кўзидан кўзойнагини олди.

– У билиши керак, – деди Пари.

Кейинги кун Пари онасига қўнғироқ қилди. Онаси алақачон хабар топган экан.

– Ким айтди сизга? – сўради Пари.

– Колет.

«Албатта», деб ўйлади Пари.

– Сизга айтмоқчи эдим, – деди секин.

– Биламан. Айтар эдинг. Зеро, бундай нарсалар яширинча қолмайди.

– Жаҳдингиз чиқдимми?

– Нима фарқи бор?

Пари кўзларини юмди. Онаси кулди.

– Баъзан сенга қараб туриб, сенда ўзимни кўрмайман, – деди у. – Албатта, кўрмайман-да. Охири шундай бўлиши ҳеч ҳам қутилмаган ҳол эмас. Сен қандай инсон эканлигингни билмайман, Пари. Нималарга қодирсан, билмайман. Сен менга бегонасан.

– Нималар деяётганингизга тушунмаяпман, – деди Пари.

Аммо онаси алақачон гўшакни қўйиб қўйган эди.

**«Афгон булбули»дан парча
(Нила Ваҳдатининг Этен
Бустулерга берган суҳбати)
Параллакс 84 (1974 йил, қиш сони)**

Э.Б.: Француз тилини шу ерда ўргандингизми?

Н.В.: Болалигимда, Кобулда онам ўргатган эди. У менга фақат француз тилида мурожаат қилар эди. Ҳар кун шугулланардик. Онам Кобулни тарк этганида менга жуда қийин бўлганди.

Э.Б.: Францияга кетдимиз?

Н.В.: Ҳа. Ота-онам ўн яшарлигимда, 1939 йил ажралган эдилар. Мен отамнинг ёлғиз фарзанди эдим. Шу сабабли, онам билан кетишим ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Шундай қилиб, мен қолдим, онам эса Парижга, синглиси – Агнес билан яшашга кетди. Отам бу йўқотиш азобимни енгиллаштириш учун, менга шахсий ўқитувчи ёллаб, санъат машгулотларига қўйиб, мени банд қилди. Аммо ҳеч нарса онамнинг ўрнини боса олмасди.

Э.Б.: Онангизга кейин нима бўлди?

Н.В.: Нацистлар Парижга келганида вафот этди. Фашистлар уни ўлдирмаган. Улар Агнесни ўлдирган эдилар. Менинг онам эса зотилжам хасталигидан вафот этган эди. Отам буни Париж озод қилинганидан сўнг айтганди. Аммо мен унганча билиб бўлган эдим.

Э.Б.: Қийин бўлган бўлса керак?

Н.В.: Чидаб бўлмасди. Онамни ниҳоятда яхши кўрардим. Уруш битгач, у билан яшаш учун Парижга кетишни режалаштириб юрган эдим.

Э.Б.: Англашимча, отангиз билан у қадар яхши ҳам чиқиша олмагансизлар?

Н.В.: Биз тинимсиз гижиллашардик. Унинг бирор киши билан жанжаллашадиган одати йўқ эди, айниқса, аёллар билан. Аммо бизнинг муноса-

батимиз кескинлашиб борарди. Нима кийяпман, қаерга боряпман, нима деяпман, қай тарзда айт-япман, кимга айтяпман – бари жанжалга сабаб бўларди. Мен тобора дадил тортиб борар, отам тобора қаттиқўл бўлиб борарди. Сўнг севиб қола бошладим. Отамнинг энг қўрққан томони – нуқул номақбул кишиларни танлар эдим. Бирда ишчимизнинг ўгли бўлса, бошқа гал отамнинг қўл остила ишлайдиган паст табақали хизматкор бўларди. Мен сездирмай уйдан чиқиб кетар, сўнг кимдир мени кўчаларда кўриб қолганини отамга етказарди. Отам мени топиб, уйга қайтариб олиб келиш учун бутун бошли қўшинни жўнатар эди. Сўнг устимдан занжирлаб қўярди. Кунлаб қулфлаб қўярди. Эшикнинг нариги томонида туриб «Сен мени таҳқирладинг. Нега мени таҳқирлайсан? Мен сенга нима ёмонлик қилгандим?» деб ёзғирарди. Баъзан бу саволларга камар ёки мушт билан жавоб қайтарар эди. Ўша пайтлар ёзган шеърларимда бир ўсмир қизнинг туйғулари акс этган тушқунлик сезиларди. Қафасдаги қушлар ва тутқундаги ошиқ-маъшуқлар ҳақида ёзардим. Бу шеърларим ўзимга ёқмайди.

Нила Ваҳдатининг ўсмир даврида битган ўша шеърлари ҳақиқатдан ҳам ниҳоятда таъсирли эди. Улар ҳадсиз қайғу ва ёлғизликни куйларди. Шоиранинг умидсизликка тушиши, куртак очиб келган муҳаббатнинг барча гўзалликлари, ваъдаларию алдовлари акс этган эди.

Н.В.: Отам ёзганларимни бир суюқоёқ қизнинг сафсаталари деб айтар эди. Унинг айтишича, ошламиз номига доғ туширганмишман, унга панд берган эмишман. «Ҳурматга сазовор инсон бўлиш шунчалар қийинми сен учун», деб такрорлайверарди.

Э.Б.: Сиз нима деб жавоб берардингиз?

Н.В.: Буларнинг менга аҳамияти йўқлигини, бўйнимдан ўтказилган занжирдан қутулишни ҳам ўйлаётганим йўқлигини айтар эдим.

Э.Б.: Сўнг нима бўлди?

Н.В.: 1948 йил, ўн тўққизга яқинлашганимда хасталаниб қолдим. Жиддий хасталик эди, бу ҳақда тўхталиб ўтмайман. Отам мени Деҳлига даволашга олиб кетди. У олти ҳафта ёнимда бўлди. Ўлишинг мумкин эди, дейишганди менга. Эҳтимол, ўшанда ўлиб кетганим яхшимиди. Ёш шоира учун бу обрўдек бир гап эди-да. У ердан нимжон, одамови бўлиб қайтдим. Ёзишга иштиёқим қолмаган эди. На еб-ичгим, на суҳбатлашгим ва на ўйнаб-кулгим келарди. Пардани тортиб, кун бўйи ухлагим келарди, холос. Кўпинча шундай ҳам қилардим. У ўлим билан тўқнаш келганимга гўрлигим ва итоатсизлигим сабаб бўлди, деб ҳисоблар эди. Бир жойда ўқиган эдим, месье Бустулер, агар сени кўчки босиб қолиб, бутунлай қор тагида қолиб кетсанг, қайси томонинг юқорию қайси томонинг пастки қисм эканлигини айта олмас экансан. Сен кавлаб ташиқарига чиқиб олишни истайсан, аммо нотўғри йўлни танлайсан, натижада эса ўлимнинг томон кавлаб чиққан бўласан. Ўшанда мен ўзимни шундай ҳис қилган эдим, компассиз, қаерда эканлигимни аниқлай олмай гангиб қолгандим. Қанчалар тушкунликка тушиганимни сўз билан ифодаб бўлмайди. Бир йил ўтиб, 1949 йил Сулаймон Ваҳдати отамдан қўлимни сўраб келганида нега розилик берганимни англамайдиган даражада заиф эдим.

Э.Б.: Ўшанда йигирма ёшда эдингиз.

Н.В.: Сулаймон эса йўқ. У хушхулқ инсон эди. Аммо ниҳоятда жиддий, одамови ва бефарқ ҳам эди. Бунинг устига, ўз ҳайдовчисига кўнгиш қўйганди.

Э.Б.: Бу сизга қаттиқ зарба бўлгандир?

Мадам гамгин кулимсиради.

Н.В.: Турмуш ўртоғим қизим олти яшарлигида фалажлик сабаб вафот этди. Ўшанда Кобулда қолиб, эримнинг давлатига, уйига эгалик қилсам бўларди. Бироқ тугунимни тугиб, Парини олдим-да, Францияга кўчиб келдим.

Э.Б.: Юқорида тилга олганингиздек, буни қизингиз учун қилгансиз?

Н.В.: Мен нима қилган бўлсам, месье Бустулер, қизим учун қилганман. У тушунсин ёки қадрласин деб эмас. Ниҳоятда бегамдир менинг қизим. Қандай ҳаёт кечирган бўларди, билса эди...

Э.Б.: Қизингиз умидларингизни пучга чиқардимми?

Н.В.: Месье Бустулер, сўнги пайтларда қизим менга берилган жазоим эканлигига ишониб қолдим.

Бир куни янги квартирасига келган Пари каравоти устида кичик бир қоғозхалтага кўзи тушди. Ўшанда 1975 йил эди, онасини шифохонадан олиб келганига бир йил, Жулиен билан хайрлашганига эса тўққиз ой бўлган эди ўшанда. Пари бу пайтда Заҳия исмли, сочлари жингалак, зангори кўзли жазоирлик бир талаба қиз билан турарди. Бу билимдон, қувноқ қиз билан Пари осонгина тил топишиб яшарди. Заҳия Сами исмли йигитга унаштирилган бўлиб, шу семестр тугагач, йигитникига кўчиб ўтиш тараддудида юрарди.

Заҳия қоғозхалта ёнида мактуб қолдирган экан.

«Бу сенга келган экан. Бугун Саминикида қоламан. Эртагача. Je t'embrasse¹. Заҳия.»

Қоғозхалтанинг ичида бир журнал ва унга қистириб қўйилган яна бир мактуб кўринди. Дастхат жуда бежирим ҳамда жуда таниш эди.

¹ Кучиб қоламан. (фр.)

«Бу журнал аввал Нилага, сўнг Колетнинг эски уйида яшаган икки дугонага, ундан ўтиб менинг уйимга жўнатилган экан. Янги манзилинг ҳақида бошқаларни огоҳлантириб қўйсанг бўлар экан. Ўқиб кўр. Жулиен.»

Пари журнални каравотга ташлади-да, ўзига исмалоқли салат билан кускус¹ тайёрлаб, оқ-қора рангда кўрсатадиган телевизор рўпарасида ўтириб овқатлана бошлади. Хаёллари паришон ҳолда жанубий вьетнамлик қочоқларнинг Гуамга кўчирилиши тасвирини кузатар экан, Америка қўшинининг Вьетнамга киришига норозилик билдирган Колетни эслади. Онасининг қабрига тош қўйиш маросимига дасторгулдан гулчамбар олиб келган ҳам, Парининг қўлидан тутган ҳам, онасининг шеърларидан бирини чиройли оҳангда ўқиб эшиттирган ҳам шу Колет бўлганди. Жулиен эса келмаганди. Қўнғироқ қилиб, бу каби маросимлар унга ёқмаслигини, уни тушкунликка тушириб ташлашини айтди.

«Ким ҳам тушкунликка тушмайди», деди Пари.

– Хоҳишинг, – деби жавоб берди Пари гўшакка ўйчан.

– Аммо қатнашмаслигинг сени оқлармиди. Худди келишинг мени оқлаб бўлмагани каби. Оҳ, қанчалар ўйловсизлик қилдик биз. Қанчалар бемулоҳаза эдик биз. О, худойим!

Пари қилмиши онаси учун қақшатқич зарба эканлигини фаҳмлагач, Жулиен билан алоқасини узди. Қилган гуноҳи ҳар вақт юзига шапалоқ тортиб, суяк-суягигача азоб беришини ўйлаб, барига барҳам берди. Пари бутун умр виждон азоби билан курашиб ўтади энди.

Журнал ҳануз ўзига чорларди.

¹ Қўй гўшти, ёрма ва сабзавотлардан тайёрланадиган африкача таом.

Бир оз ўтиб, Пари ёмғирпўшини эгнига илиб, Шапель бульвари томон яёв юриб кетди. Ҳаво рутубатли бўлиб, ёмғир томчилари деразалар ва йўлкаларни аямай саваларди.

Ёдида, болалигида турган-битгани савол эди: «Ойи, Кобулда амакиваччаларим борми? Амма, амакиларим борми? Бобом, бувам-чи? Нега улар бизникига меҳмон бўлиб келишмайди? Уларга хат ёза оламизми? Уларникига борсак бўлмайdimи?»

Кўп саволлари отаси ҳақида бўларди: «Ойи, отам қайси рангни яхши кўрарди? Айтинг-чи, ойи, отам яхши сузар эдимми? Кўп ҳазиллашар эдимми?» Отасининг бир марта Пари билан хона бўйлаб қувлашмачоқ ўйнаганини эслайди. Отаси уни гиламга йиқитиб, қорнидан роса қитиқлаганди.

Парининг онасидан хоҳлаган бирдан-бир истаги – хотирасидаги узук-юлуқ парчаларни елимлаб, бир яхлит ҳолатга келтириш эди. Аммо онаси кўп ҳам сўзлаб беравермас, Кобулдаги ҳаётини сирлар ичига беркитарди. Парини ўтмишларидан узоқроқ тутишга ҳаракат қилар эди. Бора-бора Пари ҳам савол бермай қўйди. Энди эса онаси ўз қизига ҳеч ҳам айтмаган гапларини бу мухбирга – Этен Бустулерга айтганидан хабар топиб ўтирибди.

Пари журнални уч марта ўқиб чиқди. Энди нима деб ўйлашни ҳам, нимага ишонишни ҳам билмай қолди. Билган нарсаларининг кўп қисми ёлғон чиқиб қолди.

Пари қўлларини чўнтагига солиб олганча, илдам қадамлар билан Пигаль томонга йўналди. Осмон тобора қуюқлашиб, юзларини савалаётган ёмғир ойналар узра шовуллаб оқиб, машина фараларини хиралаштириб, дақиқа сайин кучайиб борарди.

Пари умрида ҳеч кўрмаган бобоси – онасининг отаси ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эди. Фақатгина стол ёнида мутолаа билан банд бўлган

бир суратини кўрган эди, холос. Аммо у онаси журналда тасвирлагандек золим киши бўлганига шубҳа қиларди. Унинг наздида, бобоси – ўз ҳаётини хароб қилаётган бахтсиз қизига яхши тарбия бериш ҳақида ҳаққоний равишда ташвиш чеккан бир ота эди. Бобоси – қайта-қайта таҳқирланишдан азоб чеккан бўлса ҳам, такрор-такрор қадри ерга урилса ҳам, ҳануз қизини қўриган, қизи хасталанганида уни Ҳиндистонга олиб бориб, олти ҳафта ёнидан жилмаган ота эди. Айтганча, бу борада онасига нима бўлган эди ўзи? Ҳиндистонда унга нима қилдилар? Пари онасининг тос суяги олдидаги тик тушган чандиқ нимадан бўлган экан дея кўп ажабланар эди. Заҳиядан сўраганида, талаба қиз унга туғруқ оғир кечган ҳолларда ҳомилани кесиб олишмоқчи бўлса, қорин ётиқ кесилади, деган эди. Онасининг чандиғи эса ётиқ эмас, тик тушганди.

Онасининг Парининг отаси тўғрисида мухбирга айтган гаплари-чи? Уйдирмами бу? Отаси ўз ҳайдовчиси – Набини ёқтиргани ростми? Агар бу рост бўлса, бу каби сирни шунча вақт ўтиб энди фош қилишнинг нима кераги бор эди? Ёки таҳқирлаш, азоб бериш учун қилинган эдими бу? Аммо кимга? Онаси унга нисбатан ҳеч қачон ёмон муносабатда бўлмаган эди-ку! Ёки буларнинг бари ёлғонми?

Онаси иқтидорли шоира эди. Пари онаси француз тилида битган ҳар бир сўзни, форс тилидан таржима қилган ҳар бир сатрни ўқиб чиққанди. Агар онаси мухбирга сўзлаганлари ёлғон бўлса, унда бу шеърий сатрлар қандай пайдо бўлган? Бу самимий, ёқимли ҳамда дардли сатрлар қай бир туганмас-битмас булоқдан отилиб чиққан? Пари билмай қолди.

«Нима эдим мен ўзи, оий? – ўйлади Пари. – Вужудингизда бир жон бўлиб ўсаётганим чоғ сизга нима бўлиб кўринган эдим? Умид учқуними? Сиз-

ни зимистон қаъридан тортиб олган бир ютуқми? Қалбингизда пайдо бўлган бўшлиққа ямоқ эдимми? Агар шундай бўлса, демак, мен сиз умид қилгандек бўла олмабман. Ярангизга бир малҳам бўла олмабман. Фойдасиз бир юк бўлибман, холос. Буни олдиндан кўра билишингиз керак эди. Эртароқ англашингиз керак эди. Аммо нима ҳам қила олардингиз? Гаровхонага олиб бориб, сотиб юбора олмасангиз».

Онасининг журналга берган бу суҳбати гўё унинг сўнгги кулгисидек туюлди.

Парининг нигоҳи кўчанинг нариги бетида бошига сув ўтказмайдиган қалпоқ кийиб, сарғиш-малла митти бир итни эргаштирганча, йўлакдан зўрға юриб бораётган кекса бир аёлга кўзи тушди. Хотирасидаги тумандан кичик бир парча ажралиб чиқиб, секин-аста ит шаклини олди. Бу ҳолат унда биринчи бор бўлаётгани йўқ эди. Аммо бу қария аёлники каби кичкинагина эмас, катта паҳмоқ бир ит шаклини оларди. Бу ҳақиқатан ҳам хотирасидан бир парча эдими ёки шунчаки бир хаёлот эдими? Бир марта онасидан Кобулда яшаганларида ити бор эдими, дея сўраган эди. *«Мен итларни ёқтирмаслигимни биласан-ку, – деган эди онаси. – Итлар ўзларини ҳурмат қилмайди. Уларни шунча тепиб, урсанг-да, ҳамон сенга меҳр кўрсатади. Бу қандайдир мунгли кўринади».*

Баъзан онаси унга қараб шундай дер эди:

«Мен сенда ўзимни кўра олмайман. Кимлигингни билмайман мен.»

Пари Колетга қўнғироқ қилишга қарор қилди. Бирон жойда ўтириб чой ичишга келишиб олади. Кўрсин-чи, бу жонажон дугонаси ҳали ҳам Афғонистонга бориш ниятидан қайтмаган эканми?

Пари Колет билан марокашча услубда безалган сиёҳранг қопламали, ҳар-ҳар ерда сариқ болишлар

қўйилган машҳур бир барда кўришдилар. Колет ёлғиз келмаган, унга Эрик Лакомб исмли ёш бир йигит ҳамроҳ бўлиб келган эди. У лицейда еттинчи, саккизинчи синфларга драма фанидан дарс берар экан. Эрик Парини бундан бир йилча аввал тьюлен овига қарши талабалар норозилик намойишида кўрганини айтди. Пари бошда уни эслай олмади. Сўнг ўша намойишда Колетнинг ёнида турган йигит ёдига тушди.

Дастлаб Пари Колет билан бу йигит яқин муносабатда деган хаёлда эди. Аммо Колет оғзи тинмай Эрикни мақтайвергач, Пари дугонаси йигитни атай у учун олиб келганини фаҳмлади. Йигитнинг хижолат тортиб, қизариб-бўзариши Парига қандайдир хуш келар, уни ёқтира бошлаган эди. Емак устида Пари Эрикка ўғринча қараб-қараб оларди. Уни жуда хушрўй деб бўлмасди. Аммо кўзларининг кулиб туриши, ҳар гапининг охирида жилмайиб қўйиши ўзига ярашар эди. Парини Жулиендек мафтун этолмаган бўлса-да, чехрасидан меҳр балқиб турарди.

Пари билан Эрик 1977 йил баҳорнинг ёмғирли бир кунида турмуш қуришди. Бир куни Пари Эрикка Афғонистонга боришни режалаштираётганини айтганида, у Парини жуда яхши тушунди. Ишончи комил, Жулиен уни бу қадар яхши тушунмаган бўларди.

– Асраб олинганман, деб ўйлаяпсанми? – сўради Эрик ундан.

– Мен билан борасанми?

Улар мактаблар ёпилиб, таътил бошланганда, Парининг докторлик диссертациясидан бир муддат тин олганида, шу ёз боришга қарор қилдилар. Эрик Пари иккаласини форс тили сабоқларига рўйхатдан ўтказиб қўйди. Пари нуқул уни кушеткада ўтириб олиб, қулоқларида наушник, тилла-

рини зўрға айлантириб, «Раҳмат», «Салом», «Қалайсиз?» деган жумлаларнинг форс тилидаги талқинини такрорлаб турганини кўрарди.

Ёз фаслига бир неча ҳафта қолиб, Эрик авиачипта нархлари ва ўринларга қараб юрганида, Пари ҳомиладор бўлиб қолганини пайқаб қолди.

– Биз ҳали ҳам бораверсак бўлади, – деди Эрик.
– Бораверишимиз керак.

Аммо Парининг ўзи бунга қаршилик қилди.

– Маъсулиятсизлик бўлади бу, – деди Пари.

Улар иситкичсиз, сув қузури чакиллаб турадиган бир хонали квартирада туришарди.

– Бу жой болага тўғри келмайди, – деди Пари.

Эрик қўшимча равишда пианино сабоқларидан машғулотлар олиб бора бошлади. Кўзлари жигарранг, оппоққина ширинтой Изабелла дунёга келганида, улар Люксембург боғидан унча узоқ бўлмаган икки хонали кичик бир квартирага кўчиб ўтдилар. Ҳеч қачон оиласидан кўмакни қабул қилмаган Эрик бу гал вазиятни ҳисобга олиб, уйни отасининг молиявий ёрдами билан қарзга деб олди.

Пари уч ойлик таътил олди. У бутун кунини Изабеллага парвона бўлиб ўтказар эди. Самоларда учарди гўё. Гўдак у томон нигоҳ ташласа борми, Парининг юзлари яшнаб кетарди. Оқшом лицейдан қайтган Эрикнинг биринчи қилган иши – пальтосию портфелини эшик олдида ирғитиб диван томон отилиш бўларди. Эрик қўлларини чўзганча «Менга бер, Пари. Уни менга бер», дея сабрсизланир эди. У чақалоқни бағрига босар экан, Пари уни кун бўйи содир бўлган «сўнгги янгиликлар» билан кўмиб ташларди: Изабелла бутун қанча сут ичди, қанча соат мизғиди, биргаликда телевизор томоша қилганларию қандай ўйинлар ўйнашгани, Изабелланинг янги қилиқлари. Эрик ҳеч қачон тинглашдан толиқмас эди.

Хуллас, Афғонистонга бориш кечиктирилди. Аслида эса Пари саволларга жавоб топишни ҳам, ўтмишни билишга ортиқ шошилмаётган эди. Барига Эрик ва унинг садоқати сабаб бўлди. Доим ҳаётида кимдир етишмаётгандек туюлиши ҳисси секин-аста хира торта бошлади. Аммо ҳануз вақти-вақти билан уйғониб турар, куч билан уйғониб Парини гафлатда қолдирар эди. Бироқ бу аввалгидек тез-тез рўй бермасди.

1981 йили Изабелла уч ёшга тўлиб, Пари Аленга ҳомиладор бўлиб юрганида, Парининг Мюнхенга конференцияга боришига тўғри келди. Унинг маърузаси жуда яхши қабул қилинди. Конференция тугагач Пари бошқа олимлар билан биргаликда нишонлаш учун шовқинга тўла бир барга боришди. Меҳмонхонага қайтганида тун яримдан оғай деб қолганди. Пари кийимини ҳам алмаштирмай, пардозини ҳам ювмай уйқуга кетди.

Соат тунги 2.30 ларда чалинган телефон қўнғироғи Парини уйғотиб юборди. Париждан Эрик қўнғироқ қилаётган эди.

– Изабелла иситмалаб, ҳарорати кўтарилиб кетди, – деди Эрик. Тўсатдан милклари шишиб қизариб кетибди. Салгина қўл тегиб кетса ҳам қонаб кетаётган эмиш.

– Тишлари аранг кўринади, Пари. Нима қилишни билмаяпман. Қаердадир ўқиган эдим, бу ҳалиги...

Пари унинг давом этишини истамади. Унга бошқа гапирма, буни эшитишга бардош қила олмайман демоқчи эди, аммо кечикканди. Эрик «лейкемия» дедими ёки «лимфома»ми, нимадир деди. Фарқи нимада? Пари чакка томирлари тез-тез уриб, бутун вужудидан тер чиққанча, каравот четида тош каби қотган эди. Туннинг ярмида, уйдан етти юз километр олисда, шундай чорасиз вазиятида ваҳимага солиб ташлаганидан Эриктан

жуда аччиғланди. «Худойим, ўзинг ёрдам бер», дея тинмай дуо қилар эди.

– Эрик, Эрик! *Ecoute moi*¹. Мен сенга қайтиб қўнғироқ қиламан. Ҳозир эса гўшакни қўйишга мажбурман.

Пари сумкачасини олди-да, каравотнинг устига бўшатиб, телефон рақамларни қайд қилиб борадиган тўқ қизил ён дафтарчасини топди. Сўнг Лион шаҳрига қўнғироқ қилди. Колет ҳозир турмуш ўртоғи – Дидиер билан Лионда истиқомат қилар, у ерда кичик бир сайёҳлик агентлигини йўлга қўйган эди. Дидиер эса докторликка ўқиётган эди. Гўшакни Дидиер кўтарди.

– Пари, хабаринг бор-ку, мен руҳий хасталикларни даволаш бўйича ўқийман, – деди у.

– Биладан. Биладан. Мен ўйловдимки...

Дидиер унга бир нечта саволлар берди. Изабелла ҳеч вазн йўқотганмиди? Тунлари терлаганми, нодатий кўкаришлар, толиқиш, сурункали иситмалар бўлганми? Сўнг ниҳоят Эрик тонг отгач, Изабеллани шифокорга олиб борсин деди. Аммо агар институтда ўтган умумий сабоқлари эсдан чиқмаган бўлса, бу гингивостоматитнинг офир кўринишига ўхшаётганини айтди.

Пари бу жумланинг маъносига тушуна олмай, гўшакни зўр бериб чангаллаб олганидан, билаги оғриб кетди.

– Илтимос, Дидиер, – деди у.

– Э, кечирасан. Яъни бу безгакнинг илк аломатларига ўхшайди.

– Безгак?!

– Изабелла яхши бўлиб кетади ҳали, – деди Дидиер. Бу – Пари ҳаёти давомида эшитган энг қувончли гап эди.

Пари Дидиерни бор-йўғи икки бор кўрганди. Бири – Колет билан унинг тўйидан аввал, бири

¹ Тингла мени. (фр.)

– тўйдан кейин. Аммо шу он уни чунонам яхши кўриб кетдики, буни йиғи аралаш Дидиернинг ўзига ҳам айтди. Дидиер эса кулиб юбориб, унга хайрли тун тилади-да гўшакни қўйди. Пари Эрика қўнғироқ қилиб, эртага эрталаб Изабеллани Доктор Перринга олиб боришни тайинлади.

Сўнг қулоқлари шанғиллаб, кўча фонусларининг яшил тусдаги ёғоч эшиклар узра нур сочишига қараб ётди. Ёдига саккиз ёшлигида зотилжам хасталигига йўлиқиб, шифохонада ётгани тушди. Ўшанда онаси уйга кетмайман, деб, Пари ётган каравот ёнидаги стулда ухлаб чиқаман, деб туриб олганди. Пари онасига нисбатан ўзгача, янгича бир яқинликни кечиқиб бўлса-да, ҳис қилди. Ўтган йиллар ичида кўп бора онасини қўмсади. Ниқоҳ тўйида, Изабелла дунёга келганида... Ҳаётнинг тасодифий онларида... Аммо ҳеч қачон ҳозиргидек қўмсамаган эди.

Эртаси куни Парижга қайтгач, Пари Эрика Ален туғилгач, бошқа фарзанд кўрмаймиз деб айтди. Акс ҳолда, юрак хуружига учраши ҳеч гап эмас.

1985 йил Изабелла етти, Ален тўрт, митти Тьерри икки ёшдалигида Пари Парижнинг машҳур бир университетидан таълим бериш таклифини олди. Ўтгиз олти ёшида у факультетдаги энг ёш профессор эди. Пари факультетдагилар билан дўстлашиб олган, университетда вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган кечалар ва базмларга қатнашиб турарди.

Албатта, бу каби базмларда у-бу ким Афғонистондаги воқеалар ривожига ҳақида Парининг фикрини сўраши муқаррар эди. Қай бир кечада бир оз ширакайф бўлиб келган Шателард исмли бир профессор Паридан советлар Афғонистондан чиқиб кетсалар, нима бўлади деб ўйлайсиз, дея сўради.

– Ўшанда халқингиз тинчликка эришадими, мадам профессор?

– Билмадим, – деди Пари. – Очигини айтганда, мен фақат номигагина аффонман, холос.

– Аммо қандайдир фикрингиз бўлиши керак-ку. Пари жилмайиб:

– Сиз каби «*Le Monde*»дан ўқиганларимни билман, холос, – деди.

– Аммо сиз у ерда катта бўлгансиз, шундай эмасми?

– Мен у ерни жуда кичиклигимда тарк этганман. Турмуш ўртоғимни кўрмадингизми?

Пари тўғри сўзлаган эди. У уруш ҳақида, Мужоҳиддиннинг қуролли кучлари ҳақида газеталардан ўқиб борар, янгиликларни кузатиб борар, аммо Афғонистон унинг хаёлларини секин-аста тарк этган эди. Париж марказидан йигирма километр узоқликда жойлашган – Гвианкур шаҳарчасидаги тўрт хонали шинам уйида Пари етарлича банд эди. Улар гўзал сўқмоқлари ва ҳовузлари бор бир боғ ёнидаги кичик тепалиқда яшар эдилар. Эрик ўқитувчиликдан ташқари пьесалар ёзар, улардан бири куз фаслида Париждаги «*De Ville*» меҳмонхонаси яқинида жойлашган кичик бир театрда қўйилиши кутилаётган эди. Бундан ташқари, у алақачон яна бир пьесага буюртма олганди.

Изабелла босиқ, аммо қобилиятли, меҳрибон қиз бўлиб етишган эди. У кундалик дафтар тутар, ҳар ҳафта янги роман ўқирди. Шинейд О'Коннор¹ унинг жону дили эди. Бармоқлари узун ва нафис бўлганлигидан виолончель машғулотларига қатнар эди. Бир неча ҳафтадан сўнг бир концертда Чайковскийнинг «Дардли қўшиқ»ини чалиши керак эди.

Ален эса бир оз қувроқ ва шум бола бўлди. У жанг санъатини эгаллаганди. Муддатидан олдин туғилган, шу сабабми ўзининг ўн бир ёшига нисбатан кичик кўринар эди. Бироқ танасидаги

¹ Шинейд О'Коннор – ирланд бастакори ҳамда ҳофизини.

бу камчиликларни зеҳнининг ўткирлиги ёпиб юборар эди. Рақиблари унинг ориқ оёқларию озгин танасига қараб, унга тўғри баҳо бера олмас, натижада эса мағлубиятга учрардилар. Пари ва Эрик унинг куч ва шижоатидан ҳайратга тушар эдилар.

Аммо Пари на Изабелладан ва на Алендан ташвишланар эди. Уни ўйлантиргани бу – Тьерри эди. Тьерри ҳамиша ўзини кутилмаган, таклиф қилинмагандек ҳис қилар эди. Пари ундан бирор нима сўраб қолгудек бўлса, Тьерри ё олов олиб кетар ёки уни алдар эди. Бир куни унинг осмонини булутлар қоплаши тайин. Пари айтди дерсиз. У буни олдиндан кўриб билиб турибди. Булутлар йиғилиб, каттариб, оқибатда парча-парча бўлган чоғ ниҳоясиз нафрат бўлиб қуйилади. Пари шундан жуда кўрқарди. Тьерри бутун умри давомида унга берилган азоб бўладигандек эди гўё. Онаси ҳаёт бўлганида бу Тьеррига нисбатан қандай чора кўрган бўларди-а.

Болалар Парининг онаси ҳақида жуда яхши билар эдилар. Айниқса, Изабелла ниҳоятда қизиқар эди. У бувисининг шеърларини кўп ўқиганди.

– Уни кўрганимдайди, – дерди Изабелла. – У билан ажойиб дўст бўлар эдик. Бувим ва мен. Шундай эмасми, ойи? Бир хил китоб ўқир эдик. Мен унга виолончель чалиб берган бўлардим.

– Ҳа, бу бувингга хуш келган бўларди, – дер эди Пари.

Пари болаларга бувисининг ўз жонига қасд қилганини айтмаган эди. Аммо кун келиб бундан хабар топишлари аниқ. Аммо буни Паридан билиб олмайдилар. Пари уларнинг миясига ота-оналар «Сен менга етарли эмассан», деб айтиб, болаларини ташлаб кетишга қодир, деган фикрни ўрнаштиришни истамайди. Пари учун фарзандлари ва Эрик ҳар доим етарли бўлган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

1994 йил Эрик билан Пари болаларни Мальорка оролига олиб бордилар. Улар учун таътилни ташкиллаштирган бу – шу кунларда сайёҳлик агентлиги гуллаб-яшнаган Колет эди. Мальоркада уларни Колет ва Дидиер кутиб олди. Дўстлар олди соҳилга қараган ижара уйларда нақ икки ҳафта қолиб кетдилар. Колет билан Дидиернинг фарзанди йўқ эди, бунга сабаб жиддий биологик сабаб эмас, шунчаки жуфтлик буни истамаган эди, холос.

Пари вақтини чоғ ўтказарди. Улар оролни томоша қилишар, Серра-де-Трамунтана тоғининг шимоли-ғарбий қирғоқларига бориб келишар, зайтунзорларда сайр қилишар, қарағай ўрмонларини кезишар эди. «Лубина» деб аталадиган денгиз олабуғасидан тайёрланган ажойиб таомдан, ичига гўшт тиқилган бақлажон ва қовоқдан тайёрланган «тумбет» номли таомдан татиб кўрардилар.

Бир куни Пари, Колет, Изабелла ва Тьерри тушликларини халталарга жойладилар-да, соҳил бўйига йўл олдилар. Дидиер, Ален ва Эрик эса эрта тонгдан Сольер қўлтиғига сайрга жўнаб кетишган эди. Аёллар соҳилга кетаётиб, дўконга кириб ўтишди. Изабеллага чўмилиш кийими сотиб олишди. Пари шу чоғ дўкон ойнасида ўз аксига кўзи тушиб қолди. Ойнада сочлари қиров, юзлари сўлғин ўрта ёшлардаги аёл боқиб турарди. «Қариш шундай бўлар экан-да», дея ўйлади Пари.

Хонимлар соҳилдан ижара уйларига қайтганларида, эркаклар аллақачон у ерда эдилар.

– Дадам кексаяпти, – деди Ален.

Барнинг орт томонида туриб, қизил винони аралаштираётган Эрик кўзларини ола-кула қилиб, димоғи чоғ бўлиб елка қисиб қўйди.

– Менга бир йил фурсат бергин. Келгуси йил келганимизда, сендан албатта ўзиб кетаман, оғайни, – деди Эрик.

Улар ортиқ Мальоркага кела олмадилар. Парижга қайтганларидан бир ҳафта ўтиб, Эрик иш жойида юрак хуружига учради. Бахтларига, бу фалокатдан омон-эсон қутулиб олди. Аммо сўнгги уч йил ичида бу ҳолат яна икки бор такрорлангач, ниҳояси ўлим билан яқун топди. Шундай қилиб, Пари худди онасига ўхшаб, қирқ саккиз ёшида бева аёлга айланган эди.

Бир куни, 2010 йилнинг эрта баҳор онлари Парига олис масофадан қўнғироқ қилишди. Бу қўнғироқни кутилмаган қўнғироқ деб бўлмас эди. Аслида, Пари бунга эрталабдан бери тайёргарлик кўрарди. Қўнғироқ ўта муҳимлиги сабаб Пари уйда ёлғиз ўзи бўлиши керак деб ҳисоблар эди. Бу – Изабелладан ҳар доимгидан кўра эртароқ кетишини сўраш дегани эди.

Изабелла турмуш ўртоғи – Альберт билан Пари-нинг бир хонали квартирасидан атиги бир неча квартал нарида яшар эдилар. Изабелла эрталаб болаларини мактабга ташлагач кун ора онасини кўргани келиб турарди. Онасига *baguette*¹ билан янги узилган мевалардан келтирарди.

Бу эрталаб Изабелла унга анжир, бир нечта со-вун ва тиш чўткаси олиб келганди. Харидларини халтачадан бўшатар экан, Изабелла Парига янги лавозимга қўйилганини сўзлаб берди. Шу кунларда Изабелла телевизион шоуларга мусиқа ёзиб берар, кун келиб кинофильм учун ҳам мусиқа ёзишга умид қилиб келарди. Унинг айтишича, ҳозир Мадридда олиниши кутилаётган қисқа муддатли сериалга мусиқа ёзар экан.

– Мадридга борасанми? – сўрада Пари.

– Йўқ. Маблағ жуда кам. Улар йўл харажатимни қоплай олмайдилар.

¹ Узун француз нони. (*фр.*)

– Афсус. Борсанг, Аленларникида турган бўлардинг.

– Вой, ойи, тасаввур қияпсизми бунди? Бечора Ален уйида оёқ чўзишга жой топа олмайди-ку.

Ален молиявий ишлар бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлар эди. У Мадриддаги кичкина квартирасида хотини – Ана ва тўрт фарзанди билан яшар эди. Парига тез-тез болаларининг суратларини, видеоларини интернетдан юбориб турарди.

Пари Изабелладан Тьерридан хабари борми, дея сўради. Изабелла анчадан бери хабар олгани йўқ эди. Тьерри Африкада, Чаднинг шарқий қисмида Дарфурдан келган қочоқлар лагерида ишларди.

Изабелла бир қозон сувни қайнатишга қўйди.

– Бугун қўймай қўяқолгин, Изабелла. Тўғриси, сендан кетаверишингни сўрамоқчи бўлиб тургандим.

Изабелла онасига ранжигандек қараб қўйди. Пари бундан яхшироқ сўз топа олмаганидан ўзини ўзи койиди. Изабелланинг табиати ниҳоятда нозик эди.

– Айтмоқчи эдимки, мен қўнғироқ кутаётган эдим.

– Қўнғироқ? Кимдан?

– Сенга кейинроқ сўзлаб бераман, – деди Пари.

Изабелла қўлларини қовуштириб, ҳазиллашди:

– Ошифингиз пайдо бўлдими, ойи?

– Ошиқ? Охирги марта қачон кўринишимга назар солгансан?

– Кўринишингиз жойида.

– Борақол. Сўз бераман, сенга кейин тушунтириб бераман.

– D'accord, d'accord¹, – деди Изабелла сумкачасини елкасига осиб, пальтоси ва калитларини қўлига олар экан. – Аммо билиб қўйинг, бунга ниҳоятда қизиқиб қолдим.

¹ Розиман, розиман. (*фр.*)

Соат 9.30 да қўнғироқ қилган кишининг исми – Маркос Варварис эди. У Пари билан Facebook орқали боғланиб, инглиз тилида шундай хабар қолдирган эди:

«Сиз мабодо шоира – Нила Ваҳдатининг қизи эмасмисиз? Агар сиз бўлсангиз, сизни қизиқтирадиган баъзи нарсалар ҳақида суҳбатлашиб олишни жуда ҳам истар эдим.»

Пари унинг исмини интернетдан излаб, уни Кобулда, нотижорий бир ташкилотда жарроҳ бўлиб ишлашини аниқлади. Энди эса у телефонда Пари билан форс тилида саломлашиб турибди. Пари уни тўхтатмагунига қадар Маркос форс тилида сўзлай кетди.

– Месье Варварис, узр, балки инглиз тилида гап-лашармиз?

– Ҳа-я, албатта. Кечирасиз мени. Ўйловдимки... Сиз жуда ёш пайтинингизда бу ердан кетгансизда, шундайми?

– Ҳа, шундай, – деди Пари.

– Мен форс тилини шу ерда ўргандим. Бу ерда 2002 йилдан бери, Толибонлар мамлакатдан чиқиб кетгандан бери яшайман. Ўша кунлар умид ва ишончга тўла кунлар эди. Ҳар бир афгон қайта қуришга, демократияга ҳозир эди. Аммо энди бу бошқа масала. Ҳозир биз президент сайловига тайёргарлик кўряпмиз.

Пари сабр-тоқат билан Маркос Варвариснинг Афғонистондаги сайловлар, Толибонларнинг шимол томондан таҳдид қилиб тургани, Кобулда аҳоли кўпайиб бориши-ю шу кунларда уй нархлари қандай эканлигини сўзлашига қулоқ солиб турди. Сўнг:

– Мен бу уйда неча йиллардан бери яшаб келаман, – деди. – Тушунишимча, сиз ҳам шу уйда яшаган экансиз.

- Кечирасиз?
- Бу уй ота-онангизнинг уйлари бўлган экан. Ҳар ҳолда, мени шундай деб ишонтиришди.
- Сўрашга ижозат берсангиз, буни сизга ким айтди?
- Уй соҳиби. Исми – Наби. Яъни, Наби эди. Яқиндагина қазо қилди. Уни хотирлай оласизми?
- Наби исмини эшитгач, Парининг кўз ўнгида сочлари орқага таралган, хушрўй чеҳра пайдо бўлди.
- Ҳа. Кўпроқ исмини хотирлай оламан, холос. У бизнинг уйда ҳам ошпаз, ҳам ҳайдовчи бўлиб ишлар эди.
- Ҳа, шундай бўлган экан. У бу уйда 1947 йилдан бери яшаб келган экан. Бунга ишониш қийин, шундай эмасми? Аммо ҳали айтганимдек, у вафот этди. Ўтган ой. Мен уни жуда ёқтирар эдим. Ҳамма уни яхши кўрарди.
- Шундайми? – деди Пари.
- Наби менга мактуб қолдирган экан. У вафот этгач, бир афғон ҳамкасбим ёрдамида инглиз тилига таржима қилдик. Шу мактуб сабаб, сизни изладим. Наби сизни излаб, топиб, мактубни қўлингизга тутқазимиз сўраган экан. Сизни анча изладик. Интернет шарофати билан бир амаллаб сизга боғландик, – деб кулиб қўшиб қўйди Маркос.
- Парининг бир кўнгли гўшакни қўйиб қўйишни истар эди. Дунёнинг у бурчидан туриб, қоғозга битган бу нурунийнинг ёзганлари ҳақиқатдан бошқа нарса эмаслигига Пари шубҳа қилмас эди. Онаси узоқ йиллар болалиги ҳақида уни алдаб келганини билар эди. Аммо ҳаёти пойдевори ёлғонлар сабаб вайрон бўлган бўлса-да, Пари ана шу пойдевор узра ўрнатган ҳаёт ҳақиқат эди. Улкан эман дарахти каби мустаҳкам ва чайир эди. Эрик, фарзандлари, набиралари, эришган мавқеи, Колет – бари ҳақиқат эди. Орадан шунча сув оқиб ўт-

гач, бундан энди не наф? Эҳтимол, гўшакни қўйиб қўйгани маъқулдир.

Аммо Пари ундай қила олмади. Юрак уриши тезлашиб, кафтлари терлаб кетди.

– Нима... нима деган у мактубида? – сўради Пари.

– Хўш, даставвал у сизнинг тоғангиз эканлигини айтган.

– Тоғам?

– Аниқроғи, ўгай тоғангиз. У яна кўп нарсалар ҳақида ёзган.

– Месье Варварис, мактуб ёнингиздами? Ё таржимаси бўлса ҳам...

– Ҳа.

– Балки мен учун ўқиб берарсиз? Ўқий оласизми?

– Ҳозироқ демоқчимисиз?

– Вақтингиз бўлса, албатта. Мен ўз ҳисобимдан сизга қўнғироқ қила қолай.

– Йўқ-йўқ, ҳожати йўқ. Ўқийверайми?

– Ҳа, месье Варварис.

Маркос хатни ўқиб берди. Барини, охирига-ча ўқиб берди. Мактуб якунига етгач, Пари унга миннатдорчилик билдирди-да, тез орада у билан боғланишини айтди. Гўшакни қўйиб, қаҳва қайнатгични ёқди ва деразага яқинлашди.

Парининг қўллари титрарди. Бўлган иш уни эсанкиратиб қўйган эди. Тасавурида ерга болта урилди-ю, ёриқлардан ер сиртига олов отилиб чиққандек бўлди. Хотиралар ер қаъридан қалқиб чиққанди. Пари дераза ортига – пивоҳона томонга боқди, аммо нигоҳлари бостирма остида белига қора пешбанд тақиб, столларни артиб юрган озгин официантни эмас, балки булут билан қопланган осмон остида филдираклари ғийқиллаб, тоғ ўрқачлари оша қуриб қолган сойликлардан ўтиб бораётган қизил аравагани кўрарди. Кир осилган дорни, ариқ бўйида кўймаланиб юрган хотин-халаж, улкан да-

рахт остида арқонлари гижирлаган арғимчоқ, қишлоқ бола-бақралари ўраб олган баҳайбат ит, терлаганидан кўйлаги баданига ёпишиб қолиб чуқур қазиган қирғийбурун бир эркак ва юзини ўраб олиб, ўчоқ устига эгилган аёлни кўрарди кўзлари.

Аммо буларнинг барининг бир бурчида яна бир нарса бор эди. Нигоҳи қирғоқларида ғира-шира бир соя бор эдики, Пари доим уни тасавурида чишишга уриниб келган эди. Аллакимнинг кўланкаси. Юзини излай бошлади, аммо у Парининг нигоҳидан сирғалиб чиқиб кетарди. Ҳарчанд уринмасин, Пари буни эплай олмасди. Кўнглида бир бўшлиқ бор эди. Ҳаётида, бутун умри давомида улкан бир йўқлик бор эди.

– Ака... – беихтиёр сўзлади. Беихтиёр йиғлай бошлади.

Форсча қўшиқнинг сатрлари ўз-ўзидан тилига қуйилиб келди:

*Қай бир оқшом шамол учуриб
Олиб келган маъюс парини.*

Бу қўшиқнинг бошқа сатрлари ҳам бор эди, бундан олдинги сатрлар эди, назарида. Аммо Пари ҳеч эслай олмади.

Пари ўтириб қолди. Тик туришга қуввати етмади. Қаҳванинг қайнашини кутиб туриб, ўйлади: ҳозир бир пиёла қаҳва ичади-да, нариги хонага ўтиб, Лиондаги Колетга кўнғироқ қилади. Қани, дугонаси унинг учун Кобулга сафар ташкил қилиб бера олармикан?

Аммо Пари ҳануз ўтирар эди. Кўзларини юмди. Қароғи ортида ғира-шира кўриниб турган тепаликларни, баланд зангори осмонни, шамол тегирмони ортидан чарақлаб турган офтобни ва уфққа туташиб кетган хира тоғ тизмаларини кўрди.

VII

2009 йил. КУЗ.

– Сени отанг буюк одам.

Адел бошини кўтариб қаради. Боши узра энгашиб, қулоғига шивирлаган бу – устоз Малалай эди. Тўладан келган ўрта ёшли бу аёл елкалари узра сиёҳ мунчоқли шолрўмол ташлаб олганди.

– Сен эса омадли болакайсан.

– Биладан, – шивирлади Адел.

Улар ойналари кенг яшил бино – шаҳарнинг янги қизлар мактаби биноси қаршисида, олдинги зинада турар, Аделнинг отаси – Бобожон эса оташин нутқ сўзларди. Шодбоғ-и-Нав – «Янги Шодбоғ» шаҳарчасининг юзга яқин аҳли – катталар, оналару болалар куннинг жазирама тафтида отаси қаршисида йиғилиб турарди.

– Афғонистон барчамизнинг онамиз ҳисобланади, – деди Аделнинг отаси кўрсаткич бармоғини кўкка нуқиб. – Бироқ у хаста онадир. Узоқ муддатки азоб чекиб келади. Онаизор оёққа туриб кетиши учун ўғилларига эҳтиёж сезиши – ҳақ гап. Аммо шу билан бирга қизларига ҳам бирдек муҳтождир.

Йиғилганлар гулдурос қарсақлар чалишди, унинг сўзларини маъқуллаб, олқишладилар. Қора қошлари қалин, юзларини соқол қоплаган бўйчан, забардаст отасининг кенг елкалари мактаб эшигини қоплаб олганди гўё.

Отаси сўзлашда давом этди. Аделнинг нигоҳи қўлига калашников автомати тутиб, отасининг ёнида турган икки тансоқчининг бири – Кабирга тушди. Кабир паст бўйли озгин йигит эди. Аммо отаси унинг бу кўриниши алдамчи эканлиги, унга муносиб баҳо бера олмаганлар хато қилиб, ўзларини хатарга қўйишини айтарди.

– Шундай экан, афгон қизларимиз, – Бобожон узун, бақувват қўларини ёйиб, қучоғини очар экан, нутқига якун ясади, – бугун зиммангизда улкан вазифа турибди. Ўқиб, билим олиб, фанларни ўзлаштириб, нафақат ўз ота-онангиз, балки ҳаммамиз учун она ҳисобланган мамлакатимиз фахри бўлишингиз лозим. Унинг келажаги сизнинг қўлингизда. Бу мактабни мендан бир туҳфа деб ҳисобламанг. Бу шунчаки бир бино. Асл туҳфа унинг ичида, бу – Сизсиз! Сиз нафақат Шодбоғ-и-Нав учун, балки бутун Афғонстон учун бир туҳфадирсиз. Худо сизни ярақасин!

Гулдурос қарсақ чалинди. Баъзилар «Худо сизни ярақасин, командир соҳиб», дея қичқирар эди. Адел отасидан гурур туйиб, кўзлари ёшланай деди.

Устоз Малалай Бобожоннинг қўлига қайчи тутқазди. Кириш эшигига қизил тасма тортилган эди. Бобожон қайчини олиб, бир муддат тўхтаб қолди. Аделга бурилиб:

– Ўғлим, бери кел, бу шарафли ишни сен бажар, – деди ва қайчини унга узатди.

– Менми? – кўзини пирпиратди Адел.

– Олға! – деди Бобожон унга кўз қисиб қўяр экан.

Адел тасмани кесди. Атрофдан қарсақлар овози, камераларнинг чиқиллагани, «Оллоҳ-у Акбар» деган қичқариқлар эшитилди.

Бобожон совға қилган оппоқ шарф ва йўл-йўл чиқиқли кулранг-қора мактаб кийимидаги саккиз ёшдан ўн беш ёшгача бўлган қизлар сафга тизилишиб, бирма-бир эшикдан кирар экан, остонада турган Бобожонга тортиниб ўзларини таништириб ўтишар, отаси эса табассум билан уларнинг бошини силаб, бир-икки оғиз кўтаринки жумлалар сўзларди.

Бир оздан сўнг Адел отасининг ёнида иссиқдан терлаб-пишиб, унинг маҳаллий халқ билан қўл бериб кўришишини кузатиб ўтирарди. Бобожон

бўш қўлида тасбеҳни айлантирганча, сабр билан тингларди. Ҳар бир кишига диққат билан қулоқ соларди. Бир онанинг ўғли Кобулда жарроҳлик операциясига муҳтож, яна бир кишига пойабзал устахонасини очиб олиши учун қарз керак, бир механик эса янги асбоб-ускуна сўрарди.

«Командир соҳиб, агар имкони бўлса...»

«Командир соҳиб, сиздан бошқасидан умид қила олмайман...»

Бобожон Шодбоғ-и-Навдаги хайрия ишлари учун мукофот билан тақдирланган эди. Қизлар учун қурилган янги мактаб ҳам унинг энг сўнгги лойиҳаларидан бири эди. Отаси катта шифохона очди. У ерда ишлайдиган икки шифокор билан уч нафар ҳамширага ўз чўнтагидан маош тўларди. Барча шаҳар аҳли бу шифохонада текин даволанар, Шодбоғ-и-Навдаги ҳеч бир бола эмланмасдан юрмасди. Бобожон қудуқ қазиб, бутун шаҳарчани сув билан таъминлаш учун гуруҳлар ташкил этди. Шодбоғ-и-Навга ниҳоят уззукун бўладиган электр-ни олиб келишга ёрдам берган ҳам Бобожон бўлди. Унинг маблағи ҳисобига ўнлаб тадбиркорлик шохобчалари йўлга қўйилди.

Адел ҳали устозга суйлаганидек, шундай инсоннинг ўғли бўлиб туғилгани – унинг омади эканлигини яхши биларди.

Отасининг кишилар билан мулоқоти ниҳоясига етар чоғ Адел озғиндан келган бир кишининг отаси томон яқинлашаётганини пайқади. Калта кулранг соқолли бу киши ингичка гардишли, айлана кўзойнак тақиб олган, майда тишлари қорайиб кетганди. Ортидан Аделлар тенги бир бола эргашиб келарди. Боланинг катта бармоқлари пойабзалдан чиқиб турар, сочлари чигал тортиб кетганди. Кирлигидан қотиб кетган жинси шими калта, футболкаси эса аксинча, деярли тиззасига қадар осилиб ётарди.

Кабир қария билан Бобожон ўртасида ўрнашиб олди.

– Ҳозир мавриди эмас, дегандим-ку сизга, – деди унга Кабир.

– Командирга бир оғиз сўзим бор, холос, – деди қария.

Бобожон Аделнинг қўлидан тутиб, машинага бошлади.

– Юр, ўғлим. Онанг кутиб қолди.

Иккаласи орқа ўриндиққа ўтиргач, отаси эшикни ёпди. Машинанинг қорайтирилган ойнаси юқорига кўтарилгач, Адел Кабирнинг қарияга нималардир деяётганини кузатди, аммо эшита олмади. Кабир автоматини ўриндиққа қўйиб, рулга ўтирди.

– Нима деяпти у? – сўради Адел.

– Муҳим эмас, – деди Кабир.

Тез орада йўлга тушдилар. Уларни кўрган одамлар қийқиришар, баъзилар қўл силтарди. Марказида кўм-кўк фаввора ва қора тошдан баланд қилиб ўрнатилган мужаҳид ҳайкали бўлган шаҳарча майдонига боргунча улар чой дўконлари, кабобхоналар, автотаъмирлаш устахоналари ва масжиддан ўтиб бордилар. Майдондаги бу ҳайкални яшаш учун Бобожон Кобудан ҳайкалтарош олиб келганди.

Шимол томонда ясситомли, оқ, сариқ, ҳаворанг уйларни ўз ичига олган аҳоли турар жой ҳудуди жойлашганди. Бобожоннинг Аделга айтишича, Шодбоғ-и-Навдаги уй ва тадбиркорлик шохобчаларининг кўпчилиги сўнгги ўн беш йиллар ичида барпо қилинган экан. Уларнинг кўпчилигида Бобожоннинг ҳиссаси катта эди. Шаҳарча аҳли Бобожонни Шодбоғ-и-Навнинг асосчиси деб билар, нурунийлар шаҳарчага унинг номини беришни таклиф қилишганларида, Бобожон рад қилган эди.

Мана бу ердан эса катта йўл шимолга қараб уч чақиримча чўзилиб, сўнг Эски Шодбоғ – Шод-

боғ-и-Кўҳнага туташиб кетади. Бундан ўн йиллар аввал мавжуд бўлган қишлоқчани Адел ҳеч кўрмаган эди. Бобожон Адел билан рафиқасини Кобулдан Шодбоғга кўчириб олиб келганида, қишлоқдан ном-нишон қолмаган эди. Ўтмишдан қолган бирдан-бир асар – нураб бораётган бир шамол тегирмони эди, холос.

Кабир машинани баландлиги уч метр қалин деворлар билан ўраб олинган ҳудуд рўпарасида тўхтади. Эски шамол тегирмонини ҳисобга олмаганида, Шодбоғ-и-Навда ягона ҳисобланган бу улкан иншоотда Аделнинг оиласи истиқомат қилар эди.

Дарвоза ёнидаги формали кўриқчи уларга салом берди-да, дарвозани очди. Уй уч қават қилиб қурилиб, пушти ва мовий-яшил тусда бўялган, тўққиз ётоқхона ва етти ювиниш хонасидан иборат эди. Ювиниш хоналар ва ошхонадаги барча жиҳозлар гранит ва мрамрдан тайёрланганди.

Кабир баланд ички дарвоза ёнида тўхтаб, моторни ўчирди.

– Бизни бир муддатга холи қолдирасанми? – деди Бобожон.

Кабир бош ирғаб, машинадан тушди.

– Ростдан ҳам кетишга мажбурмисиз? – сўради Адел отасидан.

Отаси эртага эрталаб жанубга – пахта даласини кўриб келиш ва у ерда ўзи қурдирган пахта заводи ишчилари билан учрашиш учун Ҳелмандга жўнаб кетаётган эди. Бу икки ҳафталик муддат Адел учун поёнсиз кўринарди.

– Мен ҳам кетишни истамас эдим, ўғлим.

Адел бош ирғади.

– Бугун ғурур туйдим. Сиздан ниҳоятда фахрландим.

– Раҳмат, Адел. Сени ўргангин деб, биз каби инсонлар учун бундай масъулиятларни бўйнига олиш

қанчалар муҳим эканлигини тушунгин деб шундай жойларга сени ҳам олиб боряпман.

– Мен шунчаки ҳадеб кетавермасангиз дейман, – деди Адел.

– Мен ҳам, ўғлим. Мен ҳам. Аммо эртага қадар шу ердаман. Оқшом уйда бўламан.

Адел бош силкиб, кўзини ерга олди.

– Менга қара, – деди отаси юмшоқлик билан, – мен бу шаҳарчадаги одамларга керакман, Адел. Улар бошпана қуриб, иш топишлари учун менга муҳтожлар. Кобулнинг ўз муаммолари бор. У бу одамларга ёрдам бера олмайди. Шундай экан, мен кўмаклашмасам, бошқа ҳеч ким кўмаклашмайди. Ана унда бу инсонлар азоб-уқубат чекадилар.

– Биладан, – деди Адел минғирлаб.

Бобожон унинг тиззасини сиқиб қўйди.

– Биладан, Кобулни, дўстларингни соғиндинг. Сен билан онангга бу ерда осон эмас. Ишлар сабаб уйда кам бўлаётганимни ҳам биладан. Аммо, Адел, ... Менга қара, ўғлим.

Адел нигоҳини кўтариб отасининг кўзларига боқди. Бу кўзлар қуюқ қошлар остидан меҳр билан балқиб турарди.

– Бу дунёда сендан бошқа нарса мен учун муҳим эмас, Адел. Сен менинг ўғлимсан. Сени деб бажонидил буларнинг баридан кечишим мумкин. Сен учун жонимдан ҳам кечаман, ўғлим.

Аделнинг кўзлари ёшланди. Доим отаси унга шундай гапларни айтганида, бўғзига ҳаяжон тикиларди.

– Тушундингми мени?

– Ҳа, ота.

– Менга ишонасанми?

– Ҳа.

– Баракалла. Энди отасини ўпиб қўйсин-чи.

Адел отасининг бўйнидан қучди, отаси ҳам уни маҳкам бағрига босди.

Ўша кун отаси билан қайтгандан сўнг Адел зинапоя супчасида ўрнашиб олиб, пастки қаватни кузатиб ўтирар эди, эшик қўнғироғи жиринглаб, Кабир эшикка қараб кетди. Сўнг эшик кесақисига суяниб олиб, кириш жойини тўсиб қолди. Адел энгашиб, бу ўша мактабдаги қария эканлигини кўрди. Пойабзали тешикларидан бармоқлари чиқиб турган ўша бола ҳам у билан бирга эди.

– Қаерга кетди? – сўради қария.

– Иш билан. Жанубга, – деди Кабир.

– Аммо мен эртага жўнайди, деб эшитдим.

Кабир елка қисиб қўйди.

– Қанча муддатга кетади?

– Икки, балки уч ой. Ким билади?

– Мен бошқача эшитдим.

– Сабримни синаяпсан, қария, – деди Кабир қўлларини чалиштириб.

– Уни кутиб тураман.

– Бу ерда кута олмайсан.

– Йўлнинг нариги бетини назарда тутдим.

Кабир сабрсизланди.

– Ўзинг биласан, – деди у. – Аммо командир банд одам. Қачон қайтишини ҳеч ким айта олмайди.

Қария бош ирғади-да, ортига қайтди. Бола ҳам унга эргашиди. Кабир эшикни ёпди. Адел пардани суриб, ойнадан қария билан болани кузатиб турди.

– Унга ёлғон гапирдинг, – деди Адел.

– Менга шу учун ҳам маош тўлашади. Отангни аҳмоқлардан ҳимоя қилиш учун.

– Нима истаяпти у? Ишми?

– Шунга ўхшаш.

– Улар жуда беозор кўринади, – деди Адел ва пардани қўйиб юбориб, Кабирга бурилди.

Кабир диванда узала тушиб газета варақларди. Аделга унинг фақат пешонаси кўриниб турарди.

- Балки уларни чойга таклиф қилишим керакмиди, – Кабир гўнғирлади.
- Масхара қилма.
- Уларнинг бари беозор кўринади.
- Бобожон уларга ёрдам берадими?
- Балки...

Отаси Ҳелмандга жўнаб кетганидан икки-уч кун ўтиб, Адел эрталаб ота-онасининг ётоқхонасига кўтарилади. Эшикнинг нариги томонидан муסיқанинг гулдурос овози келарди. У ичкарига кириб, онасининг футболкада телевизор томоша қилиб ўтирганини кўрди. Онаси Аделни кўзгу орқали кўриб қолди.

– Мен билан кўрасанми? – сўради онаси.

– Шу ерда ўтира қоламан, – деди Адел ва гиламнинг устига ўтириб, онаси – Арияни кузатди.

Аделнинг онаси Кабир кўрадиган Болливуд киноларидаги актрисалар каби гўзал эди. У озгиндан келган, фаросатли ҳамда ёш эди. Бобожонга турмушга чиққанида эндигина ўн тўрт ёшда эди. Аделнинг ёши каттароқ яна бир онаси ва уч нафар ўғай акаси ҳам бор эди. Аммо Бобожон уларни шарққа – Жалолободга жойлаштирганидан, Адел уларни ойда бир отаси олиб борганидагина кўра оларди, холос. Бир-бирини хуш кўрмайдиган икки кундошдан фарқли ўлароқ, Адел ўғай акалари билан яхши чиқишарди. Адел ҳар гал Жалолободга борганида, акалари уни бозорга, паркка олиб борар, кинога олиб тушар эди.

Бу ерда – Шодбоғдаги диққатпазлик, очиги, Аделни эзиб ташлаганди. Бу ерга кўчиб келганларига икки йил бўлган бўлса-да, бир дона ҳам ўртоқ орттира олмади. Унинг на бир синфдоши бор эди. Бобожон хавфсизлик чораси сифатида уни маҳаллий мактабга қатнашга қўймай, алоҳида ўқитув-

чи ёллаган эди. Адел кўп вақтини китоб ўқиб, ўзи билан футбол ўйнаб, ё бўлмаса, Кабир билан кино кўриб ўтказарди. Бу баҳайбат уйнинг кенг, шифтлари баланд даҳлизлари, кимсасиз катта-катта хоналари бўйлаб кезиб юрарди. У данғиллама саройда, аммо рангсиз дунёда яшар эди.

Адел онаси ҳам бу уйда ўзини бутунлай ёлғиз ҳис қилишини биларди. Онасининг ҳар куни бир хил ўтарди: эрталабки бадантарбия, сўнг душ, кейин нонушта, мутолаа, телевизор... Бобожон Дубайдан келтирган қимматбаҳо тақинчоқлар солинадиган қутичани аҳён-аҳёнда очмаса, қараб ҳам қўймас эди. Баъзан Кобулдаги оиласи билан соатлаб телефонда гаплашиб ўтказарди вақтини. Икки-уч ойда бир келиб, бир-икки кун туриб кетадиган опа-сингиллар, ота-онаси меҳмон бўлиб келганида, Адел онасига жон ато бўлганига гувоҳ бўларди. Ўшанда Ария пардоз қилар, баланд пошналар туфли, чиройли либослар кийиб олар, чехраси гул-гул ёниб, кулгиси уйни тўлдирадди.

Аделнинг онаси телевизорни ўчириб, гиламга ўтирди.

– Нега бугун ўз ишларинг билан машғул бўлма-япсан? – сўради онаси. – Мен ювиниб, сўнг овқатланмоқчиман. Бувингларга ҳам қўнғироқ қилсамми, деб ўйлаб ўтиргандим. Уч-тўрт кундан бери гаплашмадим.

Адел хўрсиниб, ўрнидан турди. Пастки қаватда, уйнинг бошқа қанотида жойлашган хонасига тушиб, коптогини олди. Эгнига отаси яқинда ўн икки ёшга тўлганида совға қилган, Зиданнинг сурати туширилган фуфайкасини илиб, пастга тушди. Кабир диванда газетани кўрпа қилиб устига ёпиб, пинакка кетганди.

Адел шағал ётқизилган йўлакдан юриб, кўча дарвозаси томон юрди. Доим қуроли қўриқчи

кузатиб ўтирадиган бўлма кимсасиз эди. Бу пайт қўриқчиларнинг айланиб қўриқлайдиган пайти эканлигини Адел фаҳмлади. У секин дарвозани очиб, ўзини ташқарига олди ва дарвозани қайта ёпиб қўйди. Чиққан заҳоти деворнинг бу томонида нафас олиш яхшироқдек туюлди Аделга. Баъзан бу уйнинг қамоқдан фарқи қолмайди.

Адел деворнинг қуюқ сояси остида уйнинг орқа томонига йўл олди. У ерда Бобожон доим фахрланиб юрадиган мевали боғ бор эди. Хилма-хил мевали дарахтлар билан бирга бу боғда бир пайтлар азим дарахт бўлган эман тўнкаси ҳам бор эди. Бобожон бир куни Адел билан бирга бу тўнканинг ёш ҳалқасини санаб чиқиб, дарахт Чингизхон даврларини ҳам кўрганга ўхшайди деб айтган эди. Ким кесиб ташлаган бўлса ҳам, аҳмоқ бўлган экан, деб надомат билан бош чайқаган эди ўшанда.

Адел коптогини ўйнай бошлади. У коптокни ерга теккизмай тепиб, олтмиш саккизга етказган эди. Ўша ҳам баҳорда эди. Ҳозир эса ёз яримлаб қолди. Адел аввалги рекордидан ўтиб кетишга ҳаракат қилиб ётарди. Саноқ йигирма саккизга етганида, кимдир уни кузатаётганини сезиб қолди. Бу ўша қарияга эргашиб келган бола эди. У гиштин бостирма соясида чўккалаб ўтирарди.

– Бу ерда нима қилиясан? – сўради Адел овозини Кабир бегоналар билан гаплашгандаги оҳангга ўхшатиб.

– Соялаб ўтирибман.

– Сен бу ерда бўлмаслигинг керак, – деди Адел.

– Сен ҳам.

– Нима?

Бола қиқирлаб кулди.

– Ўтибор берма, – деди бола ва керишиб олиб, ўрнидан турди.

Адел унинг чўнтаклари тўламикан, деб унга диққат билан қаради. Балки мева ўғирлашга келгандир. Бола Аделга яқинлашиб, бир оёғи билан тўпни илиб олди-да, чаққон ҳаракатлар билан икки марта ўйнатиб, товони билан Адел томонга тепди. Адел тўпни илиб олиб, қўлтиғига қистирди.

– Каллакесаринг мен билан отамни қаерда кутиб турсин деди? Йўлнинг нариги бетидами? У ерда на бир соя, на бир жин ургур булут бор бўлса.

Адел шу он Кабирнинг ёнини олиши кераклигини тушунди.

– У каллакесар эмас.

– Ишонавер, у бизни Калашниковига қараб тўймади, дея ўйлагани аниқ, – деди бола Аделга боқиб. Унинг даҳанини енгил истехзо сийпаб ўтди. – Шундай қилиб, ўша каллаурарнинг мухлисиман дегин.

Адел бола кимни назарда тутганини бир муддат англай олмай қолди. Сўнг гап кийимида сурати туширилган Зидан ҳақида кетаётганини фаҳмлади.

– Биргина хатосини деб у ҳақида хулоса чиқара олмайсан, – деди Адел. – У энг зўри эди. Марказдаги мисли йўқ ўйинчи эди.

– Мен яхшироқларини кўрганман.

– Шундайми? Кимга ўхшаш?

Марадонага ўхшаш.

– Марадона? – деди Адел таҳқиромуз. Олдин ҳам Жалолободдаги ўғай акаларининг бири билан шундай воқеа юз берган эди. – Марадона қаллоблик қилган-ку. «Танги қўли» ёдингдами?

– Ҳамма ҳам қаллоблик қилади, ҳамма ҳам алдайди.

Бола бир эснади-да, кетишга чоғланди. Унинг бўйи Аделлар тенг – балки жиндак баландроқдир – ёши ҳам ўзиники билан тенг эҳтимол, дея ўйлади Адел. Аммо қадам ташлаши қандайдир катталарга

хос эди. Шошмасдан, ҳар нарсани кўриб қўйгандек, ҳеч бир нарса уни ажаблантирмайдигандек вазмин қиёфада эди у.

– Менинг исмим – Адел.

– Фулом.

Улар қўл сиқишди. Фуломнинг қўллари кучли, кафти қуруқ ва дағал эди.

– Ёшинг нечада? – сўради ундан Адел.

Фулом елка қисди.

– Тахминан ўн учда. Балки ўн тўртга киргандирман.

– Ўз ёшингни ўзинг билмайсанми?

Фулом жилмайди.

– Қасам ичишим мумкин, сен ўзингникини биласан. Энди эса боришим керак. Отам ёлғиз кутиб қолди.

– У сенинг бобонг бўлса керак, деб ўйлабман, – деди Адел.

– Хато ўйлабсан.

– Зарба тепиш ўйнашни истамайсанми? – сўради Адел.

– Пенальтини назарда тутяпсанми?

– Ҳа. Ҳар биримиз беш мартадан.

Фулом аввал йўл томон, сўнг Аделга қаради. Адел унинг ияги юзига нисбатан кичикроқ эканини пайқади. Чап қошининг ярмидан калта, ингичка чандиқ кесиб ўтганди. Бунинг устига ундан ёқимсиз ҳид анқирди. Аммо Адел ҳар ой Жалолободга боришини ҳисобга олмаганда, салкам икки йилдан бери ўз тенгқурлари билан суҳбатлашмаган, нуқул ёлғиз ўйнардди.

Адел ҳафсаласи пир бўлишини кутиб турганди-ямки, Фулом елкасини қисиб:

– Нега бўлмасин? Фақат аввал мен тепаман, – деб қолди.

Фулом ўзининг беш зарбасини амалга оширди. Бири мувафақиятли бўлди, иккитаси чиқиб кетди, қолган иккитасини Адел тутиб қолди. Гал ўзига келганида Аделнинг тўрт зарбаси омадли чиқди.

Ўйин ниҳоясига етгач, Фулом судралиб бориб, эман тўнкаси устига ўтирди. Улар секин-секин футбол ҳақида суҳбатлашиб ўтирдилар. Бир муддат ўтиб Фулом чуқур билимга эга эканлиги билиниб қолгач, Адел ниҳоятда ҳайратга тушди. Улар ўзлари севган матч ва гол тарихини бир-бирлари билан баҳам кўрдилар. Гап айланиб 2006 йилги финал ўйинга ва Адел азоб билан хотирлайдиган ўша «калла қўйиш» воқеасига уланди. Фулом ўшанда бутун матчни лагердан унча узоқ бўлмаган телевизор сотиладиган дўкон ойнасининг ташқари-сида оломон билан бирга тик туриб кўрганини айтиб берди.

– Лагерь?

– Ҳа, мен ўсган лагерь. Покистонда.

У Аделга бу Афғонистонга биринчи бор келиши эканлигини айтди. У бир умр ўзи туғилган ер – Покистондаги Жалозай қочоқлар лагерида яшаган экан. Унинг айтишича, Жалозай нақ бир шаҳар экан. Боши-одоғи кўринмайдиган лабиринтсимон ахлатга тўла йўлаклар ёнида қурилган чалкаш-чулкаш капалару лой кулбалар, пластик ва алюминийдан ясалган уйлар билан тўлган улкан ҳудуд экан. У ака-укалари билан ана шу лагерда униб-ўсган, ўша ердаги торгина лой кулбада ака-укалари, онаси, Иқбол исми отаси ва отасининг онаси – Парвона бувиси билан бирга яшаган экан. Ана ўша йўлакаларда юришни, сўзлашни ўрганган экан. Мактабга қатнаган экан. Лагердаги бошқа қочоқ болалар каби то қош қорайиб, бувиси уйга чақирмагунча, таёқ билан эски велосипед филдирагини ўйнаб чопқиллаб юрган экан.

– У ерни ёқтирардим, – деди Фулом. – Дўстларим бор эди. Ҳаммани танир эдим. Ишларимиз ҳам жойида эди. Америкада Абдулла исмли амаким бор, отамнинг ўғай акаси. Уни ҳеч кўрмаганман. Аммо у деярли ҳар ой бизга пул жўнатиб турар эди. Кўп кўмаги тегарди унинг.

– Нега у ердан кетдингиз?

– Мажбур бўлдик. Покистонликлар лагерни ёпиб ташладилар. Афғонлар Афғонистонга тегишли дейишди улар. Кейин амаким жўнатадиган пул ҳам тўхтаб қолди. Шунда отам биз бемалол уйга қайтиб, ўрнашимиз мумкинлигини, шундоқ ҳам Толибонлар чегаранинг Покистон томонига келиб қолганини айтди. Унинг айтишича, биз Покистонда меҳмон эканмиз. Ниҳоятда руҳим тушиб кетганди. Бу ерлар, – Фулом қўлини сермади, – бу мамлакат менга бегона. Афғонистонда бўлган лагердаги қочоқ болаларга-чи? Уларнинг ҳеч бирида Афғонистон ҳақида ёрқин хотира йўқ.

Адел ҳозир Фулом нимани ҳис қилаётганини билишини айтгиси келди. Қанчалар Кобулни, дўстларини, Жалолободдаги ўғай акаларини соғингани айтгиси келди унга. Аммо Фулом устидан кулмасин тагин дея ўйлади. Унинг ўрнига:

– Ҳа, бу ерлар яхшигина зерикарли, – деб қўя қолди Адел.

Отам бизга «Шодбоғни ҳавосидан симириб, сувидан сипқорганда, кўрасиз ҳали, болалар», дер эди. Отам шу ерда туғилиб-ўсган. «Ҳеч ерда бунчалар салқин, бунчалар ширин сувдан тотиб кўрмагансиз», деган эди. У тинмай Шодбоғ ҳақида сўзлар, Шодбоғда шундай бир узум нави борки, дунёнинг ҳеч бир нуқтасида ўстирилмайди, деб айтарди. Сўзларидан, гўё Жаннатни тасвирлаяпти, дейсан.

Адел ундан ҳозир қаердан қўналға топишганини сўради.

– Шамол тегирмонининг ортидаги далани биласанми? – сўради Фулом.

– Ҳа.

Адел бир муддат кутиб қолди, аммо Фулом жавоб бермади.

– Далада яшаяпсизларми?

– Вақтинча, – гулдуради Фулом. – Чодир қуриб олдик.

– Бу ерда бошқа қариндошларингиз йўқми?

– Йўқ. Баъзилари вафот этган, баъзилари жўнаб кетган. Ҳа, айтганча, отамнинг Кобулда тоғаси бор. Ё бор эди. Ким билади, яшаяптими, йўқми? У бувимнинг акаси экан, бир бадавлат оилада хизмат қиларкан. Аммо, билишимча, Наби тоғам билан бувим анча йиллар аввал гаплашмай қўйган. Эллик йилларча, менимча. Шундай экан, улар бир-бирларига бутунлай бегона энди. Агар отам чиндан ҳам мажбур бўлганида, тоғасини излаб борарди. Аммо у ўз маконига келишни истади. Мана шу унинг уйи.

Болалар тўнкада ўтириб, шамолнинг иссиқ оқи-мида шитирлаётган япроқлар сасига қулоқ тутганча бир муддат жим қолдилар. Адел Фуломнинг оиласи тунлари чаёнлару илонларга тўла далада чодирда ётганларини кўз олдига келтирди.

Фулом Аделга ўзларининг Кобулдан бу ерга кўчишларига нега бундай сабаб кўрсатди, ўзи ҳам билмайди. Ёки бошқа сабаб топа олмадими? Шундай деса, улар катта уйда беғам ҳаёт кечирадилар деган тасавури барҳам топишига у қадар ҳам ишонмасди. Балки унинг ачинишини истадимикан? Балки орасини яқинлаштирмоқчи бўлгандир? Ўзи ҳам билмайди.

– Кобулда бизни кимдир ўлдиришга урингани сабабли Шодбоғга кўчиб келдик, – деди у. – Бир куни уйимиз олдида бир мотоцикл келиб тўхта-

ди-да, ундаги одам уйимизга қарата ўқ ёғдира кетди. Уни қўлга тушира олмадилар. Аммо, худога шукур, ҳеч биримизга шикаст етмади.

Бу гап Фуломга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаганини кўргач, Адел ҳайратга тушди. Ҳануз кўзларини қисиб, қуёшга қараб турган Фулом:

– Ҳа, биламан, – деб қўя қолди.

– Биламан, дейсанми?

– Отангинг душманлари кўп, – хўрсинди Фулом.

Адел буни биларди. Бобожон унга бирда бу ҳақда айтганди. 1980 йиллар у бу билан ёнма-ён туриб советларга қарши курашган баъзи бир таниш-билишлари ҳам кучайиб, ҳам разил бўлиб кетишибди. Улар йўлларидан оздилар, деган эди отаси. Бобожон уларнинг жинойий режаларига қўшилмайман дегани учун улар доим у ҳақида ёлғон-яшиқ миш-мишлар тарқатиб номига доғ туширишга уринаверар эканлар. Мана шунинг учун ҳам Бобожон ҳамиша Аделни ҳимоя қилар, уйга газета олиб келишларига изн бермас, Аделнинг янгиликларни кузатиб боришини ёки интернетда сайр қилишини истамас эди.

Фулом эгилиб деди:

– Отангни дурустгина деҳқон деб ҳам эшитган эдим.

Адел елкасини қисди.

– Ўзинг кўриб турибсан. Бир неча таноб боғ бор, холос. Ҳа, Ҳелманддаги пахта далалари ҳам бор. Фабрика учун, менимча.

Фулом муғамбирона жилмайиб, Аделнинг кўзларига синчиклаб қаради:

– Пахта? Ғалати экансан. Нима дейишни ҳам билмайсан киши.

Тўғриси, Адел унинг гапига тушуна олмади. Ўрnidан турди-да, коптогини тепди.

– Қайта мусобақалашамиз, десанг-чи.

– Мусобақалашамиз.
– Кетдик.
– Бу гал, гаров ўйнайман, битта ҳам гол ура олмайсан.

Бу гал Адел муғомбирона жилмайиб:

– Истагингни айт.
– Бундан осони йўқ. «Зидан» фуфайканг-да.
– Агар мен ютсам-чи, э, йўқ, мен ютганимда-чи?
– Сенинг ўрнингда бўлганимда, – деди Фулом, – бундай ақлга тўғри келмайдиган нарсалар ҳақида ташвишланмаган бўлар эдим.

Ўйин зўр бўлди. Фулом ўннга отилди, чапга отилди, Аделнинг барча тепганларини тутиб қолди. Адел фуфайкасини эгнидан ечар экан, алдаши ўрнига алданиб қолганидан, ўзини аҳмоқдек ҳис қилди. Гаровда у ютиб олиши керак эди. Адел фуфайкасини узатди. Изтироб ичида кўзларига тикилган аччиқ ёшларни зўрға тутиб қолди.

Ҳайтовур Фулом уни Аделнинг кўз олдида кийиб оладигандек кўринмади. Кетар экан, елкаси оша Аделга айёрона жилмайди.

– Сенинг отанг ростдан ҳам уч ойга кетмаган-а?
– Анави учун эртага яна ўйнайман, – деди Адел.
– Фуфайка учун.

– Бу ҳақда ўйлаб кўришим керак, – деди Фулом ва катта йўлга қараб кетди.

Адел бир ҳафта мобайнида ҳар куни эрталаб-ки дарсларидан сўнг коптогини олиб, қўрғондан чиқиб кетар эди. Дастлабки икки галида қўриқчилар алмашиш пайтини пойлаб чиқиб кета олганди. Аммо учинчи мартасида соқчи уни тутиб олиб, чиқиб кетишига йўл қўймади. Адел уйга қайтиб кириб, қўлида iPad ва соат билан яна пайдо бўлди. Шундан бошлаб, соқчи унга боғ ичкарисига кириб, узоқлашиб кетмаслик шарти билан яширин-

ча уйдан чиқариб, киритиб турадиган бўлди. Кабир билан онасига келсак, улар Аделнинг бир-икки соат йўқ бўлиб қолишини пайқамасдилар ҳам. Катта уйда яшашнинг афзал томонларидан бири шунда эди.

Адел қўрғон ортида, ялангликдаги кўҳна эман тўнкаси ёнида ёлғиз ўйнар, ҳар куни Фуломнинг судралиб келиб қолишидан умид қиларди. Бир муддат ўтгач, коптогини олиб, оғир қадамлар билан қўрғонга қайтиб кетарди.

Кунлардан бир куни қоғоз халта тутиб Фулом пайдо бўлиб қолди.

– Қаерда эдинг?

– Ишладим, – деди Фулом.

Отаси иккаласини бир неча кунга гишт қўйишга ёллашган экан. Фуломнинг иши – қоришма тайёрлашдан иборат бўлибди.

У халтани очиб, Аделга «Зидан» фуфайкани ирғитди.

– Тушунмадим, – деди Адел ҳайратланиб ва ҳаяжонга тушиб.

– Тунов кун десанг, шаҳарчада бир бола фуфайкангни кийиб юрганини кўриб қолдим, – деди Фулом бармоқлари билан коптокка имо қила туриб. Адел коптокни унга тепди. Фулом сўзлаб туриб, коптокни ўйната кетди. – Ишонасанми бунга? Ёнига бориб, «Ҳей, эгнингдаги менинг оғайнимнинг кийими-ку», дедим. У менга қаради. Узун ҳикояни қисқа қилиш учун масалани торкўчада ечиб қўя қолдик. Оқибатда, унинг ўзи кўйлакни олинг дея ёлворишга тушди.

Фулом коптокни ҳавога ирғитиб, Аделга қараб жилмайди.

– Ҳа, яхши, – деди у, – менимча, бир-икки кун олдинроқ фуфайкани унга сотган бўлсам керак.

– Бу тўғри эмас, ахир. Агар буни унга сотган бўлсанг, демак, бу уники.

– Нима, энди фуфайкангни хоҳламаяпсанми? Сенга буни қайтариш учун шунча иш қилганимдан кейин-а? Бу иш бир томонлама бўлгани йўқ, тушунасанми ўзи. У ҳам яхшилаб бир нечта мушт туширди.

– Бироқ... – минғирлади Адел.

– Ундан кейин мен ҳам уни сендан алдаб олволгандим, бу учун ўзимни ёмон ҳис қилдим. Мана, энди фуфайкангни қайтиб ол. Менга келсак эса... – Фулом оёғига имо қилади. Адел унинг оёғида оққўк тусли спорт туфлисига кўзи тушди.

– У боланинг аҳволи яхшими ўзи? – сўради Адел.

– Яшайди ҳали. Хўш, ҳали ҳам тортишаверамизми ёки ўйнаймизми?

– Отангни сен биласанми?

– Бугун келмади. У Кобулда, маҳкамада. Қани, кетдик.

Улар бир оз ўйнагач, Адел соқчига берган ваъдасини бузиб, Фуломни олиб, боғ ичига йўл олди. Дарахтдан мушмула¹ еб, Адел ошхонадан сездирмай олиб чиққан салқингина фантадан ичишди.

Кўп ўтмай, улар кунда кўришишга одатландилар. Тўп тепишиб, боғ дарахтлари оралаб, қувлашмачоқ ўйнар эдилар. Улар спорт, кинолар тўғрисида суҳбатлашар, айтарга ҳеч сўзлари қолмаса, Шодбоғ-и-Нав шаҳарчаси томон қараб ўтирардилар.

Адел ҳар куни Фуломнинг аста-аста қадам ташлаб йўлкада пайдо бўлишини, унинг баланд, қатъий овозини эшитишга муштоқ бўлиб уйғонарди. Сал ўтиб у билан ўйнайдиган ўйинларини, бир-бирига сўзлаб берадиган гапларни ўйлаб, дарс давомида диққатини жамлай олмасди. Адел яккаю ягона дўсти – Фуломни йўқотиб қўйишдан қўрқар, Фуломнинг отаси – Иқбол шаҳарчада муқим иш,

¹ Мушмула – жанубда ўсадиган бир турли бута ёки дарахтнинг ноксимон ширин меваси.

яшашга жой топа олмай, дўстининг бошқа шаҳарга, мамлакатнинг бошқа қисмига кўчиб кетишидан ташвишга тушарди. Адел бу эҳтимолга ўзини тайёрлашга ҳаракат қиларди.

Бир суҳбатларида Фулом сўзлаб берди:

– Бувим бу эман дарахти ҳақида турмуш ўртоғи – Сабур бобом унга бир ривоят айтиб берганини айтарди. Албатта, бу бобом дарахтни кесишдан анча олдинги гап. Бобом бувимга болалик пайтларида айтиб берган экан. Ривоятга кўра, агар бирор бир тилагинг бўлса, дарахт қаршисида тиз чўкиб, тилагингни шивирлаб айтар экансан. Агар дарахт ўша тилагингни рўёбга чиқаришга рози бўлса, бошинг узра роппа-роса ўн дона япроқ сочар экан.

– Ҳеч эшитмаган эканман буни, – деди Адел.

Адел анчадан кейин Фулом нималар деганига тушуниб етди.

– Шошма, – деди у, – бизни дарахтни сенинг бобонг кесиб ташлаганми?

Фулом унга бурилиб қаради.

– Сизнинг дарахт? Бу дарахт сизники эмас.

Адел кўзларини пирпиратди.

– Бу нима дегани?

Фулом Аделнинг юзига янада синчковлик билан кўз тикди. Илк бор Адел дўстининг қувноқлиги-ю айёрона табассуми, беғам шўхлигидан асар ҳам кўрмади. Унинг юзи ўзгариб, ҳайратомуз равишда катталарникидек вазмин бўлиб қолганди.

– Бу дарахт бизнинг оиламизники эди. Бу ерлар бизнинг оиламизга қарашли ерлар эди. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётганди. Уруш мобайнида Покистонда эканлигимизда, сенинг отанг ўзининг қасрини айнан бизнинг еримизда кўтарди, – Фулом қўли билан боғ томонни кўрсатди. – Мана булар-чи? Булар бир пайтлар одамларнинг уйлари эди. Аммо сенинг отанг бульдозер юргизиб, уларни

ер қилиб текислаб ташлади. Шу жумладан, менинг отам туғилиб, ўсган уйни ҳам.

Адел кўзларини пирпиратди. Юраги оғир-оғир гурсиллаб, Фуломга:

– Биз дўстмиз, деб ўйлагандим, – деди. – Сен нега бундай даҳшатли ёлғонларни сўзлаяпсан?

Сенинг фуфайкангни гаровда ютиб олганимни эслайсанми? – сўради Фулом ундан ёноқлари қизариб-бўзариб. – Йиғлаб юборай деган эдинг. Инкор қилма, ўзим кўргандим. У бор-йўғи бир кийим эди, холос. Кўйлак. Энди Покистондан шунча йўл босиб келиб, автобусдан тушган чоғ ўз ерида мана бу нарсани кўрган оиламнинг ҳолини тасаввур қияпсанми? Устига-устак, сиёҳранг кийимдаги анави каллакесаринг бизни ўз ҳудудимиздан даф бўлишимизни буюрди.

– Менинг отам ўғри эмас, – бақариб юборди Адел. – Шодбоғ-и-Навдаги истаган одамнингдан сўра, бу шаҳар учун отам нималар қилган экан, сўра улардан.

Адел Бобожоннинг шаҳарча масжидида ерга ёнбошлаб, қўлида тасбеҳ, одамларни қабул қилишини кўз олдига келтирди. Оломон отаси ўтирган дивандан то кириш жойига қадар чўзилган, қўллари лойга буланган одамлар, тиши тушган кекса аёллар, болаларини етаклаган ёш бевалар – ҳар бири чор-ночор кун кечирар, ҳар бири иш истаб, яхшилик истаб, ўз навбатларини кутар эди. Отаси эса сафда турган ҳар битта инсон унинг оила аъзосидек билиб, уларни сабр билан тинглар, бош ирғаб қўярди.

– Шундайми? Унда отамнинг қўлидаги ерга эгалик ҳужжати ҳақида нима дейсан? – сўради Фулом. – Маҳкамадаги ҳакамга берган ҳужжатлар.

– Ишончим комил, агар отанг мени отам билан гаплаш...

– Сени отанг отам билан гаплашмайди. У қилган ишини тан олмайди. Худди биз дайди итдек олдимиздан ҳайдаб ўтиб кетади.

– Сизлар ит эмассиз, – деди Адел. У овозини қалтирамаслиги учун ўзи билан курашарди. – Сизлар аҳмоқсизлар. Худди Кабир айтганидек. Буни билишим керак эди.

Фулом ўрнидан турди. Бир-икки одим ташлаб, сўнг тўхтади.

– Ўзинг биласан, – деди у, – сенга нисбатан ҳеч қандай хусуматим йўқ. Сен шунчаки кичкина нодон болакайсан, холос. Аммо отанг янаги гал Ҳелмандга йўл олгач, сени ҳам ўзи билан олиб боришини сўра. Бориб, отанг у ерда нима ўстиришини ўз кўзинг билан кўр. Сенга ишора беришим мумкин. Бу пахта эмас.

Ўша куни оқшом кечки овқатдан олдин Адел ювиниш хонасида илиқ, кўпикли сувда ётарди. Пастдан Кабир кўраётган эски қароқчилар ҳақида кинонинг овози унғача эшитилар эди. Бутун кун тарк этмаган жаҳлни сув ювиб кетди. Энди эса Адел Фуломга нисбатан ниҳоятда қўпол муомалада бўлгани ҳақида ўйларди. Бирда унга отаси айтганди: қанча яхшилик қилма, баъзан камбағаллар бойлар тўғрисида ёмон гапларни айтадилар. Ўзларининг ҳаётидаги ранж туфайли шундай қиладилар, одатда. Бу табиий ҳол. Бу учун уларни айбламаслигимиз керак, Адел, деганди Бобожон.

Адел бу дунё азалдан адолатсиз бир макон эканлигини билмайдиган даражада гўл эмас эди. У шунчаки дунёга ётоқхонаси деразасидан боқишга мажбур эди, холос. Аммо у Фулом каби одамлар учун бу ҳақиқатни тан олиш қондирмаслигини тушунар эди. Балки улар кимнидир айбдор қилиш, кимгадир жаҳлини сочишга муҳтождирлар. Эҳтимол, отаси бу борада ҳақдир.

Адел артинаётган эди, онаси ювиниш хонаси эшигидан бошини сукди.

– Кечки овқатга тушыяпсанми? – сўради у Аделдан.

– Қорним тўқ, – жавоб қилди Адел.

– Оҳ, – онаси ичкарига кириб, илгақдан сочиқ олди. – Кел, ўтир. Сочингни қуритиб қўйай.

– Бу ўзимнинг қўлимдан келади, – деди Адел.

Онаси унинг ортидан туриб, кўзгудан унинг кўзларини кузатди.

– Аҳволинг яхшими, Адел? – сўради у.

Адел елка қисди. Сўнг:

– Ойи, ҳеч отамнинг фабрикасини кўрганмисиз? – дея сўради.

Адел онасининг бир муддат ҳаракатсиз қолганини пайқади.

– Албатта, – деди у. – Сен ҳам кўргансан.

– Суратларни назарда тутмадим. Ҳаётда кўрганмисиз? Ҳеч бўлганмисиз у ерда?

– Қандай қилиб бўлардим у ерда, – деди ойиси бошини эгиб. – Ҳелманд хавфли жой. Отанг сен билан мени ҳеч хавфга қўярмиди.

Адел бош ирғади.

Орадан уч кун ўтиб, Фулом яна пайдо бўлди. У шахдам қадамлар билан Аделнинг қаршисига юриб келиб, тўхтади.

– Келганингдан хурсанд бўлдим, – деди Адел.

– Сенга берадиган бир нима бор. – У тўнканинг устидан урушиб қолган кунларидан бери ҳар куни бу ерга келтирадиган курткани олди. Унинг ранги шоколад тусига ўхшаш жигарранг чармдан бўлиб, қўй териси билан безалган, ечиб олиб қўйса бўладиган қалпоқчаси ҳам бор эди. Адел курткани Фуломга узатди. – Бор-йўғи бир ё икки марта кийганман. Менга жиндак каттароқ. Сенга лойиқ келса керак.

Фулом қимир этмади.

– Кеча Кобулга кетадиган автобусга миниб, маҳкамага бордик, – деди у руҳсиз. – Топ-чи, ҳакам бизга нима деди? У бизга ёмон хабари борлигини айтди. Фалокат юз берибди. Кичкина ёнғин. Отамнинг ерга эгалик ҳақидаги ҳужжатлари ёнғинда ёниб кетибди. Ёниб битибди.

Аделнинг куртка тутган қўллари шалпайиб тушди.

– Бизга энди ҳужжатларсиз қўлидан ҳеч қандай иш келмаслигини айтаётганида, биласанми, билагида нима бор эди? Янги бренддаги тилла соат.

Адел кўзларини пирпиратди. Фулом нигоҳини курткага қаратди. Бу кишини изза қилувчи аччиқ нигоҳ эди. Қаҳрли нигоҳ иш берди, Адел қунишди. Қўлидаги куртка, наздида, тинчлик таклифидан порага айланиб қолганди, гўё.

Фулом ортига ўтирилиб, чаққон одимлар билан катта йўл томон тез-тез юриб кетди.

Ўша куни оқшом отаси уйда базм уюштирди. Адел ерга тўшалган узун дастурхоннинг тўрида, отаси ёнида ўтирар эди. Бобожон баъзан ерда ўтириб, қўлда, қошиқсиз овқатланишни истаб қоларди. Айниқса, жиҳод йилларидаги дўстлари билан кўришганда «Форда ўтказган кунларимни эслатиб юборади», дер эди ҳазиллашиб.

Аёллар эса емакхонада столда, қошиқ ва санчқилар билан овқатланишар, Аделнинг онаси тўрдан жой олганди. Аделга мармар деворлар орқали уларнинг гангур-гунгури эшитилиб ётарди. Улардан бири – сочини қизилга бўяб олгани Бобожоннинг дўстларининг бирига унаштирилган эди. Боягина шу аёл Аделнинг онасига камерадан Дубайдаги келинлар дўконига борганларидаги суратларни кўрсатиб ётганди.

Овқатдан сўнг чой устида Бобожон бўлинмаси советларнинг водийга – шимолга кириб келишла-

рига тўсқинлик қилиши учун пистирма қўйган пайтлари ҳақида сўзлаб берарди. Ўтирганларнинг барчаси уни диққат билан тингларди.

Яна кимдир бошқа бир воқеани сўзлаб берар чоғ Бобожон ликопчаси ёнида турган сигаретига қўлини узатди. Аммо уни ёндиришга улгурмади. Уйнинг қаеридандир ойнанинг чилпарчин бўлиб синиб кетгани эшитилди.

Емакхонадаги хотин-халаж қичқирришга тушдилар. Нимадир – пичоқми ё санчқими, – метал бир нарса мармар полга тарақлаб тушди. Эркаклар сапчиб оёққа қалқдилар. Кабир қўлида тўп-понча билан хонага югуриб кирди.

– Катта дарвоза томондан келди, – деди у. Шундай деган ҳам эди-ки, яна ойналар шақирлаб синди.

– Сиз шу ерда кутинг, командир соҳиб, биз қараб келамиз, – деди яна бир соқчи.

– Бўлмаган гап, ўзим бораман, – бўкирди Бобожон аллақачон олдинга отилиб чиқар экан. – Ўз уйимда жунжайиб ўтирмайман.

У фойе томон отилди, ортидан Адел, Кабир ва қолган эркаклар эргашдилар. Йўл-йўлакай Адел Кабирнинг қишда ўчоқни кавлашда ишлатишадиган темир говронни олволганига кўзи тушди. Аделнинг онаси ҳам ранглари оқарганча улар томон югурди. Улар фойега етганларида, катта бир тош келиб ойнага урилиб, ойна синиқлари ерга сочилди. Сочи қизил аёл чинқириб юборди. Ташқарида ҳам кимнингдир қичқиргани эшитилди.

– Жин урсин, қандай қилиб улар соқчидан ўтди экан, – деди Аделнинг ортидан кимдир.

– Командир соҳиб, йўқ! – ҳайқирди Кабир.

Аммо Аделнинг отаси аллақачон кўча эшикни очиб улгурганди.

Пиллапоя супчасида ҳар иккала қўлида тош тутиб ўша қария турарди.

– Болани юқорига олиб чиқ! – Бобожон елкаси оша Аделнинг ойисига буюрди. – Дарҳол!

Онаси Аделни елкасидан тутиб юқорига олиб чиқди ва ўзининг ётоқхонасига олиб кирди. Эшикни тамбалаб, пардаларни тортди-да, телевизорни ёқди. Сўнг ўғлини каравотга бошлаб, ўзи ҳам унинг ёнидан жой олди.

– Отам у қари одамни нима қилмоқчи? – сўради Адел. У тинмай қалтирар эди. – Ойи, отам нима қилади уни энди?

Адел онасининг юзидан булут сузиб ўтганини кўрди ва тўсатдан онаси нимаики демасин бу гапга ишониб бўлмаслигини англади.

– Гаплашиб кўради, – деди онаси титраб. – Отанг у ердаги ким бўлса ҳам уни тинчлантиради. Айнан шундай қилади. У одамларни тинчлантиради.

Адел бош чайқади. У энди йиғларди, ҳўнграб йиғларди.

– Уни нима қилади, ойи? Отам унга нима қилади?

Онаси ҳам ҳамон бир сўзни такрорлар, ҳали ҳаммаси яхши бўлишини, ҳеч кимга шикаст етмаслигини айтар эди. Аммо онаси қанчалар уни тинчлантирса, Адел шунчалар кўп йиғларди. Йиғлай-йиғлай толиққач, онасининг тиззасига бош қўйиб ухлаб қолди.

Собиқ Командир суиқасддан омон қолди.

Адел мақолани отасининг хонасида, отасининг компьютерида ўқиди. Мақолада ҳужумни «ўта қақшатқич», ҳужумчи эса «толибонлар билан алоқада деб гумон қилинган» собиқ қочоқ сифатида тасвирланган эди. Ўртароқда отасининг оиласи хавфсизлигидан кўрққанлигини айтгани келтириб ўтилганди. «*Айниқса, беғуноҳ ўғлимдан хавотирга тушдим*», деган эди отаси. Мақолада на ҳужумчининг исми, на унга нима бўлгани ҳақида ёзилган эди.

Адел компьютерни ўчирди. У бу компьютердан фойдаланмаслиги керак эди, отасининг хонасига кириб, қондани бузган эди. Бир ой олдин бунга журъат ҳам қила олмаган бўларди. У оғир юриб хонасига қайтди. Каравотига ётиб, эски теннис коптокчасини деворга ура бошлади. *Tўн! Tўн! Tўн!* Онаси эшикдан бошини суқиб, тўхтатишини сўради. Аммо Адел тўхтатмади. Онаси бир муддат эшик олдида турди-да, сўнг секин узоқлашди.

Tўн! Tўн! Tўн!

Сиртдан қараганда ҳеч нарса ўзгармаган эди. Аделнинг кундалик ишлари ўз маромига тушганди. У аввалгидек айни соатда уйғонар, ювиниб, ота-онаси билан нонушта қилар, ўқитувчисидан сабоқ оларди. Сўнг тушлик қилиб, ё Кабир билан фильм томоша қилар, ё бўлмаса видео ўйин ўйнардди.

Аммо ҳеч нарса аввалгидек эмас эди. Фулом унга эшикларни ланг очиши мумкин эди, бироқ эшикни очган айнан отасининг ўзи бўлди. Аделнинг идрокда гафлатда ётган тушунчалар уйғона бошлади. Ўша оқшом унда бениҳоя янгича ҳислар уйғонди. Бир ҳисларки, йиллар мобайнида унга яққол рўпара келган, аммо Адел пайқамаган баъзи нарсалар англаб етишга кўмаклаша бошлаган ҳислар эди. Мисол учун, у онасининг қалбида сирлар яширин эканлигини кўрарди. Онаизорининг чеҳрасига назар солганида, бу сирлар юзага жимирлаб чиқа бошларди. Бу ожизанинг ўзи билган, занжирлаб, қулфлаб бекитиб ташлаган нарсаларнинг бари ни ўғлидан сақлаш учун қанчалар курашганини кўрар эди. Илк бор отасининг уйи кўзига бадбуруш, шармандалик, ноҳақлик шарафига қўйилган ёдгорликдек кўриниб кетди. Отасининг кўнглини овлаш учун ёпирилиб келган одамларда эса қўрқув ва ҳадикни кўрди, уларнинг ҳурмати ва иззати остида аслида айнан шу ҳислар ётарди.

Отасининг бошда «жиҳод» номи билан, сўнг эса ўзи атаганидек, «фидокорона хизматлари учун мукофот» сабаб қилган ишлари Аделни саросимаган солиб қўйди. Ойналар тошлардан чилпарчин бўлган ўша оқшомдан сўнг бир неча кун отаси хонага кириб келгудек бўлса, Аделнинг юраги увушиб кетаверди. Отаси тинмай телефонда кимларгадир ўшқирар, ҳатто ювиниш хонасида ҳам гўнғирлаб ётгани эшитилиб ётарди. Бундан Аделнинг бадаида чумоли ўрмалаб, оғзи қуриб қоларди. Тунлари даҳшатга тўла тушлар кўриб чиқарди.

Янги хабар топганлари унинг хаёлидан чиқиб кетмади, аммо ўзига янги ҳамроҳ топиб олди. Ҳисларининг тамоман акси – бошқа бир туйғу оқими Аделнинг шуурига кириб келганди. Аввалгисининг ўрнини эгалламаган бўлса-да, унинг ёнгинасидан жой сўраб келганди бу ҳислар.

Адел алаал-оқибат барини онаси каби қабул қилишини англаб етди. Бошда онасидан жаҳли чиққанди. Энди эса унга энг кўп ачинган ҳам ўзи. Балки онаси эридан қўрққанидан буларни қабул қилгандир. Аделнинг гумонича, онаси ҳам худди унинг ўзи қабул қилган айни сабаб туфайли қабул қилган: мажбур бўлиш. Бошқа йўли бормиди? Адел ўз ҳаётидан қочиб қутула олмас эди. Одамлар тасаввурга сиғмас шароитлар ичида яшашни ўрганди. Худди у каби. Бу – унинг ҳаёти. Унинг онаси. Унинг отаси. Бу – айнан ўзи, гарчи буни доим англамаган бўлса-да.

VIII

2010 йил. КУЗ.

Оқшом клиникадан уйга қайтгач, ётоқхонамдаги телефонда Талиядан келган хабарга кўзим тушди. Талия мендан ҳол-аҳвол сўрагач, Кобулда ишлар қандай кетаётганини сўраган, ўзи шамоллаб қолганини айтганди. Гўшакни илар чоғ «Оди қандай қилиб унга қўнгироқ қилмаслигинг мумкин деб ўйлагани ўйлаган. Шубҳасиз, буни ўзингга айтмайди. Мен эса айтаман. Маркос, Исо Масиҳ ҳаққи, ойингга қўнгироқ қил. Тентагинг Талия», деб қўшиб қўйган эди.

Столим устида унинг суратини қўйиб қўйганман. Суратни анча йиллар аввал Тиносда соҳил бўйида олгандим. Талия бир тошнинг устида фотокамерага қарши ўтирибди.

Менинг хонам юқорида. 2002 йил – Кобулга келган йилдан бери яшаётганим уйнинг иккинчи қаватидаги уч ётоқхонадан бири менинг хонам. Столим эса қўйида боғ ястаниб турадиган дераза биқинида жойлашган. Деразадан бир неча йиллар аввал уй эгаси – Наби билан бирга экканимиз – мушмула дарахтлари кўриниб турарди. Нарироқда бир пайтлар Наби яшаган, ҳозир қайта бўялган кулба ҳам кўзга ташланарди. У вафот этгач, бу жойни маҳаллий ўрта мактабларда информатсион технологиялар борасида кўмаклашувчи ёш бир нидерландиялик йигитга берган эдим. Ўнг томонда бир неча ўн йиллардан бери жойидан қўзғалмаган Сулаймон Ваҳдатининг 1940 йилларга мансуб «Шевроле»си мох босган тош каби зангга бурканиб ётар, кечагина ёққан биринчи қор билан қопланган эди. Набининг вафотидан сўнг «Шевроле»ни Кобулнинг яроқсиз машиналар ташланади-

ган жойига олиб бориб ташласамми деб ҳам ўйладим, аммо бунга журъат қила олмадим. Машина шу уй ўтмишининг, тарихининг муҳим бир бўлагидек туюлиб кетди менга.

Қайдларимни ёзиб бўлгач, соатга боқдим. Соат кечки 9:30 эди. Демак, Грецияда ҳозир оқшом, соат етти.

«Ойингга қўнгироқ қил. Тентагинг.»

Талия бир хатида онам кундан-кунга эрта уйқуга кетаётганини ёзганини эсладим. Чуқур нафас олиб, ўзимни тутдим-да, гўшакни кўтариб, рақамни тердим.

Мен Талия билан 1967 йил – ўн икки яшар эканлигимда танишгандим. У онаси – Мадалина билан Тиносга, ойим иккимизни кўргани уйимизга келганди. Онам – Оделиянинг айтишича, дугонаси билан сўнгги бор кўришганига ҳам роппа-роса ўн беш йил бўлибди. Мадалина ўн етти ёшида оролни ташлаб, ўртамиёна актриса бўлиш учун Афинага бош олиб кетганди.

– Унинг киноларда тушаётганини эшитгач, – деди онаси – ҳеч ажабланмадим. Чиройи туфайли. Мадалина доим ҳаммага ёқиб келган. Келса, ўзинг кўрасан.

Онамдан нега илгарилари ҳеч уни тилга олмаганини сўрадим.

– Шундайми? Ишончинг комилми?

– Албатта.

– Онт ичган бўлсам керак, – деди онам. – Қизи Талия сабабли. У билан ниҳоятда нозик муомалада бўлишинг керак, чунки қиз бир фалокатни бошидан ўтказди. Ит тишлаб олган. Чандиқ қолган.

Бу янгилик мени Мадалинанинг фильм ва сахналарда чиқишидан кўра кўпроқ қизиқтириб қўйди. Қиз боланинг бу қадар нозик эътиборда

бўлишидан чандиқ ҳам йирик, ҳам кўзга ташла-
нарли бўлиши керак деган шубҳа қизиқишимни
янада оловлангирар эди. Чандиқни ўз кўзим билан
кўришга ўлгудек ошиқардим.

– Мадалина билан кичиккина қизалоқ пайти-
мизда мессада¹ танишганмиз, – деди онам.

Шу-шу улар ажралмас дутоналарга айланишиб-
ди. Дарсларда ҳам, танаффусларда ҳам, черковда,
арпа далалари бўйлаб кезганларида ҳам доим қўл
ушлашиб юришар экан. Бир умрга опа-сингил бў-
либ қолишга онг ичишган, турмушга чиқиб кет-
ганларида ҳам бир-бирига яқин яшашга сўз бе-
ришган эканлар. Қўшни бўлиб яшашмоқчи, мабо-
до бирор-бирининг турмуш ўртоғи кўчиб кетамиз
деб туриб олгудай бўлса, ажрим талаб қилишмоқчи
бўлишган экан. Ёдимда, онам буларни кулиб сўз-
лар экан, узоқ ўтмишда қолган болаларча шўхлик-
ларини эслаб, жилмайибгина қўярди. Аммо унинг
чеҳрасида тилга олиб бўлмас оғриқ излари, ранж
шарпалари ҳам бор эдики, буларни тан олишга
онамнинг ғурури йўл қўймас эди.

Мадалина ўша пайтларда Андреас Гиана-
кос исмли кекса бир бадавлат жанобга турмуш-
га чиққанди. Бир неча йиллар аввал Мадалина-
нинг иккинчи (кейинчалик сўнгиси бўлиб қолган)
фильмига продюссерлик қилган бу жаноб қури-
лиш бизнес оламидан бўлиб, Афинада йирик бир
фирма соҳиби эди. Яқинда Мадалина билан жаноб
Гианакос айтишиб қолиб, орадан гап қочган экан.
Бу маълумотларнинг ҳеч бирини онам айтмаган
эди. Буларни Мадалинанинг онамга бу ерга кели-
ши ҳақида ёзган мактубидан қисман шоша-пиша
яширинча ўқиб олгандим.

*«Андреас билан унинг ўнг қанот дўстларию
ҳарбий муסיқалари билан яшаш, сенга айтсам,*

¹ Месса – ибодат (католикларда).

роса чарчата бошлади мени. Ҳар доим гинг демай келдим. Бизнинг эркинлигимизни масхара қилган ўша ҳарбий қотилларни кўжларга кўтарганларида ҳам ҳеч огиз очмадим. Ишончим комил, улар менга коммунист анархист ёрлигини ёпиштириб қўйишарди, ҳатто Андреаснинг нуфузи ҳам мени бу зиндонлардан асрай олмасди. Эҳтимол унинг ўзини ҳам бу нарса ташвишлантирмас. Баъзан унинг нияти – ноҳақ эканлигимга ўзим сабаб бўлишим, дея ишониб қоламан. Оҳ, қанчалар сени соғиндим, қадрдоним Оди. Ёнимда бўлишингни қанчалар қўмсадим...»

Меҳмонларимиз келиши керак бўлган кун онам супур-сидир қилиш мақсадида азондан уйғониб олди. Биз қияликда қурилган кичик бир уйда яшар эдик. Тинос оролидаги кўпчилик уйлар каби бизнинг уйимиз ҳам оппоқ тошдан барпо этилган, томи текис ва олмос шаклли қизил қопламали эди. Мен билан ойимга тегишли юқори қаватдаги тор ётоқхона эшиксиз, пиллапоялар тўғридан-тўғри унга бошларди.

Уйни саришталаб бўлгач, ойим ҳар йили ўн бешинчи августда – Панагия Евангелистрия черковида ўтказиладиган «уйқуга кетиш» байрамида киядиган кишилиқ либосини кийди.

Ётоқхона дарчасидан ойимнинг Тинос кемалар портига йўл олганини кузатиб қолдим. Онам нозикдан келган аёл бўлса-да, унга рўпара келганда йўл бермай ўтмасдингиз. Ҳар тонг мактабга мен билан борган чоғларни яхши эслайман (онам мактабда ўқитувчи эди, ҳозир эса нафақада). Юриб борар эканмиз онам ҳеч қачон менинг қўлимдан тутмас эди. Бошқа оналар болаларини етаклаб кетишарди, аммо онам бундай қилмасди. Қолган ўқувчиларига қандай муносабатда бўлса, менга ҳам шундай муносабатда бўлиши кераклигини ай-

тар эди. Онам шахдам қадамлар ила илгарилар, мен эса унинг оёқлари остида пилдираб, қўлимда тушлик қутичасини тутганча унга етиб олишга ҳаракат қилиб борардим.

Синфхонада ҳам доим орқа қаторларда ўтирар эдим. Онамнинг синф тахтаси рўпарасида турганини, одобсизлик қилган ўқувчини бир ўткир нигоҳи билан ўрнига қоқиб қўйишларини ҳамон эслайман.

Онам ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ садоқатга ишонар эди. Ҳақиқатни сўзлаш энг мақбул иш эканлигига ҳам ишонарди у. Фёли заифларга асло тоқат қила олмасди. Онам ниҳоятда қатъиятли аёл эди, ҳозир ҳам шундай. Унга бу хусусиятни худо бахш этганми ёки тўйига йил тўлар-тўлмас эри вафот этиб, ўглини ёлғиз ўзи катта қилишга мажбур этган қисмат сабаб бўлганми, ҳеч тушуна олмасдим.

Онам чиқиб кетгач, бир оз ўтиб юқорида ухлаб қолибман. Баланд, қўнғироқдек аёл овозидан сапчиб уйғондим. Ўрнимдан туриб ўтирдим, мана у – лаб бўёғу упа-эликлар, атиргга бурканиб шляпасига қадалган энсиз тўр ортидан жилмайиб қараб турарди. У хонанинг ўртасида турар, сочлари тилларанг қўнғир тусли, эгнида яшил калта кўйлак, оёқлари ёнида чарм жомадон, жилмайиб, овози бахтиёрликдан жаранглар эди.

– Шундай қилиб, сен Одиниing митти Маркосан! У менга бунчалар хушрўй эканлигингни айтмаган эди. Оҳ, сенда ойингни кўряпман, кўзларинг, ҳа, ҳа, кўзларинг қуйиб қўйгандек ойингники. Ўйлашимча... сенга айтишганларига ишончим комил. Сени кўришга жуда ошиққандим. Ҳа, ойинг, Оди айтмаган бўлиши мумкин эмас... Иккалангизни кўриш, сен билан танишишдан қанчалар ҳаяжонда эканлигимни тасаввур қилсанг керак, Маркос... Маркос Варварис! Хўш, мен – Мадалина Гианакос, танишганимдан мамнунман.

У мен фақат журнал муқоваларида кўрадиган олинасаб хонимлар киядиган тирсагигача тортилган қаймоқранг шоҳи қўлқопини ечиб қўлини менга узатди.

– Бу эса менинг қизим – Талия. Азизам, Маркос билан саломлаш.

Остонада оқишдан келган сочлари жингалак новча қиз менга маъносиз боқиб турарди. Юзининг пастки ярми ниқоб билан беркитилганди.

– Талия, саломлашсанг-чи, азизам. Одобсизлик қилма.

У оҳиста бошини қимирлатиб қўйди.

– Салом, – дедим мен.

Шу чоғ ярми ҳаяжон, ярми қўрқувга тўла нималарнидир ҳис қилдим. Қарамай десам ҳам, ҳаворанг ниқобдан, бошини орқасига танғилган бир жуфт тасмадан, оғзи устидан тешилган тор ётиқ ёриқдан нигоҳимни ололмасдим. Бу ниқоб нима ни яшириб турган бўлмасин, унга назар ташлашга журъат қила олмаслигимни билардим. Умрим бўйи бу қадар даҳшатли ва қўрқинчли нарсани кўрмаган эдим.

Ниқоб Талияни биздан ҳимоя қилиш учун, мендан сақланиш учун ўйлаб топилгани эҳтимолдан узоқ эмас эди. Жилла курса, илк учрашишдаги эсанкиратиб қўйгувчи азоб назарда тутилганди.

Ойим ошхонада кечки таомни тайёрлаётганида Мадалина билан Талия юқорида юкларини жойлаштираётганлар эдилар. Ойим менга дугонаси учун бир пиёла қаҳва тайёрлаб, юқорига олиб чиқишни буюрди. Мен ликобчада *pastelli*¹ билан патнис кўтариб ётоқхонага кўтарилдим. Ўшанда рўй берган воқеа туфайли неча ўн йиллар ўтиб ҳам уят ҳисси хотирамга ёпишиб, мени тарк этмайди. Ўша кунги манзара кўз олдимда музлаб қолган бир

¹ Pastelli – юнонларнинг севимли ширинлиги

сурат каби қолиб кетган. Мадалина бир қўли бе-
лида, ётоқхона дарчасидан денгизга боққан куйи
сигарет тутатар эди. Шляпаси пардоз столи усти-
да ётар, пардоз столи тепасида кўзгу илинган, кўз-
гу рўпарасида эса Талия менга орқа бериб, кара-
вотнинг қиррасида ўтирган эди. У куйи энгашиб
нимадир қилаётганди. Балки поайфзали боғичла-
рини бўшатаётгандир. Ниқоби ечиб қўйилган, ка-
равотда – ёнида ётарди. Орқамда чумоли ўрмалай
бошлади, тўхтатишга уриндим, аммо қўлларим
титраб бошлаган эди.

Қўлларим титроғидан ликопча устидаги чинни
пиёлалар жиринглаб, Мадалина бошини мен то-
мон бурди. Талиянинг нигоҳи мен томон кўтарил-
ди. Кўзларим кўзгудан унинг аксини илғади.

Патнис қўлимдан сирғалиб тушиб кетди. Чин-
нилар чилпарчин бўлиб, қаҳва тўкилиб, пат-
нис пастга қараб юмалади. Бир зумда ҳамма ёқ
алғов-далғов бўлди, бир томондан мен тиззалаб
ўқчиб юбордим, бошқа томондан Мадалинанинг
«Оҳ, худо! Худойим!» деганлари, юқорига югурган
онамнинг «Нима бўлди? Нималар қилдинг, Мар-
кос?» деган қичқириқлари қоришиб кетди.

*«Ит тишлаб олган, – деган эди онам мени
огоҳлантирган бўлиб. – Чандиқ қолган».* Ит Талия-
нинг юзини тишлаб олмаган эди, «еб қўйган» эди.
Эҳтимол, ўша куни кўзгуда кўрганларимни сўз би-
лан тасвирлаб бўлар, аммо у ердаги биргина чан-
диқ эмасди.

Ёдимда, онам елкамдан тутиб, мени ўзи томон
ўгириб, «Сенга нима қилди? Нима бўлди?» дея
сўраган эди. Нигоҳини кўтариб ортимга қарага-
ни ҳам ёдимда. Нигоҳи қотиб қолган эди ўшанда.
Сўзлари тилида музлаб қолганди. Қўллари шалви-
раб пастга тушди. Бўздек оқариб, ўнг кўзидан бир
томчи ёш думалади.

– Ҳўш, у қанақа экан? – сўради онам.

– Ким?

– Ўша француз аёл-да. Соҳибингнинг жияни. Парижлик профессор аёл.

Гўшакни бошқа қулоғимга олдим. Унинг хотирлагани мени ҳайратга солган эди.

– Исми нима эди? Паримиди?

Онамга қадрдоним бўлиб қолган – Наби ҳақида сўзлаб бергандим. Онам унинг ҳаётидан ҳаминқадар хабардор эди. У, масалан, Наби Кобулдаги уйини Парижда ўсиб-улғайган жияни – Парига қолдирганини эшитган эди. Аммо унга Нила Ваҳдати ҳақида, унинг Парижга бош олиб кетгани-ю Наби билан Сулаймон Ваҳдатининг қолган умрини бирга ўтказгани ҳақида айтмаган эдим.

– Ҳа, Пари. Ажойиб аёл экан. Ҳам кўнгли очиқ.

– Ким эди у, кимёгар эдими?

– Математик.

Ўтган ёз Пари Ваҳдатининг бу ерга келгани ҳақида онамга айтган эдим. У ҳақиқатан ҳам бениҳоя ажойиб аёл экан. Назокатли, хушбичим, сочлари кумушранг Пари анчайин нозик бўлиб, ёшига нисбатан кекса кўринар эди. Юзида доим самимий табассум.

Кобулда мен билан бир ҳафта турди. У учун Кобул бўйлаб саёҳат уюштирдим. Пари уйни сўнгги бор 1955 йилда кўрган экан. Бу жой хотирасида шу қадар жонли сақланиб қолганидан аёл ниҳоятда ҳайратланди. У доим китоб мутолаа қилиб ўтирадиган емакхона ва меҳмонхона орасидаги бир жуфт зинани дарҳол хотирлади. Уй хотирасидагига кўра анчайин кичик эканлиги уни ҳайратга соларди.

Уни юқори қаватга олиб чиққанимда, қай бири унинг хонаси бўлганини бир зумда эслади. Ётоқхона бурчида турган болалигидан ёдгор – пастаккина кичик кийим жавончасини кўргач, нафаси

чиқмай қолгани ҳамон ёдимда. Пари жавончанинг ёнига бориб чўккалади. Бармоқлари жавончанинг сариқ бўёқлари узра, ранги униққан жирафа ва эшикчаси устида чизилган узун думли маймун сурати узра сайр этди.

Нигоҳини кўтариб менга боққанида, Парининг кўзлари ёшланганини кўрдим. У тортинибгина жавончани Парижга олиб кетса бўладими дея сўради. Юкни жойлаштириш тўловини ўзи тўлашини айтди. У уйдан истаган ягона буюм – шу жавонча бўлганди, холос.

Кобулда турганида Пари мендан уни Шодбоғга олиб боришимни сўради. Киндик қони тўкилган жойни кўришни, имкони бўлса, ўгай укаси – Иқболни топишни истади.

– Энди уйни сотса керак, – деди онам, – ҳарқалай уй энди уники.

– У мени уйда истаганимча туришим мумкинлигини айтиб кетди, – дедим мен. – Ижара тўловисиз.

– Уйга қачон келасан? – сўради ойим.

– Тез орада, – дедим мен. Бир йил олдин ойим шу саволни берганда ҳам шу жавобни берган эдим. Тиносга бормаганимга ҳам икки йил бўлибди.

Орага қисқа жимлик чўкди.

– У қадар узоқ куттириб юборма. Менга сунъий ўпка қўйишларидан аввал кўришни истайман сени, – дея кулди ойим. У доим шундай қалтис ҳазил қилар эди. – Агар имконинг бўлса, Рождествога кел. Ҳеч бўлмаганда, тўртинчи январгача кел. Талиянинг айтишича, ўша куни Грецияда қуёш тутилиши кузатилар экан. Интернетда ўқибди. Бирга томоша қилар эдик.

Ҳаракат қиламан, ойи.

Буларнинг бари бир тонг уйғонасан-у, уйингда ваҳший жонивор кезиб юрганини кўришдек эди.

Ҳеч бир жой мен учун хавфсиз эмасди. У ҳар бир бурчакда, ҳар бир буримда изғир, қўққисдан пайдо бўлар, тинмай оғзидан оқаётган сўлакни артиш учун нукул дастрўмолчасини юзига олиб борарди. Айниқса, овқат пайти даҳшатнинг ўзи эди. Ниқобнинг этагини кўтариб, қошиқ тўла таомни оғзига олиб боришига тоқат қилиб ўтиришга мажбур эдим. Бошда узр сўраб, дастурхон бошидан турмоқчи бўлдим, аммо ойимнинг ўткир нигоҳи менга қадаалди. Шундай қилиб, мен Талияга қарамасликка кўп бор тиришдим, бироқ бу осон эмас эди-да. Ойим Мадалина ва қизи бизникида тўрт ҳафта бўлади деганидан бошлаб мен тақвим тутиб, миямда кун санашга тушдим.

Кошки эди Мадалинанинг ёлғиз ўзи келганида эди. У менга ёқиб қолганди. Мадалина билан бўлган суҳбатлар ҳеч қачон узилиб қолмасди. Ҳикоялар тилидан қуйиларди, гўё. Бир тонг Анқарага қилган саёҳатию у ерда роқе қўшилган кўк чойдан симирганларини айтса, бошқа гал жаноб Гиаканос билан бирга Кенияга борганлари, тиканли акаслар оралаб филда сайр қилганларини сўзлаб берарди.

Мадалинанинг ҳикоялари менда ўша эски жонсаракликни қўзғаб юборар эди. Унинг ҳаёти меники билан қиёсланганда, Тиносдаги менинг ҳаётим ниҳоятда рангсиз туюларди.

– Гапдонлигим тутиб кетди, – хижолат тортди Мадалина кулиб.

– Ундай эмас, – деди ойим.

– Эски одат. Жуда кўп гапираман-да. Доим шундай бўлган. Дарсларда ҳам вайсайвериб, бошимизга қанча бало орттирганларим эсингдами? Ҳеч қачон айб сенда бўлмасди, Оди. Сен ҳамиша масъулиятли ва тиришқоқ эдинг.

– Йўқ, ҳикояларинг қизиқ. Сенинг ҳаётинг жуда қизиқ. Талия, Африка сенга ёқдимми? – сўради ойим қиздан.

Талия дастрўмолчасини юзига босиб, жавоб бермади. Бундан хурсанд бўлиб кетдим. Талиянинг нутқи ниҳоятда галати эди.

– Оҳ, Талия саёҳат қилишни хуш кўрмайди, – деди Мадалина сигаретини босиб ўчириб. У бу гапни худди рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқатни айтгандек айтди. Талиянинг юзида на маъқуллаш ва на инкор этиш ифодаси кўринди.

– Мен ҳам хуш кўрмайман, – деди ойим, сўнг яна Талияга боқиб. – Мен уйда ўтиришни ёқтираман. Тиносдан чиқиш учун бирон бир жиддий сабаб кўрмаган эканман, энди билсам.

– Мен уйда ўтирадиганлардан эмасман, – деди Мадалина. – Сендан фарқли ўлароқ. Аммо бу ердан кетганимда, энг кўрққан нарсам биласанми нима эди? – Мадалина ойимнинг билагидан тутди. – Энг катта хавотирим-чи, бундан кейин Одисиз қандай эплаб кетаман деган фикр эди. Бу ўй мени эсанкиратиб қўйганди.

– Тузуккина амаллаб кетдинг, чамаси, – деди ойим паст овозда.

– Сен тушунмадинг, – деди Мадалина.

Аммо тушунмаган одам аслида мен эдим, шекилли.

– Онанг мени қутқариб қолган, – давом этди Мадалина.

– Мана энди гапдонлик қиялпсан, – эътироз билдирди ойим.

– Отамнинг қўлидан қутқарган эди Оди. Отам аввал бошдан ёвуз бўлиб туғиладиган одамлардан эди. Кўзлари чақчайган, йўғон бўйни ортида нори бор эди. Муштлари... Фиштдай-фиштдай мушти бор эди. Уйга келгач, ҳали ҳеч нима қилмай туриб, шунчаки даҳлизда оёқ товушларию калитларнинг жиринглагани менга етарли эди. Бурни устидан пишқириб, кўзларини қисиб олиб, «Яхши, қизалоқ,

жуда яхши», деган гаплари бўрон яқинлашяпти дегани эди. Бунинг тўхташи амри маҳол эди. Кимса ёрдам бера олмасди. Ундан кейин ҳам отам каби одамлар билан йўлларим кесишди. Озгина кавлаб кўрасан, ва ҳаммаси айнаи эканлигини англаб етасан. Баъзилари тузукроқ бўлади. Озми-кўпми жозибаси сени тортади, аммо айнан шу сенга панд беради. Ҳақиқатда эса, уларнинг бари ўз газаби ичида ўзи тентираб юрадиган жоҳиллар бўлади, холос. Ҳеч кимса уларни сева олмайди. Улар эса, шубҳасиз, сендан уларни севишингни кутади. Тинчлантиришингни истайди. Аммо буларни у каби инсонларга бериш хато дегани. Улар буни қабул қила ололмайдилар. Ўзлари муҳтож бўлган нарсани қабул қилишни билмайдилар. Қўққисдан сендан нафратланмай қўяди. Буларнинг эса поёни кўринмайди – азоблар, кечирим сўрашлар, ваъдалар, яна берган ваъдасини унутиш, мусибатлар... Биринчи эрим ана шундай эди.

Мен тонг қолган эдим. Шу пайтга қадар ҳеч ким менинг ҳузуримда бундай очиқ сўзламаган эди. Ойим борасида эса гап бўлиши мумкин ҳам эмас.

Мадалина биринчи турмуши ҳақида сўзлар экан, илк бор унинг чеҳрасида қайғу сояси сузиб ўтганини илғадим.

– Ўша дўппослашларга барҳам берган ойинг бўлади, Маркос. Ҳеч сўзлаб берганми сенга?

– Йўқ, – дедим мен.

– Ҳеч ажабланмадим. Ана сенга Оделия Варварис.

Ойим пешбанди четларини ёзиб, текислаб, хаёлга чўмган эди.

Бир оқшом оғзи-бурним қонга беланиб бу ерга кириб келдим. Чаккамдан бир тутам соч юлиб олинган, қулоғим мушт зарбидан ҳалигача шанғиллаб турарди. Қандай ҳолатда эдим ўшан-

да! Ойинг ҳеч нарса ҳақида сўрамади, чунки ба-
рини биларди. У менга қараб, узоқ туриб қолди.
Титроқ остида қараб турди-да, шундай деганди:
*«Хўш, бу иш шу ергача. Отангни бир йўқлаб бо-
рамиз энди, Мадди»*. Бу сўзлар ҳалигача ёдимда,
Оди. Мен ёлворишга тушдим. Отам иккаламизни
ҳам ўлдириб қўйишидан қўрқардим. Аммо ойинг
қандай инсон эканлигини биласан. У менга қулоқ
солмади. Чиқишдан олдин қўлига отасининг ов
милтигини кўтариб олди. Кета-кетгунча отам ун-
чалик қаттиқ урмади, дея уни тўхтатишга уриниб
борардим. Бироқ ойинг мени тингламасди. Тўғри
остонада турган отам томон бостириб бориб, мил-
тиқ оғзини унинг иягига тиради ва *«Яна бир бор
шундай қилиб кўр, қайтиб келаман-да, мана шу
милтиқ билан башарангдан отаман»*, деди. Отам
кўзларини пирпиратди. Бир муддат тили айлан-
май, бир калима ҳам сўз қотолмади. Ҳа, азизим
Маркос, чиндан ҳам шундай бўлганди.

Мадалина буларни менга айтишига ҳожат йўқ
эди. Мен онамни жуда яхши танирдим.

– Хўш, Талия, саёҳатни хуш кўрмасанг, унда ни-
малар қилиш ёқади сенга? – сўради ойим.

Барчанинг нигоҳи унга йўналди. Талия нима-
дир деб гўнғирлади.

– Баландроқ, азизам, – деди Мадалина.

Талия томоғини қириб:

– Фанлар, – деди.

Илк даъфа унинг ям-яшил кўзларини, тим қора
сочлари ва онаси каби тиниқбадан эканлигини
пайқадим. Фалокат бўлмаганида, балки ёқимтой-
гина қиз бўлиб етишармиди. Балки Мадалинадан
ҳам хушрўй бўлган бўлармиди.

– Уларга қуёш соати ҳақида сўзлаб бер, Талия, –
деди Мадалина.

Талия қунишди.

– У қуёш соати ясаган эди, – ўзи ташаббусни қўлга олди Мадалина. – Ўтган ёз. Орқа ҳовлимизда. Ҳеч кимдан кўмак сўрамади. На Андреас, на мен ёрдам бердик.

– Экваториалми ёки горизонтал? – сўради ойим.

Худди бегона ўлкаларда гавжум кўчалар бўйлаб кетаётиб, туйқус қулоғига ўз она тилини илғаб қолган инсон каби Талиянинг кўзлари ҳайратдан чақнаб кетди.

– Горизонтал, – деди у.

– Соат мили учун нимадан фойдаландинг?

Талиянинг нигоҳи онамга қадаалди.

– Откриткадан ясадим.

Ўшанда илк бор бу иккала ҳилқатнинг орасида нимадир сездим.

– Ҳали болалигидаёқ ўйинчоқларини қисмчаларга ажратиб юрарди, – деди Мадалина. – Айниқса, ичида ажабтовур ихтиро жойлаштирилган механик ўйинчоқлар жону дили эди. Улар ўйнаш учун эмасди, шундайми, азизам? Уларни синдирар эди. Шундай қимматбаҳо ўйинчоқларнинг барини синдирар эди. Қўлига тутганимиз заҳоти уларнинг ичини очиб ташларди. Мен бундан ғазабланиб кетардим. Аммо Андреас (бу учун ундан миннатдорман) бу ақл-идрокдан дарак деб, қўйиб берарди.

– Истасанг, яна ясаб кўрамиз, – деди ойим. – Ўшандай қуёш соати ясаймиз.

– Мен уни қандай ясашни аллақачон ўрганиб бўлдим.

– Хушмуомалароқ бўл, азизам, – танбеҳ берди Мадалина. – Оди холанг сенга ёрдам бермоқчи.

Балки бошқа нарса ясаб кўрармиз, – деди ойим.

– Оҳ! Оҳ! – типирчилади Мадалина. – Қандай қилиб бунни айтишни унутдим, Оди! Янгилигим бор. Топ-чи нима?

Ойим елка қисди.

– Мен яна саҳнага қайтыпман. Кинофильмда ўйнайман. Катта бир лойиҳада бош ролни таклиф қилишди менга. Ишонмайсанми?

– Табриклайман, – деди ойим бўшашиб.

Сценарийси ўзимда. Ўқиб кўришинг мумкин, Оди. Аммо сенга ёқмайди, деб қўрқаман. Шу куз кинога олишни бошламоқчимиз.

Эртаси куни нонуштадан сўнг, ойим мени ёнига тортди.

– Хўш, бу нимаси? Сенга нималар бўляпти?

Мен ойимга гап нима тўғрисида эканлигини тусунмаганимни айтдим.

– Сен яхшиси бас қил. Аҳмоқона ҳаракат бу. Сенга ярашмайди.

– Ундай қила олмайман, ойи. Мажбур қилманг мени.

– Айнан нега қила олмайсан?

– У махлуқнинг ўзи-ку, – бу жумла қўққисдан оғзимдан чиқиб кетди.

Ойим менга маъюс кўзларини тикди.

– У даҳшатли ҳалокатга йўлиққан бир инсон. Ҳалиги ном билан яна бир атаб кўр-чи. Айтгин-да, нима юз беришини бир кўр.

Бир муддат ўтиб, Талия билан мен икки ён томони тош деворли чағиртош йўлкадан юриб борардик. Йўловчилар (ёки, худо асрасин, мактабдагилардан биронтаси) бизни бирга деб ўйламаслиги учун мен ундан уч-тўрт қадам илгари кетиб борардим. Худога шукур, Талия менга етиб олишга уринмади ҳам. Йўлимизда бозордан қайтаётган офтобда қорайган ҳорғин деҳқонлар ўтиб борарди. Қўпчилиги таниш деҳқонлар бўлса-да, мен бошимни эгиб олиб, кўзларимни ерга тикиб ўтиб борардим.

Талияни соҳилга олиб бордим. Баъзан ўзим бориб турадиган, бошқа соҳиларга нисбатан кезув-

чилар кам учрайдиган тошлоқ соҳилни танлаган эдим. Океаннинг гулдураб тошларга урилишини кузатиб, алламаҳалгача сўзсиз ўтирдик.

– Яхшиси, бўлди қил, – деди Талия.

Мен сал нарида турган эски пақир ичини мўлжаллаб тош ирғитаётган эдим. Эҳ, бўлмади!

– Нима?

– Ўзингни кўрсатаверма, дейман. Ортиқ тоқат қила олмайман.

Шамол унинг сочларини ўйнар, Талия эса юзидаги ниқобини пастга тортарди. Ажаб, бу қиз кунда шамол эпкинни ниқобни юзидан юлқиб олиб, фош бўлиб қолиш қўрқуви билан яшайдими? Мен лом-мим демадим. Яна бир тошни ирғитдим. Бу гал ҳам мўлжалга тегмади.

– Сен аҳмоқсан, – деди Талия.

Бир оз ўтиб, у ўрнидан турди. Мен ўзимни қоладигандай кўрсатдим. Сўнг елкам оша қараб, унинг юқорига йўл олганини кўрдим. Апил-тапил пойабзалимни кийиб, унинг ортидан жўнадим.

Уйга қайтганимизда ойим ошхонада окра¹ тўғрар, Мадалина эса тирноғини бўяб, сигарет чекар, ликопчага босиб, кулини туширарди. Бувимдан ойимга мерос қолган чинни сервисдаги ликопчага кўзим тушиб, қўрқувданми жунжикиб кетдим. Бу чинни сервис уйимиздаги ягона қимматбаҳо буюм ҳисобланиб, ойим уни жойидан дейрли силжитмас эди.

– Оҳ, мана улар! – хитоб қилди Мадалина. – Хўш, қандай бўлди?

– Биз соҳилда ўйнадик, – деди Талия.

– Қизиқ бўлдими?

– Вақтимиз чоғ ўтди, – деди Талия.

Ойим бир менга, бир Талияга ишонқирамай қаради, аммо Мадалинанинг чехраси ёришиб кетганди.

¹ Ўтсимон ўсимлик

– Жуда соз! Мана энди сиз иккалангиздан ташвишланмасам ҳам бўлади, – деди у.

Шу кундан бошлаб Талия иккаламизни ўз ихтиёримизга қўйиб қўйишди. Биз оролни «тадқиқ қилиб чиқишимиз», соҳилда ўйнашимиз керак эди. Ойим ҳар биримизга алоҳида сендвич тайёрлаб, қопчага жойлар, биз эса нонуштадан сўнг жўнаб кетардик.

Кўздан йироқ бўлган заҳоти икки томонга айрилиб кетардик. Соҳилда мен ё сузар ё эгнимдагини ечиб олиб, тошларга ястанардим. Талия эса чиганоқ теришга тушиб кетар, ёки бўлмаса, катта-катта хавфли тўлқинлар оралаб, тошдан-тошга сакрарди.

Бир куни шаҳарча томон сандирақлаб кетдим. У ерда жаноб Руссос исмли бир бева киши соҳиблик қилувчи чоғроққина антиквар буюмлар дўкони бор эди. Дўкон ойнасида 1940 йилларга мансуб ёзув машинкасидан тортиб, флюгер, кўҳна стул, катта мум шамгача – исталган буюмингизни топишингиз мумкин эди.

Бир ойча аввал дўкон пешойнасида занг тусли, униққан чарм ғилофи устига қўндирилган фотокамерага кўзим тушганди.

Ҳар икки-уч кунда айланиб, дўконга борар, камерага боқиб туриб ўзимни Ҳиндистонда, чарм ғилофни бўйнимга осиб *National Geographic* журналида кўрган шоли пайкаллари чой плантацияларни суратга олаётганимни тасаввур қилар эдим.

Ҳали туяга мингашиб, ҳали чанг қоплаган аллақандай фургонда, ҳали яёв жазирама тафтини мардонавор қарши олар, Сфинксу Пирамидаларга тикилар, уларни суратга тушириб, ўша суратларни журналларнинг ярқироқ саҳифаларида кўрар эдим.

Гарчи бир кунга ёпиқ бўлса-да, ўша тонг мени жаноб Руссос дўконига етаклаган ҳам шу фотока-

мера эди. Ташқаридан туриб, пешонамни ойнага тираб хаёл сурардим.

– Қандай тури экан?

Бир оз ўзимни орқага олиб, ойнада Талиянинг аксига кўзим тушди. У чап ёноғига дастрўмолча босганча турарди.

– Камерани айтяпман.

– Мен елка қисдим.

– СЗ Argusга ўхшайди, – деди у.

– Қайдан биласан?

– Бу сўнгги ўттиз йиллар ичидаги энг зўр ўттиз беш миллиметрли камера, – деди у. – Аммо ҳадеб қарайверишга арзимайди. Кўриниши бесўнақай. Фишга ўхшайди. Демак, сураткаш бўлишни истайсан? Катта бўлганинда? Ойинг шундай деди.

– Мен бурилиб қарадим.

– Ойим айтдим сенга?

– Ҳа, нима?

Ойим бу мавзуни Талия билан муҳокама қилганини эшитиб ўнғайсизландим. Қизиқ, нима деб айтган бўлса? *«Маркос ер юзини айланиб чиқиб, уни камераси билан забт этмоқчи.»*

Кун иссиқ эди. Кўчада зўрға юриб бораётган бир жуфт қарияни олмаганда, айтарли ҳеч бир зор кўринмас эди. Ўтаётиб улар менга қўл силкишди, мен ҳам уларга қўл силкиб қўйдим. Улар Талияни пайқаб, бир зум тўхтаб қолишганини, сўнг яна йўлларида давом этганларини кўрдим.

– Камеранг борми? – сўради Талия.

– Йўқ.

– Ҳеч суратга олганмисан?

– Йўқ.

– Шунда ҳам сураткаш бўлмоқчисан?

– Нима, бу сенга ғалати туюлаяптими?

– Бир оз.

– Демак, мен полициячи бўлмоқчиман, десам, бу ҳам сенга ғалати туюладими? Умримда ҳеч кимсага кишан солмаганим учунми?

Унинг нигоҳи юмшагани кўриб, ана ҳозир жилмайиб юборади, деган бўлардингиз.

– Шундай қилиб, ақлли аҳмоқман, дегин, – деди Талия. – Сенга бир чимдим маслаҳат: ойимнинг ҳузурида камерани тилингга олма, акс ҳолда, у камерани сен учун сотиб олади. У инсонларни мамнун қилишни ниҳоятда ҳуш кўради. Аммо Оделиянинг буни ёқлашига шубҳам бор. Буни аллақачон биласан, чамамда.

Унинг шундай қисқа муддатда барини тушуниб олганини кўриб, бир таъсирлансам, бир ўнғайсизланардим. Бу қадар кузатувчан бўлишнинг сабаби ниқобдир балки, деб ўйладим.

– Ойинг уни қайтиб беришингга мажбур қилиши аниқ.

Мен хўрсиниб қўйдим. Рост, ойим бу каби мукофотларга изн бермайди, айниқса, пул билан боғлиқ бўлса.

Талия оёққа қалқди. Кийимидаги чангни қоқиб, сўради:

Сўрасам майлими, уйингда қути топиладими?

Мадалина ошхонада ойим билан вино ҳўплаб ўтирар, Талия билан мен эса юқорида пойабзал қутисини қора рангга бўяб ётардик. Пойабзал қутиси аслида Мадалинага тегишли бўлиб, ичида бир жуфт яп-янги пошнаси баланд яшил туфли бор эди.

Пастдан Мадалинанинг баланд-баланд овози келар эди.

Қутини иккинчи бўёқдан чиқардик, аммо Талия бирон жойи очиқ қолиб кетмаслиги учун уни уч марта бўяшимиз керак, деди. Қора бўёқ силиқ ва ниҳоятда бенуқсон бўлиши керак эди.

– Камера шундай бўлади, – деди Талия. – Ёруғликни ўтказувчи тешиги бор қора қути ва ёруғликни ютадиган бирор нарса. Менга игна бер.

Унга ойимнинг игнасини узатдим. Мени қўла бола камерадан бирон иш чиқишига ҳеч кўзим етмасди. Бир пойабзал қутисию бир дона игна, холосми? Аммо Талия бу ишга шунчалар ишонч билан киришиб кетганидан, хонани тарк этишимнинг имкони йўқ эди.

– Мен баъзи нарсаларни ҳисоблаб чиқдим, – деди у эҳтиёткорлик билан игнани қутига суқар экан, – Лупасиз кичик юзада тешикча оча олмаймиз, қути жуда узун. Аммо кенглиги тўғри келади. Бу ишни калити – мувофиқ ўлчамдаги тешикчани оча билишдир.

Пастда Мадалинанинг баланд овози пасайиб, гўнғир-гўнғирга айланди. Унинг нималарни айтаётганини эшита олмасам-да, айта оламанки, у одатдагидан кўра секин сўзлай бошлаган эди.

Гаров ўйнайман, у Андреас ҳақида сўзлаяпти, – деди Талия бепарво. – Улар қаттиқ жанжаллашиб қолганди. Менга тасма билан қайчини узатиб юбор.

– У ўзи қандай одам?

– Ким? Андреасми? Яхши одам. Кўп саёҳат қилади. Уйда бўлганида ҳамиша атрофида одамлар қуршалган бўлади. Муҳим кишилар – министрлар, генераллар, шунга ўхшаш. Камин ёнида ўтиришиб кўпинча сиёсат, бизнес тўғрисида суҳбатлашадилар. Уларни хонамдан эшитардим. Андреаснинг ёнида одам бўлганида мен юқорида бўлишим, пастга тушмаслигим керак эди. Аммо у мен учун харидлар қилади. Уйга келиб менга сабоқ бериши учун ўқитувчи ёллаган. Менга жуда яхши муносабатда.

Талия қаттиқ қоғоздан кесиб, қора тусга бўялган тўғрибурчакли қисмни тешикча устига ёпиштирди.

Пастда жимлик чўкканди. Мен манзарани ҳа-
ёлимда жонлантирдим. Мадалина паришон ҳол-
да дастрўмолчасини ўйнаб, сассиз кўз ёш тўкар-
ди. Ойим ўзининг ҳузурда кўз ёш тўкишларига
тоқат қила олмасди. У йигини ожизлик белгиси
деб билар, бунга ўзи ҳам асло йўл қўймас эди. Уни
овутишларини хушламасди. Дард пинҳон бўлиши
лозим, уни кўз-кўз қилиш номаъқуллик дер эди.
Бирда, гўдаклигимда отам қазо қилганида йиғла-
ганмисиз, дея ундан сўраган эдим.

– *Дафн маросимидами? Йўқ, йиғламаганман.*

– *Хафа бўлмаганингиз учунми?*

– *Бу ўзгаларга оид дард бўлмагани учун.*

– *Мен ўлсам, йиғлайсизми, ойи?*

– *Кел, бундай бўлмаслигига умид қиламиз.*

Талия сурат олишга мўлжалланган бир қути
қоғозни олиб, буюрди:

– *Фонарни ол.*

Биз ойимнинг жавонига кўчиб ўтдик. Эшигини
зич ёпиб, ёруғ кирмаслиги учун тагини сочиқ би-
лан бекитдик. Ниҳоят зимзиё бўлгач, Талия менга
бир неча қават қизил целлофан билан қопланган
фонарни ёқишимни айтди. Талия сурат қоғозидан
кесиб, пойабзал қутиси ичига – тешикча рўпара-
сига жойлаштирар экан, хира ёруғда унинг фақат
нозик бармоқлари кўринар эди, холос. Сўнг қути-
нинг оғзини ёпиб, тешикчани ҳам қопқоқ билан
қоплади.

Эртага илк суратингни туширишга муваффақ
бўласан, – деди у қоронғилик қўйнидан.

У масхара қиялпими ё йўқми, билиб бўлмасди.

Соҳилни танладик биз. Қутини тош устига жой-
лаштириб, арқон билан яхшилаб маҳкамладик.
Талия ёнимда туриб, қутига худди видеоқидирув
орқали қараётгандек назар ташлади.

– Ажойиб кадр, – деди у.

– Ҳа. Аммо бизга объект керак.

У менга қаради, қаради-ю мен нимани назарда тутаётганимни фаҳмлаб:

– Йўқ. Мен бундай қилмайман, – деди.

Биз узоқ тортишдик, ниҳоят Талия юзини кўрсатмаслик шарти билан рози бўлди. Оёғидагини ечиб, камерадан бир оз нарига юрди. Тошлардан бирига чўкиб, ғарб томон юзланди. Ниқобининг тасмалари кўриниб қолмасин деб сочларини ёйиб олди. Сўнг елкаси оша менга қараб:

– Унутма, бирдан йигирмагача сана, – дея бақирди.

Кейин яна юзини денгиз томон буриб олди. Мен тешикча устидаги қопқоқни кўтариб, санай кетдим.

Бир... икки... уч... тўрт... беш...

Биз ётоқда узанган эдик. Телевизор экранида икки нафар аккордеон чалувчи беллашарди, би-роқ Жанна телевизорнинг овозини сўндириб қўйган эди. Атрофда сочилиб ётган қоғозлар орасида Жаннага кўрсатганим – сўнгги бир ярим йил ичида қилган саёҳатларим суратлари ҳам бор эди. Белфаст, Монтевидео, Танжер, Марсель, Лима, Техрон.

– Сен қанисан? – сўради Жанна. – Бу суратларда сен йўқ-ку.

– Мен камера ортида бўлишни хуш кўраман, – дедим.

Бу рост гап. Мен юзлаб суратлар олдим, аммо ҳеч бирида мени топа олмайсиз. Ҳамиша суратларни икки дондан ишлашни буюриб, бирини ўзимда сақлар, иккинчисини эса уйга – Талияга жўнатар эдим.

Жанна саёҳатларим харажатларини қандай қоплашимни сўраганида, мерос қолган пуллардан

ишлатишимни айтдим. Бу қисман тўғри эди. Аммо мерос менга эмас, Талияга тегишли эди. Аниқ сабабларга кўра, Андреаснинг васиятномасида тилга олинмаган Мадалинадан фарқли ўлароқ, Талияга тўхтаб ўтилган эди. У пулининг ярмини менга берди.

Саккиз... тўққиз... ўн...

Жанна сигарет тутатди. Мен уни куни кеча Испания майдонида¹ учратган эдим.

– *La tua ragazza?*² – сўради Жанна.

Ўн йилларча аввал қўлбола камерада туширганим – Талиянинг соҳилда тушган суратини топиб олганди.

– Йўқ, – дедим мен.

– Синглингми?

– Йўқ.

– Амакиваччанг, si?

Мен бош чайқадим. У сигаретидан тез-тез тортиб, яна бир оз суратни томоша қилиб турди.

– Йўқ, – деди у кескин, ҳатто бир оз жаҳл отига ҳам миниб, – *Questa è la tua ragazza!*³ Севган қизинг, аниқ, сен ёлгончисан.

Сўнг чақмоқтошни ёқиб, оловни суратга яқинлаштирганини кўриб кўзларимга ишонмадим.

Ўн тўрт... ўн беш... ўн олти... ўн етти...

Саёҳатдан автобуслар шоҳбекатига қайтаётиб, йўлнинг ярмида суратни тушириб қўйганимни пайқаб қолдим. Уларга ортга қайтишим кераклигини айтдим. Бошқа чора йўқ эди, қайтишга мажбур эдим. Бизнинг норасмий йўлбошчимиз бўлган чайирдан келган, камгап чилилик Альфонсо Гари-

¹ Рим марказидаги майдон.

² Севган қизингми?

³ Севган қизинг!

га саволомуз боқди. Гари америкалик йигит. У учлигимизнинг бошчиси эди.

Мен бу иккала йигитни Сантьягодаги гавжум бир барда учратган эдим. Олти қур *piscoladan*¹ сўнг, Альфонсо отаси болалик чоғларида уни доим олиб борадиган Сальто-дель-Апокуиндодаги шаршарага боришни таклиф қилди. Эртаси куниёқ саёҳатни уюштирдик, тунни ўша шаршара ёнида ўтказдик. Ҳозир эса автобусга улгуриш учун Сан-Карлос-де-Апакуиндога қайтаётгандик.

Гари шляпасини бир оз ортга суриб, дастрўмолчаси билан пешонасини артди.

– Бу яёв уч соатлик йўл дегани, Маркос, – деди у.

– *Tres horas, hágame comprende?*² – хитоб қилди Альфонсо.

– Биламан.

– Шундай бўлса ҳам, қайтмоқчисан?

– Ҳа.

– *Para una foto?*³ – сўради Альфонсо.

Мен бош ирғадим. Ортиқча гапирмадим, чунки улар бари бир тушунмас эди. Менинг ўзим ҳам бунни тушунаётганимга ишончим комил эмас, аслида.

– Адашиб қолишинг ҳам мумкинлигини биласан-а? – сўради Гари.

– Эҳтимол.

– Унда омад ёр бўлсин, *amigo*⁴, – қўл узатди Гари.

– *Es un griego loco*⁵, – деди Альфонсо.

Мен кулдим. Биринчи бор «телба юнон» деб атаётганлари йўқ эди мени. Биз қўл сиқишдик. Мен келган йўлимиздан ортга қайтдим. Бу тўрт соат вақтимни олди, чунки Гари тахмин қилгани-

¹ Чилининг машҳур миллий ичимлиги.

² Уч соат, англаб етмадингми?

³ Бир сурат учунми?

⁴ Дўстим

⁵ Бу телба юнонни қаранг.

дек, адашиб қолган эдим. Қўнган жойимизга етиб келганимда, ўлгудек ҳориган эдим. Бутун атрофни титкилаб чиқдим, буталар орасини, тошлар орасини синчиклаб қарадим. Энди тақдирга тан беришга тайёр турганимда, қияликда ўсган бир туп бута орасида оқиш бир нарсага кўзим тушди. Сурат маймунжон ғужжасида тиқилиб ётганди. Уни секин чиқариб олиб, чангини қоқдим. Енгил тортиб, кўзларимда ёш ялтиради.

Йигирма уч... йигирма тўрт... йигирма беш...

Каракасда кўприк остида тунадим. Брюсселда ёшлар ётоқхонасида. Баъзан каттахаржлик қилиб, шинамгина меҳмонхонага жойлашар, иссиққина душда узоқ қолиб, ювиниб-тараниб, чўмилиш халатида таом қабул қилардим. Рангли телевизор томоша қилардим.

Шаҳарлар, йўллар, қишлоқлар, одамлар – учратганларимнинг ҳамма-ҳаммаси кўз олдимда чир айлана бошлади...

Ўттиз тўрт... ўттиз беш... ўттиз олти...

Ҳиндистондаги тўртинчи куним. Қаровсиз сизирлар оралаб тупроқ йўлдан гандираклаб кетиб бораман, ер оёқларим остида гир айланар эди. Кун бўйи қайт қилиб юрдим. Ортиқ юра олмай қолгач, йўл ёқасида ётиб қолдим. Йўлнинг нариги бетида бир қария катта пўлат қозонда ниманидир қўзғар, ёнида қизил-кўк тусли тўтиқуш солинган қафас кўзга ташланарди. Қоп-қора сотувчи бола бир арава бўш шишани суриб, ёнимдан ўтиб кетди. Ёдимда қолгани шу.

Қирқ бир... қирқ икки...

Кенг хонада кўзимни очдим. Ҳаво иссиқнинг зўридан ва яна канталупага¹ ўхшаш ниманингдир

¹ Қовун нави

айниган исидан димиқиб кетганди. Мен каравот-да, қоғоздек юпқа тўшак устида ётар эдим. Хона меникига ўхшаш каравотларга лиқ тўла. Бемажол ёнга осилган қўлларга, чойшаб устидаги чўпдек ориқ қора-қура оёқларга кўзим тушди. Ёнгинамда жойлашган дарчадан куннинг ҳовури ёғилиб, қуёшнинг ўткир тиғи кўзга қадаларди. Қўпол ва жаҳддор тиббий ходим – Гул гепатитдан ўлиб қолишим мумкинлигини айтди.

Элик беш... элик олти... элик етти...

Ундан юк халтамни сўрадим.

– Яна қанақа юкхалта? – деди Гул бепарво.

– Ҳаммаси – кийимларим, китобларим, пулларим, камерам – ҳаммасидан айрилган эдим.

– Талончининг сенга қолдириб кетгани фақат мана шу, – деди Гул дераза токчасига имо қилиб.

Сурат. Уни қўлимга олдим. Суратда Талиянинг сочлари ҳилпираб, атрофини ўраб турган тўлқинлар мавжланиб оқарди. Томоғимга нимадир тикилди. Бу ерда ундан олисда, бегона инсонлар орасида ўлиб кетишни истамас эдим.

Тўқсон икки... тўқсон уч... тўқсон тўрт...

Мен гепатитни енгдим. Қизиқ, Гулнинг ноҳақ эканлигини исботлаганим уни хурсанд қилдими, йўқса ранжитдими, айтиб бўлмасди. Аммо у ерда кўнгилли сифатида қолишимга рухсат сўраганимда, ҳайратга тушганини пайқаш қийин бўлмади. У иягини кўтариб, қовоғини уйди. Мен бошқа бир каттароқ ходимдан сўраб кўриш мақсадида гапни қисқа қила қолдим.

Бир юз ўн тўққиз... бир юз йигирма...

Камеранинг қопқоғини туширдим.

Поёнига етаёзган ўша ёз бир оқшом Мадалининг Афинага отланаётганини, Талияни эса қисқа муддатга бизникида қолдириб кетаётганидан хабар топдим.

– Бир неча ҳафтага, холос, – деди у.

Тўртталамиз ҳам дастурхон бошида, ойим билан Мадалина тайёрлаган емакдан тотиниб ўтиргандик. Мен Мадалининг бу янгилigidан эсанкираб қолган ёлғиз менмикан, дея, стол оша Талияга разм солдим. Талия бамайлихотир овқатланиб ўтирар эди. Мадалина фильмни олиш ишлари тугагач, Талияга одам жўнатишини айтди.

– Аслида, барчангизни Афинага олиб бораман, – деди у, чеҳраси одатдагидек гул-гул ёнар экан. – Фильм намойишига ҳам биргаликда борамиз. Бу ажойиб эмасми, Маркос? Биз – тўрталамиз, ясашиб, театрға рақсга тушиб кириб борсак!

Мен «Ҳа», дейишга дедиму, ойимнинг муҳташам либосда бирон жойға рақсга тушиб кириб бораётганини тасаввур қила олмадим.

Мадалина мактаб очилгач Талиянинг бирон ҳафта дарсни уйда олиши (албатта, ойимдан) нақадар ажойиб бўлишини тушунтира кетди. Мактублар, фильмдан олинган суратлар жўнатишини айтди. У яна кўп нарсалар деди, аммо қулоғимга кирмади. Ҳис қилганим эса – ниҳоятда енгил тортиб, бошим тинмай айланарди. Ёзнинг ниҳоясига етиши мени қўрқувга солиб, ҳар ўтган кун тобора яқинлашаётган видолашувга ўзимни тоблаб бораётган эдим. Бу вақтга келиб ҳар тонг дастурхон бошида Талияни кўриш иштиёқи билан уйғонар эдим. Биз нонушта қилар-қилмас, кўчага отилар, қош қорайгунча ўйнар эдик. Қўлбола камерамиз билан шамол тегирмонларини, каптархоналарни суратга олиб, жаноб Руссосга олиб борар, у эса суратларни ишлаб берарди.

Мадалинининг «эълон»идан сўнг ўша оқшом ойим билан дугонаси пастда – ошхонада бир шиша винони баҳам кўришар, биз – Талия иккаламиз эса юқорида ўйнаб ўтирар эдик.

– Унинг хуштори бор, – деди Талия тошни айлантирар экан.

– Кимнинг?

– Кимнинг? Кимнинг деб ўйлайсан? – деди у.

Ўтган фурсат мобайнида мен Талиянинг кўзларига қараб, ундаги ифодани ўқий оладиган бўлган эдим. Ҳозир эса у менга ўзим соҳилда туриб олиб, сув қани деб сўраганим каби қарарди.

– Биламан, кимнинг эканлигини, – дедим ёноқларим чўғдек ёниб. – Мен ҳалиги... биласан... ким...

Ўшанда бор-йўғи ўн икки яшар болакай эдим. Менинг луғат бойлигимда «хуштор» деган сўзлар йўқ эди-да.

– Биласанми, ким? Режиссёри.

– Мен ҳам шундай демоқчи бўлиб тургандим, – дедим.

– Илайес. Ғалати нусха. Доим сочини 1920 йиллардаги урфдагидек мойлаб, силиқлаб юради. Ингичка мўйловиям бор. Бу билан жуда чиройли кўринаман, деб ўйласа керак. Ўзини буюк артист деб ҳисоблайди. Ойим ҳам, албатта. Сен ойимни бир унинг ёнида кўргин, ойим уялиб, тортиниб, худди у буюк бўлгани учун унга эгилиб, хуш ёқишга уриниб ётади.

– Мадалина хола унга турмушга чиқмоқчимми?

Талия елка қисди.

– Унинг эркаклар борасида диди паст, – деди Талия тошни қўлида силтаб. – Андреасни ҳисобга олмаганда, менимча. У яхши инсон. Ниҳоятда яхши инсон. Ойим эса уни ташлаб кетяпти. У доим пасткашларга ишқи тушиб юради.

– Отанг кабими?

Унинг хиёл қовоғи уйилди.

– Менинг отам бутунлай ёт одам бўлган, уни ойим Амстердамга кетаётиб учратган. Поезд вокзалида. Бир тушликни бирга ўтказишган. У одам ким эканлигига ақлим етмайди. Ойимнинг ўзи ҳам билмаса керак.

– Эҳ! Унинг биринчи эри ҳақида бир нималарни айтгани ёдимда. Кўп ичарди, деганди.

– Ҳа, у Дориан бўлса керак, – деди Талия. – У ҳам бир ғалати нусха эди. Тинмай ойимни калтакларди. Тузуккина ўтирган жойида, кўз очиб-юмгунча бўлмай қутуриб кетарди. Об-ҳаво каби тез ўзгарарди феъли. Дориан жон-дили билан севган ягона жонзот бу – Аполло эди. Қўшни болааларнинг бари бу итдан ниҳоятда қўрқар эдилар. Ниҳоятда камчилиги Аполлонинг ўзини кўрган эди. Одатда унинг ҳурганини эшитардилар, холос. Шунинг ўзи улар учун кифоя эди. Дориан уни орқа ҳовлида занжирда сақларди. Уни барра қўзи гўшти билан боқарди.

Талия жим бўлиб қолди. Аммо етарлича яхши тасаввур қилгандим буни.

– Дориан чиқиб кетган. Ит эса бўшатиқлик ҳовлида кезиниб юрган. Эшик очиқ қолган.

– Неча ёшда эдинг? – сўрадим мен паст овозда.

– Беш.

Сўнг мен ёз бошидан бери миямда айланиб юрган саволни бердим.

– Бирон бир йўли йўқ эканми... ҳалиги...

Талия нигоҳини олиб қочди.

– Сўрама, илтимос, – деди у офир азобдан қийналиб. – Бу жонимга озор беради.

– Кечир, – узр сўрадим мен.

– Бирон кун айтиб бераман.

Сўз берганидек, бир куни бу ҳақда сўзлаб берди. Пала-партиш қилинган операция, операциядан

сўнг ярага инфекция тушиб, қонга ўтиб кетгани, бутун танани заҳарлагани, буйрагининг ёпилиб қолгани, бундан жигари зарарланганию яна бошқа операция столида ўтказилгани, жарроҳлик чап ёноғи билан жағининг бир қисмидан қолганини ҳам кесиб йўқ қилишгани – барини сўзлаб берди. Булар сабаб Талия салкам уч ой шифохонада ётган, ўлишига бир баҳя қолган экан. Шундан сўнг, Талия унга қайта тегинишларига йўл қўймабди.

– Талия, – дедим мен, – биринчи учрашганимиздаги воқеадан афсусдаман.

У нигоҳини менга қаратди. Яна ўша ўйноқи ифода жилваланарди.

– Афсусланишинг керак, албатта. Мен полга қайт қилиб юборишингдан анча олдин билган эдим.

– Нимани билган эдинг?

– Сенинг тентаклигингни.

Мадалина мактаб очилишига икки кун қолганда жўнаб кетди. Тинос шаҳарчасидаги кемалар портида ҳаммамиз билан қучиб хайрлашди. Талияни бағрига маҳкам ва узоқ босиб турди. Лабларини қизининг сочларидан узмай турарди. Кўзойнагини эса асло кўзидан олмади.

– Қуч мени, – деди у шивирлаб.

Талия мажбуран уни қучоқлади.

Паром оғир хўрсиниб, ҳаракатга тушганида Мадалина кеманинг қуйруқ қисмидан туриб, бизга қўл силтаб, ҳаводан бўсалар юборади, деб ўйлаган эдим. Аммо у жойига бориб ўтирдию, бир бора ҳам ортига қайрилиб қарамади.

Уйга қайтганимизда ойим Талия иккаламизга ўтиришимизни буюрди. Ўзи эса қаршимизда тик туриб:

– Талия, энди мана бу нарсангни уйда тақиб юришга мажбур эмаслигингни билишингни истар-

дим, – деди. – Мен учун ё Маркос учун эмас, шунчаки сенга маъқул келса, шундай қил. Бу мавзуда бошқа айтадиганим йўқ.

Ўшандагина ойим нима деганига тушуниб етдим. Ниқоб Мадалинанинг фойдаси учун экан. Уни хижолатдан, уятдан асраш учун.

Талия узоқ фурсат на бир ҳаракат қилди, на бир жумла сўз айтди. Сўнг қўллари оҳиста кўтариб, бошининг ортига ўтказиб боғланган тасмани ечди. Секин ниқобни туширди. Мен тўғри юзига кўз ташладим. Беихтиёр сапчиб юборай дедим. Аммо ўзимни тутдим. Нигоҳимни олмадим.

Ойим Мадалина келгунига қадар Талия уйда ёлғиз қолмасин, дея мени ҳам уйда ўқитадиган бўлди. Бизга кечки овқатдан сўнг дарс берар, уй вазифаларини эса ўзи мактабга кетган пайт, кундуз куни бажариб қўйишимизни буюрар эди.

Аммо дарсларимизни қилиш, айниқса, ойим уйда бўлмаганида, бениҳоя имконсиз эканлиги билиниб қолди. Талиянинг нуқсони ҳақидаги гап-сўзлар бутун орол бўйлаб ёйилган, одамлар қизиқувчанлигидан ёниб-куйиб, эшигимизни тақиллатиб кела бошлади. Бутун бир оролда тўсатдан ун, саримсоқпиез, ҳатто туз тугаб қолибди-ю, булар ёлғиз бизнинг уйимиздан топиш мумкин деган ўйга борардингиз гўё.

Остонада туриб олиб, елкам оша нигоҳлари кезарди. Оёқ учида туриб, ҳадеб бўйинларини чўзишгани-чўзишган эди. Баъзилар ҳатто қўшнилари ҳам эмас эди. Улар бир пиёла шакар учун неча чақирим босиб уйимизга келиб-кетарди. Албатта, мен уларнинг ҳеч бирини уйга қўймасдим. Уларнинг юзига қарс этиб эшикни ёпиб қўйишдан қандайдир қаноат ҳосил қилардим.

Болалар эса анчайин журъатлироқ эдилар. Кунда девордан ошиб ўтган бирини ушлаб олардим.

Биз уйда дарс қилиб ўтирар, Талия ручкаси билан елкамга уриб турган чоғ, шундай юзимни деразага бурсам, ё кимдир қараб турган, ё бўлмаса, ойнага юзини босиб турган бўларди. Биз пардаларни ёпиб, юқорига чиқиб кетишга мажбур бўлардик.

Бир куни эшикни очсам, остонада мактабдаги Петрос билан унинг уч нафар оғайниси турибди. У биргина қараб олиш учун менга бир ҳовуч танга тутқазди. Кўнмадим, нима бу ер унга ҳайвонот боғимиди?

Охир-оқибат ойимга айтишга мажбур бўлдим. Мени тинглар экан, ойимнинг юзига қизиллик югурди. Тишларини ғижирлатди.

Эртаси куни эрталаб ойим стол устига китобларимиз билан бир жуфт сэндвични тайёрлаб қўйган эди. Талия гап нимада эканлигини мендан ҳам олдинроқ пайқаб, япроқ каби титради. Уйдан чиқиш фурсати етгач, унинг қаршилиги бошланди.

– Йўқ, Оди хола.

– Менга қўлингни бер.

– Йўқ. Ўгинаман.

– Кетдик. Бер қўлингни.

– Боришни хоҳламайман.

– Биз кеч қоляпмиз.

– Мени мажбурламам, Оди хола.

Ойим унинг қўлидан тортиб, ўриндиқдан турғазди ва менга таниш ўша нигоҳ билан Талияга тикилди.

– Талия, – деди у ҳам юмшоқ, ҳам қатъий оҳангда. – Мен сендан уялмайман.

Учаламиз кетиб борардик. Ойим лабларини қимтиб олган, худди қақшатқич бўронни ёриб ўтаётгандек олдинга отилган, қадамлари илдам эди. Мен ўн йилларча аввал Мадалинанинг қўлидан тутиб, отасининг уйига йўл олган ҳолатини тасаввур қилдим.

Ўтиб борар эканмиз, одамлар бақрайганча қолар, нафаслари ичига тушиб кетганди. Тўхтаб олиб қарашарди. Баъзилар қўллари билан бигиз қилиб кўрсатишар, аммо мен қарамасликка ҳаракат қилардим.

Мактаб ҳовлисида ўқувчилар иккига ажралиб, бизга йўл очишди. Қизларнинг баъзилари қичқириб юбордилар. Ойим уларни ёриб ўтиб, ҳовли бурчидаги ўриндиқ ёнига борди. Устига чиқиб, Талияни ҳам ёнига тортиб чиқарди. Мактаб ҳовлиси сув қўйгандек жимжит бўлиб қолди.

– Бу қиз – Талия Гианакос, – қичқирди ойим. – Бугундан биноан Талия ҳам шу мактабнинг ўқувчиси ҳисобланади. Барчангиздан унга одоб доирасидан чиқмай, яхши муносабатда бўлишингизни кутиб қоламан. Биронтангизнинг уни масхара қилаётганингиз қулоғимга чалинса, ўша заҳоти сизни топиб, афсусланишингизга мажбур қиламан. Бу қўлимдан келишини барчангиз биласиз. Бу мавзуда бошқа гапим йўқ.

У ўриндиқдан тушиб, Талиянинг қўлидан тутди-да, синфхона томон йўл олди. Шу кундан бошлаб, Талия уйда ҳам, одамлар ҳузурда ҳам ниқобини тақмай қўйди.

Ўша йили Рождествога икки-уч ҳафта қолганида Мадалинадан мактуб олдик. Фильмни суратга олиш ишлари кутилмаганда ортга сурилибди. Дастлаб бош кинооператор (Мадалина БКО деб, ёзган экан, Талиянинг ойим иккаламизга бу қисқартмани изоҳлашига тўғри келди) тахта супадан йиқилиб тушиб, уч жойидан суяги синибди. Кейинги гал эса об-ҳаво туфайли қолдирилибди.

– У келмоқчи эмас, – деди Талия руҳсиз, мактубни ойимга узатар экан.

– Шубҳасиз, – дедим мен ҳам эсанкираб.

Мен жила қурса бир-икки оғиз кўнгилни кўта-
радиган бирон нима дер, дея ойимга ўтиридим.
Аммо ойим мактубни буклаб, столга қўйди-ю қаҳва
учун сув қайнатишга қўйди. Мадалина келмасли-
гини билган тақдирда ҳам Талияни юпатмагани
қанчалар ўйловсизлик деб ҳисоблаганим ёдимда.
Билмасдимки, улар аллақачон бир-бирларини мен-
дан ҳам яхшироқ тушуна бошлагандилар. Ойим
Талияни ҳурмат қилар, ёлгон юпанчлар билан уни
ранжитишни истамас эди.

Яшилликларга бурканиб, гуллаб-яшнаб, баҳор
ҳам келиб-кетди. Мадалинадан бир откритка би-
лан шоша-пиша ёзилгандек тасаввур уйғотувчи
мактуб олдик. Бу гал фильм атрофида муаммолар
кўпайиб кетгани, тинимсиз орқага суришлар мо-
лиячиларнинг эътирозига сабаб бўлаётгани каби
гапларни ёзган, аммо келиши ҳақида бир оғиз ҳам
жумла битмаган эди.

Бир куни ёз бошларининг илиқ чошгоҳида, ме-
нимча, 1968 йил эди, Талия билан мен Дори исм-
ли қиз билан соҳилга кетдик. Талиянинг биз билан
яшаётганига ҳам йил тўлган, одамлар ортиқ унга
бақрайиб қарамайдиган бўлганди.

Соҳилдан қайтганимизда ойим ошхонада саб-
зи артиб ўтирарди. Стол устида очилмаган мактуб
ётарди.

– Ўгай отангдан келибди, – деди ойим Талияга.

Талия хатни олиб, юқорига кўтарилди. Узоқ
фурсатдан сўнг пастга тушди. У бир варақ қоғоз-
ни столга қўйди-ю ўтириб, сабзи артишга тушди.

– У менинг уйга қайтишимни хоҳлаяпти.

– Тушунарли, – дедим ойим. Овозида энгил тит-
роқ бордек туюлди.

– Тўғрироғи, уйга эмас. Айтишича, Англияда-
ги бир хусусий мактаб билан боғланибди. Кузда
рўйхатдан ўтишим мумкин экан. Тўловларини ўзи
тўлар экан.

- Мадалина хола нима бўлади? – сўрдим мен.
- У кетди. Илайес билан. Қочиб кетишибди.
- Фильм нима бўлади? – яна саволга тутдим.

Ойим билан Талия бир-бирларига қараб қўйишди, сўнг иккаласи ҳам нигоҳларини менга тикишди. Мен эса уларнинг бу ишни аввалбошданоқ би-лишларини тушундим.

Орадан ўттиз йилдан ошиқ вақт ўтиб, 2002 йил бир тонгида, Афинадан Кобулга отланганим кун газетада Мадалинанинг ўлими ҳақидаги маълумотга дуч келиб қолдим. Унинг фамилияси Коурис деб кўрсатилган, аммо мен суратдаги таниш табассумдан, ёшлик чиройи деярли тарк этмаган бу кексайган чехрани таниб олдим. Қуйироқда унинг 1980 йилларда ёш чоғларида қисқа муддат актрисалик билан шуғулланиб ўтгани ёзилган эди. Унинг эмфизема билан узоқ олишувдан вафот этгани ёзилгандию, аммо фарзандлари ва турмуш ўртоғи борасида ҳеч нима дейилмаган эди.

Кейинчалик Мадалинанинг йигирма йилдан ортиқ Афинада – мендан бор-йўғи олти блок нарида яшаганини билгач, бениҳоя ҳайратга тушдим.

Газетани қўлимдан қўйдим. Не ажабки, ўзим ўттиз йилдан зиёд кўрмаганим бу марҳумага нисбатан қандайдир тоқатсизлик туйдим. Воқеанинг бундай тус олиши кўнглимда аламга тўла ғалаён кўтарди. Мен доим уни ибтидолар, орзуларнинг пучга чиқиши, афсус-надомату умидсиз муҳаббатларга тўла нотинч ва телба ҳаёт кечираяпти, дея тасаввур қилар эдим. Кўнглимнинг бир парчасида унинг ўзи ҳам ҳаётининг шундай кечилини аввалдан билган, шу сабабли ҳам Талияни бу озорли ҳаётдан қутқариш мақсадида Тиносга қолдириб кетган, деган ишонч бор эди. Аммо ҳозир ойим каби фикрлаб Мадалинани кўз олдимга

келтирдим: мана у – Мадалина ўтириб олиб ўз келажагининг харитасини чизар, дардисар қизини эса харита чегарасидан ниҳоятда чиройли тарзда чиқариб юбораётир.

Газетани улоқтириб юбордим. Талия онасининг ўлиmidан хабар топган тақдирда ҳам, мен орқали хабар топмайди.

Ойим стол устидан сабзи пўчоқларини пичоқ билан сидириб олиб, товоқчага солди. У озиқ-овқатни исроф қилганларни ёмон кўрарди. Ўзи эса пўчоқлардан қиём тайёрларди.

– Хўш, Талия, сен муҳим қарор қабул қиляпсан, – деди у.

Талия мен томон бурилиб:

– Сен нима қилган бўлардинг, Маркос, – дея мени тонг қолдирди.

– Оҳ, мен унинг нима қилишини биламан, – деди ойим ҳозиржавоблик билан.

– Борар эдим, – жавоб бердим мен ойимга қараб туриб.

Албатта, шундай қилган бўлардим. Талиянинг иккиланиб турганига ақлим бовар қилмасди. Мен бу имкониятни қўлдан чиқармаган бўлардим. Хусусий таълим. Яна Лондонда.

– Бу ҳақда ўйлаб кўришинг лозим, – деди ойим.

– Аллақачон ўйлаб бўлдим, – деди Талия тарадудланиб. Сўнг ойимнинг кўзларига нигоҳ ташлар экан, янада кўрқа-писа сўзлади: – Қабул қилишни истамайман.

Ойим қўлидан пичоқни қўйди. Сезилар-сезилмас тин олгани эшитилди.

– Мен ёқлайман. Албатта, ёқлайман.

Талия жон ҳолатда столи айланиб ўтиб, ойимнинг билагидан тутди.

– Раҳмат сизга, Оди хола!

– Хато, деб ўйлайман, – дедим мен. – Иккалангиз ҳам хато қиляпсизлар.

Улар менга қарашди.

– Кетишимни истайсанми, Маркос? – сўради Талия.

– Ҳа, – дедим мен. – Ўзинг биласан, сени жуда соғиниб қоламан. Аммо хусусий мактабни инкор қилмаслигинг керак. Кейинчалик университетга киришинг мумкин. Тадқиқотчи бўлишинг мумкин, олим, профессор, кашфиётчи бўлиб етишишинг мумкин. Ўзинг шуни истамасмидинг? Сен мен билган инсонлар орасидаги энг билимдонисан. Истаган касб эгаси бўлиб етишишинг мумкин ахир.

– Йўқ, Маркос, – деди Талия маъюс. – Бўла олмайман.

Кўп йиллар ўтиб, пластик опрациялар жарроҳи сифатида фаолият бошлаган чоғларим бир пайтлар ошхонада Талиянинг хусусий мактабга кетиши борасидаги баҳсда тушунмаган айрим нарсаларни фаҳмлаб етган эдим. Бу дунё қалбингдагиларни кўрмас экан, бир парча эту устухон остида қолган умид ва орзулару қайғулар борасида тариқча бўлса-да қайғурмас экан. Дунё шундайин содда, шундайин бемаъни ва шундайин бешафқат экан. Менинг беморларим буни яхши билади. Уларнинг кўпчилиги суяк тузилишларининг симметрияси-ю иккала кўз орасидаги масофа, иякларининг узунлигига қарам бўладилар.

Чирой – телба-тескари, тасодифий бериладиган улкан ва ўринсиз тухфа.

Талия каби инсонлар билан рўй берган тасодифларни текислаш учун ҳам, скальпелимнинг ҳар бир дами ёрдамида адолатсизликни бартараф қилиш учун ҳам, биргина ит ҳамласи бир қизалоқнинг келажагини ўғирлай оладиган, уни ташландиққа, ҳазар нишонига айлантирадиган, ўзим диё-

натсиз деб топганим бу дунё тузумига қарши кичик бир устун яшаш учун ҳам шу соҳани танлаган эдим.

Амалиётимнинг ярмини Афинада, ажинларни ёзиб, қошларни кўтариш, беўхшов бурунларга шакл бериш билан ўтказдим. Қолган ярмини эса ўзим чин дилдан истаганим – дунё бўйлаб кезиб, Марказий Америка, Жанубий Осиё, Узоқ Шарқни кезиб, болалар учун ишлашга, тилкаланган лаб ва танглайларни тузатиб, юздаги ўсмаларни олиб ташлаш, жароҳатларни тузатишга сарф қилдим.

Сўнг 2002 йил бошида босниялик Амра Адемовик исми ҳамширадан қўнғироқ келди. Биз у билан бир неча йиллар аввал Лондонда бўлиб ўтган анжуманда танишиб қолган эдик. У менга шу кунларда Кобулда, нотижорий лойиҳада ишлаётгани, пластик операция қилувчи болалар жарроҳи излаб юрганларни айтди. Шу заҳоти рози бўлдим. Уч ойлик муддатга боришни режалаштирдим ва 2002 йил кеч баҳорда жўнаб кетиб, ортиқ қайтмадим.

Талия йиллар мобайнида Тиносда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида менга ёзиб турди. Соҳил бўйи меҳмонхоналар, тунги клублар ва барлар, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи ресторанлар ва савдо расталари, автобуслару гужғон оломон ҳақида ёзиб турди. Оролда қолган саноқли деҳқонларнинг бори ҳам ҳозир эшакларда эмас, терув машиналаридан фойдалана бошлашибди.

– Оди мамнун бўлганлар сарасидан эмас, – дер эди Талия ўзгаришларни назарда тутиб.

– Ўзинг бу ўзгаришларга қаршига ўхшамайсан, – дедим мен.

– Бўлиши муқаррар бўлган ишларни тўхтатиб қолишдан маъни йўқ, – деди Талия. – Оди, «Сен бу ерда туғилмагансан-да, шундай дейсан», дейди. – Сўнг Талия бор овозда кулиб юборди. – Тиносда қирқ тўрт йил яшасам ҳақли бўламан, деб ўйловмидинг.

Талия қўли гул аёл эди. Ён-атрофдагиларнинг уйига бориб, телевизор, эски радиоларини тузатарди. Қўшнилари уни ҳали музлаткич бузилганда, ҳали жўмракдан сув оқа бошлаганда чақириб кетарди. Одамлар қурби етганча тўлашар, қурби етмаган тақдирда ҳам, Талия бари бир тузатиб келаверарди.

«Менинг ростдан пулга эҳтиёжим йўқ, – дер эди Талия. – Шунчаки эрмак учун қиламан буни. Буюмларнинг ичини очиб, қандай ишлаётганини кўриш мени ҳали ҳам завқлантиради.»

Ойимнинг уйига етиб келгач, ҳовли саҳнидаги кекса зайтун ёнида бир муддат туриб қолдик.

– Аҳволи қандай? – сўрадим мен.

– Оҳ, доимгидан ҳам ўтқир. Шу сабабли ҳам манави нарсани ўрнатиб олдим. – Талия томга ўрнатилган сунъий йўлдошга уланган ликопчани кўрсатди. – Хориж сериалларини томоша қилиб ўтирамыз. Бу мени унинг Одининг ўтқир тиканларидан асрайди. – Сўнг эшикка йўналди. – Уйга хуш келибсан! Сенга ейишга бирон нима тайёрлаб бераман.

Яна уйда бўлиш жуда ғалати экан. Меҳмонхонада кулранг чарм ўриндиқ, телевизор ёнида оқ тўқима стол каби нотаниш буюмлар пайдо бўлганди. Ойимнинг Талия билан ўтказган неча йиллик ҳаёти мен учун қоронғи эди. Мен йўқ эдим. Уларнинг кулгиларида, хасталигида, баҳсларида, дастурхон бошида йўқ эдим мен. Болалигим ўтган бу уйга кириб келиш худди неча йиллар аввал бошлаб, поёнига етмай қолиб кетган романни ниҳоялаш каби эди.

– Ойим қаерда?

– Ухлаяпти. Тун безовта бўлган эди.

– Бирровга қараб чиқаман.

– Уйғотиб қўйсанг, менга жавоб берасан, доктор, – деди Талия.

Оёқ учида ётоқхонага кўтарилдим. Хона зимзиё эди. Ҳаво ҳам хасталик туфайли оғирлашганди. Қўзларим кўниксин деб бир муддат остонада туриб қолдим. Сўнг ойим ётган каравот ёнига курси тортиб ўтирдим. Ойимга қараб юрагим аллақандай бўлиб кетди. Унинг қанчалар чўкиб қолганини кўриб, тонг қолдим. Гулдор пижамаси митти елкаси устида ҳилвираб турарди. «Нимани кутган эдинг?» – ўз-ўзимга савол бердим мен. Шу тахлит бир оз ўтириб қолдим.

Каравот оша компьютердаги суратлар алмашди. Баъзиларни кузатиб турдим. Суратлар таниш эди. Уларни ўзим суратга олгандим. Қачон эди-я... дунё кезиб юрганимда, шекилли. Доим икки нусахада чиқариб, бирини Талияга жўнатар эдим. У барини асраб қўйган экан. Шунча йилдан бери асраб келибди. Талия. Меҳрим жўш уриб кетди. У менинг ҳақиқий синглим экан.

Пастдан Талиянинг чақирган овози келди.

Оҳиста ўрнимдан қўзғалдим. Чиқиб кета туриб, деворда соатдан пастда илинган ромли бир нарасага кўзим тушиб кетди. Қоронғида унинг нима эканлигини аниқлай олмадим. Қўл телефонимни очиб, ёруғида илинган буюмни кўздан кечирдим. Бу – Бирлашган Матбуотнинг Кобулдаги мен ишлайдиган нотижорий ташкилот ҳақидаги мақоласи экан. Бу суҳбат ҳали ҳам ёдимда. Мухбир америкалик бир корейс йигит эди. У билан бир лаган афғон палови – қобулийни баҳам кўришгандик. Мақола ўртасида гуруҳ бўлиб тушган суратимиз. Мана мен, болалар, орқада қўлларини ортга чалиштирганча, тортиниб Наби турибди. Амра ҳам ўзининг асранди қизи – Руши билан шу ерда. Болаларнинг чехрасида табассум.

– Маркос!

Телефонимни ёпиб, пастга йўл олдим.

Талия олдимга бир стакан сут билан бир ликопчада буғи чиқиб турган помидорга беланган тухум қўйди.

– Хавотир чекма, сутга аллақачон шакар қўшганман, – деди Талия.

– Эсингда экан-да.

Эртаси куни рўй бериши кутилаётган қуёш тугилиши ҳақида бир оз суҳбатлашиб ўтирдик.

Ойим тушга яқин ётоқхонадан тушиб келди. Сочларини тараган кўринади. Унинг бир маромда одимлаётганини кўргач, бир оз енгил тортдим. Ойим жилмайганча менга қучоғини очди.

Қаҳва ичиш учун столга ўтирдик.

– Талия қаерда? – сўради ойим пиёласини қўзғай туриб.

– Ул-бул олгани чиқди. Эрта учун. Бу – сизникими, ойи? – мен янги ўриндиқ ортига деворга суяб қўйилган ҳассага имо қилдим.

– Ҳа, онда-сонда фойдаланаман. Оғир кунларда. Узоқ юрганимда ҳам.

Эртаси куни ташқарида, кушеткада узаниб ётар эдик. Кўзларимизга махсус кўзойнақлар тақиб, осмонга тикилардик. Баъзилар оилаларини олиб, Элин астрономия жамияти телескоплар ўрнатган майдонга – оролнинг нариги этагида жойлашган эди.

– Соат нечада энг баланд нуқтага етар экан? – сўрадим мен.

– Соат ўн яримларга яқин, – деди Талия. Сўнг кўзойнагини кўтариб, соатига қаради. – Бир соатлардан кейин.

Ўтган оқшом ойимнинг айтганларини ўйлаб диванда ётар эдим, хаёлларим Мадалинага кетди. Бола

эканман, бошқаларнинг онаси қилган ишларни ойим қилмасликларини ўйлаб бош қотирганларимни эсладим. Юрганимизда қўлимдан тутмаганлиги, тиззасига ўтирғизиб, эртақлар айтиб бермагани, хайрли тун тилаб, юзимдан ўпиб қўймаганлиги... Ҳа, буларнинг бари ҳақиқат эди. Аммо шунча йиллар давомида бундан улканроқ бўлган ҳақиқатни кўрмайдиган даражада кўр бўлган эканман: ойим ҳеч қачон мени ташлаб кетмас эди. У ҳеч қачон Мадалина Талияга қилган ишини менга нисбатан қилмас эди.

– Қаранг! – хитоб қилди Талия.

Тўсатдан бутун атрофимизда – ерда, деворларда, либосларимизда митти-митти ялтироқ ярим ойчалар кўзга ташланди, ярим ой шаклидаги қуёш зайтун дарахтимиз япроқлари узра нур соча бошлади. Бир митти ҳилол чашкамдаги қаҳвамда жимирласа, яна бошқаси пойабзал боғичимда рақсга тушарди.

– Менга қўлингизни кўрсатинг, Оди! – деди Талия. – Тезроқ!

Ойим қўлларини очди. Талия чўнтагидан тўртбурчак биллур олиб, ойимнинг қўллари устида тутди. Шу пайт ойимнинг ажин босган кафти узра митти ҳилол камалаги пирпиради. Ойим энтикиб кетди.

– Буни қарагин, Маркос! – деди у ёш қизлардек жилмайиб туриб.

Илгари унинг бунчалар шодон кулгисини ҳеч кўрмаган эдим.

Биз учаламиз ойимнинг кафтида рақсга тушаётган митти камалақларни томоша қилганча ўтирар эканмиз, кўнглимда ғусса ва ўша эски оғриқни туйдим, уларнинг ҳар бири тиканак каби томоғимга тиқилар эди.

«Сен яхши фарзанд бўлиб чиқдинг, Маркос. Сен билан фахр туйдим.»

Эллик бешга тўлдим. Ахир бутун умрим шу жумлаларни кутиб яшаган эдим. Ойим эса ҳануз «Чиройли-а, Маркос?» дея завқданар, мен «Ҳа, ойи. Жуда чиройли», дедим ва шу он ажиб бир ҳислар кўнглимни ёриб кира бошлаб, ойимнинг қўлларини кафтимга олдим.

IX

2010 йил. қиш.

Жажжи қизалоқ пайтларимда отам иккаламизнинг тунги одатимиз бўларди. Мен йигирма бир марта Бисмиллоҳни айтганимадан сўнг, отам мени ўрнимга ётқизар, сўнг ёнимга ўтириб, бармоқлари ёрдамида бошимдан қўрқинчли тушларни чиқариб юборарди. Сўнг уларни тиззасида турган кўринмас тўрвага солиб, ҳаводан гўзал тушларни изларди. Мен отамнинг қовоқларини уйиб, худди олисдан келаётган оҳангни тутиб олмақчи бўлгандек, қулоқларини у ён, бу ёнга олишини кузатиб ўтирар эдим. Нафасимни ичимга ютиб, унинг жилмайганча «Оҳ, мана биттаси», дея куйлашини кутиб ётардим. У қўлларини коса қилиб, гўё дарахтдан чир айланиб тушаётган гулбарг мисол тушларни кафтига қўнишига қўйиб берарди. Кейин эса оҳиста, ниҳоятда оҳиста (отамнинг айтишича, бу ҳаётдаги жамики эзгу нарсалар ниҳоятда нозик бўлиб, осонгина йўқотилар экан) қўлларини юзимга олиб келиб, кафтларини қошимга сурар ва шундай қилиб қувончни бошимдан сингдирар эди.

– Бу кеч нималарни орзу қиламиз, дада? – сўрар эдим мен.

– Бугунми? Хўш, бугун бутунлай ўзгачасидан бор.

Отам доим бошлашдан аввал шу жумлаларни такрорлар эди. У ўтирган жойида эртакларни тўқиб ташларди. Бирида мен дунёга донғи кетган рассом бўлсам, яна бирида сеҳрли бир оролнинг қироличаси бўлар эдим. Отам менга ўз отаси ҳақида кўп сўзлаб бермаган бўлса-да, эртақ сўйлаш қобилияти отасидан ўтганлигини таъкидларди. Болалик чоғларида отаси уни ёнига ўтиргизиб, унга девлар, жинлар ва сеҳргарлар ҳақида эртақлар сўзлаб берар экан.

Мен оилада ягона фарзанд эдим. Ука-сингиллари бор қўшни болалару мактабдошларимга қанчалар ҳавас билан қараганим ёдимда. Уларнинг биргаликда ўйнашиб, кулишиб юргани менга ғалати кўринар эди. Менинг туғишганларим бўлишини астойдил хоҳлар эдим.

Ҳаддан ташқари истаганим эса бу – эгизагим бўлиши эди. Шунинг учунми, отамнинг жажжи сингиси – Пари мендан бошқасига кўринмайдиган сирли ҳамроҳим эди. У мен доим ота-онамдан истаб келганим – синглим эди. Ҳар тонг ювиниш хонаси кўзгусида ёнма-ён туриб тишимизни тозалар эдик. Биргаликда кийинардик. Мактабга ҳам мен билан борар, ёнимдан жой олиб, тўғри синф тахтасига қараб ўтирар эди. Мен кўз қирим билан унинг тим қора сочларини, оппоқ юзларини кўриб турардим. Уни ўзим билан ўйин майдончасига олиб кетар, у ерда сирпанчиқ каби ҳар турли ўйинларни ўйнар эдик. Тушлик пайти эса, у сабр билан дераза ёнида мени кутиб турар, сўнг яна кўчага отилиб, арғамчида сакраб ўйнардик, ерда бир жуфт қизалоқнинг сояси тушиб, кўтариларди.

Ҳеч ким менинг Пари билан ўйнашимни билмас эди. Ҳатто отам ҳам. Бу менинг сирим эди.

Баъзан ён-атрофда ҳеч ким кўринмаса, биз узум еб туриб, узоқ-узоқ суҳбатлашардик. Ўйин-

чоқлар ҳақида, қайси болалар бўтқаси мазалироқ экани, ўзимиз ёқтирган мультфилм, мактабдаги биз ёқтирмаган болалар ҳақида суҳбатлашардик. Ёқтирган рангимиз ҳам бир эди (сарик), бир хил музқаймоқни (олчали) севардик, ёқтирган ТВ-шоу-миз (Альф) ҳам бир эди.

Иккаламиз ҳам катта бўлсак, рассом бўламиз дея орзу қилардик.

Унинг ташқи кўринишини ҳам худди ўзимдек тасаввур қилар эдим, нима бўлганда ҳам, биз эгизаклармиз ахир. Баъзан унинг суратини чизишга уринганим чоғ, унинг кўзларига ўзимники каби зангори тус берар, сочларини меникидек тим қора, жингалак қилар, бир-бирига туташай деб турган қошларини ҳам ўзимникидек чизар эдим. Биров ким сўраб қолгудек бўлса ҳам, ўзимнинг суратимни чиздим дер эдим.

Отамнинг синглисини йўқотиши ҳақидаги ҳикоя онам менга сўзлаб берадиган – сўнгроқ ота-онам мени ёздириб келган Хейуорддаги масжидда жойлашган якшанбалик мактабда кўп бор ўрганганим – Пайғамбаримиз тўғрисидаги ҳикоялар каби ёд бўлиб кетган эди. Шундай бўлса ҳам, ёд бўлиб кетганига қарамай, ҳар тун Пари ҳикоясини сўзлаб беришини отамдан сўрар эдим.

Балки исмларимиз бир хил бўлганлиги сабаб Пари ҳикояси мени ўзига тортар. Биз мен англаб етмайдиган қандайдир кўринмас иплар билан боғланган эдик, мен буни ҳис қилардим.

Нима деб ўйлайсан, отанг хафа бўлганмикан? Баъзилар қайғусини қалбига яширади, Пари. У ҳам шундай инсон бўлган. Унинг чеҳрасига қараб бундай дея олмайсан. У бардошли инсон. Аммо, менимча, ич-ичидан хафа бўлган.

Биз доим шундай суҳбатлашганимиз чоғлар, миямда ўй-фикрлар гулгун ўйнардди. Ҳамма пу-

лимни йиғиб қўяман-да, бир долларимни ҳам ширинлик ва этикеткаларга сарфламайман. «Чўчқача» ақчадоним лиммо-лим бўлгач, синдириб очаман, сўнг чўнтагим тўла пул, отамнинг жажжи сингисини қаерда бўлмасин топиш учун йўлга отланаман. Топгач эса уни қайтиб сотиб оламан-да, уйга – отамга келтираман.

Ўшанда отамни бахтли қилган бўлардим. Бу дунёда отам чеҳрасига соя солган қайғуни ариштидек орзуимдан ортиқ тилагим йўқ эди.

Эски Окленд Роуд дарвозасидан катта йўлга бурар эканман, соатимга кўз ташлаб олдим. Аллақачон ўн икки ярим бўлибди. Ҳар турли бахтсиз ҳодисаларни мустасно қилсак, Сан-Франциско халқаро аэропортига камида қирқ дақиқада етиб бораман. Яхшиямки, бу халқаро парвоз, у бир қанча назоратдан ўтиши лозим, бу эса менга қўшимча вақт беради. Чап йўлакдан секин сирғалиб ўтиб, Lexus тезлигини саксонга оширдим.

Радио қулоғини бураб, мамлакатдан жазга, жаздан яна алламбалоларга ўтдим. Сўнг ўчириб қўйдим. Ҳорфин ва асабий эдим. Телефонимни олиб, уйга қўнғироқ қилдим.

– Алло?

– Салом, дада. Бу – менман.

– Пари?

– Ҳа, менман, дада. Гектор иккалангиз яхши ўтирибсизларми?

– Ҳа. У – ажойиб йигит. Тухум пишириб берди. Биргаликда нон қизартгирдик. Сен қаердасан?

– Машинада кетяпман.

– Ресторангами? Бугун сменанг йўқ, шундайми?

– Йўқ, дада, мен аэропортга кетяпман. Бир кишини олиб келишим керак.

– Ҳа, яхши. Ойингдан биз учун тушлик тайёрлашини сўрайман. Ресторандан у-бу нима олиб келар.

– Яхши, дада.

Хайриятки, оймни бошқа тилга олмади. Аммо баъзан тўхтовсиз сўзларди. *Нега унинг қаердалигини менга айтмайсан, Пари? Уни операция қилишяптими? Менга ёлгон сўзлама! Нега ҳамма менга ёлгон сўзлайди? У кетдимми ёки? Афгонистондами? Унда мен ҳам бораман! Мен Кобулга бораман, мени тўхтата олмайсан!*

Биз шундайин олишиб ўтардик, отам телбаларча у ёқдан бу ёққа юрарди, мен эса уни ёлгонлар билан тўйдирардим, сўнг уй-жой қулайликлар каталогларими ё бўлмасам, телевизордаги у-бу нима билан уни чалғитишга ҳаракат қилардим. Баъзан бу иш берарди, аммо баъзан ҳийлаларим ўтмасди. Кўзларидан ёш чиқиб, жазавага тушгунга қадар ғалаён кўтарарди. Ўриндиқда ўтириб, ўзини ҳар ён урар, оёқлари қалтирарди. Кўзлари юмилгунча кутиб ўтирар эдим, юмилгач эса ўзимни диванга ташлар, ҳориб, йиғлаб юборай дердим.

– Гектор билан гаплашсам майлими, дада?

Гўшак қўлдан-қўлга ўтди.

– Салом, қизалоқ.

Гектор Хуарес кўчанинг нариги бетида яшайди. Неча йиллардан бери кўшни яшаб, сўнгги йилларда дўстлашиб қолган эдик.

– Салом, – дедим мен. – Бир хабар олай деган эдим.

– Бу ерда ҳаммаси жойида, – деди Гектор. – Овқатландик.

– Оҳ, кечирасан.

– Нима учун? Вақтимизни яхши ўтказяпмиз биз. Шундайми, Абе?

– Унга тухум пишириб берибсан, раҳмат, – дедим мен.

Гектор товушини пасайтирди:

– Аслида, оладья эди. Биласанми нима? Отанга таом жуда ёқди. Нақ тўртгасини паққос туширди.

– Сендан ниҳоятда қарздорман, рождествога сенга нима совға қилишни билгандекман энди, – қуддим мен.

– Нега турмуш қура олмаслигимизни менга яна бир эслатгин-чи? – деди Гектор. Отамнинг эйтирози, сўнг Гекторнинг гўшакдан узоқлашиб, кулиб юборгани эшитилди. – Ҳазиллашяпман, Абе. Менга дағаллик қилмасангиз-чи. Майибман ахир. – Гектор гўшакка кулиб деди: – Менимча, отанг ҳозиргина пуштунчасига менга ҳамла қилди.

Гекторга отамнинг дориларини беришини эслатиб, телефоннинг тугмачасини босдим.

Бу худди овозларини машинангизда ўтириб тинглаб, ташқи қиёфаси сиз хаёлингизда тасаввур қилганингиз каби бўлиб чиқмайдиган бирор радио бошловчининг суратини кўришдек эди. У кексайган эди. Анчайин кексайган ёки. Буни билардим, албатта. Ҳисоблаб кўриб, унинг ёши олтимишда деган хулосага келгандим. Фақат бу сочлари кумуш, озгиндан келган аёлни мен доим хаёл қилган жингалак сочлари қора, қошлари меникидек туташай деган уч яшар қизалоқ билан келиштириш қийин эди. У мен тасаввур қилганимдан кўра бўйчанроқ экан.

Аёл сэндвич дўконига яқин ўриндиқда ўтирганча, худди адашиб қолган одам каби тортиниб атрофга кўз ташларди. Менга ёзган сўнгги е-маилада мен дарҳол пайқашим учун бўйнида сариқ шарф бўлишини ёзган эди.

Юрагим отилиб қинидан чиқай дерди. Нигоҳларимиз учрашгач, унинг чеҳрасидан у ҳам мени таниб олгани сезилди. Аёл қўлини силкитди.

Ўриндиқ ёнида кўришдик. Жилмайганида оёқларим гандираклаб кетди. Бу аниқ отамнинг табассуми эди. Қучоқлашиб кўришдик, у юларимдан ўпди. Сўнг мени ўзидан узоқлаштириб, ел-

каларимдан тутганча, менга разм солди. Кўзлари бахтдан порлаб турарди.

– Кечикканим учун хижолатдаман, – узр сўрадим.

– Ҳечқиси йўқ, – деди у. – Ниҳоят сен биланман. Мен жуда бахтиёрман.

Унинг овозида французча талаффуз яққол сезиларди.

– Мен ҳам. Парвоз қандай бўлди?

– Дори ичиб олдим. Акс ҳолда, ухлай олмасдим. Ҳаддан зиёд хурсандман. Ниҳоятда ҳаяжонланяпман. – У жилмайганча менга термулар эди. – Абдулла келаётганимдан хабар топдимми?

– Унга уйга меҳмон олиб келаётганимни айтдим.

Машинага ўтиргач, унга бир қур назар ташладим. Ғалати эди. Машинамда, мендан атиги бир-неча сантиметр масофада Пари Ваҳдатининг ўтириши қандайдир ғалати кўринарди.

– Аҳволинг яхшими? – сўради у мендан, ўриндиқ камарини боғлай туриб.

– Хаёлимда эриб кўздан йўқолиб қоладигандексиз.

– Кечирасан?

– Ҳалиги... бунга ишониш қийин, – дедим мен.

– Ростдан ҳам борлигингизга. Ҳақиқатдан ҳам шу ерда эканлигингизга.

У бошини ирғаб, жилмайди.

– Оҳ, менга ҳам. Мен учун ҳам ғалати. Умрим бино бўлиб, исми меники билан бир хил бўлган кишини учратмаган эдим.

– Мен ҳам. – Калитни бурадим. – Болаларингиз ҳақида сўзлаб беринг.

У оиласи ҳақида менга ҳаммасини сўзлаб берди.

– Сенинг ресторанинг бор-а? – сўради у. – Хатларингда айтгандинг, менимча.

– Ота-онамники бор эди. Ресторани бўлиш отамнинг орзуси эди. Мен уларга ёрдам берардим. Аммо бир неча йил аввал уни сотишга мажбур бўл-

дим. Онам вафот этгач ва отам... бошқара олмай қолгандан сўнг.

– Оҳ, шундайми, узр.

– Ҳожати йўқ. Мен ресторан ишлари учун яралмаганман.

– Ҳа. Сен рассомсан.

Илк суҳбатларимизда у мендан нима иш қилишимни сўраганида, мен бир кун келиб санъат ўқув юртида ўқишни орзу қилишимни айтган эдим.

– Аслини олганда, мен транскрипциячиман.

Унга бир фирмада ишлашимни айтдим.

– Мен улار учун брошюралар, харидолар рўйхати, е-майллар рўйхати каби нарсаларни ёзиб бераман. Асосийси, қандай ёзишни билишингиз керак, холос. Тўлови яхши.

– Тушунарли, – деди у. – Қилаётган ишинг сенга ёқадими?

Биз Редвуд Ситидан ўтиб бораётган эдик. Қўлим билан ойна томон имладим.

– Анави бинони кўряпсизми? Кўк белгиси бор баланд бино?

– Ҳа.

– Мен ўша ерда туғилганман.

– Оҳ, *туғилган ер*. – У ўта-ўтгунимизча бўйинини чўзиб бинодан кўз узмай қолди. – Сен омадлисан.

– Нега?

– Қаердан эканлигингни биласан.

Мен бунга у қадар ҳам эътибор қаратмаганман.

– Балки, шундайдир. Аммо ўз илдингни билиш жуда ҳам муҳим. Қай бир нуқтадан инсон бўлиб ҳаёт бошлаганингни билиш муҳим. Агар билмасанг, ҳаётинг ҳақиқатга ўхшамайди. Жумбоқ мисол бўлади. Худди бир ҳикоянинг ўртасида келиб қолиб, бошини била олмай, гап нимада эканлигини тушунмай ҳалак бўлишга ўхшайди.

Отамнинг шу кунлардаги ҳолатини тасаввур қилдим. Унинг ҳаёти жумбоқларга тўла эди. Ҳар

бир кун синоатли ҳикоялар ва жумбоқлар билан курашиб ўтарди.

– Ишинг ўзингга ёқадими, дея сўраган эдингиз-а? – дедим мен. – Бир кунни уйга келиб, жўмрак очиқ қолганига кўзим тушди. Ерда шиша синиқлари сочилиб ётар, газ плитасида олов ёқилганча қолиб кетган. Шунда отамни ортиқ ёлғиз қолдириб кетиб бўлмаслигини тушундим. Қаровчи ёллашга қурбим етмаганидан, уйда ўтириб ишласа бўлади-ган иш изладим. Бундай ҳолатда ишнинг ёқиш-ёқмаслиги муҳим эмас эди.

Санъат эса кутиб туради.

Кутишга мажбур.

Пари ойнадан бир қаватли уйимизга, дераза безаклари, икки томони тошдан йўнилган бир жуфт арслон қўриқлаб турган эшигимизга кўз ташлади. Бу ҳайкалларни олиб ташлашга юрагим дов бермасди, отам уларни ниҳоятда ёқтирарди. Бу уйда 1989 йилдан буён яшардик. Онам ҳам шу уйда вафот этганди.

– Ҳаяжонланяпман, – деди Пари оҳиста.

– Тушунман, – дедим мен. – Ахир орадан эллик етти йил ўтди.

– У ҳақида деярли ҳеч нарсани эслай олмайман. Эслаганим – унинг чеҳраси ёки овози эмас, доим ҳаётимда ниманингдир етишмаётгани эди. Яхши бир ниманинг. Нимадир... Оҳ, нима дейишни ҳам билмайман.

Бош ирғадим. Уни қанчалар яхши тушунишимни унга ҳозир айтишим керакмикан дея ўйладим. У ҳам менинг бу дунёда мавжудлигимни ҳеч қалбан ҳис қилганми, сўрагим келди.

У шарфининг учларини ўйнаб туриб сўради:

– Нима деб ўйлайсан, у мени эслай олармикан?

– Ҳақиқатни билишни истайсизми?

– Албатта, ҳа.

– Эсламагани маъқул, балки. – Мен узоқ йиллардан бери оиламиз шифокори бўлган Доктор Баширий сўзларини эсладим. Унинг айтишича, отамга одатий ҳаёт лозим. Ҳаяжонланиш мумкин эмас. – Бир дақиқа машинада қола оласизми? Мен дўстимни жўнатгач, отам билан кўришар эдингиз.

У қўллари билан юзини ёпди, унинг йиғлаб юборишини кутмаган эдим.

Ёз ойлари ота-онамнинг ресторанида ишлар эдим. Болалик чоғларим столларни артиб олиш, кумуш идишларни териш, сочиқларни буклаш, стол ўртасидан жой олган гулдонларга гербералар¹ солишни жуда севардим. Оилам бизнесида ўзимни жуда керакли инсондек тутардим, мен туздон ва қалампирдонларни тўлдирмасам, ресторанимиз таназзулга учрайдигандек эди гўё.

Юқори синфга ўтгач, ресторан ичидаги болалигимда мени тутиб турувчи нарсаларнинг кўпчилиги хира тортди.

Мақтабни битирар йилларим бир куни отам билан ресторан олдида, машинада ойимни кутиб ўтирар эдик.

– Балтиморгача масофа олис, – деди отам.

– Истаган пайтингиз учиб бора оласиз, – дедим мен қувнаб.

– Истаган пайтим? – деди отам масхараомуз кулди. – Пари, мен яшашимиз учун кабоб пиширишим керак.

– Унда ўзим келаман.

Отам ранжиган куйи менга қаради.

Бир ой мобайнида кунда почта қутисини текширар эдим. Ҳар почта машинаси келганида умиддан юрагим потирларди. Ниҳоят ўтган ҳафта пайшанбасида хатжилдни йиртиб очгач, ўзим

¹ Мураккабгуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик.

муштоқ бўлган жумлаларга кўзим тушди: *Сизга мамнуният билан маълум қиламизки...*

Қичқирганча сакраб ўрнимдан турдим. Шу он шууримда тасвир пайдо бўлди: галереядаги очи-лиш маросими, мен – эгнимда қора, башанг либос – мухлислар ва танқидчилар қуршовида, жилмай-ганча саволларга жавоб беряпман, оқ қўлқопли хизматкорлар даврага вино улашиб юрибди.

– Мен онангдан хавотир оляпман, – деди отам.

– Ҳар куни қўнғироқ қилиб тураман. Сўз бера-ман. Биласиз-ку мени.

– Ҳалиги гап тўғрисида яна ўйлаб кўрмадингми?

– Икки йиллик коллеж ҳақидами?

– Фақатгина бир йил, ё икки йилдир. Шунчаки сенинг фикрингга кўникиши учун ойингга вақт берсанг.

Тўсатдан жаҳддан титраб кетдим.

– Дада, бу одамлар менинг тест натижаларимни кўриб чиқиб, ижодий ишларимни кўздан кечириб, менинг ижодим нафақат мени ўқув юртига қабул қилишга, балки стипендия белгилашга ҳам лойиқ деб топишди ахир. У мамлакатимиздаги энг яхши институт бўлса. Бу инкор қиладиган мактаб эмас ахир. Яна бир имкониятга эга бўлиш амри маҳол.

– Ҳақсан, – деди у. – Тушунаман, албатта. Сен учун хурсандман. – Унинг чеҳрасига боқиб туриб, қалбида юз бераётган галаёнларни кўриб турар-дим. Кўрқинч бор эди. Уйдан салкам уч минг миль олисда менга нима бўлиш қўрқуви эмас, мени йўқотиб қўйиш қўрқуви эди.

Отам томоғини қириб, ойнадан тим қора осмон-га, булут қоплаган ойга қаради. Кўзлари намлан-ганди.

– Ҳар бир нарса менга сени эслатади.

Орқа ўриндиқдан отам томон чўзилиб, юзидан тутдим. Отам юзини кафтимга босди.

– Нега узоқ қолиб кетди экан? – деди отам.

– Эшикни қулфлаяпти.

Ойим машина томон шошилди. Майда-майда ёғаётган ёмғир жалага айланди.

Бир ойдан сўнг ойим кислотага қарши дорилар ошқозон оғриғига ҳеч қандай фойда бермаётганини айтиш учун доктор Баширий олдига кетди. Доктор унга ультратовушдан ўтишни буюрди. Ўшанда шифокорлар ойимнинг чап тухумдониди катталиги ёнғоқдек келувчи шиш топишди.

– Дада?

Отам диванда ҳаракатсиз ўтирарди. Эгнида спорт шими, оёқлари қалин жун рўмол билан ўралган. Ўтган йили мен совға қилган кардиган билан фланель кўйлак кийиб, кўйлакнинг тутмаларни охиригача ўтказиб олган. У шу кунларда тутмаларини охиригача ўтказ деб оёқ тириб оладиган бўлганди.

Отам хаёлчан ва хомуш қиёфада «Ким миллионер бўлишни истайди?» кўрсатувини томоша қилиб ўтирарди. Уни чақирганимда худди мени эшитмагандек экрандан кўз узмади, сўнг нигоҳини аранг узиб, норози кўринишда менга қаради.

– Дада, бир сонияга телевизор овозини ўчириб турсам бўладими?

– Мен кўрсатув кўряпман.

– Биладан. Аммо меҳмонингиз келганди.

Бир кун олдин унга Пари Ваҳдати келаётганини айтгандим. Аммо уни эслай оладими ёки йўқми, сўрамаган эдим.

Мен пультали олиб, телевизор овозини ўчирдим-у, ўзим ғазаб тўфонига ҳозир турдим. Хайриятки, отам чуқур хўрсинди-ю, қаршилиқ билдирмади. Остонада турган Парини имладим. Пари оҳиста юриб, бизга яқинлашди. Отамнинг рўпарасида у учун ўриндиқ тортиб қўйдим. Пари ниҳоят-

да ҳаяжонланар эди. Ранги оқариб, тиззаларини жуфт қилиб ўтирар, нигоҳлари эсламоқчи бўлган-дек отамнинг юзига қадалган эди.

– Ота, бу сизга айтган дўстимиз бўлади.

Отам қаршисида ўтирган сочлари кумуш аёлга назар ташлади.

Пари томоғини қирди. Сўнг овози титраб:

– Салом, Абдулла! Менинг исмим – Пари. Сени кўриб жуда хурсанд бўлдим, – деди.

Отам секин бош ирғади. У бир менга, бир Пари-га қаради. Ниҳоят жилмайганча:

– Акцент билан сўзлар экансиз, – деди.

– У Францияда яшайди, – дедим мен. – Ундан кейин, дада, у билан инглиз тилида гаплашинг. У форсчани тушунмайди.

Отам бош ирғаб қўйди.

– Лондонда яшайсизми? – сўради Паридан.

– Дада!

– Нима? – у ярқ этиб менга қаради. Сўнг хижолатомуз кулимсираб, форсийдан инглизга ўтди. – Лондонда яшайсизми?

– Парижда. Парижда, кичик бир квартирада яшайман. – У отамдан кўз узмасди.

Мен доим рафиқамни Парижга олиб бориш ҳақида ўйлар эдим. Султана эди исми, руҳи шод бўлсин. У доим менга «Абдулла, мени Парижга олиб боринг. Мени Парижга қачон олиб борасиз?» деяверарди.

Аслидан ойим саёҳат қилишни кўп ҳам ёқтирмас эди.

– Ҳа, Париж сўлим шаҳар, – деди Пари.

– Балки энди олиб борарман уни, – деди отам. – Аммо ҳозир у саратон касалига чалинган.

Пари бош ирғаб туриб, бир менга, бир отамга қаради.

– Унинг энг кўп истагани – Эйфель минорасига чиқиш эди. Сиз ҳеч кўрганмисиз уни?

– Эйфель минорасиними? – сўради Пари Ваҳдати жилмайиб. – Оҳ, албатта. Ҳар куни кўраман. Аслини олганда, истасам ҳам ундан қочиб қутула олмайман.

– Чиқиб кўрганмисиз? Энг юқорисигача? – сўради отам.

– Ҳа. Юқоридан ниҳоятда гўзал кўринади. Аммо мен баландликдан кўрқаман, шунинг учун менга доим ҳам қулай эмас. Аммо ҳаво очиқ кунлар юқоридан туриб боқсангиз, олтмиш километрдан ортиқ масофа кўзга ташланади. Албатта, Парижда кунлар доим ҳам қуёшли бўлавермайди.

Отам нималардир деб гулдираб қўйди. Отамнинг суҳбатга киришганидан руҳланган Пари минора ҳақида муфассал сўзлай кетди. Аммо у отамнинг нигоҳини мен каби ўқий олмас эди-да. Отамнинг кўзларидан маъно қочди. Пари уни бой берганини фаҳмламади ҳам, отамнинг ўй-хаёллари шамол учирган япроқлар мисол алақачон йўналишини ўзгартирган эди. Пари ўзини яқинроқ олди.

– Абдулла, улар минорани ҳар етти йилда бўяб туришга мажбур эканларидан хабаринг борми?

– Исмингизни нима деган эдингиз? – сўради отам.

– Пари.

– Қизимнинг исми ҳам шундай.

– Ҳа, биламан.

– Исмингиз бир хил экан, – деди отам. – Сизлар – икковингизнинг исмингиз айни экан.

– Абдулла, сендан бир нарса сўрасам майлими?

Отам елка қисди. Пари изн сўрагандек менга қаради. Мен давом этаверинг дегандек бош ирғадим. У олдга энгашиди.

– Қизингнинг исмини нега бундай қўйгандинг?

Отам нигоҳини деразага олди.

– Эслай оласанми, Абдулла? Нега айнан шу исм?

Отам бош чайқади. Кийимидан тортқилаб, томоғигача олиб бориб сиқимлади. Сўнг лаблари хиёл қимирлаб, безовта бўлган чоғларида ёки бўлмаса, ҳамма нарса хиралашиб жавобини йўқотгач, фикрларининг равшан тортишини пойлаган чоғлар айтадиган оҳангдор хиргойини пичирлай бошлади.

– Абдулла? Нима у? – сўради Пари.

– Ҳеч нарса, – гўнғирлади отам.

– Йўқ, сен куйлаётган қўшиқ қандай қўшиқ?

Отам чорасиз менга қайрилиб қаради.

– Болалар шеърчасига ўхшаш, – дедим мен. – Эслайсизми, дада? Болалигингизда онангиздан ўрганганлигингизни айтган эдингиз.

– Тўғри.

– Уни мен учун куйлаб бера оласанми? – шошилганча сўради Пари овози ўзгариб. – Ўтинаман, Абдулла, куйлай оласанми?

Отам бошини қуйи солиб, оҳиста бош чайқади.

– Айтақолинг, дада, – дедим юмшоқлик билан.

Отам иккилана-иккилана титроқ овозда бошини кўтармай икки мисрани такрор-такрор куйлади.

*Тут дарахти соясида бир
Кўрдим маъюс жажжи парини.*

Яна икки мисра давоми бор эканлигини отам айтарди, – дедим мен Парига. – Аммо уни унутиб қўйган экан.

Пари кафти билан оғзини тўсиб, йиғлаганга ўхшаб кулиб, «Оҳ, тангрим» дея шивирлади, сўнг форс тилида:

*Қай бир оқшом шамол учуриб
Олиб келган маъюс парини.*

Отамнинг пешонаси тиришди. Бир онгина унинг кўзларида ёлқин аксини кўргандек бўлдим. Отам бош чайқади.

– Оҳ, Абдулла... – шивирлади Пари.

Жилмайган куйи кўзларидан ёш оқиб отамнинг қўлларини қўлига олди. Ҳар бирини ўпиб, юзларига босди. Отам ҳам жилмаяр, кўзлари ёшланганди. Пари қувонч кўз ёшларини артаётиб менга қаради. У тўсиқни енгиб ўтдим дея, эртақлардаги жин мисол сеҳрли куй ёрдамида йўқотган акасини чорладим дея ўйлаётганди. Аммо бу илиқ муносабатига қарши жавоб эканлигини дам ўтмай тушунади ҳали. Бу ғайришуурий туйғудан бошқаси эмас.

Доктор Баширий менга хосписнинг¹ телефон рақамини тутқазишидан бир-икки ой аввал ойим билан мен Санта-Крус тоғига саёҳат уюштириб, дам олиш кунлари бир меҳмонхонада қолдик. Ойим узоқ саёҳатларни ёқтирмас эди, шунинг учун қаттиқ ётиб қолмасидан олдин биз онда-сонда қисқа муддатли саёҳатларга чиқиб турардик.

– Пари?

– Ҳа!

– Сенга бир гапни айтишни истайман.

– Яхши.

– Отангнинг Покистонда бир укаси бор, – деди ойим. – Ўгай укаси.

Мен ярқ этиб ойимга боқдим.

– Исми Иқбол. Ўғиллари бор. Пешовар яқинидаги қочоқлар лагерида яшайди.

Қўлимдаги пиёлани қўйиб, офиз жуфтладим, аммо ойим сўзлашга қўймади.

– Бунга энди айтаётганим ажабланарли, шундайми? Аммо отангнинг бунга маълум сабаблари

¹ Тузалишига умид йўқ беморларга мўлжалланган шифона.

бор. Вақти келиб буни тушуниб етишингга ишончим комил. Муҳими – унинг ўғай укаси бор ва отанг унга кўмак тариқасида пул жўнатиб келади.

– Нега айтяпсиз буни менга унда?

– Чунки отанг айтмаган тақдирда ҳам, буни билишинг керак, деб ўйлайман. Бунинг устига тез орада маблағлар сенинг қўлингга ўтади, бари бир бундан хабар топардинг.

Бошим гангиб қолганди. Қўшма Штатлардан ташқарида қариндошим бор экан.

– Бу ишларни ҳали узоқ вақт ўзингиз қиласиз, ойи, – дедим овозим титраб.

– Йўқ, қизалоғим, қила олмайман. Вақт етди, бунга тайёр туришинг лозим.

Томоғимга йиғи тиқилди.

– Отанг ёш болага ўхшайди. Уни ташлаб кетишларидан жуда қўрқади. Пари, у сенсиз йўлини йўқотиб қўйиши мумкин.

Кўзларим ёшга тўлди.

– Укаси бор экан-а.

– Ҳа.

– Бир талай саволларим бор.

– Бу кеч мендан сўраб қол. Ҳоримасимдан аввал. Бор билганимни сенга айтаман.

Бош ирғадим, сўнг совиб қолган чойдан ҳўпландим.

Отам диванда ухлаб қолгач, Пари унинг оёқларини шолрўмол билан яхшилаб ўраб қўйди. Сўнг биз ошхонага ўтдик.

– Сенга бир нималар кўрсатмоқчиман, – деди Пари овози тўлқинланиб.

У столнинг ёнида ўтирганча, бир оз аввал жомадонидан чиқарган альбомини варақларди. Пари бир суратни нуқиб кўрсатди.

Мана бу – отанг билан мен туғилган жой. Укам Иқболнинг ҳам.

У Париждан илк бор менга қўнғироқ қилганида айтаётганлари ёлғон эмаслигини исботи сифатида Иқболнинг исмини тилга олганди. Аммо мен унинг сўзлари ҳақиқат эканлигини аллақачон англаган эдим. Гўшакни кўтариб, нариги томондан саси келган аёл отамнинг исмини айтиб тўғри тушганини сўраган ондаёқ билгандим буни. «Ҳа, сиз ким бўласиз?» дея сўрагандим ўшанда. «Мен унинг синглисиман», деган эди у. Юрагим қинидан чиқай деганди. Аммо у қадар ҳам ажабланмаган эдим. Қачондир бир ҳодиса сабабми, омадми, тақдир сабабми, бунинг номини нима деб атасангиз атанг, бир кун биз бир-биримиз билан учрашар эдик – мен ва У.

Гўшакни кўтариб, орқа ҳовлига ўтдим.

– Кимлигингизни биламан мен, – дедим гўшакка. – Бутун ҳаётим давомида билиб келдим.

Гўшакнинг нариги томонида жимлик чўкди. Унинг сассиз йиғлаётганини фаҳмлаб турардим.

Биз нақ бир соатга яқин суҳбатлашдик. Мен Парига у билан нима юз берганини билишимни, ҳар оқшом уйқуга кетиш олдидан отамни шу воқеани қайта-қайта сўзлаб беришига ундаганларимни гапириб бердим. Пари ҳам ўз навбатида ўз ўтмиш ҳикоясидан ўзининг хабари бўлмаганини, агар ўтай тоғаси – Наби ўлими олдидан хат қолдирмаганида, ҳеч қачон буларни билмай оламдан ўтиб кетган бўлишини айтиб берганди.

Мен альбомни яқин тортиб, Пари кўрсатган суратга разм солдим. Суратда тиканакли сим тўр тортилган баланд оппоқ девор ортида ҳайбатли қаср ястанган эди.

– Оҳ, худойим! – ҳайратга тушдим мен. – Бу жуда даҳшатли жой. Аффонлар буни Наркосарой деб атар экан. Бу машҳур уруш жиноятчисининг уйи.

– Демак, Шодбоғдан қолган бор-йўқ нарса шу экан-да!

– Ҳа, Эски Шодбоғдан қолгани шу. Мана шу ва бир неча сотих майдондан иборат мевали боғ. – Пари бармоғини сарой устидан юргизди. – Мен эски уйимиз айнан қаерда эканлигини билгим келганди.

Пари биз билан бир ой яшади. Бирга овқатлар, биргаликда суҳбат қурадик. Нонуштадан сўнг мен иш хонамга, аниқроғи ётоқхонамга чиқиб кетар, мен ишлаётганимда, Пари отамга ҳамроҳлик қиларди. Парининг талаби билан унга отам томоша қилишни ёқтирадиган ТВ кўрсатувлар, кундузги дориларини ичиш вақтлари, хуш кўрган егуликлари келтирилган рўйхат ёзиб бердим.

Бир куни ишимда танаффус қилиб, қаҳвамни янгилаш учун ошхонага тушсам, отам билан Пари биргаликда фильм томоша қилаётган эканлар.

– Мана буниси ким бўлди? – сўради отам.

– Бу – Латика.

– Ким?

– Латика, харобадан чиққан қизалоқ. Поездга чиқа олмай қолган қизалоқ.

– Бу ўша кичкина қизалоққа ўхшамайди-ку.

– Ҳа, лекин орадан анча йиллар ўтди, – деди Пари. – Энди у вояга етди.

Яна бир куни учаламиз боғда ўриндиқда дам олиб ўтирганимизда Пари отамдан сўради:

– Абдулла, болалак чоғларингда кичкина сингилчанг бўлганлигини эслай оласанми?

У гапини тугатар-тугатмас отам йиғлашга тушди. Пари «Оҳ, кечир! Кечир мени!» дея унинг бошини кўксига босар, саросимага тушиб кафти билан отамнинг ёноқларидан ёшларни сидирар эди. Аммо отам тинимсиз йиғлашда давом этди.

Бошқа бир куни Парига:

– Сизга бир нима кўрсатаман, – дедим. Сўнг хонамга чиқиб, бир тахлам почта откриткасини олиб қайтдим. – Мана улар.

Пари столдан кўзойнагини олиб тақиб, откриткалар боғлаб қўйилган тасмани ечди. Сўнг биринчи турганини олиб қовоғини уйди. Бу – Лас Вегаснинг – Цезар Саройининг оқшомги тасвири эди. Пари откриткани очиб, овозини чиқариб ўқиди:

1992 йил, 21 июль

Азизам Пари!

Бу ерлар қанчалик исиб кетганини тасаввур ҳам қила олмайсан. Бугун отам ижарага олган машинамизнинг соябонига кафтини қўйган эди, қўли куйиб, қавариб чиқди. Ойим отамнинг қўлига тиш настаси қўйишига тўғри келди. Цезар саройида қизил ёпингич ёпиниб, дубулга кийган ва қилич тутган аскарлар бор экан. Отам ойимнинг улар билан суратга тушишига шунча ундаса ҳам, ойим кўнмади. Аммо мен тушдим! Уйга борганимда сенга кўрсатаман. Ҳозирча шу. Сени соғиндим. Кошки сен ҳам шу ерда бўлсанг».

Пари.

P.S. Бу хатни ёзаётганимда «даҳшат» пломбир-музқаймоқни еяётган эдим.

Пари навбатдаги откриткани очди. Ҳёрст қасри. Пари бу гал шивирлаб ўқиди.

«Ўзининг ҳайвонот боғи бор экан. Қанчалик зўр-а? Кенгурулар, зебралар, антилопалар, бақтрия туялари (уларнинг икки ўркакчи бор экан!). Микки Мауслардан бири, бошида афсунгарлар қалпоғи, сеҳрли таёқчасини силкитарди. Шундан осилган бир йигит тушганида ойим қичқариб юборди. Бир эшитсанг эдинг унинг қичқирганини. Сени соғин-

дим. Ишончим комил, сенга бу ер ёққан бўларди.
Кошки эди шу ерда бўлсанг. Кошки эди».

Пари кўзойнагини ечди.

– Сен ўзингга ўзинг откриткалар ёзганмидинг?

Мен бош чайқадим.

– Сизга. – Сўнг кулиб, – Бир оз хижолат бўляпман, – дедим.

Пари откриткаларни столга қўйиб, мен томон энгашди.

– Сўзлаб бер менга.

– Мен пастга қараб, қўлсоатимни билегимда тинмай айлангирдим.

– Сиз билан иккимизни эгизаклар деб тасаввур қилардим. Сизни мендан бошқа ҳеч ким кўрмасди. Сизга ҳамма нарсани айтардим. Барча сирларимни. Сиз мен учун ҳақиқий эдингиз, доим ёнимда эдингиз. Сиз туфайли ўзимни у қадар ҳам ёлғиз ҳис қилмас эдим. Худди биз *Doppelgänger*лар¹ каби эдик. Бу сўзни биласизми?

– Ҳа.

Унинг нигоҳига табассум югурди.

– Менда эса аксинча эди, – деди Пари. – Сен кимнингдир мавжудлигини ҳис қилган бўлсанг, мен эса кимнингдир йўқлигини ҳис қилиб яшадим. Ҳеч қандай сабабсиз ғалати оғриқ бор эди. Мен худди шифокорга қаери оғриётганигини туншунтириб бера олмаётган бемор каби эдим.

Пари қўлини қўлимга қўйди, бир муддат иккимиз ҳам жим қолдик. Диван томондан отамнинг инграб, қимирлагани эшитилди.

– Ниҳоятда афсусдаман, – дедим мен.

– Нега афсусдасан?

– Бизни шунчалар кеч топганингизга.

– Аммо бари бир ҳам топишдик, шундай эмасми?

– деди овози ҳаяжондан ўзгариб. – Мен бахтиёр-

¹ Иккита бир-бирига ўхшаш инсон

ман. Ахир йўқотган иккинчи ярмимни топдим. – Пари қўлларимни сиқди. – Сени ҳам топдим, Пари.

Унинг сўзлари болалик чоғларимдаги кучли иштиёқни ёдимга солиб юборди. Ҳамон ёдимда – ўзимни ниҳоятда ёлғиз ҳис қилган онларимда исмимизни айтиб чақирар, сўнг нафасимни ичимга ютганча, акс садога муштоқ бўлардим. Бир кун келиб бу акс садо етиб келишига ишонар эдим.

Отам тирсакларига таяниб, қаддини ростлади. Сўнг қўзларини ишқалаб, биз томон қаради.

– Сиз хонимлар нималарни сирлашяпсизлар? – жилмайди отам.

Бир куни йўлакдаги жавонни тозалаётиб, бир жуфт жомадонни гаражга жойлаштириш учун олиб чиқаётганимда, жомадонлардан бирининг ичида нимадир урилгани эшитилди. Уни очиб, қалин жигарранг қоғоз билан ўралган бир пакет топиб олдим. Унга бир конверт ёпиштирилган, конвертнинг устига эса инглиз тилида «Синглим – Парига», деб ёзиб қўйилган эди. Отамнинг дастхатини дарҳол танидим.

Энди шу ўрамани очмасдан Парининг қўлларига тутқазаетган эдим. Пари уни қўлимга қайта узатди. Унинг учун ўрамани ўзим очдим. Ичидан қопқоғида узун қизил камзул кийиб, соқол қўйган бир ҳинд тасвири солинган хира сурати бор чоғроққина эски чой қути чиқди. Қутининг зулфинини тушириб, қопқоғини кўтардим. Қути ранг-баранг тусдаги, турфа шаклдаги патларга лиқ тўла эди. Бири калта, қуюқ яшил, яна бири сарғиш малла; манави шафтоли рангдагиси ёввойи ўрдакнинг пати бўлса керак; учида катта кўзи бор яшил товус пати.

Мен Парига ўгирилдим.

– Сиз буларнинг нималигини биласизми?

Пари ияклари титраб, оҳиста бош чайқади. У қутини қўлимдан олиб, ичига термилди.

– Йўқ, – деди у. – Билган ягона нарсам – Абдулла билан мен бир-биримизни йўқотиб қўйгач, мендан минг чандон ортиқ азоб чеккан. Омадим келиб, гўдак эканлигим мени бу азобдан асраган. Мен ҳануз унутиш ҳаловатини ҳис қиламан. У эса унутгани йўқ. – Пари патлардан бирини олиб, гўё пат ҳаётга иниб, парвоз қилишига умид қилган-дек термилиб, билагига суркади. – Бу патлар нима-ни англатишини билмайман, аммо бу Абдулла доим мени эслаганини билдиради. Ўтган шунча йиллар мобайнида у бир дам бўлса-да мени ёдидан чиқармаган.

Ўша тун алламаҳалгача уйқу тутмади мени. Бурилиб, ёнимда сокин ухлаётган Парини кузатдим. Ой шуъласида унинг юзлари рангпар кўринар эди. Парининг чехрасида отамни кўрдим – навқирон ва бахтиёр отамни. Энди ҳар Парига термилганим чоғ отамни кўришимни билардим.

ТАМОМ

Адабий-бадiiий нашр

ХОЛИД ҲУСАЙНИЙ

ТОҒЛАР ҲАМ САДО БЕРДИ

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадiiий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10.да берилган.

Босишга 2016 йил 10.05.да ружсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 15,0. Шартли босма табағи 25,02.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 101.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«Янги аср авлоди» НММ
«Камолот кутубхонаси» рукнида
қуйидаги янги китобларни нашр этди:**

Лев Толстой

**«УРУШ ВА ТИНЧЛИК» 1-2-китоблар
Бичими 84x108 1/32, 976 бетдан
Қаттиқ муқова**

Бу китоб фақат уруш ёхуд тинчлик ҳақида эмас. Унда мавзулар қамрови – одамлар қисмати, уларнинг тақдири, ўйлари, қарашлари ва айни пайтда бўлаётган жараёнга муносабати китобхон эътиборидан четда қолмайди. Қолаверса, мутолаа жараёнида қалбингизга яқин бўлиб қолган ёхуд жамиятда қандай мавқега эга бўлишдан қатъи назар урушни ўзининг тақдири билан боғлаган ва бўлаётган воқеаларга фаол муносабат билдираётган қаҳрамонлар қисмати сизга фавқулодда ҳодиса эмас, балки ўз эрки, ўз номуси учун курашаётган тимсол сифатида гавдаланади.

Андрей Болконский, Пьер Безухов, Николай Ростов, Наташа, Соня, Мари – улар билан узоқ муддат ўзингизни ҳамфикр, йўлдош, ҳамсуҳбат-дек ҳис қиласиз...

Теодор Драйзер

**«АМЕРИКА ФОЖИАСИ» 1-2-китоблар
Бичими 84x108 1/32,
1-китоб – 624 ва 2-китоб 688 бет
Қаттиқ муқова**

Теодор Драйзернинг эътиборингизга ҳавола этилаётган икки қисмдан иборат йирик «Америка фожиаси» романи ҳамиша бутун дунёни ўз гоёлари

атрофида бирлаштиришга уринган гигант давлат – Америкада ўша вақтларда юз берган воқеликни кенг қамраб олганлиги, воқеаларнинг изчиллиги билан ҳамиша китобхонлар эътиборини ўзига жалб этиб келган.

Асарнинг бош қаҳрамони Клайд Грифитс камбағал оилада туғилиб-ўсган йигит. Унинг бойлик орттириш йўлида қилган ножўя хатти-ҳаракатлари, бу йўлда ҳеч қандай қинғир ишлардан қайтмаслиги ва уни шундай ишларни қилишга қўйиб берган табиати – юзсизлиги, шафқатсизлиги каби-лар бир қаҳрамон тимсоли орқали ўша давр Америка муҳити ҳақида ўқувчида яхлит тасаввур пайдо қилади.

Оноре де Бальзак

«ДАҲРИЙНИНГ ИБОДАТИ»

84x108 1/32, 208 бет

Юмшоқ муқова

Оноре де Бальзак асарлари Европа адабиёти-нинг гултожи саналади. Гобсек, Деплен, Горио Ота, Луи Ламбер – уларнинг ҳеч бири бир-бири-ни такрорламайди, улар қалбидаги муштарак мақсад, ички зиддиятлар, орзулар, боринги, адабиётнинг инсониятга кўрсатадиган хизмати нуқтаи назаридан бир-бирига жуда яқин. Мана шу ички кечинмаларни юракдан ҳис этган Бальзак ўз асарларидан бирида шундай ёзади: «Киши ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин лоақал унинг фикр-асрори, унинг бахтсизлиги, унинг ҳаяжонига шерик бўлиш керак».

Қадрли китобхон! Агар Бальзак қаҳрамонларининг ички кечинмаларини тушунмоқчи бўлсангиз, албатта, ушбу асар мутолаасига шошилинг.